

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**MAKTABGACHA TA’LIM RIVOJLANISHINING YANGI
IMPLUSLARI: ILMIY TADQIQOTLAR, TIJORATLASHTIRISH,
RAQAMLASHTIRISH MASALALARI**

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

1-kitob



**Navoiy shahri,
28.09.2023**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

**“MAKTABGACHA TA’LIM RIVOJLANISHINING YANGI
IMPLUSLARI: ILMIY TADQIQOTLAR, TIJORATLASHTIRISH,
RAQAMLASHTIRISH MASALALARI”**

**mavzusidagi
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari**

1-kitob

**Navoiy shahri,
28.09.2023**

“Maktabgacha ta’lim rivojlanishining yangi impluslari: ilmiy tadqiqotlar, tijoratlashtirish, raqamlashtirish masalalari” mavzuidagi Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Navoiy, 2023. – 192 b.

Ushbu to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 27-apreldagi 39-sonli bayoni hamda Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023-yil 2-maydagi “2023-yilda o‘tkazilishi rejalashtirilgan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 118-sonli buyrug‘iga asosida Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha va boshlang‘ich ta’lim fakulteti Maktabgacha ta’lim kafedrası tomonidan 2023-yil 28-sentabr kuni o‘tkazilgan **“Maktabgacha ta’lim rivojlanishining yangi impluslari: ilmiy tadqiqotlar, tijoratlashtirish, raqamlashtirish masalalari”** mavzuidagi Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallaridan tashkil topgan.

To‘plam materiallaridan mutaxassislar, olimlar, pedagoglar, professor-o‘qituvchilar, doktorantlar, mustaqil izlanuvchilar, magistrantlar va talabalar foydalanishlari mumkin.

Mas’ul muharrirlar:

B.Sobirov – texnika fanlari doktori, professor.
R.Davlatova – filologiya fanlari doktori, dotsent.

Taqrizchilar:

D.Lutfullayeva – O‘zbekiston Fanlar akademiyasi professori, filologiya fanlari doktori.
S.Sayitov – Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi

Maqolalarni to‘plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

Sh.O‘tamurodova – Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası katta o‘qituvchisi
G.Ermatova – Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası katta o‘qituvchisi, psixologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
M.Azimova – Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası katta o‘qituvchisi, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
D.Jabborova - Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası katta o‘qituvchisi, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
D.Ulug‘berdiyeva – Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası katta o‘qituvchisi
N.Sharipova – Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası katta o‘qituvchisi
N.Musayeva – Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta’lim kafedrası katta o‘qituvchisi

Texnik muharrir:

M.Norqobilov– Navoiy davlat pedagogika instituti Tarix kafedrası dotsenti v/b., falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha va boshlang‘ich ta’lim fakulteti Kengashining 2023-yil 20-sentabrdagi 2-sonli qaroriga asosan nashrga tavsiya etildi.

To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning ilmiy va uslubiy jihatlariga mualliflarning o‘zlari mas’uldirlar.

Ассалому алайкум, мухтарам меҳмонлар, конференция иштирокчилари!
“Мактабгача таълим ривожланишининг янги имплуслари: илмий тадқиқотлар,
тижоратлаштириш, рақамлаштириш масалалари” мавзусидаги
халқаро илмий-амалий конференциямизга
ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Собиров Баҳодир Бойпулатович (Ўзбекистон)

Навоий давлат педагогика институти ректори, т.ф.д., профессор

Республикамиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “...Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”-деган фикрлари бугунги кунда таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг яққол намунасидир.

Шуни таъкидлашимиз мумкинки, давлатимиз раҳбари таълим тизимининг илк пойдевори бўлган мактабгача таълим тизими келажак ворисларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланиши, жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслигини, айнан мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам замин яратишини таъкидлайдилар.

Бугун йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда ҳам янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. Қисқа вақт ичида Республикамизда боғчалар сони кескин ошиши, давлат-хусусий шерикчилик механизми жорий этилиши, бу мақсадлар учун имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилиб, янги иш ўринлари яратилиши ана шундай амалий ҳаракатлар натижасидир.

2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 38-40-мақсадларида мактабгача таълим тизимида оид фикрлар баён этилиб, айнан мактабгача таълимига бола қамрови даражасини ҳозирги 67% дан камида 80 фоизга етказиш, 2022/2023 йилларда 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 90 фоизга, 2024/2025 ўқув йили якунига қадар 100 фоизга етказиш, мактабгача таълим тизимида хусусий сектор маблағларини жалб қилиш орқали 7 мингдан зиёд янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, педагог-ҳодимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб боришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, 2022-2026 йилларда 160 мингдан зиёд педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва мактабгача таълим-тарбия жараёнини илмий асосланган ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда мактабгача таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш билан бирга мактабгача таълим тизимида молиявий жараёнларнинг шаффоф тарзда амалга оширилиши учун рақамлаштириш асосидаги зарур шароитларни яратиш устивор

мақсадлар қилиб белгиланган. Инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган стратегик вазифаларидан биридир.

Республикамиз Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқларида бугунги кунда мамлакатимизда оширилаётган ислохотларнинг барчасида очик ва сифатли таълимни камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омили эканлиги ва шу билан бирга мамлакатимиз охириги йилларда бу борада катта тажриба тўпланганлиги ҳамда таълим тизими тубдан ўзгарганлигини таъкидладилар. Ўтган олти йил давомида мактабгача таълимдаги қамров *21 фоиздан 70 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизга* етди. 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабни битаираётган ҳар икки ўқувчининг бири эса олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилганлиги ҳақида фикрларни тантанали равишда баён этдилар.

Юқорида белгиланган мақсадлар ва вазифалар асосида мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таълимнинг янги усул ва шакллари хам танлаш имкониятини яратди. Мактабгача таълим ташкилотларининг ўқув жараёни STEAM технологияси асосида, 5 та ривожлантирувчи марказ фаолияти орқали ташкил этилиши нафақат болалар фаоллиги, балки тарбиячилардан катта масъулият ва ижодкорликни талаб этмоқда. Бу каби инновацияларнинг туб моҳиятида мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш, болани мактабга сифатли тайёрлаш ва уларда болаликдан билим, изланиш, кашф этиш каби хусусият ва қобилиятларни шакллантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Кўринадики, бугунги кунда мактабгача таълим тизимида жуда катта ислохотлар амалга оширилаётганлиги, мактабгача таълим ташкилотларининг аввалги боғчалардан тубдан фарқ қилишини далиллайди. Хусусан, олий таълимда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид янгидан-янги илмий тадқиқотлар олиб бориши, мазкур ишларнинг тижоратлаштириши, тизимда рақамлаштиришнинг йўлга қўйилиши, шунингдек, талабаларимизнинг “4+2” дастури асосида фаол педагогик амалиётга бораётганлиги **олий таълим, мактабгача таълим ва мактаб таълими** тизими билан ҳамкорлигини мустаҳкамлайди ва узлуксизлигини таъминлайди. Бу жараёнда барчамизнинг фаол иштирокимиз эса соҳадаги ислохотларни амалга оширилишини таъминланиши билан бирга таълим тизимида юксак самарадорликка эришилишига замин ҳозирлайди.

ILMIY-TADQIQOT ISHLANMALARINI TIJORATLASHTIRISH ZAMONAVIY ILM-FANNING DOLZARB MASALASI SIFATIDA

**O‘zbekiston, NavDPI Maktabgacha ta’lim kafedrası mudiri,
filologiya fanlari doktori (DSs), dotsent
Davlatova Ra’no Haydarovna**

Annotatsiya: Mazkur maqolada ilmiy va ilmiy-texnik faoliyat natijalarini tijoratlashtirish borasidagi ayrim muammolar va ularning yechimiga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqildi.

Kalit so‘zlar: iqtisodiy rivojlanish, tijoratlashtirish, ilmiy-tadqiqot ishlanmalari, loyihalar, fan, ta’lim.

КОММЕРЦИАЛИЗАЦИЯ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАЗРАБОТОК КАК ГЛОБАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

**Узбекистан, НавДПИ заведующая кафедрой Дошкольного образования,
доктор филологических наук (DSc.), доцент
Давлатова Раъно Хайдаровна**

Аннотация: В данной статье разработаны некоторые проблемы коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности и рекомендации, направленные на их решение.

Ключевые слова: экономическое развитие, коммерциализация, исследования и разработки, проекты, наука, образование.

COMMERCIALIZATION OF RESEARCH DEVELOPMENTS AS A GLOBAL PROBLEM OF MODERN SCIENCE

**Uzbekistan, NavSPI Head of the Department of Preschool Education,
Doctor of Philology (DSc.), Associate Professor
Rano Khaidarovna Davlatova**

Abstract: This article develops some problems of commercialization of the results of scientific and scientific-technical activities and recommendations aimed at solving them.

Key words: economic development, commercialization, research and development, projects, science, education.

Har qanday davlatning iqtisodiy rivojlanishi zamonaviy dunyodagi innovatsion texnologiyalardan maksimal darajada foydalanish, yangi texnologiyalarni joriy etishni kengaytirish, tijoratlashtirish shakllarini takomillashtirish va rag‘batlantirish orqali fan, ta’lim va biznesni birlashtirishni nazarda tutadi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Ilmiy va innovatsion faoliyatni integratsiyalash tizimining samaradorligini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 2018 yil 6 avgustdagi PQ-3899-son qaroriga ko‘ra “Ilmiy va ilmiy-texnik faoliyat natijalarini tijoratlashtirish Prezident jamg‘armasi” tashkil etilganligi mazkur masala yechimiga qarab qo‘yilgan muhim qadam bo‘ldi. Mazkur jamg‘arma iqtisodiyotning real sektoriga bevosita joriy etilayotgan innovatsion ishlanmalarni moliyalashtirish va rag‘batlantirish masalasida amalga oshirilayotgan islohotlarning rivojlanishi bilan bog‘liq. 21-asr oliy ta’lim tizimi oldidagi strategik vazifalardan biri ham bu tadqiqotchilarning fundamental va amaliy ishlari jarayonida vujudga keladigan intellektual faoliyat natijalarini bozorda talab qilinadigan tovarlar, ishlar va xizmatlarga aylantirishdir.

Boshqacha aytganda, biz oliygohlarda tayyorlanayotgan ishlanmalarini tijoratlashtirish haqida gap yuritayapmiz. Bunday murakkab vazifani amalga oshirish universitetning innovatsion faoliyatini boshqaruv tomonidan qo‘llab-quvvatlanadigan samarali tashkiliy tuzilmalarni qurishni talab qiladi. Oliy ta’limni rivojlantirishning global tendentsiyasini tushunish, unga ko‘ra zamonaviy universitet iqtisodiy rivojlanishning yetakchisiga aylanadi (yangi bilimlarni ishlab chiqaradi;

innovatsion mahsulotlar yaratadi; jahon darajasidagi kashfiyotlar qiladi)


Jahon fan va ta'lim tizimida jamiyat va biznesga bilim va texnologiyalarni o'tkazish, ya'ni ularning integratsiyasini yo'lga qo'yish zarurat bo'lib qoldi. Shuni unutmashlik lozimki, "Talim kabi fan ham innovatsion iqtisodiyotning asosidir. Fan yangi bilimlarni ishlab chiqaradi, ta'lim uni tarqatadi va idrok etish qulayligi uchun tizimlashtiradi». E. G. Yasin "fanni isloh qilishning to'rtta yo'nalishini" belgilaydi:

- 1) fanni ta'lim bilan bog'lash, tadqiqot universitetlarini yaratish;
- 2) resurslarni fundamental fanlarning ustuvor yo'nalishlariga jamlash, amalga oshirish, individual ijod uchun shart-sharoitlardan tashqari, Fursenko terminologiyasida aytganda bir qator yirik loyihalar - meta-loyihalarni yo'lga qo'yish;
- 3) ilm-fanning jahon ilmiy hamjamiyatiga maksimal darajada ochiqqligi va integratsiyasi va mustaqil ilmiy ekspertiza;
- 4) innovatsion sanoatni ustuvor va ommaviy rivojlantirish, ilm-fanni tijoratlashtirish.

Ko'rinadiki, mazkur yo'nalishda amalga oshirilgan ishlarning natijasi tijoratlashtirish bilan yakunlanadi. Shuni e'tirof etish kerakki, so'nggi yillarda innovatsiyalarning barcha tarkibiy elementlari: fan, ta'lim, mahalliy biznes, ilmiy-tadqiqotlarni moliyalashtirish, tijoratlashtirish tizimi, intellektual rivojlanishni qo'llab-quvvatlash uchun davlat tomonidan jiddiy moliyaviy, tashkiliy va axborot yordami ko'rsatilmoqda.

Afsuski, innovatsion faoliyat, jumladan, ilmiy tadqiqot natijalarini tijoratlashtirish ko'rsatkichlari, ularning dinamikasi amaldagi mahalliy innovatsion tizimning samaradorlik rivoji yuqori emasligidan dalolat beradi. Maqsadning to'g'ri qo'yilganligi, puxta ishlab chiqilgan vazifalarga qaramay, asosiy ko'rsatkichlarni yaxshilash juda sekin sodir bo'lmoqda. Ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalar natijalarini tijoratlashtirish innovatsion faoliyatdan farqli o'laroq, har doim natijalar yoki ishlanmalarni amalga oshiruvchi tashkilot uchun foyda yoki iqtisodiy samara olishga qaratilgan bo'lishi shart emas. Shu bilan birga, agar ilmiy tadqiqot va ishlanmalar natijalarini tijoratlashtirish tizimi ishlab chiqilsa va yaxshi natijalar bersa, u holda ijtimoiy soha, texnologiya, menejment va boshqalarni takomillashtirishni o'z ichiga olishi mumkin bo'lgan innovatsion tizim ham muvaffaqiyatli bo'lishi mumkin.

Ilmiy tadqiqot natijalarini tijoratlashtirish jarayonining modellari, mexanizmlari, bosqichlarini shakllantirish usullari ko'plab ishlarda batafsil tavsiflangan va tahlil qilingan. Ilmiy tadqiqot natijalarini tijoratlashtirish jarayonining asosiy bosqichlarini qisqacha sanab o'tamiz:



Ilmiy tadqiqot va ishlanmalar natijalarini tijoratlashtirish tizimining asosiy muammolarini quyidagilarda ko'rish mumkin:

- 1) oliy ta'lim muassasalarining fanlar akademiyasi bilan hamkorligi yaxshi yo'lga qo'yilmaganligi;
 - 2) tadqiqotchilarning intellektual mulk bozori bilan yaqindan tanish emasligi;
 - 3) ishlab chiqarish korxonalarining ilmiy-tadqiqot ishlanmalari bilan yaqindan tanish emasligi;
 - 4) tadqiqotchi va korxonalar o'rtasida uzluksiz hamkorlikning nafaolligi;
 - 5) tadqiqotchilarning ishlanmalarni tijoratlashtirish bo'yicha bilim darajasi yetarli emasligi;
- Shu nuqtayi nazardan ayrim pedagogika yo'nalishidagi ilmiy-tadqiqot ishlanmalarini rivojlantirish bo'yicha yo'lga qo'yish mumkin bo'lgan ayrim tavsiyalar keltirish mumkin:

1. Innovatsion o'quv-uslubiy majmualar yaratish. O'quv-uslubiy majmuadagi didaktik materiallarining innovatsion g'oyasi o'quvchilarning intellektual rivojlanishi va ta'lim olishi uchun shart-sharoitlarni yaratishdan iborat bo'lib, bu ta'lim mazmunidagi yangiliklarni o'zida qamrab

olgan yangi avlod o'quv matnlarini talab qiladi.

2. Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim yoshidagi bolalar rivojlanishi uchun innovatsion texnologiyalar.

Bunda tadqiqotchilar bolalar rivojlanishiga mos, zamonaviy didaktik o'quv materiallari loyihasini ishlab chiqarish korxonlariga taqdim etishlari va ularning ishlab chiqarishini yo'lga qo'yishga erishishlari mumkin.

3. Pedagogik kadrlarning malakasini oshirishning masofaviy texnologiyasi.

«Ochiq pedagogik laboratoriya», «Pedagogik sayyora» va «Pedagogning muvaffaqiyat akademiyasi» saytlarini ishga tushirish. Masofaviy ta'lim doirasida pedagog xodimlar nafaqat o'quv materiallari bilan tanishishlari balki o'zlarining tajribasi bilan faol ishtirok etishlari mumkin. Turli tanlovlar, klublar faoliyatini yo'lga qo'yish mumkin.

4. Innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun boshqaruv xodimlarini tayyorlash bo'yicha tarmoq dasturlari.

Dasturlar mijozning individual ehtiyojlariga yo'naltirilgan, modulli xususiyatga ega bo'lishi, amaliyotga yo'naltirilgan, mashg'ulotlar muvaffaqiyatli amaliyotchi mutaxassislar tomonidan olib borilishi maqsadga muvofiq.

5. Onlayn va oflayn ko'rinishidagi psixologik klublar tashkil etish.

6. Oliy ta'limning fanlar akademiyasi, ishlab chiqarish korxonalari bilan integratsiyasini tizimli yo'lga qo'yish.

7. Ishlab chiqarish korxonalarining ilmiy-tadqiqot ishlanmalari bilan doimiy tanishinuvini yo'lga qo'yish.

Albatta mazkur ishlar faoliyati qisman bo'lsa-da yo'lga qo'yilgan.

Oldimizda hali qator amaliy ishlar mavjud. Fan, oliy ta'lim, ishlab chiqarish integratsiyasini yaxshilash har uch sohaning rivojlanishiga asos bo'ladi.

ЦИФРОВАЯ ОСВЕДОМЛЕННОСТЬ И СЮЖЕТНО-РОЛЕВАЯ ИГРА В ДОШКОЛЬНОМ ВОЗРАСТЕ

Пежемская Юлия Сергеевна

кандидат психологических наук, доцент кафедры психологии развития и образования,
Российский государственный педагогический университет им. А.И. Герцена, Санкт-Петербург, Россия

***Аннотация:** В статье описаны результаты исследования уровня развития сюжетно-ролевой игры как ведущей деятельности в дошкольном возрасте и цифровой осведомленности дошкольников. Показано, что в исследуемой выборке детей как уровень развития сюжетно-ролевой игры, так и уровень цифровой осведомленности достаточно низкий. Полученные результаты требуют дальнейших исследований.*

***Ключевые слова:** дошкольник, игра, цифровая осведомленность.*

RAQAMLI SAVODXONLIK VA MAKTABGACHA TA'LIMDA SYUJETLI-ROLI O'YINLAR

Pezhenskaya Yuliya Sergeevna (Sankt-Peterburg, Rossiya)

A.I. Gerzen nomidagi Rossiya davlat pedagogika universiteti psixologiya fanlari nomzodi,
rivojlanish psixologiyasi va ta'lim kafedrası dotsenti.

***Annotatsiya:** Maqolada maktabgacha yoshdagi yetakchi faoliyat sifatida rolli o'yinlarning rivojlanish darajasini va maktabgacha yoshdagi bolalarning raqamli xabardorligini o'rganish natijalari tasvirlangan. O'rganilayotgan bolalar namunasida rolli o'yinlarning rivojlanish darajasi ham, raqamli xabardorlik darajasi ham ancha past ekanligi ko'rsatilgan. Olingan natijalar qo'shimcha tadqiqotlarni talab qiladi.*

***Kalit so'zlar:** maktabgacha yoshdagi, rol o'ynash, raqamli xabardorlik.*

DIGITAL AWARENESS AND STORY-ROLE PLAY IN PRESCHOOL AGE

Pezhenskaya Julia Sergeevna

PhD in Psychological Science, Associate Professor, Department of psychology for development and education, Herzen University, Saint-Petersburg, Russia

Abstract: *The article describes the results of the study of the level of development of role-playing game as a leading activity in preschool age and digital awareness of preschoolers. It is shown that in the studied sample of children the level of development of role-playing game and the level of digital awareness is rather low. The obtained results require further research.*

Keywords: *preschooler, game, digital awareness*

Дошкольный возраст – это непродолжительный по времени, но значимый для личностного развития ребенка период. Игровая деятельность является ведущей для развития ребёнка-дошкольника. В сюжетно-ролевой игре ребенок усваивает модели и правила поведения, приобретает знания о себе, у него формируется произвольность как качество необходимое для успешной учебной деятельности в школе.

Цифровое пространство дошкольник также исследует с помощью компьютерных игр. Освоение интернет-среды через игру создает возможности развития у ребенка фантазии, когнитивных способностей, таких личностных качеств как напористость, решительность, смелость, а также способствует формированию цифровой компетентности, необходимой в современном обществе [3]. Погружение в игру через мобильные приложения имеет и негативные последствия для развития ребенка, например, ухудшение зрения, осанки, изоляции дошкольника от реального мира.

Нами было проведено исследование уровня развития сюжетно-ролевой игры и цифровой компетентности у детей дошкольного возраста 63 ребёнка (29 мальчиков, 34 девочки) [1].

Для определения уровня развития у детей сюжетно-ролевой игры было организовано включённое наблюдение (40 минут) за свободной игрой детей в малых группах (по 4 человека, 2 девочки, 2 мальчика) в специально организованной игровой среде. В игровой среде были представлены игрушки основных типов: сюжетные, театральные, моторно-спортивные, веселые, музыкальные, настольные, конструктор, творческие и др.; а также полифункциональные материалы: ткани разной фактуры, веревки, ленточки, резинки, палочки, деревянные кольца, вкладыши-стаканчики, каштаны, шишки, картонные коробки разных размеров и т. п. Дети приглашались в игровую комнату на 40 минут и им предлагалось поиграть со всеми игрушками, лежащими на столе. Кроме игрушек на столе также лежал мобильный телефон.

Психолог выступал в роли наблюдателя и фиксировал основные элементы игровой деятельности каждого ребёнка в бланке наблюдения по методике оценки различных аспектов игровой деятельности [6]. В ходе наблюдения по 4-х бальной шкале (от 0 до 3) фиксировались проявления и уровень таких критериев развития игры, как:

1) Игровые замещения (предметное, позиционное, пространственное). Предметное замещение, когда один предмет используется в качестве другого. Позиционное замещение характеризуется игровым перевоплощением ребенка, замещение своего «Я», принятием игровой роли [4]. Пространственное замещение - создание игрового пространства, моделирующего реальность.

2) Взаимодействие детей – на двух уровнях: организующем (организация, обсуждения хода и содержания игры) и внутригрупповом (взаимодействие ролевых позиций).

3) Замысел игры [2] по следующим показателям: уровень идеи (содержание игры, озвученное ребенком), развернутость (продуманность идеи, подробность раскрытия своей идеи партнерам по игре), реализация идеи в игре, устойчивость игровой идеи.

Анализ результатов наблюдения позволил разделить детей на две группы:

использующих сюжетно-ролевую игру (29 детей) и не использующих сюжетно-ролевую игру (34 ребенка). Таким образом, можно констатировать, что 46 % детей дошкольного возраста, в исследуемой нами выборке, характеризуются наличием развитой игровой деятельности, у 54% детей игровая деятельность в специально организованной игровой среде не была проявлена. При этом, если описывать структуру игровой деятельности тех детей, которые играли, то можно говорить, что их игровая деятельность развита удовлетворительно. Наиболее выраженными её признаками являются: организационное (средний балл 2,24 из 3) и внутри игровое взаимодействие (средний балл 2,41 из 3). Наименее развито пространственное замещение (средний балл 0,07 из 3).

Для определения цифровой осведомленности дошкольников использовалась «Методика распознавания мобильных приложений» [5]. Ребенку предлагается выбрать из 50 карточек с изображением мобильных приложений те изображения, которые он когда-либо видел на экране компьютера или телефона. Далее подсчитывалось число правильно определенных изображений мобильных приложений и число ошибок.

На основании теста распознавания мобильных приложений сравнивалось среднее количество правильно распознанных детьми изображений и среднее количество ошибочных ответов между группой детей, использующих сюжетно-ролевую игру как ведущую деятельности и детей, которые в сюжетно-ролевую игру не играли. Количество правильных ответов оказалось выше у детей, которые не играли в сюжетно-ролевую игру (средний балл 8,4), чем у детей, которые играли (средний балл 7,9), а количество ошибок наоборот ниже.

Проведенное исследование показало, что:

- уровень развития сюжетно-ролевой игры современных детей дошкольного возраста достаточно низкий. Более половины детей (54%), из участвующих в исследовании, в специально организованной среде не проявляют признаков игровой деятельности.
- уровень цифровой осведомленности детей дошкольного возраста также оказался ниже среднего (7-8 баллов из 25 возможных), при этом цифровая осведомленность детей, которые не играют в сюжетно-ролевую игру незначительно выше, чем у детей «играющих».

Данное исследование носило пилотажный характер и требует своего развития в дальнейших исследованиях.

Литература:

1. Пежемская Ю. С., Нечипоренко М. С., Ундуск Е. Н. Дошкольник в интернет-среде: развитие игры и цифровая компетентность // Образовательная динамика сетевой личности: Сборник трудов III научно-практической конференции, 28 января 2020 года, РГПУ им. А. И. Герцена: электронный научный журнал. – Санкт-Петербург: Письма в Эмиссия. Оффлайн, 2020. – С. 44-50.
2. Рябкова И.А., Смирнова Е.О., Шеина Е.Г. Возрастные особенности ролевой игры дошкольников в условиях открытой предметной среды // Психологическая наука и образование. 2018. Т. 23. № 6. С. 75—84. doi: 10.17759/pse.2018230607
3. Солдатова Г.У., Ртищева М.А., Теславская О.И. Мой электронный друг. Дети в информационном обществе. 2018. № 29. С. 38-43.
4. Смирнова Е.О., Веракса А.Н., Бухаленкова Д.А., Рябкова И.А. Связь игровой деятельности дошкольников с показателями познавательного развития // Культурно-историческая психология. 2018. Том 14. № 1. С. 4–14. doi:10.17759/chp.2018140101
5. Proekt Y., Kosheleva A., Lugovaya V., Khoroshikh V. Developing social competence of preschoolers in dijital era: gender dimensions. Communications in Computer and Information Science. 2017. T. 745. С. 87-101. DOI: 10.1007/978-3-319-69784-0_7

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI IJTIMOIIY FAOLIYATGA TAYYORLASHDA TALIM VA TARBIYANING PEDAGOGIK ZARURIYATI

Sadikova Shoxista Akbarovna (O'zbekiston)

Nizomiy nomidagi TDPU "Maktabgacha talim metodikasi" kafedrası professori

Annoratsiya: Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni ijtimoiy faoliyatga tayyorlashda talim va tarbiyaning pedagogik zaruriyati haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: pedagogik texnologiya, ijtimoiy-pedagogika, bolani ijtimoiy moslashuvi, bola, shaxs, ijtimoiy munosabatlar.

Аннотация: В данной статье представлена информация о педагогической необходимости воспитания и обучения при подготовке детей дошкольного возраста к общественной деятельности.

Ключевые слова: педагогическая технология, социально-педагогика, социальная адаптация ребенка, ребенок, личность, социальные отношения.

Abstract: This article provides information about the pedagogical need for education and training in preparing preschool children for social activities.

Key words: educational technology, social pedagogy, social adaptation of the child, child, personality, social relations.

O'zbekiston Respublikasida mustaqillik yillarida jamiyatda ro'y bergan tub ijtimoiy o'zgarishlar, qaror topgan yangi ijtimoiy munosabatlar ta'sirida pedagogik tafakkur ham yangilandi. Buning natijasida pedagogik turkum fanlari mazmunan takomillashdi, yangi o'quv fanlarining o'qitilishi yo'lga qo'yildi. Jumladan, pedagogika oliy ta'lim muassasalarida "Pedagogik texnologiya" va "Ijtimoiy-pedagogika", "Bolani ijtimoiy moslashuvi" kabi o'quv fanlarining o'qitilishi bo'lajak o'qituvchilarda ijodiy qobiliyat hamda ijtimoiy faollik ko'nikmalarini shakllantirish imkoniyatini yuzaga keltirdi. Amalga oshirilayotgan keng ko'lamli ta'limiy islohotlarning yakuniy natijasi bo'lgan "... O'zining qadr-qimmatini anglaydigan, irodasi baquvvat, iymoni butun, hayotda aniq maqsadga ega bo'lgan insonlarni shu jumladan maktabgacha talim tashkilotlarida bolalarni tarbiyalash"¹da "Ijtimoiy-pedagogika", "Bolani ijtimoiy moslashuvi" o'quv fani katta imkoniyatlarga ega.

Ayni vaqtda pedagogika oliy ta'lim muassasalarida mazkur fan asosida talabalarni ijtimoiy-pedagogik faoliyatni tashkil etishga tayyorlash va maktabgacha talim tashkilotlarida bolani ijtimoiy faoliyatga tayyorlash yo'lida amaliy harakatlar olib borilmoqda.

Ijtimoiy muammolarni o'rganish va ularning ijobiy yechimini topishga yo'naltirilgan pedagogik faoliyat ko'lami jihatdan murakkab bo'lib, u bir necha yo'nalishlarda tashkil etiladi. Shaxsni ijtimoiy munosabatlarga moslashuvini ta'minlash; bolani maktabgacha talim tashkilotlariga moslashtirish, ota-onalar qarovini va parvarishidan mahrum bo'lgan bolalar bilan ishlash; normadan og'ish va devyatsiya holatlarini namoyon etuvchi, shuningdek, spirtli ichimliklar hamda giyohvand moddalarni iste'mol qiluvchi bolalar va o'smirlar o'rtasida profilaktik ishlarni olib borish ijtimoiy-pedagogik faoliyatning muhim yo'nalishlari hisoblanadi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarilari ham ijtimoiy institutlardan biri sifatida bolalarni ijtimoiy hayotga moslashtirish, ularni turli salbiy ijtimoiy ta'sirlardan muhofazalash, maktab ta'limiga tayyorlash hamda psixologik jihatdan zo'rliqlarining oldini olishda alohida o'rin tutadi. Bu muassasalarda tarbiyachilar bolalarni ijtimoiylashtirishda asosiy rolni o'ynaydilar. Bo'lajak tarbiyachilarning maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni ijtimoiy hayotga moslashtirish borasida puxta nazariy va amaliy bilimlarga ega bo'lishlari esa kutilgan natijani qo'lga kiritish imkonini beradi. Pedagogika oliy ta'lim muassasalarida turli yo'nalishlar, shu jumladan, "Maktabgacha ta'lim" yo'nalishi talabalarini ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlash va shu faoliyat orkali maktabgacha talim tashkilotlarida bolani ijtimoiy hayotga moslashtirish o'ziga xos dolzarb

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси / Тузувчилар Ш. Курбонов, Ҳ. Саидов, Р. Аҳлиддинов. Нашр учун масъул: Т. Рискиев. – Тошкент: Шарқ НМК Бош тахририяти, 1999. – 42-бет.

muammo sanalib, uning yechimini topish yosh avlodni har tomonlama kamol topishiga yordam beradi.

Muammoni nazariy va amaliy jihatdan dastlabki o'rganish pedagogika oliy ta'lim muassasalarining "Maktabgacha ta'lim" yo'nalishi talabalarini ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlash borasida dastlabki tajribalar to'planganligini ko'rsatdi. Biroq, oliy ta'lim muassasalari oldida bu yo'lda hal etilishi zarur bo'lgan bir qator vazifalar mavjud. Bizning nazarimizda ular quyidagilardan iborat:

- oliy ta'lim muassasalarining "Maktabgacha ta'lim" yo'nalishida "Ijtimoiy-pedagogika", Bolani ijtimoiy moslashuvi" o'quv fanini samarali o'qitishga yordam beruvchi zarur pedagogik va metodik shart-sharoitlarni yaratish;

- pedagoglarda "Maktabgacha ta'lim" yo'nalishi talabalarini ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlash jarayoniga nisbatan texnologik yondashuvni qaror toptirish;

- "Maktabgacha ta'lim" yo'nalishi talabalarida ijtimoiy-pedagogik faoliyat mohiyati, uning ijtimoiy-milliy ahamiyati va ijobiy natijalarini to'g'ri anglash hamda baholash ko'nikmalarini shakllantirish;

- talabalarni ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlashda ta'lim muassasalari bilan tegishli ijtimoiy tashkilotlar o'rtasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirish va boshqalar.

Mazkur vazifalarning ijobiy hal etilishi pedagogika oliy ta'lim muassasalarida talabalarni ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlashda va bolani ijtimoiy moslashuvini yuqori natijalarga erishishni kafolatlab qolmay, shu bilan birga jamiyatda ko'zga tashlanayotgan bir qator ijtimoiy munosabatlarni qisman va to'laqonli hal etilishiga imkon bergan bo'lardi.

Mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilgan islohotlar ta'lim tizimining tubdan yangilanishi hamda mazmunan boyishini ta'minladi. Jamiyatda ro'y berayotgan ijtimoiy o'zgarishlarni inobatga olgan holda bir qator yangi o'quv fanlarini o'qitishning yo'lga qo'yilganligi esa shaxsni davr talablariga muvofiq tarbiyalab voyaga yetkazish imkoniyatini yuzaga keltirdi. Ilm-fan, texnika va texnologiyaning tezkor rivojlanishi, maishiy turmush sharoitining yaxshilanishi, qishloq va shahar hayotining bir-biriga yaqinlashuvi, inson tomonidan tabiatga ko'rsatilayotgan salbiy ta'sir doirasining tobora kengayishi, axborot-aloqa almashuvining takomillashuvi, shuningdek, kompyuter va murakkab texnikalar xizmatining ijtimoiy hayotning turli sohalarida ustuvor o'rin tutishi kishilik munosabatlarida ham ijobiy, ham salbiy holatlarni yuzaga kelishiga sabab bo'lmoqda. Nosog'lom turmush kechirish (spirtli ichimlikka va giyohvand moddalarga ro'ju qo'yish, tartibsiz jinsiy hayot), deviant xulqqa egalik, ijtimoiy mas'uliyatsizlik kabilarni salbiy holatlar sirasida keltirish mumkin.

Bu kabi salbiy holatlarning oldini olish aholi, shu jumladan, yoshlar o'rtasida keng ko'lamli ijtimoiy faoliyatni tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Shu o'rinda pedagogik yo'nalishdagi oliy ta'lim muassasalarida o'qitilayotgan "Bolalarni ijtimoiy moslashuvi" o'quv fanining har tomonlama yetuk, barkamol shaxsni tarbiyalashdagi roli katta.

Ayni vaqtda pedagogika oliy ta'lim muassasalarida "Bolalarni ijtimoiy moslashuvi" o'quv fani negizida talabalarni ijtimoiy pedagogik faoliyatni tashkil etishga tayyorlash yo'lida amaliy harakatlar olib borilmoqda. Mazkur harakatlar doirasida bo'lajak tarbiyachilarda maktabgacha ta'lim muassasalarida ijtimoiy-pedagogik faoliyatni tashkil etish ko'nikmalarini shakllantirishga ham alohida e'tibor qaratilmoqda.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning hayotida oila bilan bir qatorda maktabgacha ta'lim tashkilotlari muhim o'rin tutadi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari "... bola shaxsini sog'lom va yetuk, maktabda o'qishga tayyorlangan tarzda shakllantirish maqsadini ko'zlaydi".

Bola shaxsining sog'lom va yetuk bo'lib kamol topishi maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatida samaradorlikka erishishda ularning moddiy-texnik ta'minoti, pedagog kadrlarning salohiyati, ta'lim-tarbiya yo'nalishlari, pedagogik jarayon mazmuni, shuningdek, tarbiyachilar va tarbiyalanuvchilar o'rtasida qaror topgan sog'lom psixologik muhit ustuvor ahamiyatga ega.

Garchi tashqi omillar (jumladan, ta'lim muassasasining moddiy-texnik ta'minoti)ni yaratishda davlat hamda jamiyatning bevosita ishtiroki kuzatilsa, ichki omillar (mas., malakali pedagoglarni

muassasaga jalb etib, jamoada sog'lom psixologik muhitni qaror toptirish, ta'lim-tarbiya ishlari mazmunini zamon talablariga muvofiq yangilash, pedagogik jarayonni tashkil etishga ijodiy yondashish kabilar) mavjudligini ta'minlash maktabgacha ta'lim muassasalari rahbarlarining boshqaruv mahoratlari va pedagogik jamoaning sa'i-harakatlariga bog'liqdir.

So'nggi yillarda ijtimoiy hayot sur'atining tezlashuvi natijasida maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning fiziologik-psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda ularni mazmunan murakkab, ko'pqirrali hamda ichki raqobatga asoslanuvchi ijtimoiy munosabatlar jarayoniga tayyorlash ehtiyoji yuzaga keldi. Rivojlangan xorijiy mamlakatlar (mas., Buyuk Britaniya, Germaniya, Fransiya, AQSh hamda Yaponiya kabilar)ning tajribalari va bir qator pedagogik-psixologik tadqiqotlarning natijalari ushbu ehtiyojni ta'lim muassasalarida ijtimoiy-pedagogik faoliyatni yo'lga qo'yish orqali qondirish mumkinligini ko'rsatmoqda.

Tanlangan muammo yechimini topishga yo'naltirilgan ilmiy-pedagogik faoliyat jarayonini yoritishda ustuvor bo'lgan tushunchalar mohiyatini to'g'ri anglab olish tadqiqot yo'nalishini to'g'ri belgilashga imkon beradi. Ayni o'rinda: ijtimoiylashuv, ijtimoiy-pedagogik faoliyat, ijtimoiy-pedagogik faoliyat ko'nikmalari, ijtimoiy-pedagogik faoliyat malakalari, ijtimoiy-pedagogik axloq, kasbiy tayyorgarlik, kasbiy tayyorlash kabilar tayanch tushunchalar sanaladi.

Kelgusida "Maktabgacha ta'lim" yo'nalishi talabalarini ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlashda quyidagi masalalarga e'tibor qaratish mazkur jarayonda yanada yuqori natijalarga erishishni kafolatlaydi:

- oliy ta'lim muassasalarida mustaqil ta'limning muhim shakli sifatida rakamli pedagogikadan foydalanishga alohida e'tibor qaratish;

- rivojlangan xorijiy mamlakatlarning maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ijtimoiy-pedagogik faoliyatni tashkil etishga oid tajribalarini o'rganish va ularning ilg'or jihatlarida respublikaning oliy ta'lim muassasalarida samarali foydalanish;

- respublika maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ijtimoiy-pedagogik faoliyatni tashkil etish borasida to'planayotgan tajribalarni umumlashtirish va ularni talabalar o'rtasida keng targ'ib etish;

- pedagogika oliy ta'lim tashkilotlarining talabalari o'rtasida tashkil etiladigan fan olimpiadasi shartlari tarkibiga "Ijtimoiy pedagogika" fani asoslariga oid bilim, ko'nikma va malakalarni baholashga oid shartning kiritilishini ta'minlash;

- talabalarni ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlashda oliy ta'lim va maktabgacha ta'lim muassasalari o'rtasida uzviy hamkorlikka erishish.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: "O'zbekiston", 2017.
2. Sodiqova.Sh.A. "Maktabgacha pedagogika". T.: "Tafakkur sarchashmalari", 2013
3. Yakubova, Z. Z. (2022, October). Maktabgacha ta'lim tashkilotida bolaning rivojlanishi va tarbiyasiga professional yordam ko'rsatishda oila, mahalla va maktab bilan hamkorlik ishlari. in *international conferences* (Vol. 1, No. 8, pp. 68-73).
4. Yakubova, Z. Z. (2023). Milliy tarbiya asosida bola shaxsini rivojlantirishda oila, maxalla va maktabgacha ta'lim tashkilotlar hamkorligi. *GOLDEN BRAIN*, 1(15), 141-147.
5. Sh. Sadikova. [Types and content of picture activity in preschool educational organizations](#). Science and Innovation. 2022. 760-764.

AQLLI BOG‘CHA KONSEPSIYASI – RAQAMLASHTIRISH JARAYONINING DIDAKTIK TA‘MINOTI SIFATIDA

Djamilova Nargiza Huritdinovna- (O‘zbekiston)

Nizomiy nomidagi TDPU Maktabgacha ta‘lim metodikasi kafedrası professori

Annotatsiya: Mazkur maqolada “Aqlli bog‘cha” konsepsiyasi – raqamlashtirish jarayonining didaktik ta‘minotining mazmuni va mohiyati yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Maktabgacha ta‘lim tashkiloti, rivojlantiruvchi muhit, rivojlanish markazlari, o‘yin faoliyati, AKT, erkin kasbga qiziqtirish, kasbga yo‘naltirish, kasblar olami, kasbiy qiziqish.

Аннотация: В статье раскрывается содержание и сущность дидактического обеспечения концепции “Ақлли боғча” в роцессе цифровизации.

Ключевые слова: Дошкольное образование, развивающая среда, центры развития, игровая деятельность, ИКТ, интерес к профессиям, мир профессии. **Annotation:** The article reveals the content and essence of didactic support for the concept of “Aqilli bogcha” in the process of digitalization.

Keywords: Preschool education, developmental environment, development centers, gaming activities, ICT, interest in professions, world of profession.

Maktabgacha ta‘lim uzluksiz ta‘lim tizimining bosh bo‘g‘ini hisoblanadi. «O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta‘lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 2019 yil 10 maydagi PQ-4312/3106-son qarori maktabgacha ta‘lim tizimini yanada takomillashtirish, sog‘lom, faol, jamiyatga moslashgan bola shaxsini ongini shakllantirish, maktabgacha ta‘lim tashkilotlaridagi ta‘lim-tarbiya jarayoniga innovatsion va AKTni keng joriy etish, maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida STEAM ta‘lim elementlarini tatbiq etish, shuningdek, bolalarni erkin kasbiy qiziqishlarini rivojlantirishga qaratilgan, shaxsga yo‘naltirilgan, erkin ijodiy muhitni yaratish ustuvor vazifalar sifatida belgilangan. Ushbu vazifalar bilan birga bolalarning intellektual va anglash qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan texnologiyalari ishlab chiqish muhim. Bolalarni erkin kasb yo‘nalishiga qiziqishlarini vaqt tizimida (soat va protsent) xisoblashda raqamli elektron texnologiyasi vositasida aniqlash innovatsion usulni qo‘llash katta ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi zamon talablari asosida maktabgacha ta‘lim jarayonini tubdan isloh etish va zamonaviy ta‘lim usullarini mazkur tizimga olib kirishga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Bo‘ljak mutaxassislarda rivojlangan davlatlarda maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashning innovatsion faoliyatida yaxlit tizimni yaratishning tashkiliy metodik takomillashtirish, o‘quv dasturlarni ishlab chiqish ularni didaktik pedagogik ta‘minotini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Xalqaro tajribalarga ko‘ra, maktabgacha ta‘lim nazariyasi va amaliyoti tendensiyalarini yanada rivojlantirish, innovatsion yondashuvlar asosida o‘qitishning ilg‘or shakllari va usullarini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. Jahonda maktabgacha yoshdagi bolalar ta‘lim-tarbiyasi, ularning mustaqil fikrlash jarayonini rivojlantirish va jismoniy sog‘lom bo‘lib o‘sishi masalalari dolzarblik kasb etadi. Janubiy Koreya, Xitoy, Yaponiya, Germaniya, AQSh, Izroil, Fillandiya, Turkiya kabi taraqqiy etgan davlatlar tajribasida maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida bolalarning jismoniy rivojlanishi bilan bir qatorda, dunyoqarashi, tafakkur erkinligi, mustaqil fikrlashni shakllantirish va rivojlantirishga jiddiy yondashadilar.

Jahon miqyosida Janubiy Koreya, Finlandiya, Germaniya, Fransiya, Buyuk Britaniya va boshq) bolalarning psixofiziologik, intellektual, ijodiy salohiyatini oshirishga yo‘naltirilgan kreativ tenologiyalarni rivojlantirish, maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida shaxsga yo‘naltirilgan innovatsion ta‘lim muhitini yaratish hamda bolalarni, kasb-hunarga yo‘naltirish, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan innovatsion yondashuvlar asosida maktabgacha ta‘limning sifat ko‘rsatkichlari mexanizmlarini takomillashtirishga oid ilmiy-amaliy tadqiqotlar olib borilmoqda.

Jumladan Janubiy Koreyada bolalarning psixofiziologik imkoniyatlarini rivojlantirish, Finlandiyada ijodiy salohiyatini, Germaniya, Fransiya intellektual, ijodiy salohiyatini oshirishga yo'naltirilgan kreativ texnologiyalarni rivojlantirish, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida shaxsga yo'naltirilgan innovatsion ta'lim muhitini yaratish bo'yicha iomiy izlanishlar olib borilgan.

Respublikamizda maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirish, ta'lim-tarbiya berishda pedagogik va axborot kommunikatsiya, texnologiyalarini joriy etish, kasb-hunar tarbiyasining pedagogik-psixologik masalalari bo'yicha S.Jalilova, S.Aripova, N.Alavutdinova, M.Zayniddinova, V.Karimova, R.Sunnatova, Z.Nishonova, K.Kenjabaeva, J.Musaev, Sh.Nurullaeva, Q.Husanboeva, MDH va Rossiya mamlakatlari olimlaridan A.Mixaylova, Ye.Tixeeva, F.Blexer Ye.Nosova, M.Polyakova, A.Stolyar, A.Beloshistaya va boshqalar izlanishlar olib borganlar.

Nazariy-empirik tahlillardan, maktabgacha yoshdagi bolalarni kasbga qiziqishlarini shakllantirishning innovatsion yondashuvlar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan ta'lim muhiti, axborot-metodik ta'minotning shakllantirilmaganligi, shuningdek, maktabgacha yoshdagi bolalarning kasbiy qiziqishlarini rivojlantirish metodikasi, uning zamonaviy o'quv, ko'rgazmali va elektron ta'lim resurslarining etarli emasligini ko'rishimiz mumkin bo'ladi.

Shu nuqtai-nazardan, loyiha doirasida bolalarning "Aqli bog'cha" konsepsiyasi uchun bolalarni kasbga erkin qiziqishlarini shakllantirishning dasturiy ta'minotini yaratish shuningdek, maktabgacha yoshdagi bolalarni kasblar bilan tanishtiruvchi va kasbiy qiziqishini aniqlashga xizmat qiluvchi Web platforma va bolalarga kasblar haqida ma'lumot berishga asoslangan kasbiy o'yinlar to'plamini ishlab chiqish bilan bog'liq ilmiy muammolar hal etiladi. Shu bilan birga, maktabgacha ta'lim o'quv dasturlari va o'quv-metodik ta'minoti o'zaro muvofiqlashtiriladi; maktabgacha yoshdan boshlab bolalarni kasb-hunarga qiziqishlarni rivojlantirishga xizmat qiluvchi zamonaviy o'quv didaktik, ko'rgazmali va tarqatma materiallar, didaktik o'yinlar, elektron ta'lim resurslarini ishlab chiqiladi va amaliyotga joriy etiladi.

Ushbu g'oya maktabgacha yoshdagi bolalarni ta'lim-tarbiya yo'nalishiga oid xorijiy va respublikada bajarilayotgan ilmiy-amaliy ishlarni inobatga olgan holda, bolalarni 3 yoshdan 7 yoshgacha erkin holatda, o'z xoxishiga ko'ra 5-6 ta kasb yo'nalishlariga qiziqish monitoringini taxlil qilishga asoslangan.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.«O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi 2019 yil 10 maydagi PQ-4312/3106-son qarori.
2. Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning davlat standart. 802-sonli Vazirlar Mahkamasining qarori. 20.12.2020 yil
- 3.«Ilk qadam» takomillashtirilgan davlat o'quv dasturi. 2022 yil
4. Кондрашов.В.П. Формирование представлений о мире профессий в условиях игровой деятельности дошкольников. М.: 2001.

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIGA O'QISH VA YOZISHNI O'RGATISHDA TO'RT BLOKLI MODEL TATBIQI (TURKIYA TAJRIBASI)

Xudaybergenova Zilola

Filologiya fanlari doktori, professor Turkiya Respublikasi, Bartin universiteti

Annotatsiya: Mazkur maqolada boshlang'ich ta'lim jarayonida asosiy maqsad bo'lgan – o'qish va yozishga o'rgatish bo'yicha Turkiya tajribasi hafida gap ketadi. Bu o'rinda boshlang'ich ta'lim tizimida dunyo bo'yicha qo'llanilayotgan o'qish va yozishning to'rt blokli modelining Turkiyadagi tatbig'i, bu modelning o'ziga xos xususiyatlari, tarkibi haqida ma'lumot beriladi. Individual blok, yo'naltirilgan blok, yozish bloki va so'zlar bilan ishlash bloklarining mazmun-mohiyati, mazkur bloklarning bir-biri bilan bog'liqligi izohlanadi.

Kalit soʻzlar: Turkiya, boshlangʻich taʼlim, oʻqish, yozish, toʻrt blokli model.

Abstract: This article discusses the experience of Turkey in teaching reading and writing, which is the main goal in the process of primary education. In this place, the application of the four-block model of reading and writing, which is used in the world in the primary education system, in Turkey, the specific features and content of this model will be provided. The content of the individual block, the directed block, the writing block, and the word processing blocks, as well as the interrelationship between these blocks, are explained.

Key words: primary education, reading, writing, four-block model.

Ijtimoiy-lingvistik nazariyaga koʻra, til fikrlarni tartibga solish va shaxslar oʻrtasidagi muloqotni taʼminlash uchun xizmat qiladi (Tompkins, 2006). Ijtimoiy oʻlchovga ega boʻlgan odamlarning muloqot ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladigan til koʻnikmalarini samarali rivojlantirish uchun yetarli darajada ijtimoiy oʻzaro taʼsirga ega boʻlish kerak (Gunning, 2003). Erta yoshda tinglash, gapirish, oʻqish va yozish faoliyatini boshlagan bolalar til bilan bogʻliq signallarni taniy boshlaydi va tushuna boshlaydi. Kognitiv taraqqiyot jarayoni sifatida qaraladigan tilning rivoji atrof-muhitdagi stimullar – turtkilar tufayli oʻzining toʻliq imkoniyatlarini amalga oshiradi. Vigotskiy, asosiy rivojlanish va potentsial rivojlanish oʻrtasidagi bogʻliqlikka eʼtibor qaratib, “proksimal rivojlanish zonasi” tushunchasini kiritadi. Ushbu konseptsiyaga koʻra Vigotskiy (1978) " muammolarni mustaqil hal qilish sifatida taʼriflangan asosiy rivojlanish darajasi va kattalar rahbarligida yoki yanada qobiliyatli tengdoshi bilan hamkorlikda muammolarni hal qilish sifatida tavsiflanadigan potentsial rivojlanish oʻrtasidagi masofa" proksimal rivojlanish zonasini taʼkidlaydi.(Gunning, 2003 yil, 5-bet). Demak, bu konseptsiya bolaning oʻzi nima qila olishi va yordam bilan nima qilishi mumkinligi oʻrtasidagi farqdir.

Tilni rivojlantirishda, tilning mavjud potentsial darajasiga erishish uchun tilni qoʻllashni ragʻbatlantirish; oilaning bolalar bilan gaplashishi, bolalarning oʻz his-tuygʻulari va fikrlarini baham koʻrishi, bolalarni diqqat bilan tinglanishi, soʻz boyligini oshirishga hissa qoʻshishi, oilaning farzandlari bilan sifatli va turli vaqt oʻtkazishi va muloqot qilish kabi tadbirlar orqali amalga oshiriladi. Dastlabki yillarda bola tilning ogʻzaki element va unsurlarini beixtiyor ishlatgan boʻlsa, maktab yoshiga kelganda yozuv elementlarini ataylab / maxsus ishlata bilishni oʻrganish birinchi oʻringa chiqadi. Til koʻnikmalarini keyingi yillarda yetarli potentsialiga yetkazish jarayoni, agar bolalar til boʻyicha mutaxassis boʻlgan oʻqituvchi yoki kattalar tomonidan maxsus oʻrgatilsa, qoʻllab-quvvatlansa va boshqarilsa, dastak (scaffolding) deb ataladi (Gunning, 2003). Hayot davomida oʻrganishni qoʻllab-quvvatlaydigan asosiy koʻnikmalardan biri boʻlgan shaxslarning oʻqish va yozish qobiliyatiga ega boʻlishlari uchun tilga oid ogʻzaki elementlardan foydalangan holda yozma narsalarni maʼno qilish jarayoni birlamchi oʻqish va yozishni oʻrganishdir.

Boshlangʻich oʻqish va yozishning mohiyatini tushunish uchun til rivojlanishi jarayonini rivojlanish xususiyatlari yordamida tekshirish kerak. Tugʻilgan paytdan boshlab besh yoshgacha boʻlgan bolaning shaxsiy idroki va ijtimoiy oʻzaro taʼsiri bilan rivojlanadigan til koʻnikmalari **rivojlanuvchi savodxonlik** tushunchasi (emergent literacy) bilan izohlanadi (Gunning, 2003; Cunningham, Moore, Cunningham va Mur, 2004). Til rivojlanishi darajasi juda tez boʻlgan bu bosqichda savodxonlikni idrok etish, kitob va oʻqishga qiziqish, oʻqishga taqlid qilish, oddiy soʻzlarni idrok etish, fonologik ong kabi koʻnikmalar rivojlanadi (Tompkins, 2006). Bolalar bu yoshda sabab-oqibat munosabatlarini oʻrnatolmagani uchun ular fantastik matnlarga qiziqishadi va qofiyali soʻzlardan zavqlanishadi (Gunning, 2003; Tompkins, 2006).

Rivojlanayotgan savodxonlik bosqichidan keyin erta savodxonlik bosqichi keladi va maktabgacha va birinchi sinfni qamrab oladi. Ushbu bosqichning oʻziga xos xususiyati alifbo tamoyilini oʻzlashtirishdir. "Alifbo tamoyili –tovushlarni harflar bilan ifodalanishi, shu tarzda soʻzlarning oʻqilishi, harflar ifodalovchi tovushlarning talaffuz qilinishi va tovushlarni ifodalovchi harflar tomonidan tuzilgan soʻzlarning hijjalanib oʻqilishini qamrab oladi" (Gunning, 2003, 12-bet). Boshlangʻich oʻqish va yozishni oʻrgatish jarayoniga toʻgʻri keladigan ushbu bosqichda bolalarga “butundan qismga”, “qismdan butungacha” yoki ikkalasini ham oʻz ichiga olgan usul yordamida

o'qish va yozish o'rgatiladi. Bu usullar o'qish va yozishni o'rgatishning boshlang'ich usullarining manbai hisoblanadi.

Butundan qismga yondoshgan holda o'qish va yozishni o'rgatish tahlil usuliga asoslanadi. Ushbu usulda "birlamchi o'qish-yozishni o'rgatish bolaning kundalik tilidan o'quvchilar tushunadigan qisqa jumlar bilan boshlanadi va bu jumlar vaqt o'tishi bilan so'zlarga va so'zlarga bo'g'inlarga bo'linadi" (Tok, Tok va Mazi, 2008 : 124). Bo'g'inlarni tashkil etuvchi tovushlar o'quvchi tomonidan idrok etilishi uchun yasaladi. Ushbu dekodlashlardan so'ng tovush va bo'g'inlardan yangi so'zlar olinadi va so'zlardan yangi jumlagacha erishiladi. Jarayonga nazar tashlaydigan bo'lsak, bu usul savodxonlikka erishish uchun uzoq vaqt talab etadi. Ushbu usulning teskarisi sifatida ko'rilgan va qismdan butunga o'tish tamoyiliga asoslangan sintez usuli o'qish va yozishning boshlanishini eng kichik yozuv birligi harf va tovush bilan ifodalaydi (Karadağ va Gultekin, 2007; Koch, 2012). Usulda tovush yoki harflarga asoslangan holda bo'g'inlar, so'zlar va jumlar qurishga erishish juda muhimdir. Bu usul tez va tushunarli o'qish va aniq yozish qobiliyatini yaxshilash nuqtai nazaridan kamchiliklarga ega (Akman & Aşkın, 2012; Koch, 2012).

Ikki usul birgalikda qo'llaniladigan aralash usul "sintetik usulning kamchiliklarini oldini olish va tahlil usulini qo'llashdagi qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun amaliyotda asosan o'qituvchilar tomonidan ishlab chiqilgan oraliq o'qitish usuli hisoblanadi (Çelenk, 2003 : 47).

Qayd etilgan bu usullarning Turkiyada o'qish va yozishni o'rgatishda o'zini namoyon qiladi. 1920 yildan avval faqat alifboni o'qitishga asoslangan boshlang'ich ta'limda nomlash usuli ishlatila boshlangan va keyin imlo usuli qo'llanilgan (Binbaşoğlu, 1999). Harf nomlari talaffuz qilingandan keyin so'zning o'qilishini ifodalovchi nomlash usuli o'rniga harf tovushiga e'tibor qaratiladigan bo'g'in usuliga o'tildi. Ikkinchi Konstitutsiyaviy davrda hijjalash usuliga javoban tovush usuli paydo bo'ldi (Engin va Uyg'un, 2011). Bu davrda Kazim Nami Duruning deshifrlash va sintetik usul oid ishida so'z o'rgatish ta'kidlangan (Binbaşoğlu, 1999). Respublika davrida boshlang'ich sinf dasturlari turli yillarda yangilanib, bu dasturlarda savod o'rgatishda qo'llanilishi kerak bo'lgan usullar taklif qilingan. 1924 yil dasturida tovush yoki so'z usulini qo'llash o'qituvchining ixtiyoriga qo'yilgan bo'lsa, 1926 yil dasturida ikki usul birgalikda qo'llaniladigan aralash usul va so'z usuli qo'llanilishi belgilangan (Binbaşoğlu, 1999; Engin va Uyğun, 2011; Akman ve Aşkın, 2012). 1936 yil o'quv dasturida gap usulidan foydalanishga alohida urg'u berilgan bo'lsa, 1948, 1964 va 1981 yillar dasturlarida o'qish va yozishni o'rgatishda tahlil usuli muhim ahamiyatga ega ekanligi ta'kidlandi. 2004-yilda nashr etilgan va 2015-yilda qayta tartibga solingan Turkiya o'quv dasturida tovushga asoslangan jumla usuli boshlang'ich o'qish va yozishni o'rgatishda qo'llaniladigan usul sifatida belgilangan (MEV, 2004; MEV, 2015). yangi dasturning tahrir qilinmagan versiyasi 2018-2019 o'quv yili oxirigacha qo'llanildi. Tahrirdan o'tgan Dastur 2016-2017 o'quv yilidan boshlab qo'llanila boshlandi.

O'qish va yozishni o'rgatishda qo'llaniladigan usullar nafaqat Turkiyadagi o'qish va yozishni o'rgatishning tarixiy jarayonida, balki turli mamlakatlarning o'quv dasturlarida ham aks etganini ko'rishimiz mumkin. Xalqaro talabalarni baholash dasturida (PISA/ XTBD) o'qish bo'yicha yuqori natijalarga erishgan mamlakatlarning o'qish va yozishni o'rgatish bo'yicha yondashuvlari ko'rib chiqiladigan bo'lsa, avvalo Singapurga e'tibor qaratish kerak. 2015 yildagi PISA ma'lumotlariga ko'ra, kitobxonlik sohasida eng muvaffaqiyatli mamlakat Singapur bo'lgan(OECD, 2016). Mamlakatda rasmiy til ingliz tili bo'lsa-da, xitoy va malay tillari kabi ona tillari ham o'qitiladi. Ingliz tili o'quv dasturida o'qishni o'rganish o'ziga xos soha sifatida ko'rib chiqilib, tahlil va sintez usullarini birgalikda qo'llash mumkinligi, barcha ta'lim yo'nalishlari muvozanatli va interaktiv tarzda birga amalga oshirilishii, ma'noga yo'naltirilgan o'qishni o'rgatish ta'kidlanadi va qo'llab-quvvatlanadi (MOE, 2010). PISAda yuqori natijalarga erishgan davlatlardan yana biri Finlyandiya. Birinchi sinfda o'qish va yozishni o'rgatishda so'zni aniqlash, og'zaki tildan so'z, so'zdan bo'g'in va bo'g'indan tovushga o'tish kabi ko'nikmalar kiritilgan (FNBE, 2004). Mamlakatda o'qish va yozishni o'qitishda tahlil usuli keng qo'llaniladi.

Amerika Qo'shma Shtatlari [AQSh] bu masalada Singapur yoki Finlyandiya kabi muvaffaqiyatli bo'lmasa-da, PISA/ XTBD bo'yicha o'qish sohasida o'n sakkizinchi o'rinni egallashga muvaffaq bo'ldi. Mamlakatda o'qish va yozishni o'rgatish bo'yicha turli metodlar tatbiq

qilinib, muvaffaqiyatli natijalarga erishildi. Ulardan biri xavf ostida bo'lgan bolalarni himoya qilish va erta aralashuvni ta'minlash maqsadida yaratilgan "Hamma uchun muvaffaqiyat" dasturidir. Dasturni yaratishga sabab bo'lgan g'oya, xavf ostida bo'lgan o'quvchilarning boshlang'ich maktab yillarini muvaffaqiyatli o'tkazishi va o'quvchilarning yaxshi maktab hayoti uchun zarur ko'nikmalarga ega bo'lishini ta'minlash uchun samarali o'qitish uchun barcha ma'lum usullardan foydalanishdir (Madden, Slavin, Karweit, Dolan, Vasik, 1991). Dasturning maqsadi o'quvchilarni uchinchi sinfgacha bo'lgan o'qish darajasiga etkazishdir. Dasturni amalga oshirish uchun nafaqat o'qituvchilar, balki dastur sohasida ixtisoslashgan coordinator, soha o'qituvchilar va oilani qo'llab-quvvatlash guruhi birgalikda ishlashi va maxsus o'qish dasturi va o'lchov vositalaridan foydalanishi kerak.

AQShda qo'llaniladigan yana bir usul – bu, to'rt blok usulidir. To'rt blok - bu 1990 yilda universitet professor-o'qituvchisi bilan hamkorlikda ishlagan maktab o'qituvchilari tomonidan o'quvchilarning o'zlari yoki ularning tengdoshlari tomonidan "ular o'qiy olmaydi" degan qarashchalarini bartaraf etish uchun ilgari surilgan usul (Cunningham, Hall, Sigmon, 1999). Bu usulga ko'ra har bir o'quvchining individual farqlarini hisobga olgan holda o'rganishi mumkinligi ta'kidlanadi. Individual farqlarni hisobga olgan holda, guruhning o'qitish va o'qitish malaka va tajribalari qay darajada ekanidan qat'i nazar, hamma uchun yoqadigan tarzda tashkil etiladi. Bu usulni yaratishda ko'plab yondashuvlar diqqatga olingan.

To'rt blok usuli ilgari surilayotganda o'qituvchi nazorati ostida asosiy o'qish usuli, tovush-harf munosabatini o'rgatuvchi tovushli yondashuv, o'quvchilarning kitoblar bilan chambarchas bog'langan adabiy yondashuv usuli va yozish faoliyatini o'z ichiga oladi (Cunningham, Hall, Defee, 1991). Ushbu yondashuvlarning in'ikosi sifatida o'qish va yozishni o'rgatishda qo'llaniladigan to'rt xil qismdan (bloklar) iborat usul ishlab chiqilgan.

Shaxsiy o'qish bloki o'quvchining o'zi xohlagan kitob yoki matnni tanlash orqali o'qishini o'z ichiga oladi (Popplewell, Doty, 2001). Bu qismda har qanday matn avvalo o'qituvchi tomonidan ovoz chiqarib o'qiladi. Bu yerda ovoz chiqarib o'qish samarali o'qish usuli sifatida katta ahamiyatga ega. Bu o'quvchilarni umri davomida o'qiydigan shaxslar bo'lishga undaydigan qismdir (Cunningham, Hall, Sigmon, 1999). O'qituvchi ovoz chiqarib o'qib bo'lgach, o'quvchilardan kitob tanlashlari so'raladi. O'qish va yozishni o'rgatishda rasmi katta kitoblardan foydalanish mumkin. Barcha o'quvchilar o'zlari tanlagan kitoblarini o'qiyotganlarida, o'qituvchi ularning oldiga borib, o'qishlarini tinglaydi va qayd qiladi. Ushbu bo'lim oxirida o'qiganlari yoki kitob haqida o'ylaganlari bilan o'rtoqlashmoqchi bo'lgan o'quvchilarga imkoniyat beriladi.

Yana bir blok - **yo'naltirilgan o'qish bloki**. Ushbu blokning maqsadi o'quvchilarga tushunish strategiyalarini o'rgatishdir. Shaxsiy o'qishdan farqli o'laroq, o'qituvchi tomonidan tanlangan matn o'qiladi va ba'zi vazifalar amalga oshiriladi. O'qiladigan matnni tanlashda o'qituvchi o'quvchilarning darajasidan yuqori bo'lishga e'tibor beradi (Cunningham, Hall, Sigmon, 1999). Noma'lum so'zlar ishtirokidagi asar tanlashga alohida e'tibor beriladi. Matnni o'qituvchi o'qiyotganda, o'quvchilarni kuzatib boradi. Noma'lum so'zlar o'rganiladi va o'quvchilarga matnni alohida yoki juft bo'lib o'qish taklif etiladi. O'qishdan so'ng savol-javob mashqlari o'tkaziladi.

O'qish bloklaridan tashqari, yozish bloki ham mavjud. Ushbu blokning maqsadi matnning qanday yozilishini modellashtirishdir (Popplewell, Doty, 2001). Shu bilan birga, o'quvchilarning mustaqil yozish ko'nikmalarining shakllanishi va ularning bu boradagi muvaffaqiyati kuzatiladi. Eng avvalo matnni o'qituvchi yozadi. Talabalarning mustaqil yozishlari ma'lum bir jarayonga asoslangan yozish modelidagi bosqichlar kabi boshqariladi.'

Yozish bloki - bu o'qituvchi tomonidan qanday yozish modellashtiriladigan va shu bilan birga yozish malakasi turli darajadagi o'quvchilarning individual ravishda ishlashlari va yozganlarini do'stlari bilan baham ko'rishlarini rejalashtirgan bo'limdir. Yozishni modellashtirish savodxonlikka erishishda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan blokdir. Yozishni modellashtirishda o'qituvchi ayniqsa "devordagi so'zlar"dan foydalanadi. Bu o'rinda so'z devoridagi so'zlar ishtirokida yoki ixtiyoriy so'zlar ishtirokida yozish vazifa topshiriladi.

Xususan, ishni rasm va matnlar jamlanmasidan foydalanishdan boshlash mumkin. O'quvchilar o'qish va yozishni bilmay turib, o'z fikrlarini ifoda etishlarini ta'minlash uchun

o'qituvchi o'zi aytmoqchi bo'lgan narsani tasvir va ba'zi so'zlarni ifodalagan holda og'zaki tushuntiradi. Shundan so'ng u o'quvchilarga chizish va yozish uchun ish varaqlarini tayyorlaydi. O'quvchilar yozadigan birinchi matnlar ularning mushuklari va ularning yaqin atrofi haqida bo'lishi mumkin. Bunda o'qituvchi qilish kerak bo'lgan vazifa o'quvchilarni yozishga undashdir. So'z devoridagi so'zlar vaqt o'tishi bilan ko'payib borar ekan, o'qituvchi faol yozishni modellashtirish qismida quyidagi masalalarni hal qilish kerak: mavzu tanlash, so'zlarning to'g'ri yozilishi, imlo-tinish belgilari-grammatikasi, yozish turlari, tahrirlash. Ko'p mavzulardan (tug'ilgan kun, do'stlar, hayvonlar, o'qituvchi, velosiped, uy, o'yin va boshqalar) birini tanlash uchun ko'rgazmali materiallardan foydalanish mumkin. O'quvchilar tomonidan taklif qilingan mavzular ham ushbu doskaga kiritilishi mumkin.

Yozish bir jarayon bo'lgani uchun o'quvchilarni faqat yozishga emas, yozma nutqini boyitishga undash kerak. Har bir yozilgan matn har kuni o'qituvchi tomonidan muntazam ravishda ko'rib chiqilishi va o'quvchillarning yozish malakasi uchun nima yetshmayotganini e'tiborga olish kerak (Cunningham, Hall, Sigmon, 1999). So'zlarni yozishda ma'lumdan noma'lumga ilgarilash zarur, bir so'z o'rniga yozilishi mumkin bo'lgan boshqa so'zlarni ham hisobga olish lozim. Imlo, tinish belgilari va grammatika o'quv dasturi nuqtai nazaridan rioya qilinishini ham unutmaslik lozim. Bundan tashqari, yozma shaklda o'rganish kerak bo'lgan elementlar ro'yxatga olinishi zarur. Masalan, ro'yxat quyidagicha bo'lishi mumkin: isimlar va sanalarni yozish, mantiqiy gaplar tuzish, tinish belgilarini o'z o'rnida qo'llash, bosh harfdan boshlanuvchi atoqli otlar, to'g'ri yozilganligiga ishonchi komil bo'lmagan so'zlarni aylana ichiga olish, sarlavha tanlash, va mavzudan chetga chiqmasdan yozish (Cunningham, Hall, Sigmon, 1999).

Yo'naltirilgan yozish yozish blokining tarkibiy qismidir. Yo'naltirilgan yozish, ayniqsa, savodxonlikka erishgandan so'ng, diqqat qaratiladigan bo'limdir. Ushbu bo'limda ma'lum turdagi yozuvlar ustida ishlash juda muhimdir. Buning uchun yozuvni modellashtirish bo'limidagi ma'lumotlardan foydalaniladi. Yo'naltirilgan yozish o'qituvchining yozishni modellashtirishidan boshlanadi, yozish turi sinf tomonidan belgilanadi va bu tur bo'yicha izlanishlar olib boriladi. Hikoyalar, xatlar va ma'lumot beruvchi matnlar bu borada ko'p ishlatiladi (Cunningham, Hall, Sigmon, 1999). Ishlanadigan yozuv turi aniqlangandan so'ng, o'quvchilarga nima haqida yozishlari va matn qanday tafsilotlarni o'z ichiga olishi haqida fikr yuritishlari ta'minlanadi. Bu jarayondan so'ng, zarur bo'lganda, yozishlari mumkin bo'lgan ma'lumotlar cheklanadi. Agar ular yozgan janrga ko'ra ma'lumot to'plashlari kerak bo'lgan holatlar mavjud bo'lsa, ular turli kitoblarga murojaat qiladilar. Shundan so'ng ular birinchi qoralama matnni yozadilar. Keyin o'quvchilar bu matnlarni sinfda baham ko'rishadi va do'stlaridan izoh olish orqali kerakli joylarni tuzatadilar. O'quvchilar o'z o'zgartirishlarini kiritgandan so'ng, uni qo'l yozuvi bilan ko'chiradilar.

So'nggi blok **so'zlar bilan ishlash blokidir**. Bu yerda maqsad so'zlarni tezda tanib olish uchun o'qish va yozishni mashq qilishdir. Har hafta talabalarga beshta yangi so'z o'rgatiladi va sinfdagi "so'z devori"ga qo'shiladi (Cunningham, Hall, Defee, 1991). Bu so'zlarga tegishli qofiyali so'zlarni topish, so'z boshqotirmasi kabi turli ishlar bajariladi.

So'zlar bilan ishlash bloki chet elda amaliyotga tatbiq etilsa-da, o'qituvchi so'z devoriga qo'shish uchun har hafta beshta so'z berishi kerak. Biroq turkcha savodxonlikni o'rgatishda tovush guruhlarini asos qilib olinganligi sababli, bu tovush turkumlaridan yasalishi kerak bo'lgan so'zlar ko'pligi ko'rinib turibdi. Shu sababli so'z bilan ishlash qismini moslashtirishda to'rt kun davomida turli miqdordagi so'zlarni berib, beshinchi kuni barcha so'zlar bilan ishlash maqsadga muvofiq deb hisoblanadi. Shunday holda savodxonlikka erishish tezroq bo'ladi. Ushbu blokni moslashtirishda 1-sinf turk tili darsi o'qituvchilari uchun qo'llanmadagi yillik reja asos qilib olindi (Sidekli, Bala, 2016). Qo'llanmaga ko'ra, barcha tovush guruhlarini qayta ishlash va savodxonlikka erishish birinchi semestrda yakunlanishi kerak va bu muddat o'n olti haftadir. Bu davr tovush guruhlariga ko'ra ajratilgan, birinchi va oxirgi tovush guruhlarini ikki haftada, qolgan tovush guruhlarini esa uch haftada o'qitish rejalashtirilgan. Birinchi tovush guruhiga kirish mumkin bo'lgan so'zlar soni cheklanganligi sababli, haftada o'nta so'z o'rganishga erishish maqsad qilingan. Boshqa tovush guruhlarida haftada yigirma so'zdan iborat namunali ro'yxat berilgan. Tovush guruhlarining yarmiga ishlov berilganda, ya'ni 3-tovush guruhidan keyin o'qituvchi o'quvchilarning vaziyati va

ehtiyojlariga qarab turli soʻzlar bilan ishlay oladi.

Soʻz devorida roʻyxat sifatida qoʻshilgan soʻzlar bilan bajarilishi kerak boʻlgan topshiriqlarga quyidagilarni qamrab oladi. Soʻz devoriga qoʻshilgan soʻzlarni boʻgʻinlarga boʻlish yoʻli bilan oʻqish (qarsak chalib, marom bilan aytish mumkin), avvalgi kunlarda qoʻshilgan soʻzlarni esa har kuni takrorlash kerak. Bu blokda harf shakllari ham oʻrganiladi. Soʻz devorining maqsadi soʻzlarning maʼnolarini oʻrganish va ularni tezda tanib olish imkonini berishdir. Bu qismda qofiyali soʻzlar bilan ishlash mumkin. Masalan, berilgan soʻzlar bilan qofiyalangan ayrim soʻzlar tanlab olinadi va gapda qoʻllangan yozma shaklda oʻquvchilarga beriladi. Oʻquvchilar qoʻllarida soʻzlar bilan gaplardagi olmosh soʻzlarni topadilar. Soʻz devoridagi soʻzlardan biriga qofiyalanganlar topiladi. Faqat bitta soʻz bilan qofiyalangan koʻplab soʻzlarni topish va moslashtirishga harakat qilish mumkin. Bulardan tashqari bir xil tovush bilan boshlangan soʻzlarni ham farqlash mumkin.

Soʻz devori boʻyicha tez-tez ishlatiladigan tadqiqot ongli oʻqishdir (Cunningham, Hall, Sigmon, 1999). Oʻqituvchi doskaga beshta soʻz yozadi. Ulardan birini yodda tutadi va ushbu soʻz bilan bogʻliq beshta yoʻnaltiruvchi maʼnoli gap tuzadi. Beshta gap soʻzga imo qiladigan tushunchalarni oʻz ichiga olishi kerak. Bunday gaplardan biri "doskada yozilgan soʻzlardan biri" boʻlishi kerak. U oʻquvchilarga ushbu yoʻnaltiruvchi maʼnoli gapni aytadi va ulardan qaysi soʻzni xayolda tutganini aniqlashni soʻraydi. Masalan, chechak soʻzini oʻqituvchi hayolda tutadi. Bir soʻz, beshta harf, unda ikkita ch harfi bor, bitta e harfi bor va "juda yoqimli hid taratadi/ chiqaradi".

Toʻrt blokli model usuli bu oʻqish, yozish va tinglash mutanosiblashtirilgan tarzda amalga oshiriladigan usul. Soʻzlarni oʻrganish uchun ajratilgan maxsus blok oʻqishni oʻrgatishda qoʻshgan hissasi bilan ham diqqatga sazovordir. Maʼlumki, lugʻat boyligiligining kattaligi tushuncha va fikrlarni shakllantirishda jiddiy oʻrin egallashi bilan birga, tushunish va ravon oʻqishni ham taʼminlaydi (Gunning, 2003; Güneş, 2007). Turkiyada qayta koʻrib chiqilgan Turk tilining oʻquv dasturiga nazar tashlasak, soʻz boyligini oʻrganish bilan bogʻliq oʻzlashtirishlar har bir sinf kesimida amalga oshirilgani koʻrinadi. Masalan, ogʻzaki muloqotni oʻrganish sohasida soʻzlarning toʻgʻri talaffuziga urgʻu berilsa, oʻqishni oʻrganish sohasida savoldan keyin, soʻz xaritasi, soʻz devori, soʻz kartalari kabi vositalar bilan nomaʼlum soʻzlarning maʼnosini oʻrganish boʻyicha ishlashga urgʻu beriladi. (MEV, 2015).

Turkiyada oʻqish va yozishni oʻrgatish haqida gap ketganda, tahlil va sintez usullari oʻrtasida taraddud borligi koʻrinadi. Hozirgi vaqtda ham tovushga asoslangan jumla qurish usuli orqali oʻqish va yozishni oʻrgatgan turk til oʻquv dasturidagi soʻz urgʻusi; xorijda qoʻllanilayotgan, Turkiyada boshlangʻich oʻqish va yozishni oʻrgatishda soʻz oʻrgatishga tayangan toʻrt blokli usulni moslashish mumkinmi, degan munozaralarni oʻrtaga chiqardi.

Toʻrt blokli model taklifi ilgari surilishidan oldin bir qator tayyorgarlik ishlari olib borilgan. Avvalo, toʻrtta blok uchun nima talab qilinayotgani talablar oʻrganilgan va Turkiyada qoʻllanilayotgan Turk tili oʻquv dasturi va turli darsliklar oʻrganilgan. Modelning shaxsiy va yoʻnaltirilgan oʻqish bloklari uchun bolalarning turli adabiy asarlari roʻyxati va bajarilishi kerak boʻlgan tegishli topshiriqlar, soʻzlar bilan ishlash va yozish uchun soʻzlar roʻyxati va bu soʻzlar bilan bajarilishi mumkin boʻlgan mashqlar taklif qilingan.

Soʻz takliflari uchun Turk tili oʻquv dasturidagi tovush guruhleri va tovush guruhlarini oʻrgatish oylari kuzatilgan. Birinchi sinflarda oʻqitiladigan "Oʻqish va yozishni oʻrganyapman", "Turk tili", "Hayotshunoslik", "Matematika" kitoblaridagi barcha soʻzlar va ularning chastotalari yillik rejalarda oylar boʻyicha sanab oʻtilgan. Bu harflaridan tashkil topgan soʻzlar hamda kitoblardagi soʻzlar birgalikda baholanib, oylar boʻyicha eng mos soʻzlar aniqlandi. Tavsiya etilgan bolalar adabiyoti asarlarida ham tovush guruhleri asos qilib olingan.

Toʻrt blokli model oʻqish, yozish, tinglash, gapirish va soʻz boyligini yaxlit tarzda oʻzlashtirish kabi barcha sohalarni qamrab oladi. Soʻzni oʻrgatish uchun ajratilgan blok - soʻzni tez tanib olish, soʻzlar orasidagi tovushlarning oʻxshashligini aniqlash, tovush oʻxshashligi va farqlari orqali soʻz maʼnosini oʻzgartirishi, soʻz maʼnosining chuqurligi (soʻzning turli xil maʼnolari), maʼno kengligi (soʻzlardagi qoʻshimcha maʼnolarni bilish), turli sohalarga oid soʻzlarni bilish kabi masalalar bilan shugʻullanadi. Shu tariqa maʼnoli birlik boʻlgan soʻzga asoslanib, mazmunli oʻqish va yozishga bevosita hissa qoʻshiladi.

To'rt blokli model usulining shaxsiy va yo'naltirilgan o'qish bloklari o'qishni modellashtirishga, kitoblarni ravon o'qishni ta'minlaydigan chastotada o'qishga, tushunish strategiyalarini ishlab chiqishga va bir vaqtning o'zida so'z boyligini kengaytirishga qaratiladi. O'qilgan kitoblarni tinglash va kitob haqidagi fikrlarni baham ko'rish singari tinglash va gapirishning ikkita asosiy sohasini qo'llab-quvvatlaydi. Matnlar his-tuyg'ular va fikrlar qanday ifoda etilganligini ochib berganligi sababli, o'qishdan oldingi va keyingi mashqlar ularni tushunish strategiyalarini ishlab chiqadi va natijada o'quvchilar o'qiganlarini yanada samaraliroq anglaydilar.

Yozma matnlarni tekshirish va bu imtihon natijalaridan foydalanib yozishni o'rgatish katta boylikdir. Xuddi o'qish qismida bo'lgani kabi yozuv qismida ham o'qituvchining modellashtirishdan so'ng o'rganilgan so'zlar va yozma ifoda ko'nikmalarini oshiruvchi tarzda olib boriladigan yo'naltirilgan yozish faoliyati barcha olingan bilimlardan foydalanish imkoniyatini yaratadi.

Umuman olganda, o'qishga va yozishga o'rgatishda bir-biriga bog'liq bo'lgan va bir-birini qo'llab-quvvatlaydigan to'rt blokli model usuli muhim ahamiyatga ega, chunki u o'quvchilarni tushunish bilan bog'liq muammolarini bartaraf etish choralari o'z ichiga oladi.

Ravon va mazmunli o'qishni ta'minlaydigan, matnlar bilan o'zaro bog'langan holda o'qish, tinglash va gapirishni qo'llab-quvvatlaydigan shaxsiy o'qish bloki, tushunish strategiyasini o'rgatish imkoniyatini beradigan yo'naltirilgan o'qish bloki va yozish bo'limi, o'z fikrini og'zaki va yozma ravishda ifodalash qobiliyatini oshiradigan so'z bilan ishlash bloki o'quvchilarni o'quv maqsadga qisqa muddatda yaqinlashtiradi. Shunday ekan, "to'rt blokli model" usulidan maktab o'qituvchilari savod o'rgatishda kelajakka sarmoya sifatida foydalanmoqda, desak xato bo'lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Akman, E., Aşkın I. Ses Temelli Cümle Yöntemine Eleştirel Bir Bakış// Gazi üniversitesi Gazi Eğitim Fakültesi Dergisi. -2012. -№ 32(1). –S. 1-18.
2. Binbaşioğlu, C. İlkokuma ve yazma öğretiminin ve alfabe kitaplarının tarihsel gelişimi// Eğitim ve Bilim. - 1999. -№ 14(114). –S. 8-34.
3. Çelenk S. İlkokuma-yazma programı ve öğretimi. -Ankara: Aru Yayın, 2003.
4. Cunningham P. M., Hall D. P., Defee M. Non-ability-grouped, multilevel instruction: A year in a first - grade classroom// The Reading Teacher. -№ 44(8) . -1991. –S. 566-571.
5. Cunningham P. M., Hall, D. P., Sigmon C. M. The teacher's guide to the four Blocks. - North Carolina: Carson-Dellosa Publishing House, 1999.
6. Cunningham P. M., Moore S. A., Cunningham J. W., & Moore D. W. Reading and writing in elementary classrooms: Research Based instruction. -Boston: Pearson Education, Inc, 2004.
7. Engin G.,Uygun, S. Osmanlı'dan günümüze okuma yazma öğretimi// Fırat Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi. - 2011. -№ 21(1) . –S. 197-216.
8. FNBE (Finnish National Board of Education) National core curriculum 2004-Learning objectives and core contents of education. 2004.
9. Güneş F. Ses temelli cümle yöntemi ve zihinde yapılandırma. -Ankara: Nobel Yayın Dağıtım, 2007.
10. Gunning T. G. Creating literacy instruction for all children. -Boston: Allyn and Bacon, 2003.
11. Karadağ R., Gültekin M. İlkokuma ve yazma öğretiminde çözümleme ve Bireşim yöntemlerinin etkililiğine ilişkin öğretmen görüşleri// Eğitimde Kurum ve Uygulama. -2007. -№ 3(1) . –S. 102-121.
12. Koç R. Okuma yazma öğretimi yöntemleri ve ses temelli cümle yönteminin uygulaması// International Periodical for The Languages, Literature and History of Turkish or Türkle. - 2012. -№ 7(4) . –S. 2259-2268.
13. Madden N. A., Slavin R. E., Karweit, N. L., Dolarl L., Wasik, B. A. Success for all. Baltimore: Center for Research on Effective Schooling for Disadvantaged Students. 1991.
14. OECD (Organisation for Economic co-operation and Development). Pisa 2015 results in focus. 2016.

15. Popplewell S. R., Doty D. E. Classroom instruction and reading comprehension: A comparison of one basal reader approach and the four-blocks framework// Reading Psychology. - 2001. -№ 22(2). –S. 83-94.
16. Sidekli S. Bala E. İlkokul öğretmen klavuz kitabı. Türkçe 1. sınıf Türkiye: MEB Devlet Kitapları, 2016.
17. Tok Ş., Tok T. N., Mazı A. İlkokuma yazma öğretiminde çözümleme ve ses temelli cümle yöntemlerinin değerlendirilmesi//Kurum ve Uygulamada Eğitim Yöntemi. -2008. -№ 53. –S. 123-144.
18. Tompkins G. E. Literacy for 21st century: A Balanced Approach. -New Jersey: Pearson, 2006.
19. MEB (Millî Eğitim Bakanl'ğ'). Türkçe dersi (1-5. sınıflar) öğretim programı: 2004
20. MEB (Millî Eğitim Bakanlığı). Türkçe dersi (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 ve 8. sınıflar) öğretim programı: 2015
21. MOES (Ministry of Education Singapore). English language Syllabus 2010.

СИСТЕМА НАУЧНЫХ ЗНАНИЙ И МОРАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ

Сафарова Нигора Олимовна,

**Доктор философских наук, профессор, заведующая кафедры “Общественные науки”
Навоийского государственного педагогического института, Узбекистан.**

Резюме: Наука в качестве системы достоверных знаний выполняет общественную функцию, заключающуюся в удовлетворении потребностей личности в знаниях законов природы и общества. Явления, способные по своей природе удовлетворять различные по социальной направленности потребности, выступают в качестве истинной ценности в том случае, если они удовлетворяют потребности морального прогресса, прогрессивной моральной системы, составляющей необходимую подсистему общества как функционирующего и развивающегося целого.

Резюме: Fan ishonchli bilimlar tizimi sifatida insonning tabiat va jamiyat qonunlarini bilish ehtiyojlarini qondirishdan iborat ijtimoiv vazifani bajaradi. O‘zining tabiatiga ko‘ra turli xil ijtimoiv yo‘nalishlarning ehtiyojlarini qondirishga qodir bo‘lgan hodisalar, agar ular ma’naviy taraqqiyot ehtiyojlarini qondirsa, haqiqiy qadriyat bo‘lib xizmat qiladi, bu ilg‘or axloqiy tizim bo‘lib, faoliyat yurituvchi va rivojlanayotgan bir butun sifatida jamiyatning zarur quyi tizimini tashkil qiladi.

Resume: Science, as a system of reliable knowledge, fulfills the social task of satisfying human needs to know the laws of nature and society. Phenomena, which by their nature are able to satisfy the needs of different social trends, serve as real value if they satisfy the needs of spiritual development, which is an advanced moral system that operates and forms a necessary subsystem of society as a developing whole.

Наука в качестве системы достоверных знаний выполняет общественную функцию, заключающуюся в удовлетворении потребностей личности в знаниях законов природы и общества. Нравственная ценность научных знаний должна пониматься как способность науки к удовлетворению конкретной потребности, возникающей в процессе функционирования и развития одного из вечных элементов человеческого существования – нравственности.

Явления, способные по своей природе удовлетворять различные по социальной направленности потребности, выступают в качестве истинной ценности в том случае, если они удовлетворяют потребности морального прогресса, прогрессивной моральной системы, составляющей необходимую подсистему общества как функционирующего и развивающегося целого. Такой прогрессивной моральной системой в наши дни является общество, воплощающее в себе подлинную демократию, где права, интересы, достоинство личности охраняются государством. Основной моральный принцип такого государства –

гуманизм. Отрадно отметить, что принцип гуманизма стал основополагающим в формировании и развитии демократии в Узбекистане. На это указывает и ряд программных документов, принятых правительством республики, обеспечивающих права и свободы личности, развитие демократических и духовных ценностей, реализацию интересов человека. Так, в Национальной Программе по подготовке кадров Республики Узбекистан особо выделяются принципы гуманизации и гуманитаризации образования, которые предполагают раскрытие способностей человека и удовлетворение его образовательных потребностей, обеспечение приоритетности национальных и общечеловеческих ценностей, гармонизации отношений личности, общества, окружающей среды, высокой духовности, культуры и творческого мышления.

Наука – многоплановое общественное явление. Соответственно и характеристика ее может быть различной, в зависимости от того, с какой стороны она рассматривается. Но ведущей по отношению к другим выступает ее теоретическая, духовная сторона. В данном плане наука представляется системой знаний, которые занимают центральное место и в определениях науки. Научное знание – это знание существенных связей, знание в развитии, знание в системе.

Любая сфера человеческой деятельности нуждается в знаниях, в информации о фактах, явлениях, свойствах и связях действительности. Сознательная деятельность людей без знаний невозможна. Поскольку всякие знания, в том числе научные, необходимы общественному организму, удовлетворяют его потребность в сведениях о природе и обществе, они, взятые в целом, являют собой социальную ценность в широком смысле.

Вместе с тем, как известно, человеческое общество – сложное структурное образование, и потребности его функционирования и развития выступают системой, определяемой группой основных структурных элементов общества. Это экономические, политические, нравственные, эстетические и другие потребности. Отсюда следует, что в знаниях, в том числе научных, нуждается и такая специфическая и сложная сфера общественной жизни, как мораль.

Мораль представляет собой совокупность моральной деятельности, нравственных отношений и морального сознания. Моральную деятельность очень сложно выделить в качестве самостоятельного вида. Это объясняется прежде всего тем, что данным видом деятельности занимаются все люди, независимо от общественного разделения труда, а проявляется она практически в конкретных поступках человека. В связи с этим можно констатировать, что мораль возникла как ответ на одну из сторон социальной необходимости – нравственную необходимость, и как всякая другая сфера человеческой деятельности, целесообразна. Поскольку без знаний того или иного уровня невозможна никакая, даже самая элементарная сознательная целесообразная деятельность, то формирование и развитие моральных ценностей идет под влиянием определенных знаний. Рассмотрение значимости научных знаний в формировании моральных ценностей не только предполагает установление их способности удовлетворять потребности нравственные вообще, но также существенным образом влияет на развитие нравственного прогресса, общечеловеческих моральных ценностей.

Для формирования моральных ценностей в качестве нравственной оценки и моральных убеждений личности членам общества необходима нравственная эрудиция – знание моральных принципов данной общности. Также функционирование морали предполагает оценочную деятельность. Субъектом оценки поведения или действия выступает человеческая общность, выражая эту оценку через общественное мнение. Субъектом оценки выступает в то же время и сам объект действия, который соотносит реальный поступок с индивидуализированной шкалой нравственных ценностей социальной группы – содержанием собственной совести. В целом всякая реальная оценка предполагает известную эрудицию людей. Большое значение в функционировании морали имеет оценка поступка, поведения, действия в соотношении с системой моральных ценностей социальной группы. Чтобы эта оценка была объективной, в первую очередь необходимо знание

содержания системы нравственных ценностей.

Ныне, когда Узбекистан идет по новому, независимому, демократическому пути развития, мы реально осознаем, каким огромным, богатейшим научным наследием обладает наша республика и как оно отражается в формировании нравственных ценностей, присущих узбекскому народу. Духовное наследие прошлого безусловно играет важнейшую роль в развитии и совершенствовании морального сознания людей, которое непосредственно влияет на их нравственные отношения и моральную деятельность. Еще одиннадцать веков назад величайший ученый-энциклопедист Абу Наср аль Фараби утверждал, что изучение наук является необходимым условием для достижения счастья человека. «Только лишь с помощью науки, овладения всеми знаниями о существующих предметах человек приобретает то совершенство, к которому он предназначен по своей природе. Знание облагораживает человека, делает его добрым и разумным, без знания человек не может достичь той или иной цели, ради которой он живет». Овладение различными науками, накопление знаний Фараби считал показателем образованности. По его мнению, в формировании высоких нравственных и интеллектуальных качеств, человеческого достоинства, помимо практического опыта, систематического наблюдения за собой, самоконтроля, важную роль играют обучение, приобретение научных знаний и воспитание.

Научные знания непосредственно связаны с прогрессом морали, они выступают необходимым средством, которым пользуется мораль в своем прогрессивном развитии. Нравственная истина, представляющая собой соответствие требования морали нуждам функционирования и развития общества в целом, рождается в определенных социальных условиях, вместе с тем она создается при опоре на имеющуюся совокупность достоверных знаний. Кроме того, глубина проникновения науки в закономерности природы и общества имеет, вероятно, прямое отношение к степени точности, истинности прогрессивной моральной системы.

Рассматриваемый аспект роли научных знаний в формировании моральных ценностей наиболее наглядно отражается в становлении и развитии морали современного цивилизованного демократического общества. Дело в том, что современное состояние общества является наиболее динамичным, а уровень развития науки – высшим в истории общества. Это присуще не только наиболее развитым странам мира, но является приоритетным и в новом демократической государстве - Узбекистане. Научные знания как нравственная ценность в данном случае выступают в прогрессивной роли средства, удовлетворяющего потребность развивающейся морали, средства нравственного прогресса. В отличие от их роли в функционировании морали, знания выступают здесь в качестве функции истинной нравственной ценности.

Таким образом, общественные науки представляют собой и мировоззренческую, и нравственную ценности в целом. Научные знания выступают нравственной ценностью через удовлетворение мировоззренческой потребности человеческого общества, поскольку мировоззрение включает в себя нравственную позицию личности и общества.

Литература:

1. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. Т.: «Узбекистан», 1997. С.44.
2. Джумабаев Ю.Д., Мамедов Ш.Ф. Этическая мысль в Средней Азии в IX – XV вв. М., 1974. С.61.

SMART TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN O'QUV JARAYONIDA FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI

Nasirova Shaira Narmuradovna NDPI, professor

Annotatsiya: Maqolada SMART ta'lim texnologiyalarining o'quv jarayonidagi foydalanishi bayon qilingan, jamiyatdagi o'rni, ahamiyati haqida ma'lumotlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: texnologiya, axborot, SMART, ta'lim, elektron ta'lim, jarayon, tizim, muhit, kompyuter.

Abstract: The article describes the use of SMART educational technologies in the educational process, and provides information about its role and importance in society.

Keywords: technology, information, SMART, education, e-learning, process, system, environment, computer.

Аннотация: В статье описано использование образовательных технологий SMART в образовательном процессе, а также представлена информация о ее роли и значении в обществе.

Ключевые слова: технология, информация, SMART, образование, электронное обучение, процесс, система, среда, компьютер.

Mamlakatimizda ta'lim tizimida ham tubdan islohotlar amalga oshirilmoqda. Bu o'z vaqtida ta'lim tizimimizda jahon mehnat bozorida raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash asosiy maqsad deb belgilangan.

XXI asrning boshlanishi bilan zamonaviy axborot texnologiyalari inson hayotiy fazosining ajralmas qismiga aylandi. Bugungi kunda mobil telefon, kompyuter va Internet jamiyatdagi odamlar hayotiy fazosining asosiy elementlari qatoriga kiritildi. Axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishi, ana'naviy va elektron ta'limning uyg'unlashishi natijasida Smart-ta'lim (smart-education, aqlli-ta'lim) deb nomlangan ta'lim paydo bo'ldi.

Insoniyat raqamli dunyoda faoliyat ko'rsatar ekan, kompyuterlar, internet, mobil telefonlar, aloqa, ijtimoiy tarmoqlar - bularning barchasi insoniyatning doimiy xayot tarziga aylanib bormoqda. Bugungi kunda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarga pedagogik faoliyat hamda kasbiy kompetentlikning ajralmas qismi ustuvor yo'nalishi sifatida qaralmoqda. Endilikda insoniyat elektron resurslardan shunchaki axborot man'basi sifatida emas, balki interfaol muhitda ulardan aql bilan foydalanishni maqsad qilib qo'yimoqda. Bu jadal yangilanib borayotgan axborot kommunikatsiya texnologiyalari imkoniyatlaridan muloqot darajasida foydalanish, ma'lumotlarni qayta ishlash va qaysidir ma'noda odam o'rnida "o'ylash"ga majbur qilishni talab qiladi. Bunday "aqlli", inson bilan muloqot qiluvchi va o'rgatuvchi elektron resurslarni yaratish o'ta dolzarb va mashaqqatli ish bo'lib, uni yaratishga butun dunyoning eng malakali mutaxassislari imkoniyatlarini birlashtirishni taqozo qiladi. Bu yo'nalishda qo'yilgan salmoqli qadamlardan biri bu ta'lim sohasida dunyo bo'yicha amalga oshirilishi boshlangan Smart texnologiyalari loyihasini keltirish mumkin.

SMART so'zi ingliz tilidagi bir nechta so'zlarning bosh harflaridan hosil qilingan bo'lib, o'zbek tilida aqlli, aql-idrokli, texnologik kabi ma'nolarni bildiradi. Bu qisqartma so'zni dastlab 1954 yili Avstriyadan chiqqan amerikalik olim, iqtisodchi, publitsist, pedagog, XX asr menejment nazariyachilaridan biri Piter Ferdinand Druker (1909-2005) kiritgan. So'ngra 1965 yili Paul J Meyer, keyinchalik esa 1981 yili George T. Doran o'z ilmiy ishlarida qo'llaganlar [1].

Smart texnologiyalari (yoki aqlli ta'lim) - bu ochiq axborot resurslari yordamida interaktiv virtual muhitda amalga oshiriladigan moslashuvchan va induviduallashtirilgan yangi global ta'lim texnologiyasidir. Uning eng asosiy xususiyati uning butun dunyo miqyosida amalga oshirilishi va hammaga birdek axborot olish va keng ta'lim olish imkoniyatlarining yaratilishidir. Smart texnologiyalari ta'lim muhiti o'z navbatida uning qatnashchilaridan butun ta'lim jarayonini, foydalanilayotgan metod va texnologiyalarni yangilash va bir tizimga keltirishni taqozo etadi. Bugunga kelib, axborot kommunikatsiya texnologiyalarini puxta egallagan o'quvchi bilimni nafaqat sinfxonada o'qituvchidan, balki istalgan joyda, internetdagi boshqa faol bilim manbalardan ham

olish imkoniyatlariga ega bo'ldi. Shu bilan birga, hozirda qo'llanilayotgan ta'limning pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalari o'qituvchining ta'lim jarayonidagi rolini o'zgartirmoqda. O'qituvchining roli endi faqat bilim manbai emas, balki bilim olishga yo'naltiruvchi va bu jarayonni boshqaruvchisi sifatida namoyon bo'lmoqda. Bu o'rinda interfaol texnologiyalarning qo'llanishi o'quvchilarning o'zi ham bilimlarni bir-birlariga uzatish va yangilarini shakllantirish manbai sifatidagi rolini oshirmoqda. Bundan tashqari, so'nggi yillarda o'quvchi yoshlarning Twitter, Facebook kabi ijtimoiy tarmoqlarni ishg'ol qilganliklari va turli qiziqishlar, xususan ta'lim olish bo'yicha o'z uyushmalarini tuzib, faol muloqot qilayotganliklari, ya'ni o'zaro keng muloqot, ta'lim muhitining yaratilganligi mazkur ta'lim tizimiga bo'lgan qiziqishni orttirmoqda. Smart texnologiyalari ta'lim muhiti vositalari ham kun sayin o'zgarib bormoqda. Endi istalgan joydan internetga ulanish imkoniyatining yaratilganligi, mobil kommunikatsiya vositalari, "aqlli" doska, "aqlli" ekran va ta'limning boshqa "aqlli" texnik vositalarining paydo bo'lishi va kun sayin takomillashib borishi Smart texnologiyalari ta'lim muhitida faol bilim olish nufuzini yanada oshirmoqda.

Bu o'z navbatida bilim manbai sifatida kitob bilan bir qatorda undan ancha afzalliklarga ega bo'lgan faol, qulay va mobil ta'lim mazmuniga bo'lgan ehtiyojni keltirib chiqarmoqda. Buni birgina kitob va internetda joylashtirilgan ma'lumotlar, ta'lim mazmuni hajmlarini taqqoslash orqali ham anglab yetish mumkin. Internetda joylashtirilgan va kun sayin, soat sayin karralab oshib borayotgan veb resurslardagi ma'lumotlar, ya'ni bilimlar xazinasidan oqilona foydalanish, internet qulayliklari va texnik imkoniyatlaridan to'laqonli foydalanish bugungi kunning dolzarb vazifasiga aylangan. Oliy ta'lim tizimida Smart texnologiyalarini ta'lim tizimiga joriy etish bo'yicha ishlar jadal olib borilmoqda. Xususan, respublikamizda oliy ta'lim tizimi tarkibiy strukturasining dunyo andozalariga mos ravishda o'zgartirilishi va kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'lim standartlariga o'tishi bu yo'lda qo'yilayotgan qadamlardir. Shuningdek, eng zamonaviy va innovatsion axborot kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan, keng formatli sensorli elektron doskalar, kompyuterlar, o'quvchilar planshetlari, lazerli printer, raqamli videokamera va boshqa AKT jihozlaridan iborat Smart sinfxona o'rnatildi. Mazkur Smart texnologiyalarini kelajakda mamlakatimiz professional ta'lim tizimiga joriy etish bo'yicha quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi:

- Smart texnologiyalari ta'lim muhiti talablarini o'rganib chiqish va mamlakatimiz ta'lim tizimiga joriy etishni tezlashtirish;
- Smart texnologiyalari sodda va qulay, chuqur AKT savodxonlikni talab qilmaydi;
- yangi va qo'shimcha ma'lumotlarni kiritish, axborotni boyi-tib borish, eskirgan ma'lumotlarni yangisi bilan almashtirish imkoni mavjud;
- dastur yozilgan disklar uchun avtomatik sozlamalarni yaratish imkoniyati;
- respublikamizda turli fanlardan elektron resurslarni dunyo andozalariga mos, muvofiqlashtirilgan va tizimli ravishda yaratishni yo'lga qo'yish hamda imkoni boricha boshqa davlatlar bilan hamkorlikda umumiy ta'lim muhitiga moslab yaratish;
- dunyo bo'yicha yaratilgan boshqa ochiq resurslarni qayta yaratmasdan, ularning eng maqbullarini tarjima qilish va moslashtirish hamda ta'lim jarayoniga joriy qilish;
- ta'lim muassasalarini Smart texnologiyalari ta'lim muhiti texnik vositalari bilan ta'minlashni jadallashtirish.

Smart maqsadlarni qo'yishda inson ularni qimmatligini, zarurligini sezishi lozim. Smart maqsadlarni to'g'ri qo'yish texnologiyasi qo'yilgan maqsadlarni dolzarbligini, unga erishish usullarini, erishilgan natijalarni o'lchash mumkinligini va aniqlilikni hisobga olishni talab etadi.

«Smart» — bu atrof muhit bilan o'zaro ta'sirda namoyon bo'ladigan tizim yoki jarayonni xossasidir va qobiliyati bilan tizim yoki jarayonga tashqi muhitdagi o'zgarishga tez javob berish, o'zgarish qilinayotgan shartlarga moslashish, mustaqil rivojlanish va o'zini-o'zi nazorat qilish, natijaga samarali erishishga imkoniyat beradi.

«Smart»ning tayanch xossasi atrof-muhit bilan o'zaro ta'sir etish va unga moslashish qobiliyatidir. Uning ushbu xususiyati mustaqil qiymatga ega va shahar, universitet, ta'lim, texnologiya, jamiyat va ko'pgina boshqa kategoriyalarga qo'llanishi mumkin. "Aqlli ta'lim" – bu

yangi ta'lim tizimining asosini tashkil etadigan shunday ta'lim paradigmasi bo'lib, u aqlli axborot texnologiyalaridan foydalanish orqali ta'lim jarayonini mos ravishda amalga oshirishni ko'zda tutadi. Aqlli ta'lim paradigmasini amalga oshirilishi o'zgaruvchan ijtimoiy, iqtisodiy va texnologik muhit bilan egiluvchan va moslanuvchan ta'sir o'tkazish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va kompetentlikni olish uchun o'qitish va ta'lim jarayonini shakllantirishga qaratilganligini belgilash maqsadga muvofiqdir. Ushbu komponentalarga aqlli ta'lim o'lchovlari deb nom berilgan. Aqlli ta'lim o'lchovlari qatoriga: texnologik, tashkiliy, pedagogik kabi uchta o'lchovni kiritish mumkin. Shakllanayotgan Smart – ta'lim sistemasi o'zining universalligi bilan kunduzgi talabalarining mustaqil ishlarini sifatli va samarali tashkil etishda, masofali o'qitishda ishlayotgan talabalarga bilim berishda, mutaxassislarni malakalarini oshirishda, aholining umumiy ta'lim tizimida muvaffaqiyatli foydalanilishi mumkin.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Abduqodirov A.A., Toshtemirov D.E. Ta'lim muassasalarida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish metodikasi. Monografiya. Guliston: "Universitet", 2019. - 232 b.
2. Тихомиров В.П. Мир на пути Smart Education: новые возможности для развития // Открытое образование. 2011. - № 3. - С.22-28.
3. Nasirova Sh.N., Maxmudova M. A. Elektron resurslarni ta'limda qo'llashdagi imkoniyatlar samaradorligi. Oriental art and culture ISSN 2181-063X Scientific methodical journal special issue, II/2020, Kokand, 204-211 b.

ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ДЕТЕЙ В ПРОЦЕССЕ РАЗВИТИИ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ В ИГРОВОЙ СРЕДЕ ДОШКОЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

**Джанпеисова Г.Э.
Djanpeisova G.E.**

Филиал Российского Государственного Педагогического Университета им. А.И.Герцена ,
г.Ташкент, Узбекистан
Branch of the Russian State Pedagogical University named after A.I. Herzen, Tashkent, Uzbekistan
gauhar_djanpeisova75@mail.ru

Резюме: *Современные образовательные программы требуют научной корректировки содержания и методов обучения математики как в дошкольной организации, так и в начальной школе; в семейной среде. Интеллектуальная деятельность, основанная на активном поиске способов действия, в дошкольном возрасте может быть привычной и, конечно, естественной, если усилия педагогов и родителей направлены на воспитание интереса к учебному процессу, самостоятельного поиска. для решения и для достижения требуемой цели в ребенке. В статье раскрываются некоторые рекомендации для педагогов по использованию инновационных подходов по формированию логического и творческого мышления у детей, решению нестандартных задач в различных сферах деятельности. Представлены некоторые дидактические подходы к формированию математических представлений и развитию логического мышления у детей дошкольного возраста. Рассмотрены возможности технологии образовательной в процессе развития творческой личности дошкольника; в постановке вопроса, в способах его решения, в подаче учебного материала. Раскрываются приёмы и технологии обучения детей математике с использованием развивающих и логических игр, обосновывается необходимость систематической подготовки детей к усвоению школьной программы математики.*

Abstract: *Modern educational programs require scientific adjustment of the content and methods of teaching mathematics both in preschool organizations and in elementary school; in a family environment. Intellectual activity based on the active search for ways of action can be habitual and, of course, natural at preschool age if the efforts of teachers and parents are aimed at*

fostering interest in the educational process, independent search. to solve and to achieve the desired goal in the child. The article reveals some recommendations for teachers on the use of innovative approaches in working with students on the formation of logical and creative thinking in children, solving non-standard problems in various fields of activity. Some didactic approaches to the formation of mathematical concepts and the development of logical thinking in preschool children are presented. The possibilities of educational technology in the process of development of the creative personality of a preschooler are considered; in the formulation of the question, in the ways of solving it, in the presentation of educational material. The techniques and technologies for teaching children mathematics using educational and logic games are revealed, the need for systematic preparation of children for the assimilation of the school mathematics curriculum is substantiated.

Предварительный саммит по трансформации образования, проводившийся ЮНЕСКО 28-30 июня 2022 года в Париже был посвящен трансформации системы образования и реализации качественного образования на всех уровнях.²Образование во всем мире находится на перепутье. Во многих странах тихий, но усугубляющийся кризис обучения имеет катастрофические последствия для людей, планеты, процветания и мира. Во всех странах недавние и возникающие социальные, культурные, политические и технологические сдвиги заставляют нас переосмысливать цель, содержание и предоставление роли дошкольной организации в жизни детей:

- Исследования психологов, педагогов, медиков доказывают, что ключевое значение для развития человека периоду дошкольного детства;

- То, что происходит в первые годы жизни особым образом влияет и отражается на его образовательных, профессиональных, семейных и общественных достижениях и успехах.

Первые годы жизни ребёнка – это поистине неповторимый и уникальный период в его развитии и становлении личности, так как:

- происходит интенсивное развитие врождённых навыков;
- растёт сильная внутренняя мотивация к действию и обучению;
- увеличивается потребность в действии и развитии познавательных способностей;
- расширяется потребность в познании, поиске, исследовании, опыте, открытии и формулировке обобщённых выводов;
- характеризуется как наиболее значимый период для нивелирования дисгармонии и нарушений в развитии, а также последующей коррекции дисфункций;
- происходит выравнивание недостатков развивающей среды.

Ключевые слова: детское, воображение, истина, дополнение, чужое, бытие, в жизни.

Abstract: The uniqueness of foreign experience in raising preschool children.

Key words: children's, imagination, truth, addition, alien, being, in life.

Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning davlat ta'lim standartlariga ko'ra maktabgacha ta'lim — maktabgacha yoshdagi bolalar qiziqishi, iqtidori, individual ruhiy va jismoniy xususiyatlari, madaniy ehtiyojlarini inobatga olgan holda hamda bolada ma'naviy me'yorlarning shakllanishi, hayotiy va ijtimoiy tajriba egallanishini ko'zda tutgan har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan

yaxlit jarayon hisoblanadi. Mana shu jarayonda maktabgacha ta'lim tashkilotlariga qabul turli davlatlarda turlicha ekan. Maktabgacha ta'lim tashkilotiga qabul yoshi

O'zbekiston	Germaniya	Yaponiya	Italiya	Xitoy
1 yosh	4 oylik	3 yosh	3 yosh	3 yosh

O'zbekiston Respublikasi "Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida"gi Qonunning 34-moddasiga binoan bolalar yoshlariga qarab guruhlariga ajratilgan. Jumladan, ilk rivojlanish guruhi (bir yoshdan uch yoshgacha), kichik guruh (uch yoshdan to'rt yoshgacha), o'rta guruh (to'rt yoshdan besh yoshgacha), katta guruh (besh yoshdan olti yoshgacha), maktabga tayyorlov guruhi (olti yoshdan yetti yoshgacha).

Germaniyada esa bolalarga "nafaqa chiqqan bobo, buvilar nabiralarga qarashi kerak"-degan tushuncha mavjud emas. Shuning uchun ota-onalar farzandlarini 4 oylikdan boshlab bog'chaga berishga majburlarlar. Ko'pgina nemis oilalari farzandlarini ancha erta bog'chaga beradilar. Germaniyada maktabgacha ta'limning 6 xil turi mavjud bo'lib, ular bir-biridan tubdan farq qiladi va rang-barangligi bilan boshqa davlatlarnikidan ajralib turadi.

Yaponiya, Italiya va Xitoy davlatida bolalar asosan 3 yoshdan bog'chaga qabul qilinadi. Faqatgina juda majbur bo'lgan oilalar farzandlarini bolalarga qarash markazlariga berishlari mumkin. Masalan, Yaponiyada bolalar yashisiga (bolaga qarash markazi) bolani uch oylikdan berish mumkin, lekin bunday holat yaponlar orasida keng tarqalgan emas, chunki bunday yoshda bolani yasliga joylashtirish uchun onada juda jiddiy sabab bo'lishi kerak. Shuningdek bunday ayol jamiyat tomonidan yaxshi ona deb baholanmaydi. Atrofdagilarning fikri esa yaponlar uchun "eng asosiy" deb hisoblanadi. Yaponiyada bolalar yashisiga faqat ota-onasi ishlaydigan bolalar qabul qilinadi.

Mamlakatimizda esa bolalar bog'chaga bir yoshdan qabul qilinadi xususiy bog'chalarda. Farzandi uch yoshga to'lmagan onalarga mehnat qonunchiligida imtiyozlar belgilangan. Davlatimiz maktabgacha ta'lim tashkilotlariga qamrov masalasini oshirish hamda maktabgacha tayyorlovni to'liq amalga oshirish maqsadida yangi tahrirdagi qonun hujjatlariga tegishli normalar kiritildi.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi "Ta'lim to'g'risida"gi qonunga muvofiq maktabgacha ta'lim va tarbiya olti yoshdan yetti yoshgacha bo'lgan bolalarni boshlang'ich ta'limga bir yillik majburiy tayyorlashni ham nazarda tutadi. Endilikda respublikamizdagi 6 yoshdan-7 yoshgacha bo'lgan barcha ta'lim olishga layoqati bo'lgan bolalar davlat va nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida 1 yillik maktabgacha tayyorlov guruhida boshlang'ich sinflarga tayyorlanadi va ularga sertifikat beriladi.

Bu jarayon rivojlangan mamlakatlarda esa ancha ilgari boshlanadi. Masalan, Italiyada bolalar 3 yoshdan-6 yoshgacha maktabga tayyorlanadilar. Bu jarayon davlat bog'chalarida va xususiy katolik bog'chalarida amalga oshiriladi. Angliya, Shotlandiya va Uelsda majburiy ta'lim 5 yoshdan, Shimoliy Irlandiyada esa 4 yoshdan boshlanadi. Shuning uchun ham majburiy ta'limda o'qitishni boshlash muddati Yevropada eng erta deb hisoblanadi.

Maktabgacha tayyorlov guruhlari

O'zbekiston Angliya, Shotlandiya, Uels Shimoliy Irlandiyada Italiya Singapur

6-7 yosh	5-6 yosh	4-6 yosh	3-6 yosh	3-6 yosh
----------	----------	----------	----------	----------

Singapurda ham maktabgacha ta'lim ta'limning boshlang'ich bo'g'ini hisoblanadi. Bog'chaga bolalar 3 yoshdan qabul qilinadi. Ikki-uch yil davomida ularga ona tili va ingliz tili, o'qish, sanash, kuylash, rasm chizish, raqs tushish kabilar o'rgatiladi. Singapurda davlatga qarashli bog'chalar yo'q. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarining barchasi xususiy bo'lib, ayrimlarigina diniy tashkilot yoki jamg'armalar tomonidan boshqariladi.

Uzluksiz ta'lim tizimida xorijiy davlatlarning ilg'or tajribalarini o'rganar ekanmiz, har bir davlat o'ziga xos bo'lgan xususiyatlariga ega ekanligiga ishonch hosil qilamiz. Bu xosliklar qaysidir jihatdan o'sha mamlakatlarning rivojlanishiga, taraqqiy etishiga ham xizmat qilganligini ko'rishimiz mumkin. Bunga hattoki tarixning ham o'zi guvohdir.

Masalan, yaponlardagi bolalar bog'chalarida ta'lim dasturlari ham inobatga olingan, yozish va o'qishdan tashqari bolalarga qo'shiq aytish o'rgatiladi, sport musobaqalari o'tkazilib, muntazam sayrlarga chiqib turiladi. Ammo bular bilan bir qatorda bu tadbirlarni o'tkazilishidan maqsad -

bolada xamjihatlik, jamoada yashash hislarini rivojlantirishdan iborat. Qo'shiq aytilsa, xor (jamoada) aytilishi kerak, yakkaxon qo'shiqchi qo'llanilmaydi, musobaqa o'tkazilayotganda yoki hamma yoki guruh g'oliblikka erishiladi, mutlaqo yakka g'olib bo'lmaydi. Bu yapon jamiyatini modernizatsiya qilishda qo'lni qo'lga berishga yo'naltiradi. Davlat va jamiyat taraqqiyoti uchun yapon sidqi dildan xizmat qiladi. Dunyo bozorini egallagan Xitoy ham bu natijaga ta'limni isloh qilish bilan erishdi. Xitoy xalqi butun dunyoga o'zining mehnatsevarligi bilan mashhur. Ikkinchi jahon urishidan so'ng qisqa muddat ichida Xitoy mahsulotlari dunyo bozorini to'ldirganligi buning yaqqol isbotidir. Xitoyliklar juda ham intizomli va sportsevar xalq. Albatta, farzand tarbiyasida ham bu o'z aksini topgan. Agarda Yevropa mamlakatlarida bola tarbiyasiga asosan ota-ona mas'ul bo'lsa, Xitoyda bu narsa davlat zimmasidadir.

Uch oydan boshlab chaqaloq bog'chaga topshiriladi. Bir yarim yoshdan boshlab kichik xitoyliklar raqsga tushish, ashula aytish, rasm chizish, sanash va harflarni tanishga o'rgatila boshlanadi. Bog'chalarda tarbiya bilan birgalikda jismoniy rivojlanishga katta e'tibor beriladi. Bolaning qiziqishlari inobatga olinib, uning iqtidorini namoyish qilishga harakat qilinadi. Boshlang'ich sinfdanoq intizomli bo'lish, inijilik qilmaslik va yaxshi o'qish talab etiladi. Itoatkorlik va «men»ni yuzaga chiqarmaslik xitoy tarbiyasining asosidir.

Xitoylik bolalarda bolaligidanoq uchta asosiy fazilat: mehnat qobiliyati, intizom va kattalarga hurmat shakllantiriladi. Ularga yoshligidanoq, nima bo'lishidan qat'i nazar, ular eng yaxshi bo'lishi kerakligi o'rgatiladi. Ehtimol shuning uchun xitoyliklar fan, madaniyat va san'atning barcha sohalarida yetakchi o'rinlarni egallab kelmoqdalar.

Buyuk Britaniyadagi maktabgacha ta'lim o'quv rejasida nafaqat umumiy ta'lim jarayoniga urg'u beriladi, balki boladagi o'qish va hisoblash kabi ko'nikmalarga alohida ahamiyat beriladi. Bunda 4-5 yoshdagi bolalar rivojlanishning olti yo'nalishidagi aniq ko'nikma va bilimlari belgilandi: shaxsiyatlik; ijtimoiy-emotsional; kommunikativ; xabardorlik; matematik; jismonan; ijodiy. Maktabgacha yoshdagi bolalar ko'p o'ynashlari kerak, lekin adabiyot va matematikani bilish doirasidagi talablar shunchali yuqoriki, o'yin uchun vaqt qolmaydi.

Maktabgacha ta'lim xalqaro bozorining umumiy ko'rsatkichlarining statistik tahlili o'tkazildi. Natijalar. O'zbekistonda maktabgacha ta'lim bozorini rivojlantirish uchun quyidagi muhim omillarga e'tibor qaratish lozim:

1. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari sonini ko'paytirish.
2. Maktabgacha ta'lim xizmatlari turini ko'paytirish.
3. Maktabgacha ta'lim xizmatlari bozorida sof raqobat muhitini shakllantirish.
4. Ota-onalarning maktabgacha ta'lim xizmatlari sifatidan qoniqishini oshirish.

O'zbekistonda maktabgacha ta'lim xizmatlari bozorini yuqoridagi uchta omil bo'yicha rivojlantirish maqsadida davlat tadbirkorlarga nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatini tashkil etish uchun davlat-xususiy sheriklik asosida katta imtiyozlar beradi. 2017 yilga nisbatan davlat va xususiy maktabgacha ta'lim tashkilotlari soni 2018 yilda 363 taga etdi, 741 ta davlat-xususiy sheriklik shartnomasi imzolandi. To'rtinchi fikrni tushuntirish uchun ota-onalarning maktabgacha ta'lim sifatidan qoniqishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan omillarni aniqlash va kelajakda maktabgacha ta'lim tizimida buni hisobga olish kerak. Bolani maktabgacha tarbiya bilan qamrab olishda ota-onalarning ta'lim sifatidan qoniqishining muhimligini hisobga olgan holda, butun dunyo bo'ylab maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ota-onalarning qoniqishi bo'yicha ko'plab tadqiqotlar o'tkazildi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ko'plab rivojlangan mamlakatlar erta bolalik ta'limi samaradorligini oshirmoqda. Masalan, 2014 yilda iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot Tashkilotining (OECD) maktabgacha ta'lim dasturlarida 3-5 yoshdagi bolalarni qamrab olish darajasi 85% ni tashkil etdi. Shu sababli, bolalarni maktabgacha ta'lim bilan to'liq qamrab olish uchun nafaqat maktabgacha ta'lim tashkilotlari sonini ko'paytirishga, balki ota-onalarning maktabgacha ta'lim sifatini qondirishga ham ko'proq e'tibor qaratish lozim. Tadqiqotimizning asosiy maqsadi yosh bolalarning qobiliyatlarini o'z vaqtida aniqlash va ularni keyingi rag'batlantirish tizimini joriy etishdir. Bunday tizim kelajakda bolalarning qobiliyati va kasbga yo'naltirish bo'yicha kasb tanlash jarayonini osonlashtiradi. Bizning fikrimizcha, kasbga yo'naltirish bo'yicha ishlar maktabgacha ta'lim bosqichida amalga oshirilishi kerak va o'rta ta'lim tizimida shunga muvofiq ta'lim berish

maqsadga muvofiqdir. Marketing tushunchalarida individual yondashuv iste'molchilar ehtiyojlarini qondirishda muhim rol o'ynaydi. Shu sababli, ta'lim sohasining uzluksizligi va uzluksizligini, shuningdek, maktabgacha ta'lim xizmatlari bozorini rivojlantirishda xorijiy tajribadan foydalanishni ta'minlash muhimdir. Natijalarni qo'llash sohasi. Tadqiqot natijalaridan chet el tajribasi asosida maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim xizmatlarining yangi turlarini yaratishda foydalanish mumkin. Xulosa. Rivojlangan mamlakatlarning maktabgacha ta'lim xizmatlarini O'zbekiston ta'lim tizimiga samarali joriy etish maktabgacha ta'lim bozorini yanada rivojlantirishga va mamlakatda sof raqobat muhitini shakllantirishga olib keladi. Ushbu rivojlanish mamlakatda ta'lim tizimining uzluksizligi va uzluksizligi, shuningdek, global ta'lim xizmatlari bozoriga kirish uchun keng imkoniyatlar yaratadi.

Ta'lim sifatini boshqarish va nazorat qilish, uzluksiz ta'lim tizimini to'la boshqarish tizimlarini shakllantirish hamda tadbqiq qilish - davlat ta'limi siyosati, hozirgi zamon talabi ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida e'tirof etilmoqda.

Ta'lim sifati ustuvorligi ta'lim siyosatining yadrosi sifatida maktabgacha ta'lim tashkilotidan boshlab, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida boshqaruvning samarali mexanizmlarini yaratish muammosini nihoyatda dolzarb qilib qo'yadi. Maktabgacha yoshdagi bolaning har tomonlama rivojlanishi, unda "komil inson" asoslarini shakllanishi va yuzaga kelish davri - noyob davr deb belgilanganligi tufayli maktabgacha ta'lim, ayniqsa muhim rol o'ynaydi.

Maktabgacha ta'lim tashkiloti bozor munosabatlari sharoitida sifatni ta'minlovchi ta'lim tashkiloti sifatida namoyon bo'lishi ham o'rganilmoqda. Shunday vaqtda o'ziga xos xususiyatlarini bilmasdan bunday sharoitda ta'lim sifatini takomillashtirish konsepsiyasini yaratish mumkin emas.

Maktabgacha ta'lim tizimini uning sifatiga muvofiq modernizatsiyalashning tahlili quyidagilar o'rtasidagi bir qator ziddiyatlarni namoyon qildi:

- maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ijtimoiy belgilangan maqsadlarga erishish usul va vositalarini tanlash doirasidagi bir talay huquq va vakolatlari hamda ularni amalga oshirishning ilmiy- asoslangan mexanizmi mavjud emasligi;

- maktabgacha ta'lim tashkilotida shaxs va jamiyatning sifatli ta'lim olishga ehtiyoji va kutayotgan natijasi, talablarini qondirish uchun sharoit yaratishga qo'yiladigan talablar hamda real amaliyotning haqiqiy holati;

- ta'lim sifatini boshqarishga ijodiy yondashuvdan foydalanish zaruriyati hamda maktabgacha ta'lim tashkilotlari rahbarlarida sifatni boshqarish obyektini tizimli ko'ra bilish mayjud emasligi tufayli ta'lim jarayonining alohida tomonlariga lokal ta'sir amaliyoti;

- maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim sifatining zarur darajasini ta'minlash maqsadida faoliyat va rivojlanish jarayonlarining o'zaro aloqalarini o'rnatish zaruriyati hamda maktabgacha ta'lim pedagogik tizimlarini asosan ular ega bo'lgan potensialni qo'llab-quvvatlash va erishilgan natijalarni saqlab qolishga yo'naltirish;

- ta'lim sifatini obyektiv baholash zaruriyati hamda tegishli baholash texnologiyalarning yetarlicha ishlab chiqilmaganligi.

Insoniyat o'z taraqqiyoti mobaynida har biri o'z alohida xususiyatlariga ega bo'lgan bir necha davrlarni bosib o'tdi. Sivilizatsiya taraqqiyotining u yoki bu davrining o'ziga xosligini belgilovchi ustuvor belgi sifatida "inson - inson" va "inson - tabiat" tizimlaridagi munosabatlar maydonga chiqadi.

Tadqiqot yo'nalishidagi mamlakatimizda va xorijiy davlatlarda olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlari, tajribalar tahlili sifatga yo'naltirilgan maktabgacha ta'limning maqsadli funksiyalari quyidagilardan iborat ekanligini e'tirof etish imkonini berdi:

Birinchi, salomatlikni asrovchi funksiya, bolalarning jismoniy va ruhiy rivojlanishi jarayoni ularning yosh va shaxsiy xususiyatlarini hisobga olib tashkil etilishda va amalga oshirilishda namoyon bo'ladi, shuningdek, bola vujudining aniq ekologik va ijtimoiy muhitda barqaror hayotchanligini saqlashga yo'naltirilgan bo'ladi;

- Ikkinchi - rivojlantiruvchi funksiya, ta'lim jarayonining "madaniyatli kishi" asosini shakllantirishga qaratilganligidan iboratdir, bu "...bolaning aqliy, ma'naviy va jismoniy layoqatlarini to'laqonli" ("Bola huquqlari to'g'risida konvensiya", 29-modda) rivojlantirishda

barcha bolalarga teng dastlabki shart-sharoitni ta'minlash (BMT konvensiyasi) bilan to'la bog'liqdir;

- Uchinchi - tuzatuvchi funksiya, bolalarning jismoniy va ruhiy rivojlanishidagi kamchiliklarni malakali tuzatishni amalga oshirish bilan bog'liq;

- To'rtinchi - bola yoshi rivojlanishning yangi bosqichiga o'tishida uzviylikni ta'minlash funksiyasi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim jarayoni sifati va samaradorligini ta'minlashga yo'naltirilgan prinsiplarga quyidagilar kiradi:

- barcha asosiy yo'llar bo'yicha bolaning to'laqonli rivojlanishini ta'minlash prinsipi;

- bolaning yosh va shaxsiy salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun maktabgacha ta'limning o'zini-o'zi qoplashi prinsipi;

- ta'lim jarayonini amaliy tashkil etish prinsipi, u yetakchi va o'ziga xos bolalar faoliyat turlarining o'zaro bog'liqligiga, bola rivojlanishining amaliy asoslarini predmetli boyitishni taqozo qiluvchi zaruratga asoslanadi;

- maktabgacha ta'limning shaxsga qaratilganlik tavsifi;

- bola tomonidan ijtimoiy-madaniy tajribani ijodiy "o'zlashtirishni" ta'minlash prinsipi, u ijodiy faoliyatni shakllantirish vositalarini "ishga solishni" nazarda tutadi;

- ularni amalga oshirish maqsadlari va vositalarining birligi prinsipi.

Maktabgacha ta'lim sifati - natija haqida bola shaxsini rivojlantirish nuqtai

nazaridan bolalar quyidagi shaxsiy natijalarni qanday egallaganiga qarab so'z yuritish mumkin: tizimli tabaqalanadigan malakalilik:

- til malakasi, bolaning o'z fikrlari, istaklari va niyatlarini nutq vositasida va nutqsiz vositalarda erkin ifodalashni nazarda tutadi;

- ijtimoiy malaka, har bir insonga oliy qadriyat sifatida yondashishni, uning o'ziga xosliklari va manfaatlarini tushunish mahoratini, uning hissiy holatidagi

- o'zgarishlarni payqashni, vaziyatga qarab muloqot usullarini tanlashni o'z ichiga oladi;

- intellektual malaka, o'z maqsadiga erishish uchun bolaga yangi xatti-harakatlarini ijro etishga va ularni bajarishga yordam beruvchi umumiy intellektual faoliyatni shakllanganligini nazarda tutadi;

- jismoniy malaka, bolaning o'z yosh darajasiga mos keluvchi turli harakat turlarini egallaganligini ko'rsatadi;

- ixtiyoriylik. bola tomonidan qoidalar va me'yorlarga muvofiq o'z xatti-harakatini boshqarish ko'nikmasida namoyon bo'ladi;

- mustaqillik. kundalik hayotda va ishda paydo bo'ladigan turli vazifalarni bola tomonidan kattalarning yordamisiz mustaqil kun tartibiga qo'yish va hal qilishni ta'minlaydi;

- mas'uliyat. "mumkin" va "mumkin emas", "yaxshi" va "yomon", "xohlayman" va "kerak" o'rtasida tanlov vaziyatida paydo bo'ladi;

- tashabbuskorlik. bolaning o'z istaklariga javob beruvchi o'yinlarni, samarali faoliyat turlarini tashkil etishga urinishda va ularga o'z tengdoshlarini jalb qilish mahoratida ifodalanadi;

- ijodkorlik. ish jarayonida paydo bo'ladigan hamda o'z originalligi va variativligi bilan ajralib turuvchi yangi mahsulot yaratishda namoyon bo'ladigan turli muammolarni ijodiy hal qilishga bolaning layoqatini ko'rsatadi;

- xatti-harakat erkinligi. bolaning ijtimoiy qabul qilingan qoidalar va taqiqlarga rioya qilishini taqozo etuvchi harakat va faoliyat yo'nalishi, ular o'rtasida quyidagi to'rttasi eng muhim hisoblanadi: o'zgaga, o'zingga, tabiatga, boshqa odamlar yasagan narsalarga ziyon yetkazma;

- xavfsizlik. bolada o'z xatti-harakatlarining oqibatlarini his qilish va ko'ra bilish layoqati borligi bilan tavsiflanadi, bu unda me'yor, ehtiyotkorlik tuyg'ularining shakllanishi bilan bog'liq;

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, maktabgacha ta'limning vazifalari: bolalarni xalqning boy milliy, madaniy-tarixiy merosi va ma'naviy axloqiy jihatdan tarbiyalash, bolalarda milliy vatanparvarlik xislarini shakllantirish, maktabgacha yoshdagi bolalarda bilim olish ehtiyojini, o'qishga intilish moyilliklarini shakllantirib, ularni muntazam ravishda ta'lim jarayoniga tayyorlash,

bolalarning tafakkurini rivojlantirish, o'zining fikrini mustaqil va erkin ifodalash malakalarini shakllantirish, bolalarning jismoniy va ruhiy sog'ligini ta'minlashdan iborat.

Qisqacha qilib aytganda xorijiy davlatlarning ilg'or tajribalari ularning davlatlarini rivojlanishiga katta xizmat qilib kelmoqda. Xitoyliklarning "Bir yilni ko'zlasangiz sholi eking, ellik yilni ko'zlasangiz daraxt eking, yuz yilni ko'zlasangiz farzand tarbiyalang" degan hikmatidan bugungi kunda zamonaviy davlatlarning deyarli barchasi samarali foydalanmoqda.

Shu nuqtai-nazardan, bizning mamlakat ham unib-o'sib kelayotgan barkamol avlod ta'lim-tarbiyasiga katta e'tibor qaratmoqda. Bu borada kerak bo'lsa, xorijiy davlatning ilg'or tajribalaridan unumli foydalanish orqali milliy ta'lim va tarbiya tizimini yanada takomillashtirish davr talabi hisoblanadi. Zero, mamlakatimiz ezgu maqsad-uchinchi Renesans davrini barpo etishni rejalashtirgan. Ana shunday ezgu maqsadlarni esa albatta bugungi kunda voyaga yetayotgan avlod amalga oshiradi. Maktabgacha ta'lim va tarbiya esa ana shu avlodni ta'limning birinchi bo'g'inidan savodli va tarbiyali bo'lishini ta'minlashga xizmat qilishi kerak.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МОДЕРНИЗАЦИИ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Акматалиева Ч.Т. (г. Бишкек, Кыргызская Республика)
старший преподаватель ОП «Лингвистика и педагогика»
Кыргызско- Казахстанский Университет
chinara.tulen@mail.ru**

Аннотация: Данная статья посвящена анализу актуальных проблем, связанных с модернизацией дошкольного образования. В статье рассматриваются основные вызовы, стоящие перед современными образовательными системами, а также предлагаются стратегии и решения для эффективного развития дошкольной педагогики. Автор проводит анализ существующих подходов к дошкольному образованию и обосновывает необходимость его трансформации в соответствии с современными требованиями и вызовами.

Ключевые слова: дошкольное образование, модернизация, современные вызовы, образовательные системы, педагогика раннего детства, обновление учебных программ, компетенции педагогов, инклюзивное образование, вовлечение родителей, образовательное партнерство.

Annotatsiya: Ushbu maqola maktab o'quv jarayonini yangilash bilan bog'liq joriy muammolarni tahlil qilishga bag'ishlangan. Maqolada, jamiyatimizning hozirgi ta'lim tizimlaridan oldingi muammolari o'z ichiga olgan holda, bolalar ta'limi sohasining samarador rivojlanishiga yo'l qo'yimoqda. Muallif, bolalar ta'limiga oid mavjud qarashlarni tahlil qiladi va ularni joriy talablar va muammolarga mos ravishda o'zgartirishning zarurati bilan dalillaydi.

Kalit so'zlar: bolalar ta'limi, yangilash, joriy muammolar, ta'lim tizimlari, yosh bolalar pedagogikasi, o'qitish dasturlarini yangilash, o'qituvchilarning ko'nikmalari, inkluziv ta'lim, otalarni jalb etish, ta'lim hamkorligi

Abstract: This article addresses the analysis of contemporary challenges associated with the modernization of preschool education. The paper explores the primary issues faced by modern educational systems and proposes strategies and solutions for the effective development of early childhood pedagogy. The author conducts an analysis of existing approaches to preschool education and substantiates the necessity of its transformation in accordance with modern requirements and challenges.

Key words: preschool education, modernization, contemporary challenges, educational systems, early childhood pedagogy, curriculum update, teacher competencies, inclusive education, parental involvement, educational partnerships

Актуализация содержания образования является одной из ключевых проблем, которые необходимо тщательно рассмотреть в контексте модернизации дошкольной педагогики. Современное общество переживает быстрое развитие и сталкивается с

множеством изменений и вызовов. Поэтому необходимо уделить особое внимание следующим аспектам актуализации содержания образования:

Цифровая грамотность: современные дети растут в цифровой эпохе, и умение пользоваться информационными технологиями становится критически важным навыком. В дошкольных учреждениях необходимо внедрять образовательные программы, которые помогут детям развивать цифровую грамотность с раннего возраста. Это включает в себя знание основ компьютерной грамотности, навыки работы с интернетом и электронными ресурсами.

Социокультурная адаптация: мировая культурная динамика и многокультурная среда требуют от дошкольных программ учитывать разнообразие культурных и социальных контекстов, в которых воспитываются дети. Содержание образования должно быть более инклюзивным и способствовать уважению к различиям.

Специализированные образовательные потребности: существует широкий спектр потребностей у детей, включая детей с особыми образовательными потребностями. Актуализация содержания образования включает в себя разработку индивидуализированных образовательных программ, которые могут быть адаптированы к потребностям каждого ребенка, вне зависимости от их специфических требований.

Устойчивое развитие: в свете глобальных экологических проблем, дошкольное образование должно также включать элементы обучения устойчивому развитию. Дети должны учиться заботиться о природе, понимать экологические проблемы и развивать навыки, которые способствуют сохранению окружающей среды.

Психологическое и эмоциональное развитие: стремительный рост стресса и психологических проблем среди детей подчеркивает важность включения в образовательные программы элементов, направленных на поддержку психологического и эмоционального развития. Дошкольное образование должно помогать детям развивать навыки саморегуляции, эмпатии и понимания собственных эмоций.

В завершение, актуализация содержания образования в дошкольных учреждениях является неотъемлемой частью подготовки детей к современному миру. Необходимо учитывать, что образование – это динамичный процесс, и его содержание должно регулярно обновляться и адаптироваться к меняющимся условиям и вызовам. Стремление к актуальности и качеству образования в раннем возрасте сегодня позволит сформировать граждан с более широкими знаниями и навыками, которые будут полезными как им самим, так и обществу в целом. Развитие компетенций педагогов: одним из наиболее важных факторов в модернизации дошкольного образования является развитие компетенций педагогов. Педагоги должны быть готовы к использованию современных образовательных технологий и методик, а также к работе с разнообразными группами детей, включая детей с особыми образовательными потребностями.

Хочется отметить и проблему инклюзивного образования, которая на сегодня становится все более актуальной. Модернизация дошкольного образования требует создания условий для полноценного обучения и развития всех детей, независимо от их индивидуальных особенностей и потребностей. Это требует специальной подготовки педагогов и создания инклюзивной среды в дошкольных учреждениях.

Нельзя не отметить и роль семьи, так как сотрудничество с семьей играет важную роль в дошкольном образовании. Родители должны быть активно вовлечены в образовательный процесс своих детей. Модернизация дошкольного образования должна включать в себя мероприятия по повышению образовательной грамотности родителей и созданию партнерских отношений между образовательными учреждениями и семьями.

В заключение нашего анализа актуальных проблем модернизации дошкольного образования, следует подчеркнуть, что данная тема имеет фундаментальное значение для будущего наших детей и общества в целом. Современное дошкольное образование, стоящее перед сложными вызовами и ожиданиями, должно быть подвергнуто постоянной трансформации и совершенствованию. На основе представленного анализа можно сделать

несколько ключевых выводов: актуализация содержания образования является неотъемлемой частью модернизации дошкольной педагогики. Образовательные программы должны отражать современные социокультурные, технологические и экономические реалии, предоставляя детям возможность развивать навыки, необходимые для успешной адаптации в современном мире. Развитие компетенций педагогов является ключевым фактором в обеспечении высокого качества дошкольного образования. Педагоги должны обладать профессиональными навыками, адаптированными к современным требованиям, и быть готовыми к индивидуальной работе с детьми разных возрастов и потребностей. Создание инклюзивных сред и обучение педагогов работе с разнообразными группами детей способствует социальной справедливости и обеспечивает каждому ребенку равные образовательные возможности. Активное вовлечение родителей в образование и развитие своих детей способствует более полному и гармоничному развитию каждого ребенка.

В совокупности, эти аспекты образуют основу для модернизации дошкольного образования. Однако, модернизация требует совместных усилий образовательных учреждений, педагогов, родителей и государственных органов. Только через коллективное усилие можно достичь высокого качества дошкольного образования, способствующего формированию креативных, адаптивных и ответственных граждан, готовых к сложностям современного мира.

Время для модернизации дошкольного образования пришло, и эта модернизация должна быть фундаментальной, научно обоснованной и направленной на достижение максимальных педагогических результатов. Будущее наших детей зависит от того, как мы сегодня сможем реагировать на вызовы и адаптировать образовательные практики под требования современности.

Литература:

1. Лыкова И.А. Цель и стратегия в дошкольном образовании. //Управление дошкольным образовательным учреждением: научно-практический журнал.2012. № 1. С.-21-28.
2. Скоролупова О.А., Федина Н.В. Качество дошкольного образования: концептуальные подходы к определению и оценке. //Дошкольное воспитание: - научно-практический журнал. 2012.№ 2.
3. Ялалов Ф. Деятельностно-компетентностный подход к практико-ориентированному образованию.//Высшее образование в России. 2008. №1. с.89-93
4. Смит, Дж. Трансформация дошкольного образования: вызовы и стратегии. Издательство «Образование и развитие». 2010
5. Джонсон, А. Инклюзивное образование: практические аспекты. Издательство «Инклюзивное образование». 2015
6. Браун, К. и Дэвис, М. Родительское вовлечение в дошкольное образование. Образовательные практики, 2012 №15. с. 45-62.
7. Гарсиа, Л. Современные технологии в дошкольном образовании. Инновации в образовании. Издательство «Наука и образование». 2017

SIFATLI TA'LIM TARBIYADAN BOSHLANADI

**Sanayeva Surayyo Bobonazarovna (O'zbekiston)
Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, PhD**

Annotatsiya. Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasalarida tarbiyaviy jarayonni tashkil etish hamda talabalarining bu jarayonda ishtirokini ta'minlash zarurati hamda sifatli ta'lim va unga tarbiya orqali erishish mumkinligi haqida bayon etiladi.

Kalit so'zlar: ta'lim sifati, O'zbekiston Respublikasida ta'lim sifatiga e'tibor, tarbiya jarayoni, talabalarning tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarligi, rivojlangan davlatlarda yoshlar

tarbiyasiga e'tibor, ijtimoiy yo'naltirilgan shaxsning sifatлари.

Аннотация. В данной статье рассказывается о необходимости организации воспитательного процесса в высших учебных заведениях и обеспечении участия в этом процессе студентов, а также о том, как этого можно добиться посредством качественного образования и воспитания.

Ключевые слова: качество образования, внимание к качеству образования в Республике Узбекистан, воспитательный процесс, готовность студентов к учебной деятельности, внимание к воспитанию молодежи в развитых странах, качества социально ориентированной личности.

Annotation. This article talks about the need to organize the educational process in higher education institutions and ensure the participation of students in this process, as well as how this can be achieved through quality education and upbringing.

Key words: quality of education, attention to the quality of education in the Republic of Uzbekistan, educational process, readiness of students for educational activities, attention to the education of young people in developed countries, qualities of a socially oriented person.

*Tarbiya ta'limdan ustun turadi,
insonni tarbiya voyaga yetkazadi.
Gerbart Spenser*

O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini yanada rivojlantirishning asosiy yo'nalishi sifatida mamlakat taraqqiyoti uchun yangi tashabbus va g'oyalar bilan maydonga chiqib, ularni amalga oshirishga qodir bo'lgan, intellektual va ma'naviy salohiyati yuksak yangi avlod kadrlarini tayyorlash, ta'lim tashkilotlari bitiruvchilari zamonaviy kasb egalari bo'lishlari uchun ularda zarur ko'nikma va bilimlarni shakllantirish tizimli olib borilmoqda.[1]

Xususan, muhtaram prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, ta'lim sifatini oshirish – Yangi O'zbekiston taraqqiyotining yakkayu yagona to'g'ri yo'lidir![2]

Respublikamizda so'nggi yillarda, ta'lim sifatini jahon standartlari darajasiga olib chiqish maqsadida xalqaro tashkilotlar — Jahon banki, IHTB, YUNISEF, YUNESKO, OTB va boshqalar bilan yaqin aloqalar o'rnatildi.

Xususan:

maktab o'quvchilarining savodxonlik va bilim darajasini aniqlash bo'yicha xalqaro dasturlarga qo'shilish (PISA, TIMSS, PIRLS, LANA);

ta'lim sektori strategiyasi ishlab chiqildi (YUNISEF, Jahon banki);

hamkorlikda «Ta'lim to'g'risida»gi qonunning yangi tahriri ishlab chiqildi;

ta'lim tizimida yagona elektron ma'lumotlar tizimini yaratish bo'yicha ishlar amalga oshirilmoqda (EMIS dasturi);

ta'lim sifatini ta'minlash tizimini takomillashtirish va xalqaro ta'lim sifatini ta'minlash agentliklari (ENQA – Yevropa ta'lim sifatini ta'minlash assotsiatsiyasi)ga a'zo bo'lish;

xalqaro reyting agentliklari (QS — Quacquarelli Symonds Limited va THE Times Higher Education) bilan hamkorlik olib borilmoqda.[9]

Ta'lim – bu tarbiya deb atalmish gulning yaproqlaridan biridir, deya bejiz aytilmagan. Hikmatlarda: “Odob bamisoli bir daraxt. Ilm esa undagi bir meva. Agar daraxt bo'lmasa, meva qayerdan ham bo'lsin”, deb aytilishi ham bejiz emasdir. Agar ahamiyat berilsa hikmatlarda avvalo tarbiya keyin ta'lim haqida so'z boradi. Demak, avval tarbiya undan keyin ta'limdir. Sifatli ta'limga erishmoq uchun, tarbiyaviy jarayonga e'tibor bermoqlik lozimdir.

Oliy ta'lim muassasalarida tarbiyaviy jarayonni tashkil etish muhim ahamiyatga ega bo'lib, bu mamlakatda ijtimoiy soha rivojlanishining omili sanaladi. Oliy ta'lim muassasalarida tarbiya ijtimoiy-madaniy yo'nalishga egadir. Bu talabalarning bo'sh vaqtini to'g'ri tashkil etish, dam olish ishlarini mazmunli olib borish, sport va ijodiy faoliyatini faollashtirish, ular tomonidan amalga oshishi mumkin bo'lgan axloqsiz va g'ayrioddiy xatti-harakatlarning oldini olish, ijtimoiy foydali hamda havaskorlik ijodiy faoliyatni tashkil etishni nazarda tutadi.

Oliy ta'lim muassasasi talabalarining davlatimiz ravnaqi va taraqqiyotida faol ishtirok etishi, o'z kasbining yetuk mutaxassisi bo'lishida oliy ta'lim muassasasining ma'naviy-tarbiyaviy atmosferasi shaffof, turli tadbir va tarbiyaviy jarayonlarga boy hamda yoshlar buguni va kelajagini hisobga olgan holda rejali bo'lishi lozimdir. Shuningdek, turli ma'naviy-axloqiy hamda tarbiyaviy tadbirlarda talabalarining o'z-o'zini tarbiyalashi hamda yetuk shaxs sifatida kamol topishiga imkoniyat va shart-sharoit yaratish oliy pedagogika ta'lim muassasasi oldida turgan asosiy vazifa sanaladi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 31 dekabrda "Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1059-sonli Qarorida oliy ta'lim tizimi o'quv dasturlari, ma'naviy-ma'rifiy rejalari asosida talabalarining yoshiga mos tayanch ma'naviy-axloqiy, ya'ni, Vatanga sadoqat, tadbirkorlik, irodalilik, mafkuraviy immunitet, mehr-oqibatlik, mas'uliyatlik, tolerantlik, huquqiy madaniyat, innovatsion fikrlash, mehnatsevarlik[3] kabi fazilatlarni rivojlantirish muhim vazifalar qatorida keltiriladi. Bu esa, oliy ta'lim muassasalarida tarbiyaviy jarayonni hamda talabalarining tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarligini to'g'ri tashkil etish va bu orqali sifatli ta'limga erishishni taqozo etadi.

Tarbiyaviy faoliyatga tayyorlik deganda talabalarining subyektiv pozitsiyasini amalga oshirish uchun zaruriy shart-sharoitlar yaratish, uni ta'lim muassasasining ta'limiy va jamoatchilik faoliyatiga faol jalb etish; kasb sirlarini amaliy o'zlashtirish, o'zining imkoniyatlari va qobiliyatlarini baholash bilan bog'liq mustaqil faoliyatga tashabbus uyg'otish va qo'llab-quvvatlash; talabalar jamoasini hamkorlikdagi ijtimoiy ahamiyatga ega, innovatsion o'quv loyihalari, dasturlar, ta'lim-tarbiya texnologiyalarini ishlab chiqishdagi ishtirokini ta'minlash; ta'limiy muhitda o'zaro hamkorlik aloqalari, sherikchilikni kengaytirish tushuniladi. Tarbiya jarayoni talabalar qiyofasida yangi faol subyektni tarkib toptiradi.[6]

Oliy ta'lim muassasasi tarbiyaviy jarayoni – bu OTMning auditoriya va auditoriyadan tashqari faoliyatida umummadaniy va kasbiy kompetensiyalarni shakllantirish uchun ta'lim tashkilotining maxsus tarbiyaviy potensialini maqsadga yo'naltirilgan holda ro'yobga chiqarilishidir, bu jarayonning subyektlari ta'lim oluvchilar va o'qituvchilar bo'lib, mazmuni esa – ularning kasbiy yo'naltirilgan faoliyatning umumiy turlaridagi (o'quv, auditoriyadan tashqari, nazariy, ilmiy-tadqiqot, ijtimoiy va boshqalardagi) hamkorligidir.

Jahonda xalqaro standartlar talabalariga mos keladigan oliy ta'lim tizimini yaratish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Ta'lim jarayonida bo'lajak mutaxassislarda shakllantirilishi lozim bo'lgan ma'naviy-axloqiy kompetensiyalarga (fazilatlar) ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Masalan, Yaponiyaning "Ta'lim to'g'risidagi fundamental Qonuni"[4] da ta'lim muassasalariga tinchlik va insoniylik ideallariga amal qiluvchi millatni shakllantirish missiyasi yuklatilgan. YA'ni: shaxs sifatlarini to'liq rivojlantirish; tinchlikparvar davlat va jamiyat quruvchilarini tarbiyalash, haqiqatparvarlik va adolatlik; shaxsiy erkinlik; mehnatsevarlik; mas'uliyatlik; mustaqil fikrlilik; o'zgalar bilan hamkorlik, mustaqil fikrga egalik; an'anaviylik bilan zamonaviylikni anglash; xalqaro hamkorlikka tayyorlik; kundalik turmush malakalariga egalik; ruhan va jismonan kuchlilik; o'zini baxtli va boshqalar bilan uyg'un qila olish fazilatlarini shakllantirilmoqda.

Ta'lim muassasalari uchun ishlab chiqilgan "Ideal yapon yigit-qizining fazilatlarini" deb nomlangan hujjatda yapon yoshlarida 16 ta fazilatni shakllantirish vazifasi belgilab berilgan. 16 fazilat 4 guruhga bo'lingan. Bular: 1) shaxsiy sifatlar: erkinlik, o'ziga xoslikni rivojlantirish, mustaqil bo'lish, o'z hohishlarini idora qila olish, piyaset (ehtimol) tuyg'usiga egalik; 2) oila boshlig'iga xos sifatlar: o'z uyini mehr-muhabbat, halovat va tarbiya maskaniga aylantira olish; 3) ijtimoiy sifatlar: o'z ishiga sadoqat, jamiyat farovonligiga hissa qo'shish, ijodkorlik, milliy (ijtimoiy) qadriyatlarni hurmat qilish; 4) fuqarolik sifatlar: vatanga sodiq bo'lish, davlat ramzlarini qadrlash, ijtimoiy faollik, eng yaxshi milliy fazilatlar sohibi bo'lishni o'rgatadi.

AQShning "Amerika – 2000: ta'limni rivojlantirish strategiyasi(1991)" dasturida yetuk shaxsga xos fazilatlar sifatida rostgo'ylik, maqsadda sobitqadamlik, to'g'rilik (xolislik), puxtalik va shaxsiy mas'uliyatga ustuvorlik berildi. Shuningdek, yosh amerikaliklarda jasurlik, fidoyilik, barqarorlik, qat'iylilik, tirishqoqlik, hamdardlik, bag'rikenglik singari 60 ta asosiy fazilat shakllantirilmoqda.

Buyuk Britaniyaning ta'lim bo'yicha Milliy komissiyasi (1993) ta'lim muassasalarida: yoshlarda haqiqatparvarlik, boshqalarga hurmat, jamiyat oldida burchga sodiqlik, insonlarga g'amxo'rlik, madaniy merosga hurmatni shakllantirish, demokratik erkin jamiyat fuqarolari bo'lish, bag'rikenglik fazilatlarini singdirish, axloqan va ma'nan kuchli shaxslar qilib yetishtirish vazifalarini yukladi.[5]

Fransiya ta'lim vazirligi ko'rsatmalarida,[7] mas'uliyatli, g'ururli, o'zgalarni hurmat qiluvchi, boshqalar bilan hamkorlikka tayyor, irqchilikka qarshi turuvchi, multikulturalizmni qabul qiluvchi, o'zining Fransiya muhabbatini Ozodlik, Tenglik, Qardoshlik g'oyalari bilan uyg'un rivojlantirgan demokratik jamiyat kishisi fazilatlariga ega shaxsni tarbiyalash ko'zda tutilgan.

Amerikalik pedagoglar tarbiyaviy ishlarining asosiy vazifalari qatoriga mustaqil bilim olish ko'nikmalarini va ularning integral diagnostikasini ham qo'shishadi. Shakllantirilgan amaliy ishtirok ko'nikmalari kelajakda jamiyat hayoti va siyosiy jarayonlarga samarali va mas'uliyatli ta'sir o'tkazish uchun talab etiladi. Shuning uchun bu ko'nikmalar talaba shaxsi shakllanishining dastlabki bosqichlaridanoq o'rgatib borilishi va ta'limning barcha bosqichlarida davom etishi lozim. AQSH o'quv muassasalarida qabul qilingan tarbiyaviy ish shakllari suhbatdoshni diqqat bilan eshitib, uning fikr va g'oyalarini do'stona va tanqidiy tinglash, nizolarni hal qilish, murosaga kelib, o'zaro rozilikka erishishga o'rgatadi. Bunda tyutorlar elektron resurslardan hamda o'zlarining shaxsiy aloqalari orqali ijtimoiy so'rovlar o'tkazib borishadi. Shu tariqa talaba-yoshlar o'z mamlakatlaridagi islohotlarda faol ishtirok etishga o'rgatib boriladi.

AQSH ta'lim-tarbiya doktrinasida mas'uliyat, o'z-o'zini idora etish va har bir insonni hurmat qilish hamma uchun majburiy hisoblanadi. Shu maqsadda talaba-yoshlarda ijtimoiy yo'nalgan fazilatlar – ochiqko'ngillik, o'zgalarga hurmat, qonunga itoat qilish, voqelikka tanqidiy baho berish va murosali shakllantirib boriladi.

Avstraliya ta'lim muassasalarida to'g'rilik, olamda o'z o'rnini bilish, tadbirkorlik, tashabbus kabi fuqarolik g'oyalari asosida yuzaga kelgan demokratik merosga xurmat bilan bir qatorda ijtimoiy yo'nalgan shaxs xarakteriga xos qirralar – bag'rikenglik, davlatning ko'pmillatli merosini saqlab qolishga intilish, kirishuvchanlik, xayrixoxlik kabi fazilatlar tarbiyasi ustuvor sanaladi.

Buyuk Britaniya tarbiyaviy doktrinasida har bir insonda individual yo'nalgan shaxs qirralari bo'lishi shart hisoblanadi. Shu sababli o'z xatti-harakatlari uchun mas'uliyatli bo'lish, o'zi va o'zgalar istiqboli haqida qayg'urish, o'z xarakatlarining o'zgalarga qanday ta'sir etishi haqida o'ylash, avval o'ylab, keyin qaror qabul qilish, o'z nuqtai nazarini himoya qilish, kabi sifatlarga alohida e'tibor qaratiladi.

Ijtimoiy yo'naltirilgan shaxsning sifatlari – jamiyat yuksalishi haqida qayg'urish, nizolarni bartaraf etishga intilish, umumiy manfaat uchun jamoada ishlashga tayyorlik, o'zgalar nuqtai nazarini qabul qila olish, o'z xarakatlariga mas'uliyat bilan yondoshuv, o'zi va o'zgalar haqida qayg'urish, o'z xatti-harakatlarining boshqalarga qanday ta'sir etishini o'ylab ish tutish, o'z xatti-harakatlarining kutilmagan natijalari uchun javob bera olish, mas'uliyatlilik va bag'rikenglik, individning siyosiy samaradorligi, umumiy muvaffaqiyat va oxir-oqibat eng muhimi jamiyatning ma'naviy yuksalishi uchun o'ta muhim hisoblanadi.

“Journal of American Indian Education” jurnali tarbiyaviy faoliyat strategiyasi xaqida so'z yuritib, «yaxshi inson»ni shakllantirish birinchi navbatda axborot, ma'rifat, ongning rivojlanishi, qarama-qarshiliklarni yengib o'tish, tanqid, ijodiy faollik, siyosiy, madaniy va iqtisodiy sohalarida mustaqil qaror qabul qila olish kabi ko'nikmalarni integral shakllantirish orqali kechishi lozim”ligini ta'kidlaydi.[8]

Xulosa o'rinda muhtaram prezidentimizning quyidagi fikrlariga yuzlanamiz: “Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir!”. Shunday ekan, bugungi kun talaba-yoshlari ilm olmog'i va avvalo tarbiyalangan bo'lmog'i muqarrardir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020 yil 6 noyabrdagi “O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-6108-son Farmoni.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. // 2022 yil 20 dekabr.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 31 dekabrda "Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1059-sonli Qarori.
4. Железняк О.Н. О принятии в Японии нового основного Закона об образовании. – Владивосток: Изд-во [института Дальнего Востока РАН](#), 2009. – 240 с.
5. Развитие образования в европейских странах в условиях глобализации и интеграционных процессов: Сборник научных трудов. – М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, 2013. – 448 с.
6. Sanayeva S.B. "Kompetensiyaviy yondashuv asosida bo'lajak pedagoglarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash tizimini takomillashtirish" mavzusidagi diss.. Samarqand, 2020 yil.
7. Соколовой И.И., Колесникова А.С. Современная зарубежная компаративная педагогика и философия образования. – М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, 2013. – 328 с.
8. Tate D.S. Increasing the retention of American Indian students in professional programs in higher education / D.S.Tate, C.L.Schwartz // Journ. of American Indian Education. – 1993. – Vol. 32. – P. 21 – 31.
9. <https://xabar.uz/talim/ulugbek-toshkenboev-talim>

ТВОРЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ ДЛЯ ВЗРОСЛЫХ И ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ВОСПИТАНИЕ

Степанова Светлана Ваджиповна
Узбекистан город Зарафшан

Аннотация В настоящее время общее направление модернизации и усовершенствования процесса обучения ведет к сокращению репродуктивных, традиционных методов и введению новых, более современных и эффективных, в ходе которых ученик становится активным участником процесса обучения.

Ключевые слова. Развития, процесс обучения, образования, интеллектуальных умений у младших школьников, начальных классов.

Annotation At present, the general direction of modernization and improvement of the learning process leads to a reduction in reproductive, traditional methods and the introduction of new, more modern and effective ones, during which the student becomes an active participant in the learning process.

Key words. Development, the process of learning, education, intellectual skills in younger students, primary grades.

Дошкольное образование и воспитание — вид непрерывного образования, направленный на обучение и воспитание детей, их интеллектуальное, духовно-нравственное, этическое, эстетическое и физическое развитие, а также на подготовку детей к общему среднему образованию;

Государственный стандарт дошкольного образования и воспитания — совокупность обязательных требований к объему, содержанию и качеству образовательно-воспитательного процесса, строительству и оснащению дошкольной образовательной организации, а также организации здорового питания и безопасности детей дошкольного возраста (1). Для успешной и интересной деятельности необходимо активное участие творческих взрослых. Как показывает зарубежный опыт, этому способствует создание творческих мастерских для взрослых детей.

Так, например, в Берлине в педагогическом университете «Дом Ф.Фребеля» студенты, будущие педагоги, имеют прекрасную возможность приобщиться к художественному

творчеству. В хорошо оснащённой мастерской (большие столы, подиумы разной высоты, манекены, разные материалы: бумага, краски, клей, цветные русинки, бисер, пуговицы и т.п.; современные технические средства: клеевые пистолеты, молотки, электродрель и т.п.) студенты под руководством художника-дизайнера овладевают разной техникой. Они создают маски и костюмы для карнавала и организуют его на площадях города; конструируют разные действующие светильники, делают оригинальные панно для украшения помещений университета и многое другое; работают с детьми в городском Доме творчества, принося туда свои уже готовые работы и белая новые. В Дом творчества приходят дети группами вместе с воспитателями и учителями.

В проводимых семинарах для воспитателей особую роль отводят практическим занятиям, на которых воспитатели, как дети, получают разные задания.

Так, например, на одном из таких занятий (участником которого был автор книги в 1997 г. в г. Берлине) всем взрослым раздали тару (пакеты, картонные ящики и т.п.) и предложили «изучать» достаточно большой участок одного из домов для молодежи («Лисья нора») и собрать разный мусор, который мог бы пригодиться для конструирования. Вернувшиеся с такой прогулки педагоги получили задание разделить на пять подгрупп (по 10 человека в каждой) и после внимательного изучения собранного материала что-то из него соорудить. Среди мусора были разноцветные пластиковые бутылки и пробки, палки разной конфигурации, несколько кусков пенопласта, пластиковые пакеты из-под соков, пластмассовые шарики — целые и их половинки, старые кроссовки, куски цветной проволоки, картонные цветные кружочки и многое другое. И это при общей чистоте и частой уборке территории. Но тщательное обследование всех ее уголков позволило собрать много бросового материала, который позволил создать интересные коллективные конструкции. Среди них были и старинная стена замка с фонтаном и рыцарями-сторожами, и красочная рождественская ярмарка; и высокий мост через настоящий ручей, на который можно было забраться по веревочной лестнице и т.п. Особенно интересным было поведение педагогов. Они спорили, пытались найти необычное решение и изыскивали дополнительный материал (воду, песок, веревки, пучки сухой травы, камни и др.), подглядывали за деятельностью других групп. Но самое главное — они испытывали азарт. Все это очень важно было прожить самим взрослым для того, чтобы понять необходимость создания таких условий для деятельности детей, которые бы придавали ей созидательно-азартный характер, для умения положительно оценивать поиск, неожиданность решений, и строить отношения сотрудничества с детским коллективом.

В таком же направлении работают и в Финляндии, только в более широком контексте. Круглый год в главном доме усадьбы организуют выставки произведений, созданных учащимися художественных школ, студентами-педагогами и художниками для детей. С мая по август устраивают специальные «мастерские» для детей, а в течение всего года — для педагогов по разным видам детской деятельности.

Maktabgacha ta'lim tizimida sezilarli o'zgarishlar mavjud. "Maktabgacha ta'lim to'g'risidagi" gi qonun, O'zbekiston respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi. O'zbekistonda ta'lim tizimini rivojlantirishning yangi maqsadli yo'nalishlarini belgilab berildi: uning barqaror rivojlanish mexanizmini yaratish, XXI asrning muammolariga, iqtisodiyotning innovatsion rivojlanish talablariga, jamiyat va har bir fuqaroning zamonaviy ehtiyojlariga muvofiqligini ta'minlash. STEM-ta'limi bolalarning texnik loyihalash va modellashtirishga bo'lgan tabiiy qiziqishlariga asoslangan "yosh texniklar" bo'limlari va doiralari tizimini qayta tiklashga mo'ljallangan. Dizayner "LEGO" turli me'moriy tuzilmalar, modellar, loyihalar, shuningdek, yangi texnika va robotlarni yaratish uchun zarur ko'nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi. Robotlarni o'zlashtirishda elektronikadan foydalanish kerak, chunki boshida bolalar elektron bloklarning funktsiyalari va xususiyatlarini aniqlashni, ularni hisoblash va ishlab chiqarishni o'rganishlari kerak. Eng muhimi, bu rol uy qurilishi robotlarini ishlab chiqarishda belgilanadi.

LEGO faoliyatining afzalliklari:

1. LEGO-dizayn, elektronika, robototexnika-maktabgacha yoshdagi bolalarning intellektual rivojlanishi uchun ajoyib vosita;
2. LEGO faoliyati o'yin orqali amalga oshiriladi;
4. LEGO faoliyati o'yinni tadqiqot va eksperimental faoliyat bilan birlashtiradi, bolani tajriba qilish va chegara bo'lmagan o'z dunyosini yaratish imkoniyatini beradi.
5. LEGO-dizayn, elektronika va robototexnika kompyuter o'yinlari uchun ajoyib alternativ.
6. Ta'lim faoliyatida LEGO dizaynerlari, robotlar, elektron dizaynerlardan foydalanish bolaning ta'lim olish uchun g'ayratini oshiradi, chunki bu deyarli barcha ta'lim sohalariga singari bilim talab qiladi.

Bolalar o'z kashfiyotlari haqida ota-onalariga aytib berishdan, uyda har xil va murakkab eksperimentlarni o'tkazishdan, muammolarni hal qilishni o'rganishdan, farazlarni ilgari surishdan va ularni mustaqil ravishda hal qilishdan mamnun.

Zamonaviy muhandisni shakllantirish masalalari maktabgacha ta'limda boshlanishi kerak, bu maktabgacha ta'lim mazmunini va bolalarni o'qitishning yangi texnologiyalarini o'zgartirishni talab qiladi. STEAM-treningning markazida GEFDA ro'yxatdan o'tgan o'quvchilarning tizimli-faoliyat yondashuvi, loyiha - tadqiqot ishlari mavjud. Bu ta'lim bugungi kunda Rossiya bolalar bog'chalariga faol joriy etilmoqda. DOWDA STEM ta'limini joriy qilish bolalarga axborot oqimini tezda

o'rganish va olingan bilimlarni amalda qo'llashni o'rganishga yordam beradi. Maktabgacha ta'lim tarbiyachilari zamonaviy hayotda talab yuqori bo'lgan qo'shimcha amaliy ko'nikmaga ega bo'lishadi. O'yinlar shaklida qiziqarli mashg'ulotlar bolaning ijodiy salohiyatini ochib beradi.

STEAM ta'lim MTTda-aniq fanlarning asosiy tamoyillarini bir vaqtning o'zida o'rganishni o'z ichiga olgan keng qamrovli ta'lim. Bunga muhandislik, matematika, texnologiya kiradi. Maktabgacha ta'lim tarbiyachilari sodir bo'layotgan voqealar o'rtasidagi munosabatni ko'rishni o'rganadilar, mantiq tamoyillarini yaxshiroq tushunishadi va yangi va o'ziga xos narsalarni kashf qilishadi. Kompleks yondashuv ularning qiziqishini rivojlantirishga va ta'lim jarayoniga jalb qilinishiga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.N.N.Djamilova. "Maktabgacha metodika fanlarini o'qitish texnologiyasi" TDPU. 2017y.
- 2.T.C.Волосовец, В.А.Маркова, С.А.Аверина. STEM-образование детей дошкольного и младшего школьного возраста. М.БИНОМ. 2019г.
- 3.D.R. Babayeva, N.N. Djamilova, D.F. Xalilova. "Maktabgacha ta'limda STEAM texnologiyalari".-T.: "Ilim ziyo zakovat". 2022y.
5. Maktabgacha ta'lim Konsepsiyasi. –T., 2019y.

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARNING LIDERLIK QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

Sayitov Sayyom Sayitovich

Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta'lim kafedrası katta o'qituvchisi, pedagogika fanlari nomzodi

Annotatsiya. Ushbu maqola oliy ta'lim muassasalarida talabalarning liderlik qobiliyatini rivojlantirish va uning turlari xaqida haqida fikr yuritilgan. Unga ko'ra rahbarlarga qo'yiluvchi talablar asosida yaratiluvchi professiogrammalar haqida fikrlar berib o'tilgan.

Kalit so'zlar: professiogrammalar, lider, intizomlilik, mustaqillik, tashabbuskorlik, tolerantlik, kommunikativlik.

Аннотация. В данной статье рассматривается развитие лидерских способностей учащихся высших учебных заведений и их виды. В соответствии с ним даны представления о профессиях, которые создаются на основе требований, предъявляемых к руководителям.

Ключевые слова: профессия, лидер, дисциплинированность, самостоятельность, инициативность, толерантность, коммуникативность.

Annotation. This article discusses the development of leadership abilities of students of higher educational institutions and their types. In accordance with it, ideas are given about the professionograms that are created based on the requirements imposed on managers.

Keywords: professionograms, leader, discipline, Independence, Initiative, tolerance, communicativity.

Hozirgi vaqtgacha jahon miqyosida talabalarda liderlik qobiliyatini rivojlantirishning ijtimoiy-siyosiy, sotsiologik va psixologik yo'nalishlari bo'yicha qator ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Jumladan, amerikalik olimlar U.Bennis va B.Nanuslarning uzoq yillik ilmiy tahlillari natijasiga ko'ra, liderlikning 850 dan ortiq ta'rifi hamda ushbu mavzu doirasida minglab empirik izlanishlar olib borilgani ta'kidlab o'tilgan. Nyu-Yorkning Bingemton davlat universiteti professori, B.M.Bassning [33] qayd etishicha, lider va liderlik xususida o'tgan asrning o'zida 11000 dan ortiq kitob va maqolalar chop ettirilgan. Kanadaning York universiteti tadqiqotchisi J.Gringberg oliy ta'lim muassasalari talabalarida yetakchilikni quyidagi asoslarga tayanib, tahlil qilgan: talabalarda lider shaxsini shakllantirish, liderlikni rivojlantirish nazariyasi, modellari va tarbiyaviy jarayonlar, liderlardagi ijtimoiy o'zgarishlarni kuzatish, ayniqsa yigit va qizlar liderligi masalalariga alohida e'tibor qaratgan. Tadqiqotda keltirilishicha lider nazariyasiga doir 4 xil nuqtai nazar mavjud:

- liderlar tug'iladi, ya'ni tug'ma qobiliyat bo'lib, u shakllantirilmaydi;
- liderlik qobiliyati bu o'quv tajribasining tabiiy natijasi sanaladi;

- liderlik-bu pedagogik jarayonlar asosida yo‘naltirilgan qobiliyatlarning samarasi;
- strategik tajribalar asosida talabalarning qobiliyatidan kelib chiqib muayyan xizmatga jalb qilish ahamiyatlidir.

Rossiyalik tadqiqotchi A.V.Zorina tomonidan “liderlik” - shaxsning jamoada muvaffaqiyatli faoliyatni yo‘lga qo‘ya olishi, ijobiy muhit yaratishi, umumiy maqsadlarga erishishiga hissa qo‘shishi bilan bog‘liq jarayon sifatida tushuntirilgan. Liderlik kompetentsiyasi - bu kishilarni, jamoa a‘zolarining xayrxohligi asosida ish faoliyatini foydali hamkorlik uchun tashkil etish qobiliyati, muayyan rahbarning nizolarni samarali hal etish va unga erishish jarayoni sifatida izohlanadi. Istalgan yosh davrida tashkilotchilik sifatlarini tarkib toptirish, mavjud liderlik layoqatini namoyon etishi uchun sharoit yaratish pedagogdan o‘ziga xos tayyorgarlikni talab etadi. Los Anjeles Oliy ta‘lim ilmiy tadqiqot instituti professori A.Astinning ta’kidlashicha, “Oliy o‘quv yurtlarida talabalarda liderlikni rivojlantirish juda muhim va foydalidir. Chunki bakalavr darajasida ularning tajribasini boyitib borish, ularga kelgusida o‘z hayotlarini nazorat qilish imkonini beradi”. A. Astin o‘z tadqiqotlarida pedagogik jarayonlarda talabalar o‘z vaqtlarining katta qismini o‘quv rejadagi fanlarni o‘zlashtirishga qaratib, faqat auditoriya mashg‘ulotlariga katta e’tibor qaratib qolinganligini muammo sifatida qaraydi. Haqiqatan, talabalarning auditoriyadan tashqari mashg‘ulotlarga keng jalb etish, ularning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishning maqbul yechimlarini hisobga olish lozim. Mazkur jarayonlarni to‘g‘ri tashkil etish uchun quyidagi muhim jihatlarga e’tibor qaratish zarur:

1. Talabaning ijtimoiy (oilaviy) ahvoli.
2. Yoshi va yashash hududining xususiyatlari.
3. Moliyaviy resurslardan foydalanishi.
4. Vaqtni to‘g‘ri taqsimlashi.
5. Ko‘ngillilik (volontyorlik) faoliyatiga bo‘lgan mayli.
6. Jamoa bilan ishlash layoqati.
7. Yoshlar tashkilotlaridagi faolligi.

Aynan ushbu jihatlarga alohida e’tibor qaratish talabalardagi mavjud, “yashirin” liderlik qobiliyatini yuzaga chiqarish, tashkilotchilik sifatlarini namoyon etish imkoniyatini beradi. Qozog‘istonlik tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra, talabalardagi liderlik ko‘p o‘lchovli pedagogik hodisadir. Liderlik qobiliyati murakkab majmuaviy tizim sifatida barcha shaxsiy sifatlar va xatti - harakatlar asosida shakllanadi. Ularning fikriga muvofiq, talabaning liderlik qobiliyatini rivojlantirish uchun eng muhim narsa bu - pedagogik raqobat muhitidir. Shuningdek, qobiliyatlar tizimi, muloqot ko‘nikmalari va shaxsiy sifatlar mazkur jarayonda muhim o‘rin tutadi. Respublikamizda talabalarning tashabbuskorlik sifatlarini rivojlantirishga doir ilmiy izlanishlar olib borgan olim N.N.Djamilova, liderlik qobiliyati bilan bog‘liq quyidagi sifatlarini aniqlashtirgan:

- intizomlilik - o‘zini o‘zi tashkillashtirish, javobgarlikni his qilish, shaxsiy maqsadlar va ijtimoiy ko‘rsatmalarga bo‘ysunishga tayyorlik;
- mustaqillik - shaxsning ichki pozitsiyasi, o‘zgalarning yordamisiz faoliyatni takomillashtirish uchun zarur bilim, ko‘nikma va malaka hamda kompetentsiyalar tizimi;
- ishchanlik - o‘quv, mehnat va ijtimoiy faoliyatda aniq maqsad asosida harakat qilish, o‘zining kuch va g‘ayratini safarbar etish;
- tashabbuskorlik - o‘quv va kasbiy faoliyatda muvaffaqiyatga erishish uchun yangi g‘oya va takliflarni ilgari surish hamda amaliy faoliyatda namoyon etishga qodirlik;
- maqsadga yo‘nalganlik - hayotiy pozitsiyasini aniq belgilay olish va o‘z maqsadiga erishish usullarini modellashtirish qobiliyati;
- mas’uliyatlilik - jamiyat tomonidan belgilangan xulq atvor me’yorlariga muvofiq o‘z xatti - harakatlari natijalarining to‘liq anglanishi, berilgan topshiriq va vazifalarni o‘z vaqtida hamda bekamu ko‘st bajarish istagi;
- mehnatsevarlik - shaxsning mehnat faoliyati jarayoniga ijobiy munosabatining namoyon bo‘lish shakli bo‘lib, xohish - istak, iroda va faollik kabi xususiyatlarning integrallashuvi;
- muloqotchanlik - birgalikdagi, hamkorlikdagi faoliyatga tayyorlik, shaxslararo munosabatga ochiqlik, o‘zaro hurmat va samimiylilik asosida ichki hissiyot va intilishlarini namoyon etish;

- olijanoblik - doimiy yordamga, muruvvat va saxovat ko'rsatishga shaylik, boshqalarning yutuqlari va qayg'ulariga hamdard bo'lish;
- qat'iylik - aniq va to'g'ri qarorlar qabul qilish asosida masalaning yechimini topishda jonbozlik ko'rsatishga doir shaxsning irodaviy sifati;
- tolerantlik - o'zgalarning dunyoqarashi, diniy e'tiqodi, milliy va etnik xususiyatlari, an'ana va marosimlariga hurmat ehtiromda bo'lish, muomala munosabatda kamsitish va tahqirlashlarga yo'l qo'ymaslik, insoniylikni hamma narsadan ustun hisoblab, jamoada, ish joylarida, mahalla ko'yda bunga rioya etish. Jahon va milliy tajriba tahlili shuni ko'rsatadiki, lider qaysi yo'nalishda namoyon bo'lishidan qat'iy nazar uning shaxsiga doir o'ziga xos qobiliyat va sifatlar tarkib topishi zarur;
- birinchidan, barcha ruhiy ta'sir etish bilimlarini jamlagan emotsional intellekti (EQ) ning mavjud bo'lishi;
- ikkinchidan, guruh yoki jamoa a'zolari orasida o'zining bilimi va ko'nikmalarini birgalikda baham ko'rishi, targ'ib qilishi va muayyan maqsadga yo'naltirishda foydalana olishi;
- uchinchidan, kommunikativlik va samarali muloqotni amalga oshirishni uddalay olishi;
- to'rtinchidan, ma'lum bir vazifani amalga oshirishda unga tegishli tajribani egallaganligi va bajarish jarayonida shaxsiy namuna bo'la olishi;
- beshinchidan, jamoa a'zolari orasida adolatni ta'minlay olishi va umumiy manfaatga erishish orqali jamoaning har bir a'zosi manfaatini ifoda eta olishi;
- oltinchidan, jamoa oldidagi umumiy ezgu maqsadga yo'naltirilgan vazifalarni to'g'ri taqsimlash va bajarilishini nazorat qila olish san'atini egallaganligi;
- yettinchidan, "time management"ga qat'iy rioya etishi, ya'ni vaqtni to'g'ri taqsimlay olishi;
- sakkizinchidan, o'zini o'zi doim tahlil qila olish ko'nikmalarini o'z ichiga oladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, boshqaruv – murakkab kasblardan biri bo'lib, u nafaqat iqtisodiy, ijtimoiy va psixologik bilimlarni nazariy jihatdan, balki amaliy jihatdan ham o'zlashtirgan holda yetarli tayyorgarlikka ega bo'lishlikni talab etadi. Bunda jamoani boshqaruvchi lider va rahbarlar zimmasiga katta mas'uliyat yuklatiladi. Bugungi kunda professiogramma tushunchasi mavjud bo'lib, bu – u yoki bu kasbga qo'yiladigan talablardan kelib chiquvchi shaxsga xos bilim, malaka va ko'nikmalarining uyg'unlashgan yig'indisidir. Rahbarlarga qo'yiluvchi talablar asosida yaratiluvchi professiogrammalr haqida gapirar ekanmiz M.Quronov ta'kidlashicha – "Muayyan lavozim professiogrammasi – ushbu lavozim egasi qanday bo'lishi kerak, - degan savolga javoblar yig'indisidir".

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasining 2020 – yil 23 – sentabrdagi 637 – sonli "Ta'lim to'g'risida" gi qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasining 2019 – yil 16 – dekabrdagi 595 – sonli "Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida"gi qonuni.
3. O'zbekiston Respublikasi PF-60. 2022-2026 – yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida. 2022-yil 28-yanvar.
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 22 dekabrdagi "Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning Davlat standarti" 802-sonli Qarori.
5. Alikariyeva A.N. Oliy o'quv yurtlarida sotsial boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirish orqali ta'lim sifatini oshirish. Toshkent. 2017.
6. Ansoff I. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989. – 221 с.
7. Ahlidinov R.Sh. Ta'limni boshqarish. - Toshkent: Sharq. 2003.
8. Бернард.В М - Лидерство и производительность выше ожиданий (1985);
9. Davidenko T.M. Теоретические основы рефлексивного управления школой.: Автореф. дис. д-ра экон.наук. –М., 1996.

MAKTABGACHA TA'LIM JARAYONLARIGA STRUKTURAVIY BOSHQARUVNI TADBIQ ETISH SAMARADORLIGI

Olimjonova Odinaxon Hasanxon qizi

Namangan davlat universiteti tayanch doktoranti

E-mail:olimjonovaodinaxon23@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada maktabgacha ta'lim jarayonlariga strukturaviy boshqaruvni tadbiq etish samaradorligi hamda strukturaviy boshqaruvning o'ziga xos xususiyatlari haqida fikr yuritiladi.

Tayanch tushunchalar: strukturaviy boshqaruv, mahorat, mexanizm, kadr, rahbar, direktor, maktabgacha ta'lim tizimi, maktabgacha ta'lim tashkilot, xodim, qaror, kasb, pedagog, omil, ustuvorlik.

EFFECTIVENESS OF APPLYING STRUCTURAL MANAGEMENT TO PRESCHOOL EDUCATIONAL PROCESSES

Abstract: The article discusses the effectiveness of applying structural management to preschool education processes and the specific features of structural management.

Basic concepts: structural management, skill, mechanism, staff, leader, director, preschool education system, preschool education organization, employee, decision, profession, pedagogue, factor, priority.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ СТРУКТУРНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕССАХ

Аннотация: В статье рассматривается эффективность применения структурного управления в процессах дошкольного образования и особенности структурного управления.

Основные понятия: структурное управление, навык, механизм, коллектив, лидер, руководитель, система дошкольного образования, организация дошкольного образования, работник, решение, профессия, педагог, фактор, приоритет.

Maktabgacha ta'lim tashkilotini boshqarish, rejalashtirish va tashkil qilish ishini bajarish tufayli ta'lim tashkiloti jamoasi a'zolarining kuch-g'ayratini samarali birlashtirish uchun zarur, ammo yetarli bo'lmagan shart-sharoit yaratiladi. Amaliyotdan shu narsa ma'lumki, odamlar real bajarayotgan ishlar ularga qo'yilayotgan rasmiy talablarga har doim ham mos kelavermaydi. Ijtimoiy tashkilotlarning o'ziga xos xususiyati shundaki, ularga kiruvchi odamlar o'z sabablariga ega bo'lgan holda, o'z oldilariga o'zlari maqsad qo'yishga qodirdirlar. Tashkilotni boshqarishning maqsadga muvofiq strukturasini vujudga keltirish tadbirkor hal etishi kerak bo'lgan muhim vazifalardan biridir.

Tashkilotning boshqaruv strukturasini deganda, boshqaruv maqsadlarini amalga oshiruvchi va funktsiyalarni bajaruvchi, bir-biri bilan bog'langan turli boshqaruv organlari va bo'g'inlarining majmui tushuniladi.

Boshqaruv strukturasini ishlab chiqarish strukturasini deb ham yuritiladi. Bunda boshqarishni tashkil etishning dastlabki va belgilovchi omili ishlab chiqarish jarayoni hisoblanadi. U o'zaro bog'langan asosiy, yordamchi hamda xizmat ko'rsatuvchi jarayonlardan iborat bo'lib, bu jarayonlar bo'limlar va xodimlar o'rtasida mehnat taqsimotini talab qiladi. Shu maqsadda ishlab chiqarish bo'limlari va ularga xos bo'lgan boshqaruv apparati tuziladi. Bo'linmalar yig'indisi, ularning tarkibi va o'zaro aloqa shakllari korxonalarning ishlab chiqarish strukturasini tashkil etadi. Boshqaruvning maqsadi, funktsiyasi, vazifasi, ob'ekti va organlari uning tashkiliy strukturasini belgilab beradi. Tashkiliy strukturalarni hosil qiladigan boshqaruv organlari boshqaruv bo'g'inlari va boshqaruv bosqichlari shaklida bo'ladi.

Boshqaruv jarayonida, ayni paytda, turli boshqaruv turkumlari ishi amalga oshiriladi. Kimdir mashg'ulotlar jadvaliga tuzatishlar kiritishi, kimdir o'qituvchining ishini nazorat qilib borishi, yana kimdir pedagogika kengashining ish rejasini muhokama qilishi mumkin. Bu

boshqaruv turkumlarini nafaqat bexabar kuzatuvchi uchun, balki aksariyat boshqaruv sub'ektlari uchun ham nooshkor holga keltiradi.[2]

Boshqaruv faoliyatining yaxlitligi uchun javob beruvchi ta'lim tashkiloti rahbari ushbu turkumlarni tuzib, ularning har birini kuzatib borishi kerak. Boshqaruvchi bo'lishga munosabatlar turli xil: kimdir uning imtiyozlariga qiziqadi, kimdir berilajak huquqlarni afzal biladi, kimdir obro' uchun, kimgadir jamoani ma'suliyatini bo'yniga olib olg'a intiltirishni maqsad qilib qo'yadi.[5] Bunday tasavvurlar qanchalik xilma-xil bo'lmasin jamoaga bosh bo'lish, jamoaning minnatdorligini ta'minlash, tashkilotchilik qobiliyatini ishga solgan holda uyushqoqlikni oshirish, yuksak g'oyalarni amalga oshirish orqali mamlakat rivojiga jamoaviy hissa qo'shishdek ma'suliyatli ishni o'z bo'yniga olish kabi sifatlar talab qilinadi[1]. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida uzluksiz ta'lim tizimining samarali faoliyat ko'rsatishi, eng avvalo, yuksak malakali rahbar kadrlar faoliyati bilan belgilanadi. Shu boisdan, maktabgacha ta'limning pedagogik jamoasini boshqarish, ta'limning yuqori ko'rsatkichlariga erishib borishda ta'lim tashkilotlari rahbarlaridan "boshqaruv" malakalariga ega bo'lib borishni talab qiladi. Samaradorlik haqida gapirishdan oldin faoliyat unumdorligi tushunchasini kiritamiz.

Har qanday faoliyat ozmi-ko'pmi unumli bo'ladi. Unumdorlik — bu qandaydir vaqt ichida olingan natijalarning foydaliligi va u bilan bog'liq xarajatlar o'rtasidagi nisbatni ko'rsatuvchi faoliyat xususiyati demakdir. Boshqaruv samaradorligi deganda erishilgan va erishish mumkin bo'lgan unumdorlik o'rtasidagi munosabatni aks ettiruvchi xususiyatni tushunamiz.[4] Bu borada maktabgacha ta'lim tashkiloti direktorining boshqaruv mahorati maktabgacha ta'lim tashkiloti samaradorligini ta'minlashning eng muhim omili hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy maktabgacha ta'lim tashkiloti direktori -maktabgacha ta'lim tashkilotlarning tashkilotchisi, rahbari, malakali pedagog, uning faoliyati maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni komil inson qilib tarbiyalash vazifalarini to'laqonli hal etishga qaratilgan. Rahbarlik mavqeyi direktorni o'z g'oyaviy, ma'naviy-ma'rifiy, siyosiy-huquqiy saviyasini va mutaxassislik mahoratini doimo ongli ravishda oshirishga, pedagogik bilimlarni, bolalarga ta'lim-tarbiya berish nazariyasi va amaliyotini puxta egallashiga, hozirgi bosqichda maktabgacha ta'lim oldida turgan vazifalarni bilishga, o'z bilimlaridan faoliyatida foydalanishga majbur etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Hayitov O.E Boshqaruv psixologiyasi darslik. Chirchiq-2020 y.
2. Kamilova G. Maktabgacha talim muassasalarida ekologik tarbiyani tashkil etishda integrativ yondashuv //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1.
3. K. M. Irisbayeva "BOSHQARUVCHI SHAXS FAOLIYATINING PSIXOLOGIK ASOSLARI". "Halq so'zi" gazetasi- 2004 y
4. Olimovna K. G. The importance of the criteria of pedagogical technologies at training highly qualified personnel //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 5 (18).
5. Xamidovna R. I. Play as a means of developing the creative abilities of Preschool Children //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA TA'LIM-TARBIYANING BIRLIGI TA'LIM JARAYONINI TO'G'RI TASHKIL QILISHNING ASOSIDIR

Jabborova Marifat Qodiraliyevna

**O'zbekiston, Farg'ona davlat universiteti Ijtimoiy –gumanitar fanlar kafedrası
o'qituvchisi, Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori(PhD)**

Annotatsiya: Bugungi kun talabi oliy ta'lim muassasalarida yuqori darajadagi raqobatbardosh mutaxassislarni tayyorlash, kasbiy ta'lim sohasidagi islohotlar haqidagi bilimlarni talabalar tomonidan chuqur o'zlashtirishga erishish hamda kasbiy-amaliy ko'nikmalarni shakllantirishning metodik ta'minoti va huquqiy me'yorlarini takomillashtirishdan iborat. Ta'lim-tarbiyaning birligi ta'lim jarayonini to'g'ri tashkil qilish va o'qitishning muvaffaqiyatli asosidir.

Kalit soʻzlar: kompleks tayyorlash, didaktik taʼminot, kasbiy-amaliy koʻnikma, intellektual qobiliyat, kommunikativ qobiliyat. didaktika, izchil.

Аннотация: Требование сегодняшнего дня – подготовить в высших учебных заведениях конкурентоспособных специалистов высокого уровня, добиться глубокого усвоения студентами знаний о реформах в сфере профессионального образования, усовершенствовать методическое обеспечение и правовые стандарты формирования профессиональных и практических навыков. Единство образования является основой правильной организации учебного процесса и успешного обучения.

Ключевые слова: комплексное обучение, дидактическое обеспечение, профессионально-практические навыки, интеллектуальные способности, коммуникативные способности. дидактика, последовательность.

Annotation: The requirement of today is to prepare high-level competitive specialists in higher educational institutions, to ensure that students deeply assimilate knowledge about reforms in the field of vocational education, to improve methodological support and legal standards for the formation of professional and practical skills. The unity of education is the basis for the correct organization of the educational process and successful learning.

Keywords: complex preparation, didactic provision, professional-practical skills, intellectual ability, communicative ability. didactics, consistent.

Bugungi kunda ilm-fan, texnika va ishlab chiqarish sohalarining tez surʼatlarda jadallik bilan rivojlanishi barcha taʼlim muassasalarida taʼlim-tarbiya sifatini mazmun jihatidan yangi bosqichga koʻtarishni talab etmoqda. Bu oʻz oʻrnida har bir tizim xodimi, ayniqsa, tarbiyachilar zimmasiga yanada yuksak masʼuliyat va vazifalarni yuklaydi. Maktabgacha taʼlim tashkilotlarida taʼlim va tarbiyaning oʻzaro bogʻliqligi isbot talab etmaydigan haqiqatdir. Har qanday bilim maʼlum tarbiyaviy taʼsirga ega va har qanday tarbiyaviy tadbir oʻzida bilim asosini aks ettiradi. Bu hayotiy qonuniyat boʻlib biz taʼlim jarayonida uni hisobga olishimiz lozim. Turli yosh guruhlarida taʼlim jarayonida oʻtilayotgan katta va kichik mavzularning mazmunidan kelib chiqadigan tarbiyaviy tomonlarini toʻgʻri belgilash va uni taʼlim bilan birga bir butunlikda amalga oshirishni tahminlash faoliyatning muvaffaqiyatli natijasini taʼminlaydi. Chunki tarbiya his-hayajon va amaliy hayot bilan chambarchas bogʻliq. Bu esa bilimlarni puhtarok oʻrganishga yordam beradi. Bilimlar esa ana shu tarbiyaviy jihatlarni mustahkamlanishiga taʼsir etadi. Bilimlar hayotni, hayotiy qonuniyatlarni bilishga xizmat qilsa, tarbiya ana shu hayotga nisbatan toʻgʻri munosabatni tarkib topishini tahminlaydi. Demak, bir butun taʼlim jarayonida ikki oʻzaro bogʻliqlik: hayotni bilish va unga boʻlgan munosabatni tarkib toptirish jarayoni sodir boʻlar ekan.

Taʼlim–tarbiyaning birligi taʼlim jarayonini toʻgʻri tashkil qilish va oʻqitishning xilma-xil metod va uslublaridan foydalana olishga koʻp jihatdan bogʻliq. Taʼlim bilan tarbiyaning birligini taʼminlashda quyidagi vazifalarni amalga oshirish ahamiyatlidir:

a) faoliyatga oid bayon qilinayotgan oʻquv materiallarining mazmuni ham ilmiy, ham gʻoyaviy jihatdan toʻgʻri tashkil qilinishi;

b) organilayotgan mavzunining ilmiy va tarbiyaviy mohiyatini sodda, tushunarli qilib ochib borilishi, taʼlim jarayonida hadislardan foydalanish imkoniyatini yaratilishi;

v) oʻrganilayotgan bilimlarning puxta va mustahkam oʻzlashtirilishiga erishish va turmushda unga amal qilinishi;

g) taʼlim jarayonida muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish, bolalarning qiziqishlari, faollik va tashabbuskorliklarini taʼminlashga ehtiborining kuchaytirilishi;

d) taʼlim jarayonida bolalarning uyushqoqligini, intizomlilik va javobgarlikni sezish, oʻzaro yordam hislarini tarbiyalashni taʼminlanishi.

Ijtimoiy taraqqiyotning boy tajribasi taʼlimda tizimlilik va izchillik boʻlishi shart ekanini tasdiqladi. Bilimlarning maʼlum tizimga solinishi va izchil boʻlishi taʼlim samaradorligi belgilovchi eng yetakchi omillardan biridir. Xozirgi zamon didaktikasidan bu tamoyilga katta ehtibor berilmoqda. Chunki taʼlimda izchillikka rioya qilib oʻqitish bugun oʻrganilgan bilimlarni mustahkamlashga va ertaga oʻrganiladigan bilimlarga zamin tayyorlashga yordam beradi. Yaʼni

o'tilayotgan faoliyat yoki bayon qilinayotgan yangi materialning bolalarning oldingi o'zlashtirilgan ilmiy bilimlari, ko'nikma va malakalari bilan izchil va uzviy bog'lanishi, shu bilan bir vaqtda o'qitilayotgan o'quv materiallarini o'zlashtirish orqali kelajakda yangi bilimlarni o'zlashtirishga, shuningdek navbatdagi ta'lim bosqichiga zamin yaratilishi kerak.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'limning tizimli bo'lishi uning izchil bo'lishi bilan bog'likdir. Izchillikka asoslangan ta'limning xarakterli belgisi shundaki, u bolalarning oldindan o'zlashtirilgan bilim va malakalari zamirida yangi bilim ko'nikma va malakalar hosil qilish, ularning o'zaro bog'lanishlarini takomillashtirish yoki yangi bilimlarni bayon qilish jarayonida oldindan o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarini yana ham chuqurlashtirish, kengaytirish va mustahkamlashni ta'minlashga qaratilgandir. Demak tizimli va izchillik ta'limda uzluksizlikni vujudga keltirishda ahamiyatlidir. Bundan tashqari tizimlashtirilgan bilimlarni egallash yangi bilimlarni o'rganish jarayonida qulaylik vujudga keltiradi. Albatta tizimli va izchillikni soddadan murakkabga qarab yo'naltirilishi maqsadga muvofiqdir. Bilimlarning asta-sekin, izchillik bilan murakkablashib borishi bolaning tafakkurni rivojlantiradi va natijada ta'limning rivojlantiruvchi xususiyati kelib chiqadi.

Ta'limning ilmiyligi bilimlarni nazariy jihatdan o'rganishga, mantiqiy bog'liqliklarni tushunishga, fikrlash qobiliyatini o'stirishga xizmat qilsa, amaliy harakatlar ana shu bilimlarni amalda qo'llab ko'rib, yanada to'liqroq ishonch hosil qilish, bolalardayandi bilim yuzasidan malaka hamda ko'nikmalarni shakllanishga yordam beradi.

Ta'lim jarayonida bolalarni mumkin qadar sezgi organlarini ko'proq jalb etish o'rganishni osonlashtiradi. Eshitish jarayonida abstrakt tafakkur ma'lum ish bajarsa, ko'rish orqali obrazli tafakkur ham ishga tushadi. Ko'rsatmalilik mavzuni o'rganishda yengillik tug'dirishi bilan birga bolalarda faoliyatga bo'lgan qiziqish ham uyg'otadi. O'rganilgan mavzuni uzoq muddat esda saqlanishiga va qayta esga tushirishga yordam beradi. Albatta ko'rsatmalilik samarali natijalar berishi uchun uning boshqa tomonlarini ham ehtiborga olish kerak. Faoliyat uchun tayyorlangan ko'rgazmalar bolalarning yoshi va o'ziga xos xarakter xususiyatlari, umumiy tayyorgarlikka-saviyasiga mos keladigan bo'lishi lozim. Foydalaniladigan ko'rsatmali qurollar o'tilayotgan faoliyat mavzusining mazmunini ochib berishga yordam beradigan materiallar bo'lishini hisobga olish muhimdir. Ko'rgazmalarni to'g'ri tanlanishiga ehtibor berish lozim. Faoliyat jarayonida foydalanish uchun belgilangan ko'rsatmali materiallardan unumli foydalanish uchun zarur bo'lgan ta'lim usullari to'g'ri tanlangan bo'lishi muhim ahamiyatga ega.

Har bir bolaning o'ziga xos qiziqishlari va shu bilan bir qatorda yangi bilimlarni o'zlashtirish miqdori mavjud. Har bir bolaning o'ziga xos bo'lgan yutuqlari va shu bilan bir qatorda kamchiliklari ham bor. Agar pedagog tarbiyachilar faoliyat jarayonida ana shu individual xususiyatlarni hisobga olmasalar har qancha unumli metodlardan foydalanmasinlar o'quv jarayonida yaxshi natijalarga erisha olmaydilar. Chunki ta'limning asosiy vazifalaridan biri bolaning umumiy rivojini ta'minlash. Albatta shaxsiy xususiyatlar juda xilma-xil va ularni o'rganish ma'lum vaqt talab etadi. Kuzatish jarayonida bolaning kuchli va ojiz tomonlarini, uning qiziqishlari, tafakkuri, nutqi, xotirasi, diqqati, hayoliga mos bo'lgan xususiyatlarini bilib olish mumkin.

Ma'lum gurux uchun belgilangan o'quv materiallarining xarakteri, mazmuni va hajmi shu gurux talabalarining yosh xususiyatlariga mos bo'lishi lozim. O'rganilayotgan bilimlar, xosil qilinayotgan malaka va ko'nikmalar bolalarni xaddan ziyod toliqtirib qo'ymasligi lozim. Boshqacha qilib aytganda, ta'limiy faoliyat jarayoni bolalarning sog'ligi, psixik holatiga salbiy tahsir etishini oldini olish lozim. Buning uchun har bir bolaning yosh xususiyatlarini chuqurroq o'rganib, uning imkoniyatlar darajasini belgilab olish kerak. Ta'limni haddan ziyod "engillashtirish", "osonlashtirish" ham maqsadga muvofiq emas, chunki bunday ta'lim rivojlantiruvchi bo'la olmaydi. Demak, bugungi kunda yosh avlodga ta'lim - tarbiya berishda ularning ehtiyojlarini hisobga olgan holda o'quv jarayonini tashkil qilish uchun yanada chuqurroq o'rganish hamda ta'lim samaradorligini oshirish ustida keng miqyosda izlanishlar olib borish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar.

1. Butayev Sh, Irisqulov M – inglizcha-o'zbekcha, o'zbekcha-inglizcha lug'at 70000 so'z va

ibora // Toshkent 2008, B.267

2. Hojiyev A., Nurmonov A., Zaynobiddinov S va boshqa - Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati - Toshkent.: «Sharq», 2001.— B.107

3. Berg T— The directionality of reduplicative plurality, 15(1), Word structure journal, Edinburgh university press PP 1-27.

УТРЕННИК ПОСВЯЩЕННЫМ ПРАЗДНИКУ «ДЕНЬ УЧИТЕЛЯ И НАСТАВНИКА»

Анчуленко Екатерина Александровна.

Музыкальный работник ГДОО №15 г.Зарафшан.

Сценарий: 1 октября – день учителя и наставника.

Ведущий 1: Здравствуйте, уважаемые гости! Сегодня, в этот праздничный день – День учителя и наставника, мы с ребятами хотим Вас торжественно поздравить. Пожелать Вам всем добра, много света и тепла.

Замечательных детей, в жизни много ярких дней.

Быть здоровыми всегда, быть счастливыми всегда.

Уважения коллег, много творческих побед.

Ведущая 2. Как хорошо, что сейчас мы вместе: взрослые и наши дети.

А как же нам да без детей? С ними наша жизнь светлей!

Встречайте их аплодисментами, скорей!

Дети заходят в зал и встают около стульев.

Ведущая 1. Когда приходит этот день, нам в детский сад идти не лень.

Вдвойне торопимся, спешим, друг другу радостно мы «Здравствуй» — говорим и сердце бьётся – тук-тук-тук, сейчас ребята прибегут.

Ведущая 2. Обнимут, поцелуют, улыбнутся, протянут робко скромные цветы, и в группе звонко песни разольются, и станет в мире больше доброты!

1реб: Детский сад, детский сад...Почему так говорят?

Мы ведь не листочки, мы ведь не цветочки

Голубые, аленькие – мы ребята маленькие!

2реб: Детский сад, детский сад...Почему так говорят?

Потому, что дружно в нём мы одной семьёй растём!

Оттого и говорят: В этом доме детский сад

Зреб: Отчего гостей так много, люстры празднично горят?

Поздравляет педагогов наш любимый детский сад.

Вам скажу я по секрету, в том всегда уверен я...

Все вместе: Воспитатели и дети – настоящие друзья!

Звучит музыкальная заставка новостей на экране.

Вед. с телевизора: Добрый день, дорогие телезрители! Сегодня у нас важное событие!

Команда детского сада №15 «Улыбка», и я в их числе, от всей души поздравляет неравнодушных, увлечённых, творческих, трудолюбивых и жизнерадостных людей, которые работают во всех ГДОО города Зарафшан с грандиозным праздником – Днём учителя и наставника! Как здорово, что теперь в календаре есть ещё одна праздничная дата! Как чудесно, что в этот день мы можем ещё больше сказать друг другу добрых, ласковых слов! Можем вместе собираться! Можем вместе улыбаться! Можем вместе отдохнуть! С праздником, уважаемые коллеги! С праздником, дорогие женщины! В прямом эфире работаем мы – озорные и веселые, послушные и не очень дети подготовительной группы «Колобок».

Вед1: А начнём нашу праздничную трансляцию песня под названием «Азиз устозлар».

Песня: «Азиз устозлар» дети сели.

Ведущий1: Дорогие наши женщины! Не у всех, конечно, есть такая возможность, ввиду того, что работаете вы все время днём, но на канале Милий тв. сейчас очень популярно шоу «Аёл бриллиант». Так вот – сегодняшний эфир мы посвятили только вам, и наши стилисты сегодня хорошенько с вами поработают. Включается заставка «Аёл бриллиант». А я представляю наших стилистов... (называет фамилию, имя детей) Дети берут сотрудников выходят из зала, где наряжают взрослых.

Вед1: А пока наши стилисты занимаются любимым делом, девочки исполнят танец который специально приготовили к празднику.

Танец «Дойра»

Ведущий2: Итак, вот и первый выход нашего сотрудника! (описывает его)

Встречайте второго педагога, интересно, что же наши стилисты с ней сделали. (Выход) Да они её превратили в золотую осень.

Осень: Assalom alaykum aziz ustozlar. Bugungi ajoyib tadbirimizga xush kelibsizlar. Avvalombor mamlakatimizda umumxalq bayrami sifatida keng nishonlanib kelayotgan qultlug ayyom-O'qituvchilar va murabbiylar kuni bilan barchangizni chin qalbizdan muborakbod etamiz.

Ведущий1: Спасибо милая осень за поздравления. А наши ребята хотят тебе показать пальчиковую игру про осень.

Пальчиковая игра: «Осень»

Осень: У меня есть осенний волшебный зонтик, давайте поиграем с ним.

Игра: «Волшебный зонтик» (осень прощается и уходит)

Ведущий2: Ну вот, наше первое шоу подошло к концу, и я предлагаю перейти к следующему. И это будет интеллектуальная игра «Заковат» Осенняя серия игр. (звучат позывные этой передачи).

Ведущий2: Но так как вы работаете в детском саду, и вопросы будут немного детские. Итак, доскажите названия сказок.

1.Зумрат и....., 2.Золотой.....3.Эгры и.....4.Бей.....5.Бай и.... 6.Фархад и.....7.Три.....8.Апанди и..... 9.Скорпион и.....10.Три арбузных..... Команда педагогов показала хорошие знания, но им надо отдохнуть после первого раунда, и я объявляю музыкальную паузу.

Песня: « Праздник к нам пришёл»

Ведущий1: Мы начинаем второй раунд. Это будет блиц-турнир. Вопрос-ответ: Друг Винни-Пуха, который остался без хвоста (Иа) Самая дружная коммунальная квартира (теремок) Семь желаний на одной ножке (Семицветик) Неблагодарная слушательница песен (Лиса) Самый круглый сказочный герой (Колобок) Пушистый владелец сапог (Кот) Молодцы, по-моему, вы все успешно справились со вторым раундом и вся игра прошла на отлично. Предлагаю немного отдохнуть и посмотреть сценку из жизни детского сада.

(раздать подушки) **«Танец с подушками»** (девочки идут переодеваться)

Ведущий2:А мы продолжаем поздравлять наших педагогов с их праздником, и вашему вниманию стихотворения, которые подготовили наши дети.

Индивидуальные стихотворения на узбекском языке.

Ведущий2: Время нашего эфира ограничено, и я предлагаю вам переключиться на шоу «Адреналин». (Звучат позывные передачи «Адреналин») Но в честь праздника мы решили провести передачу немного по другому. И так, дорогие педагоги вас пришли поздравить с праздником родители наших воспитанников и в честь праздника они вместе с детьми исполнят песню для вас.

Песня: «Воспитатели»

Ведущий1: Я считаю, что поют наши родители и дети замечательно. Но вот что с танцами? А мы проверим на шоу «Джозиба»!(звучат позывные передачи «Джозиба») Я приглашаю исполнить танец девочек.

Танец « Хабиби».

Ведущий1: Молодцы девочки, а мы продолжаем поздравлять наших наставников с праздником, и наши мальчики приготовили необычный оркестр, прослушайте пожалуйста его.

Раздать шарики. **«Оркестр с шариками»**

Ведущий2: И так, мы продолжаем нашу праздничную трансляцию спортивной передачей «Чемпион шоу» (звучат позывные передачи

«Чемпион шоу»). Но так как у вас сегодня праздник, то вместо вас будут соревноваться дети. Давайте выберем две команды и поиграем в осеннюю игру – эстафету.

Игра: «Собери урожай во время дождя».

Ведущий2: Ну вот и закончилась трансляция наших праздничных телепередач. А заключительное слово я предоставляю тем, ради кого мы каждый день бежим на работу, слово нашим детям.

1 ребенок: Загляните в детский сад! Да, увидеть каждый рад

– Здесь игрушки аккуратно, Как по струночке стоят.

Мы поем и мы танцуем. В общем, весело живем.

На прогулку ходим дружно И тихонечко растем!

2 ребенок: Наши мамы нас отводят И спокойна их душа.

В детском садике и правда, Наша жизнь так хороша!

3 ребенок: Поздравляем всех сегодня, Кто жизнь детям посвятил.

Вам здоровья и здоровья, Много радости и сил!

4 ребенок: Тот, кто с детством верно дружен, Не стареет никогда! Вам

Все вместе: «Спасибо» говорим мы! Будьте счастливы всегда!

Под музыку дети выходят из зала.

Использованная литература:

1. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida musiqa. Песня: «Азиз устозлар»

2. Ноты и слова С.Юдиной «Праздник к нам пришёл»

3. Пальчиковая игра в детском саду.

YANGI O'ZBEKISTON TARAQQIYOTIDA KOMIL INSON TARBIYASIDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR

F.O. Xodjiyeva

Navoiy davlat pedagogika instituti

Pedagogika va psixologiya kafedrasi dotsenti, p.f.n.

Z. B. Abdullayeva

Navoiy innovatsiyalar universiteti "Ijtimoiy gumanitar fanlar"

kafedrasi o'qituvchisi

O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy yuksak bilimli va ma'naviy-axloqiy fazilatlarga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarishni davrning o'zi taqozo etmoqda.

Hurmatli Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev parlamentga murojaatida birinchi navbatda, e'tiborni Yangi O'zbekiston uchun eng katta investitsiya bo'lgan ta'limni qo'llab-quvvatlashga qaratish haqida gapirdi: **"Najot – ta'limda, najot – tarbiyada, najot – bilimda"**. Chunki, barcha e'zgu maqsadlarga bilim va tarbiya tufayli erishiladi.

Tarbiya va ta'limni bir-biridan alohida ajratib bo'lmaydi. Bu ikki jarayon o'zaro uyg'un, uzluksiz asosda tashkil etilgandagina odobli, axloqiy fazilatlarga ega, yuksak ma'naviyatli, shu bilan birga bilimdon, zukko, ruhan va jismonan sog'lom, keng dunyoqarash va tafakkurga ega, zamonaviy kasb-hunar egasi bo'lgan vatanparvar yoshlarni yetishtirib beradi.

Oliy ta'limda talaba-yoshlar tarbiyasini globallashuv davrda zamonaviy talab asosda isloh qilish borasida olib borilayotgan ishlar uni bugungi kun ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda ilmiy asoslangan tayanch kompetensiyalar, fazilatlari asosida shakllantirishni talab etmoqda va bir qator

muammolar ko'zga tashlanmoqda. [1]

Vatanga sadoqat, burch va mas'uliyat, tashabbuskorlik va boshqa fazilatlar talabalar ongida nazariy tushunchalar sifatida qolib ketgani holda ularning tabiatida amaliy odatlarga aylanmayotgani kuzatilayapti. Buning oqibatida ularning ushbu fazilatlar haqidagi so'zlari bilan amallari orasida tafovut namoyon bo'lmoqda. Bu esa har yili mustaqil hayotga kirib kelayotgan yigit-qizlarning hayotda o'z o'rinlarini topishlarida bir qator muammolarni yuzaga keltirmoqda.

Ayrim talaba-yoshlarda yuksak maqsadlarning shakllanmaganligi, o'zini o'zi o'qishga safarbar qilish, iroda, matonat, tirishqoqlik kabi sifatleri yetarli rivojlanmaganligi ta'lim sifatiga ham zarar ko'rsatmoqda.

Shuningdek, oliy ta'limda ma'naviy-axloqiy mazmunni kuchaytirish, yoshlarni milliy qadriyatlarga hurmat, insonparvarlik va yuksak ma'naviy g'oyalar asosida vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda yot g'oya va mafkuralarga qarshi immunitetni mustahkamlash borasidagi ishlarni yanada rivojlantirish zarurati mavjud.

Ta'lim-tarbiya sohasidagi muammolarni bartaraf etishda hukumatimiz tamonidan bir-qator islohotlar amalga oshirilmoqda va bu muammolar yechimining huquqiy asoslarini farmon hamda qarorlar bilan belgilab berilmoqda.

Jumladan: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 2019-yil 3-maydagi PQ-4307-son [qarori](#); O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmoni; O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 31- dekabrdagi "Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1059-son qarori; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 26-martdagi "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5040-son qarori; 2023 yil 28-yanvar kuni O'zbekiston Prezidentining 2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi to'g'risidagi farmoni shular jumlasidandir.[2]

Oliy ta'lim muassasalarida talaba-yoshlarni ma'naviy-axloqiy tamoyillar asosida tarbiyalashda inobatga olinishi lozim bo'lgan jihatlar:

- ma'naviy-ma'rifiy va tarbiyaviy ishlar ta'sirchanligini oshirish;
- talaba-yoshlarda zamonaviy bilimlarni egallash, media madaniyatni rivojlantirish;
- kasbiy-ma'naviy ko'nikmalarni mustahkamlash, o'zini-o'zi tarbiyalashga o'rgatish;
- faol fuqarolik pozitsiyasini kuchaytirish;
- ilmiy, ma'naviy-axloqiy, siyosiy dunyoqarash va sog'lom diniy e'tiqodni shakllantirish;
- kelajakka ishonch va mamlakatda amalga oshirilayotgan islohotlarga daxldorlik tuyg'usini kuchaytirish.

Bizga ma'lumki, yuqorida ko'rsatilgan muammolarning yana bir yechimi sifatida O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 26 martdagi "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori hamda Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2021 yil 13 sentyabrdagi buyrug'iga asosan, oliy ta'lim muassasalarida tyutorlik faoliyatini tashkil etish tartibi, uning maqsad-vazifalari, huquq-majburiyatlari belgilab berildi.

Tyutor – bu oliy ta'lim muassasasida faoliyat yuritadigan, tegishli malaka talablariga javob beradigan, yuksak axloqiy fazilatlariga ega bo'lgan xodim bo'lib, o'ziga biriktirilgan guruh talabalarining ta'lim olishlarida, shuningdek, darsdan bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishlarida ko'maklashadi, ularni insonparvarlik, adolat, mehnatsevarlik, Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, beshta muhim tashabbus doirasida tashkil etilgan to'garak va klublarga jalb etish, ta'lim olish jarayonida yuzaga keladigan barcha masala va muammoni o'rnatilgan tartibda bartaraf etishga qaratilgan faoliyatni olib boradi.

Respublikamiz oliy ta'lim tizimida tyutorlik faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari quyidagilardan iborat:

1. Tyutor – oliy ta’lim muassasasida faoliyat yuritadigan, tegishli malaka talablarga javob beradigan, yuksak axloqiy fazilatlariga ega bo’lgan xodim bo’lib, u o’ziga biriktirilgan talabalarning ta’lim olishi, darsdan bo’sh vaqtini mazmunli tashkil etishida ko’maklashuvchi tarbiyachi.[3]

Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, Yangi O’zbekiston taraqqiyot strategiyasi doirasida tashkil etiladigan to’garak va klublarga jalb etish, yuzaga keladigan muammo va kamchiliklarni o’rganib, ularga atroflicha yechim topish bilan shug’ullanadi.

2. Tyutorlarning — ta’lim va tarbiya jarayonini samarali tashkil etishda oliy ta’lim muassasalarida talabalar o’rtasidagi munosabatlarni mustahkamlash, talabalarning institut, universitet hayoti va ta’lim jarayoniga moslashishiga ko’maklashish, ularga uslubiy, ijtimoiy va psixologik yordam ko’rsatish va talabalarda tanlagan kasbiga muhabbatni oshirishdir.

3. Ta’lim va tarbiya jarayonini samarali tashkil etishda universitet va talabalar o’rtasidagi munosabatlarni mustahkamlash, talabalarning universitet hayoti va ta’lim jarayoniga moslashishiga ko’maklashish, ularga uslubiy, ijtimoiy va psixologik yordam ko’rsatish va talabalarda tanlagan kasbiga muhabbatni oshirishdir. Shu bilan birga ular yigit-qizlarning dars mashg’ulotlarini muntazam tahlil qilib boradi va sifatini oshiradi, ularning darsdan bo’sh vaqtlarini mazmunli o’tkazishini ta’minlaydi hamda ijtimoiy ahvolidan doimiy xabardor bo’lib turadi.

4. Tyutorlar ma’naviy-ma’rifiy va ahloqiy-tarbiya, o’quv va o’quvuslubiy hamda ilm-fan, innovatsion va ilmiy-tadqiqot yo’nalishlarida o’z faoliyatini olib boradi.

5. Har bir tyutor o’ziga biriktirilgan guruh talabalarning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qiladi, ularning ta’lim olishi, ilm bilan shug’ullanishi, yashashi va dam olishi uchun sharoitlar yaratishga ko’maklashadi va bu boradagi yangiliklardan xabardor qilib boradi.

6. Talabalarning o’quv intizomini mustahkamlash, ularda ijodiy fikrlash, halollik, to’g’ri so’zlik kabi xislatlarni shakllantirish borasida tizimli ishlarni yo’lga qo’yadi. Iqtidorli va iste’dodli talabalarni aniqlab, ularning turli tanlov va olimpiadalarda munosib ishtirok etishiga hamda talabalarning loyiha va startaplarini amalga oshirishga ko’maklashadi.

7. Tyutorlar talabalarni o’ylantiradigan qator masalalar, xususan, talabalarni turar joy bilan ta’minlash, qoldirilgan darslarni o’zlashtirishiga yordam berib boradi. talabaga tavsifnoma va akademik ta’til berish masalasini hal qilishda ishtirok etish, ularni rag’batlantirilishi yoki jazolanishi, turli stipendiyalarga tavsiya qilishda xulosa va fikrnoma berish huquqiga ega.

8. Har bir tyutor talabalarning sha’ni va qadr-qimmatini, obro’sini hurmat qilish, ularning jismoniy, ruhiy va psixologik holatidan muntazam xabardor bo’lish, o’quv, ma’naviy va ilmiy faoliyatini monitoring qilib borish, yigit-qizlarning darslarda ishtirokini nazorat qilish, yoshlarning ota-onalari va o’zi bilan doimiy muloqot qilib borishga majburdir.

Xulosa o’rnida xalqaro standartlar asosida yuqori malakali, kreativ va tizimli fikrlaydigan, mustaqil qaror qabul qila oladigan, o’zining shaxsiy pozitsiyasiga ega kadrlar tayyorlash, ularning intellektual qobiliyatlarini rivojlantirish va ma’naviy barkamol shaxs sifatida tarbiyalash Uchinchi Renessans poydevorini barpo etish uchun zamin yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi “O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi PF-5847-son Farmoni;

2.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 26-martdagi “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-5040-son qarori

3.N.M. O’rinova, H. Abdullayeva. Tyutorlik faoliyatining shakllanishi, uning tarixiy va zamonaviy xususiyatlari. Academic Research in Educational Sciences. VOLUME 3 | ISSUE 1 | 2022.

INSON KAPITALI-SIFATLI TA'LIMNING HAL QILUVCHI OMILI

Xalilova Muxabbat Ruzmurodovna
O'zbekiston, p.f.n.Navoiy davlat pedagogika instituti
pedagogika-psixologiya kafedrası dotsenti
(tel: 91-085-26-63, xalilovamuhabbat70@gmail.com)

Annotatsiya: Mazkur maqola mazmunida inson kapitali- sifatli ta'limning hal qiluvchi rivojlantirishning asosiy omili ekanligi batafsil ifodalangan. Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida fan-ta'lim-ishlab chiqarish integratsiyasini yo'lga qo'yish va yanada mustahkamlash, inson kapitalini rivojlantirish va uzluksiz ta'lim tizimida sifat va samaradorlikni oshirish bo'yicha aniq vazifalar belgilab berilganligi metodologik jihatdan nazariy va amaliy jihatdan muallif tomonidan ilmiy asosda tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: Sifatli ta'lim, inson kapitali, maktabgacha ta'lim, bola rivojlanishi, raqobat, taraqqiyot, islohatlar, ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, imkoniyatlar

Аннотация: В содержании данной статьи подробно изложено, что человеческий капитал является решающим фактором развития качественного образования. В новой стратегии развития Узбекистана на научной основе методологически теоретически и практически проанализированы конкретные задачи по налаживанию и дальнейшему укреплению научно-образовательно-производственной интеграции, развитию человеческого капитала и повышению качества и эффективности в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: Качественное образование, человеческий капитал, дошкольное образование, развитие ребенка, конкуренция, развитие, реформы, социальные, политические, экономические, возможности

Annotation: In the content of this article, it is expressed in detail that human capital is the main factor in the decisive development of quality education. The development strategy of the new Uzbekistan defines specific tasks for establishing and further strengthening the integration of Science and education and production, developing human capital and improving quality and efficiency in the system of continuing education, which are methodologically theoretically and practically analyzed by the author on a scientific basis.

Key words: Quality education, human capital, preschool education, child development, competition, development, reforms, social, political, economic, opportunities

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning "Farzandlarimiz tarbiyasida eng asosiy bo'g'in hisoblangan maktabgacha ta'lim tizimining jamiyatimiz hayotidagi o'rni va ahamiyatini hech narsa bilan o'lchab bo'lmaydi" deb ta'kidlashi bugungi kunning vazifasi va ertangi kunning taraqqiyoti ekanligini belgilab beradi⁴.

Darhaqiqat bu yo'nalishni tizimli rivojlantirish bo'yicha davlatimiz rahmoniligida qo'yidagi qaror va farmonlarni hayotga tadbiiq etilayotganligi bugungi kunda erishilayotgan yutuqlarimiz va faoliyat jarayonlarini yangilanayotgaligi quvonarli hol albatta.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi PF-4947-sonli, 2019-yil 8-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PQ-5847-sonli qarori, 2020-yil 27-fevraldagi "Pedagogik ta'lim sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4623-sonli, 2018-yil 5-iyundagi "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3775-sonli Qarorlari hamda 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida fan-ta'lim-ishlab chiqarish integratsiyasini yo'lga qo'yish va yanada mustahkamlash, inson kapitalini rivojlantirish va uzluksiz ta'lim tizimida sifat va samaradorlikni oshirish bo'yicha aniq vazifalar belgilab berilgan.

⁴ Shavkat Mirziyoyev "Yangi O'zbekiston Taraqqiyot Strategiyasi, "O'zbekiston" Toshkent 224- bet

Ushbu vazifalarni amalga oshirish natijadorligining amaliy tasdig'i sifatida erishilgan natijalarni yanada takomillashtirish va raqobatbardoshligini ta'minlash fuqorolarimizga erkin demokratik tamoyillar asosida zamonaviy hayot tarzini shakllantirishga undaydigan Yangi O'zbekiston Qiyofasini yaratishda dasturilamal sifatida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning "Yangi O'zbekiston Taraqqiyot Strategiyasi" ikkinchi kitobida ta'kidlangan Mamlakatimiz rivojlanishining yangi davrida amalga oshiriladigan islohatlarning ustuvor yo'nalishlari quyidagilar etib belgilanganligi jumladan:

Birinchi –erkin fuqorolik jamiyatini rivojlantirish va inson qadrini yuksaltirish orqali xalqparvar davlat barpo etish;

Ikkinchi-mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish;

Uchunchi- milliy iqtisodiyotniuning o'sish sur'atlarini zamon talablari darajasida rivojlantirish;

To'rtinchidan-adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirish;

Beshinchidan - ma'naviy taraqqiyotni ta'minlash, ushbu sohani tubdan isloh etish va yangi bosqichga olib chiqish;

Oltinchi –bugungi kunda insoniyat, xalqimiz duch kelayotgan umumbashariy muammolarga o'z milliy manfaatlarimizdan kelib chiqqan holda yechim topish;

Yettinchi- mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq va pragmatik, faol tashqi siyosat olib borish⁵.

Davlatimiz rahbarining belgilab bergan yo'nalishlar mazmunida aks etgan maqsadlarni amalga oshirilishida bugungi kunda inson omilidan nechog'lik foydalanishning samaradorligi uning asosini tashkil etadigan inson kapitalini rivojlantirish va raqobatbardoshligini ta'minlash muhim ahamiyat kasb etadi.

Ko'rsatib o'tilgan ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirishda bugungi kunda ta'lim-tarbiyaning tayanch sifatini belgilab beruvchi maktabgacha ta'limda inson kapitalini rivojlantirish uning mazmun mohiyatini bugungi muommalarni hal etishga qaratish dolzarb va kechiktirib bo'lmaydigan vazifalar sarasiga kiradi. Ushbu ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirishda maktabgacha ta'limda "Inson kapitali-sifatli ta'limning hal qiluvchi omili" deb nomlangan mazkur maqola ma'zmuniga singdirilgan jihatlar alohida amaliy ahamiyatliligi bilan ajralib turadi.

Rivojlangan mamlakatlarda ta'limning to'liq sikliga investisiya kiritishga, ya'ni, bola 3 yoshdan 22 yoshgacha bo'lgan davrda uning tarbiyasiga sarmoya sarflashga katta ahamiyat beriladi.Chunki ana shu sarmoya jamiyatga 15-17 barobar miqdorda foyda keltiradi. Bizda esa bu ko'rsatkich atigi 4 barobarni tashkil etadi.

Binobarin, inson kapitaliga e'tiborni kuchaytirishimiz, buning uchun barcha imkoniyatlarni safarbar etishimiz shart⁶.

Darhaqiqat, inson kapitali kategoriyasi ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, global kategoriyalardan biri bo'lib muommoning mexanizmlarini shakllantirish dolzarb vazifalardan biridir.

Global miqyosda maktabgacha ta'limda inson kapitalini rivojlantirish mexanizmlari shakllantirishga, inson va uning ijodiy fazilatlarini, kuchlari va qobiliyatlari, ular yordamida individda hosil bo'ladigan o'z-o'zini anglash, o'zining ichki inkoniyatlarini yuzaga chiqarishni takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Innovatsion inson kapitalini yaratish uchuun mamlakatning har bir oilasi va unda to'g'ilgan farzandlarning kichik yoshidan boshlab bilim olishga erkin yo'naltirish qalbida ilmga havas, mehnatga muhabbat uyg'otish dunyoning ing so'ngi ta'lim standartlariga javob beradigan raqobatbardoshligini shakllantiradigan metodik ta'minotini yaratish lozim.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar faoliyatiga innovatsion inson kapitalini ta'minlash bola hayotida ijtimoiy taraqqiyot va iqtisodiy o'sishni ilk ko'nikmalarini shakllantiradi.

Darhaqiqat maktabgacha ta'limga kiritiladigan sarmoyalar bolalarning rivojlanishida jahon standartlari doirasida shakllanishiga olib keladi.

⁵ Shavkat Mirziyoyev "Yangi O'zbekiston Taraqqiyot Strategiyasi, "O'zbekiston" Toshkent 10-11 bet

⁶ Shavkat Mirziyoyev "Yangi O'zbekiston Taraqqiyot Strategiyasi, "O'zbekiston" Toshkent 222- bet

Aksariyat mamlakatlarda nisbatan o'ziga to'q oilalarda tug'ilgan farzandlar bolalikdanoq keng imkoniyatlardan foydalanishni boshlaydi va u butun umri davomida qator afzalliklarni, qulayliklarni qo'lga kiritadi.

Albatta inson kapitalini rivojlantirish xalqni-xalq, millatni-millat darajasiga yetkazib Davlatni iqtisodiy rivojlanishiga olib keladi. Qachonki xalq boy-badavlat, to'la-to'kis farovon hayot kechirsagina o'sha millat, davlat boy bo'ladi.

Shuning uchun ham inson kapitali muommosini hal etish unga nisbatan har tomonlama yondashish bugunning kunning dolzarb vazifalaridan biridir.

Inson kapitali uchun maxsus element sifatida ta'lim belgilanadi va uning asosiy qismlari to'rt komponent birlashmasidan – madaniy va etnik xususiyatlar, umumiy ta'lim, kasb-hunar ta'limi, asosiy malakadan tashkil topadi. Ta'limga yo'naltirilgan investitsiya nafaqat mamlakatni rivojlantirishning maxsus strategiyasi, balki inson kapitali va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish istiqbollari yaxshilashga qaratilgan ijtimoiy siyosatdir.

Buning natijasida maktabgacha ta'limda inson kapitali takomillashib, moddiy farovonlik va sog'lom turmush tarziga erishiladi. Inson kapitali tufayli har bir insonning individual kapitali shaklidir. Bola rivojlanishida qobiliyat, bilim, ko'nikma va tajriba har bir yoshning shaxsiy mulkidir.

Har qanday inson kapitalining mukammalligi uning eng muhim tarkibiy qismi bo'lgan ta'lim sifatiga bevosita bog'liq.

Adabiyotlar:

1. Shavkat Mirziyoyev "Yangi O'zbekiston Taraqqiyot Strategiyasi". To'ldirilgan ikkinchi nashri.-Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022-yil.10-222-235 betlar
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 19-maydagi PQ-5117-son qarori.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi PF-4947-sonli farmoni
4. 2019-yil 8-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PQ-5847-sonli Farmonlari
5. 2020-yil 27-fevraldagi "Pedagogik ta'lim sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4623-sonli qarori
6. 2018-yil 5-iyundagi "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3775-sonli Qarorlari
7. O.U. Hasanboyeva, M.X. Tojiyeva, Sh.K. Toshpo'latova va boshq. Maktabgacha ta'lim pedagogikasi. Pedagogika kollejlari uchun o'quv qo'llanma. (To'ldirilgan va qayta ishlangan 2-nashri) . T.: «ILM ZIYO», 2011. — 184 b
8. Usarova J. E., L.G. Boboxodjayeva va N. Yusupova. "Aralash ta'lim pedagogik ta'lim klasterining zamonaviy yondashuvi sifatida". Science and Education 2.Special Issue 1 (2021): 286-295.
9. Raximova A.J. Bola tarbiyasida maktabgacha ta'lim, oila va jamiyatning o'rnini. "Science and Education" Scientific Journal May 2021 / Volume 2 Issue 5. 562-566

GOOGLE CLASSROOM ONLAYN ELEKTRON TIZIMIDA MUSTAQIL TA'LIM FAOLIYATI IMKONIYATLARI ASOSIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI HUQUQIY IJTIMOILASHTIRISH

Raupova Munira Murodovna
O'zbekiston Navoiy davlat pedagogika instituti
Pedagogika va psixologiya kafedrasi dotsenti

Annotatsiya. Maqola oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida belgilab berilgan ustivor vazifalar dolzarbligi asosida, ta'lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar asosida individuallashtirish, masofaviy ta'lim xizmatlarini rivojlantirish maqsadida bo'lajak o'qituvchilarni huquqiy ijtimoiylashtirishda Google Classroom onlayn elektron tizimi imkoniyatlari asosida mustaqil ta'lim olish faoliyatini tashkil etish va rivojlantirishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: Google Classroom, mustaqil ta'lim, huquqiy ijtimoiylashtirish, o'quv

jarayoni.

Аннотация. В основу статьи положены приоритетные задачи, определенные в концепции развития системы высшего образования до 2030 года, индивидуализация образовательных процессов на основе цифровых технологий, правовая социализация будущих педагогов на основе возможностей электронной онлайн-системы Google Classroom. в целях развития дистанционных образовательных услуг, направленных на организацию и развитие образовательной деятельности

Ключевые слова: Google Classroom, самостоятельное обучение, правовая социализация, образовательный процесс

Annotation. The article is based on the priority tasks defined in the concept of the development of the higher education system until 2030, individualization of educational processes based on digital technologies, legal socialization of future teachers in order to develop distance education services, based on the capabilities of the Google Classroom online electronic system. aimed at organizing and developing educational activities.

Keys words: Google Classroom, independent education, legal socialization, educational process.

Axborot jamiyatida insonning muvaffaqiyati, eng avvalo, yangi bilimlarni ishlab chiqarish qobiliyatiga, innovatsiyalarga, yangi bilimlarni tezda o'zlashtirish, tanlov qilish, hayot davomida o'rganish va o'z-o'zini tarbiyalash qobiliyatiga bog'liq. Mashhur amerikalik olim YE.Toffler ta'kidlaganidek, superindustrial jamiyatda yashashga majbur bo'lgan odamlarga uchta asosiy yo'nalishda yangi ko'nikmalar kerak bo'ladi: o'rganish qobiliyati, muloqot qilish qobiliyati va tanlash qobiliyati.... Shuning uchun, kelajak ta'limida nafaqat bilim miqdori, balki uni ishlatish qobiliyatini ham o'rgatish kerak. Talabalar eskirgan g'oyalardan qanday voz kechishini va ularni qanday va qachon alamshtirishni o'rganishlari kerak, muxtasar qilib aytganda, ular o'rganishni o'rganishlari kerak"[1].

Mamlakatimizda ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy tub o'zgarishlar, ayniqsa oliy ta'lim sohasidagi islohotlar "Ta'lim to'g'risida" gi qonunning yangi tahrirda qabul qilinishi va mazkur sohaga tegishli ko'pgina me'yoriy-huquqiy hujjatlarning rasmiylashtirilishi, shuningdek, Vazirlar Mahkamasining "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonini tashkil etish bilan bog'liq tizimni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 824-son qarorida oliy ta'lim muassasalarining o'quv rejalarini kredit-modul ECTS (European Credit Transfer System) tizimiga o'tkazish jarayoniga kirishi mutaxassislarni tayyorlash muammosini dolzarblashtirishga olib keldi, chunki har bir davlatning shu jumladan, O'zbekistonning jahon iqtisodiyotidagi o'rni va ahamiyati mutaxassislarni huquqiy ijtimoiylashuv darajasiga bog'liq. Ijtimoiylashuv kontseptsiya doirasida M.Veber ijtimoiy rag'batlantirish va majburlash yordamida jamiyat tomonidan qabul qilingan me'yorlarni shaxsga singdirish orqali asosan, ixtiyoriy va institutsional sotsializatsiyani amalga oshirilishini ajratib ko'rsatadi. T.Parsons esa ijtimoiylashuv tushunchasini individning funksional moslashuv jarayoni deb tushunadi.

Aksariyat zamonaviy sotsiologlar tomonidan ijtimoiylashtirishni jamiyatda o'z strategiyalarini ishlab chiqadigan shaxslar va jamiyat tomonidan qabul qilingan me'yorlar va qadriyatlar tizimlari o'rtasidagi o'zaro ta'sir jarayoni deb bilishadi. Masalan, G.Rosh ijtimoiylashuv deganda "shaxs o'z muhitining ijtimoiy-madaniy unsurlarini idrok etishi va o'zlashtirishi, ularni muhim ijtimoiy omillar ta'sirida o'z shaxsiyati tarkibiga qo'shishi va shu orqali ijtimoiy muhitga moslashishi jarayoni"[2] deb ta'riflaydi. Ijtimoiylashuv o'z mohiyatiga ko'ra, shaxsda me'yoriy ong va xulq-atvorga ega bo'lish, o'zboshimchalikni cheklash, o'zgalarni hurmat qilish qobiliyatini shakllantirish jarayoni, bir so'z bilan aytganda, odob-axloqni shakllantirish tizimli jarayoni hisoblanadi.

Huquqiy ijtimoiylashuv – bu shaxs tomonidan huquqiy bilimlar, qadriyatlar va normalar tizimini o'zshlashtirish jarayoni, buning natijasida shaxs ijtimoiy va huquqiy jihatdan hayotga muvaffaqiyatli moslashadi.

Bu borada, O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida "Oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustivor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy

bilim va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliy ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish"[2]kabi muhim maqsad va vazifalar belgilanishi ta'lim jarayonini sifat jihatdan takomillashtirish talabini keltirib chiqarmoqda. Jumladan, Konsepsiyada "mustaqil ta'lim soatlari ulushini oshirish, talabalarda mustaqil ta'lim olish, tanqidiy va ijodiy fikrlash, tizimli tahlil qilish, tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish, o'quv jarayonida kompetensiyalarni kuchaytirishga qaratilgan metodika va texnologiyalarni joriy etish, o'quv jarayonini amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga yo'naltirish, bu borada o'quv jarayoniga xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan ilg'or pedagogik texnologiyalar, o'quv dasturlari va o'quv-uslubiy materiallarni keng joriy etish vazifasi belgilangan. Shuningdek, unda ta'lim oluvchilarning mustaqil ta'lim olishlari, mustaqil ishlash malakalarini uzluksiz oshirish orqali bo'lajak mutaxassislarning zaruriy pedagogik kompetensiyalarga ega bo'lishi, ijodiy yaratuvchanlik, tadqiqotchilik, mantiqiy tafakkurni rivojlantirishga erishlari mumkinligi ta'kidlangan".

Zamonaviy sharoitda talabalarining mustaqil ta'lim olishlarini tashkil etishda raqamli texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Mazkur vazifalarni amalga oshirish borasida O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida belgilangan ushbu vazifa "ta'lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar asosida individuallashtirish, masofaviy ta'lim xizmatlarini rivojlantirish, vebinar, onlayn, "blended learning", "flipped classroom" texnologiyalarini amaliyotga keng joriy etish" oliy ta'limda ta'limning sifat darajasini yuksaltirishda ustivorlik kasb etmoqda.

Shunday qilib biz, mustaqil ta'lim faoliyatini rivojlantirishning texnologik tomoniga huquqiy kompetensiyani rivojlantirish nuqtai nazaridan yondashdik. Yuqorida keltirilgan ma'lumotlarning barchasidan xulosa qilish mumkinki, talabalarining mustaqil ta'lim faoliyatini tashkil etish quyidagi asosiy 1)mazmun; 2) maqsad; 3) nazorat qilish va tuzatish kabi tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi. Mustaqil ta'limni tashkil etish texnologiyasi bir nechta bosiqchlarni o'z ichiga oladi: tayyorgarlik, maqsad qo'yish bosqichi (talaba bilan hamkorlikda amalga oshiriladigan faoliyat uchun); faoliyat-talabaning mustaqil ishinig haqiqiy bosqichi (bilvosita rahbarlik bilan, pedagogik yordam va ta'lim asosida amalga oshiriladigan maslahat); nazorat-baholash va refleksiya (talaba bilan hamkorlikda amalga oshiriladi); analitik.

Tadqiqotimiz jarayonida nazariy va ilmiy adabiyotlar tahlili asosida, "Bo'lajak o'qituvchilarni huquqiy ijtimoiylashtirishda Google Classroom onlayn elektron tizimi asosida mustaqil ta'lim olish faoliyatini rivojlantirishning vazifalari belgilandi.

Google Classroom - bu o'qituvchilar va talabalar o'rtasida samarali muloqot va hamkorlikni rivojlantirish uchun Google tomonidan ishlab chiqilgan zamonaviy onlayn ta'limni boshqarish tizimi. Uning asosiy maqsadi o'quv resurslari, jumladan, kurs materiallari, topshiriqlar, so'rovlar va hujjatlarni almashish va yetkazib berishni soddalashtirishdir. Uzluksiz integratsiya va foydalanish imkoniyatini kafolatlash uchun Google Drive Gmail va Taqvim kabi boshqa Google ilovalari bilan to'liq integratsiyalangan bo'lib, uni bitta yoki bir nechta guruhlar uchun foydalanish imkoniyatlarining mavjudligi afzaldir. Google Classroom - bu Google tomonidan ta'lim muassasalari uchun ishlab chiqilgan bepul veb-xizmat bo'lib, topshiriqlarni qog'ozsiz yaratish, soddalashtirish, tarqatish va baholashga qaratilgan.

O'quv faoliyatida mustaqil ta'limni shakllantirish nafaqat ta'lim oluvchining hozir shug'ullanayotgan, balki kelajakda unga keladigan faoliyatning boshqa turlarida ham ushbu sifatning namoyon bo'lishining zaruriy sharti sifatida, ta'lim oluvchilarning bilim, ko'nikma va malakalar tizimini o'zlashtirishdagi o'quv faoliyatining reproduktiv va ijodiy salohiyatini shakllantirish vazifasi alohida ahamiyat kasb etadi. Boshqacha qilib aytganda, mustaqil faoliyat bir qancha o'ziga xos xususiyatga ega bo'lgan tarkibiy qismlarni ajratib ko'rsatish mumkin: motivatsion aloqalar, muayyan vazifani belgilash, bajarish usullarini tanlash, bog'lanishni bajarish, nazorat qilish.

Mustaqil faoliyatning reproduktiv va ijodiy jarayonlarga qarab mustaqil ishning uch darajasi ajratiladi:

-reproduktiv daraja o'quv adabiyotlarini o'qish, qayd etish, ma'ruza tinglash, audio va vidiyeo yozuvlar, yodlash, qayta aytib berish, internet resurslari, o'quv materialini takrorlash;

-kognitiv-qidiruv seminar va amaliy mashg'ulotlarda xabaralar, ma'ruzalar, nutqlar tayyorlash, intizomiy muammolar bo'yicha adabiyotlarni tanlash, referatlar, insholar, testlar yozish, ishbilarmon o'yinlarga tayyorgarlik ko'rish va boshq;

-ijodiy daraja-ilmiy maqolalar, tezislari yozish, tadqiqot ishlarida qatnashish, talabalarining ilmiy konferensiyasi, fan olimpiadasida qatnashish va boshq. o'z ichiga oladi. Talabalarining mustaqil faoliyatini tashkil etish va muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun barcha darajadagi mustaqil faoliyatning kombinatsiyasi ahamiyatli hisoblanadi.

Shunday qilib, Google Classroom xizmati umuman o'qituvchi uchun yaxshi yordamdir. Ushbu xizmatdan foydalangan holda o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar jarayoni ancha tez, oson va samaraliroq bo'lib, o'quv jarayoni talabalar uchun yanada qiziqarli, dinamik va samarali bo'ladi, ayniqsa o'qituvchi turli xil veb-saytlar uchun imkon qadar ko'proq imkoniyatlardan foydalanishga harakat qilsa, Google Classroom bilan integratsiyalashgan dasturlarni taqdim etish imkoniyati samarali bo'ladi.

Google Forms xizmatining imkoniyatlarini bizga interaktiv tarzda har xil turdagi savollarni tanlash, ularning ketma-ketligi va javob variantlarini o'zgartirish, real vaqtda javoblarni kuzatish, ma'lumotlar va natijalarni tahlil qilish imkonini beradi. Ya'ni, o'quv natijalarini o'qituvchi uchun qulay va o'quvchilarga tushunarli yangi shaklda kuzatish. Boshqacha qilib aytganda, onlayn topshiriqlar asosida o'qituvchi va talaba o'rtasida doimiy muloqotni tashkil etish imkoniyatini yartatib, fanlarni o'zlashtirishda talabalar orasida sog'lom raqobatni rivojlantirish xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847- son bilan tasdiklangan «O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi», 1- ilovasi, 9-bandi

2. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. –T.: O'zbekiston, 2021.

3.Individu et societe. Introduction a la sociologie / R. Campeau, M. Sirois,E. Rheault, N. Dufort. 2 ed. Montreal; Paris; Casablanca, 2008. P. 149

4. Тоффлер Э.; Шок будущего пер. с англ. – М. : ООО «Издательство АСТ», 2002 – 557 [3] с. (Philosophy). С. 449

Elektron resurslar:

5.<https://bokshic.slutsk-vedy.gov.by/>

6.Pedagogicheskie tekhnologii//tekhnologijaindividualizacii_obuchenija_inge_unt_a_s_granickaja_v_d_shadrikov/12-1-0-58#.

7.<https://www.sovremennye-obrazovatelnye-tehnologi.http://moi-rang.ru/publ/metodicheskie-materialy/>.

9.<https://textarchive.ru/c-2720412-p24.html>

YANGI O'ZBEKISTONDA-YANGI AVLOD MASKANI

Ermatova Gulnoz Pirimovna

O'zbekiston, Navoiy davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tizimini modernizatsiya qilish jarayonida yangi maktabgacha ta'lim tashkilotlarini joriy qilish haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: modernizatsiya, maktabgacha ta'lim tashkiloti turlari, ilg'or ilmiy ishlanmalar va texnologiyalar, integratsiya, iqtidorli, intellektual, iqtidorli bolalarni erta aniqlash, iste'dodli bolalarni qo'llab-quvvatlash.

Аннотация: В данной статье говорится о внедрении новых организаций дошкольного образования в процессе модернизации системы дошкольного образования.

Ключевые слова: модернизация, типы организации дошкольного образования, передовые научные разработки и технологии, интеграция, раннее выявление одарённых,

интеллектуальных, одарённых детей, поддержка одарённых детей.

Abstract: This article talks about the introduction of new preschool education organizations in the process of modernizing the preschool education system.

Key words: modernization, types of organization of preschool education, advanced scientific developments and technologies, integration, early identification of gifted, intellectual, gifted children, support for gifted children.

Jahon miqyosida barcha jabhalarda islohotlar, yangilanishlar amalga oshirilmoqda. Aynan ishlab chiqarish va hayotimizning boshqa jabhalarida modernizatsiya ishlari amalga oshirilmoqda.

Modernizatsiya - bu umumiy tushuncha hisoblanib, umumiy ma'noda modernizatsiya - bu yanada mukammal va takomillashtirilgan ob'ekt uchun turli xil yangilanishlar. U yangi talablar, sifat standartlari, me'yorlar, texnik shartlar va turli talablarga muvofiqlashtirilishi kerak. Modernizatsiyaga asosan quyidagilar kiradi: mashinalar, turli xil uskunalar va texnologik jarayonlar. Modernlashtirishning tarixiy ahamiyati tarixiy jarayonga kelsak, modernizatsiya global ahamiyatga ega bo'lgan jarayon bo'lib, an'anaviy jamiyatdan zamonaviyiga, agrar jamiyatdan zamonaviyga o'tish jarayoni hisoblanadi. Biz aynan texnika, texnologiyalarni, uskunalarni emas balki maktabgacha ta'lim tizimiga biroz yangilanish, burilish xususida so'z yuritmoqchimiz,

Mamlakatimizda so'nggi yillarda maktabgacha ta'lim tashkilotlarining turli shakllari faoliyat yuritmoqda. O'zbekiston Respublikasining "Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida"gi Qonuning 17- moddasida ham maktabgacha ta'lim tashkilotlarining quyidagi turlari ko'rsatib berilgan:

umumiy turdagi maktabgacha ta'lim tashkiloti;

ko'p tarmoqli ixtisoslashtirilgan maktabgacha ta'lim tashkiloti;

inklyuziv guruhlariga ega maktabgacha ta'lim tashkiloti;

qo'shma turdagi maktabgacha ta'lim tashkiloti va shu bilan birga maktabgacha ta'lim tashkilotlari qonun hujjatlariga muvofiq boshqa turlarda ham tashkil etilishi mumkinligi bayon etilgan[1].

Yana bir me'yoriy hujjatimizda maktabgacha yoshdagi bolalarni erta rivojlantirish sohasida ilmiy tadqiqotlar olib borish, ilg'or ilmiy ishlanmalar va texnologiyalarni maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatiga integratsiya qilish haqida ma'lumotlar berilgan.

Darhaqiqat, rivojlanayotgan Yangi O'zbekistonimizning kelajagi bo'lgan barkamol avlodni har tomonlama qulayliklarga ega bo'lgan ta'lim maskanlarida tarbiyalab voyaga yetkazish bugungi kunda har doimgidan ham dolzarbdir.

Bizga ma'lumki, respublikamizda Prezident maktablari tashkil etilib, bunda iqtidorli, intellektual jihatdan yuksak darajadagi bolalarimiz ta'lim-tarbiya olishmoqda.

Bizning fikrimizcha bugungi kunda maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ham "Prezident bog'chalari" turini tashkil etish lozim. Chunki Prezident maktablariga bolalarni berish uchun otalar bolalarini turli qo'shimcha ta'lim shakllariga jalb etishmoqdava bu jarayon biz xoxlaymizmi yoqmi hamma o'z bilganicha ta'limni tashkil etadi. Bu ta'lim turlari uchun yagona ta'lim dasturi yo'q. Ular o'z tajribalari va bilimlariga tayanib farzandlarimizda ta'lim berishadi. Bu ta'limni egallash jarayonida ular turli qiyinchiliklarga duch kelishadi va bu ularning ruhiyatiga ta'sir ko'rsatmay qolmaydi.

Bundan tashqari bu tayyorgarlik natijasida hamma tayyorlangan bolalar ham bu maktab o'quvchisi bo'la olmaydi. Budan keying ruhiy inqirozlar ham oson kechmaydi. Yana o'zini maktabiga borib o'qish, sinfdoshlari o'rtasidagi o'zini avvalgidek tutishva boshqa jarayonlar biroz qiyin kechadi. Ana shu muammolarni oldini olish va Vatanimiz kelajagi uchun iqtidorli bolalarni erta aniqlash, iste'dodli bolalarni qo'llab-quvvatlash va ularning qiziqishlari asosida ta'lim tizimini ilg'or texnologiyalarni qo'llagan holda yaxlit holda tashkil etish va ularni rag'batlantirish, ma'naviy jihatdan yetuk va intellektual jihatdan barkamol avlodni shakllantirib, ularni keying "Prezident maktablari"ga tayyorlashdan iboratdir.

Bu ang avlod maksanlarinig asosiy maqsadi:

iqtidorli bolalarni erta aniqlash, tanlash va ularga kompleks ta'lim-tarbiya berish;

- geokvantum va folklorterapiya asosida ta'lim-tarbiya berish;

- xorijiy tillar (rus va ingliz) tillarini boshlang'ich ma'lumotlarini o'rgatish;
- STEM+ART=STEAM asoslarini o'zlashtirishlarini uchun zarur shart-sharoitlar yaratish;
- kasb-hunarga yo'naltirish, ularda liderlik ko'nikmalari va notiqlik san'atini rivojlantirish, tanqidiy fikrlash malakasini shakllantirish;

- vatanparvarlik va Vatanga muhabbat tuyg'usini, bag'rikenglik, qonunlar, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni hurmat qilish munosabatini, hayotga qat'iy ishonch va qarashlarni shakllantirish;

o'quv dasturlarining uzluksizligini ta'minlash "Prezident maktablari" bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish va ta'limni keying bosqichini shu maktablarda davom ettirish.

Bu ta'lim muassasalarida bolalar soni cheklangan hisoblanib, 12-15 nafargacha bo'lishi ko'zda tutiladi. Oquv jarayoni tasdiqlangan dastur asosida o'quv mashg'ulotlari jadvalini ishlab chiqiladi. Muassasaning ustavida belgilangan tartibda faoliyat olib boriladi. Yuqori malakali mahalliy va xorijiy mutaxassislar o'quv tarbiya jarayoniga jalb qilinadi. Oqil, vitaminlarga va yodga boy mahsulotlar bilan sog'lom ovqatlantirish tashkil etiladi va bu jarayonga tadbirkorlik subyektlari bilan shartnoma tuziladi. O'zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlariga buysunadi.

Ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish shakllari, usullari va vositalarining maktabgacha ta'limning davlat ta'lim standartlariga muvofiqligini ta'minlanadi va ta'lim jarayonini sifatli va samarali tashkil etiladi.

Prezident bog'chlarida ta'lim jarayoni davlat ta'lim standartlari hisobga olingan holda, ixtisoslashtirilgan xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlikda ishlab chiqiladigan hamda vazirlik tomonidan tasdiqlanadigan o'quv dasturlariga muvofiq amalga oshiriladi.

O'quv jarayonining jadvali, o'quv mashg'ulotlarining turlari va davomiyligi, tashkil etish shakllari va o'quv-tarbiya jarayonining boshqa masalalari ta'lim sohasida xizmat ko'rsatuvchi ixtisoslashtirilgan xorijiy tashkilotlar bilan birgalikda ishlab chiqiladigan hamda vazirlik tomonidan tasdiqlanadigan ta'lim dasturlari va vazirlikning boshqa normativ-huquqiy hujjatlariga muvofiq belgilanadi. Ta'lim-tarbiya nazorati esa Davlat talablari, Davlat standarti asosida amalga oshiriladi va maxsus xorijiy tashkilotlar ham jalb qilinishi mumkin.

Bu yerda faoliyat yuritayotgan pedagoglar tanlov asosida ishga qaul qilinadi va ularining shaxsiy va ishbilarmonlik fazilatlarini, ularning qonunchilik hujjatlarida belgilangan pedagoglik kompetensiyalari vakolati doirasida pedagogik faoliyatni amalga oshirish qobiliyati tanlov komissiyasi tomonidan ballar tizimi bo'yicha o'tkazilgan suhbat davomida baholanadi va natijalari baholash varag'iga kiritiladi hamda eng ko'p ball to'plagan ishtirokchi bilan shartnoma tuziladi.

Prezident bog'chalarini moliyalashtirish manbalari davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlaridagi kabi amalga oshiriladi. Prezident bog'chalarining budjetdan tashqari mablag'lari, shuningdek, qonunchilik hujjatlari bilan ruxsat etilgan pullik ta'lim xizmatlari ko'rsatishdan va boshqa faoliyat turlaridan tushgan mablag'lar belgilangan tartibda tasdiqlangan va vazirlikda ro'yxatdan o'tgan xarajatlar smetasi asosida moliyalashtiriladi.

Xulosa o'rinda shuni aytish mumkinki, biz taklif etayotgan yangi turdagi maktabgacha ta'lim tashkilotlari asosan pedagogika oliygohlari huzurida tashkil etilishi maqsadga muvofiqdir. Chunki bizga ma'lumki respublikamizning har bir viloyatida bu oliygohlar mavjud bo'lib bu maskanda maktabgacha ta'lim yo'nalishlari ham faoliyat yuritadi. Aynan shu oliy ta'lim muassasalarida tashkil etilishi bu maskandagi professor-o'qituvchilar rahbarligida tashkil etilsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni T.: 2020 yil, 23-sentabr.
2. O'zbekiston Respublikasining «Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida»gi Qonuni T.: 2019 yil, 16-dekabr.
3. O'zbekiston Respublikasi "Maktabgacha ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Qaror 2019-yil 8-may, PQ-4312-son.
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Prezident maktablari to'g'risida"gi Nizomi, 2019 yil, 25-iyun.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA IQTISODIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISH METODLARI

Azimova M.U. (O'zbekiston)
Navoiy davlat pedagogika instituti
Maktabgacha ta'lim kafedrası o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda integrativ yondashuv asosida iqtisodiy tarbiyani shakllantirish texnologiyalari haqida fikr yuritilgan. Unga ko'ra maktabgacha yoshdagi bolalarda iqtisodiy tarbiyani shakllantirishga oid metodlar va tavsiyalar berib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Texnologiya, integratsiya, iqtisodiy tarbiya, pedagogik texnologiya, so'm, pul birligi, bozorlik.

Аннотация. В данной статье рассмотрены технологии формирования экономического воспитания у детей дошкольного возраста на основе интегративного подхода. В соответствии с ним даны методики и рекомендации по формированию экономического воспитания у детей дошкольного возраста.

Ключевые слова: технология, интеграция, экономическое воспитание, педагогическая технология, сум, денежная единица, рыночность.

Annotation. This article discusses the technologies of formation of economic education in preschool children based on an integrative approach. In accordance with it, methods and recommendations for the formation of economic education in preschool children are given.

Keywords: technology, integration, economic education, pedagogical technology, Sum, monetary unit, marketability.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi [2] Farmonining 38-39 bandida belgilangan maqsadlar maktabgacha ta'lim tizimida integrativ yondashuv asosida bolalarga iqtisodiy ta'lim berish imkoniyatini kengaytiradi. Xususan farmonning 38-maqsadida 2022/2023 yillarda 6 yoshli bolalarni maktabgacha tayyorlov tizimi bilan qamrab olish darajasini 90 foizga yetkazish, 2024/2025-o'quv yili yakuniga ko'ra bu ko'rsatkichni 100 foizga yetkazish belgilab berilgan. Bundan kelib chiqadiki, 2025-yilga kelib maktabgacha ta'limning tayyorlov bosqichida maxsus integrativ yondashuvlar asosida iqtisodiy tarbiya darajasini turli yosh kesimida 100 foiz miqdorda qamrab olish imkoniyati yaratiladi.

Integrativ yondashuv asosida bolalarga iqtisodiy tarbiya berish o'ziga xos metodologik-pedagogik yondashuvni talab etadigan jarayon hisoblanadi.

Ma'lumki texnologiya – bu belgilangan maqsad va kafolatlangan natijaga erishishning iqtisodiy samarali loyihalangan jarayonlar ketma-ketligi majmuidir. "Texnologiya" so'zi lotincha "texnos" – san'at, hunar, soha va "logos" – fan degan ma'nonlarini anglatadi. Pedagogik texnologiya esa insonga ta'lim va tarbiya berishning ilmiy asoslangan, inson tafakkuriga, ya'ni ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining intellektual salohiyatiga bog'liq holda amalga oshiriladigan jarayonlar majmuidir. Pedagogik texnologiyani doimiy bir xil holatda, ya'ni oldindan loyihalashtirilgan jarayon deb bo'lmaydi. Bir so'z bilan aytganda, tarbiya texnologiyasini bir qolipga sig'adigan, aniq bir o'zgarmas loyiha deb bo'lmaydi. Chunki har bir guruh uchun tarbiyachilarning ma'lumoti, ilmiy salohiyati, yoshi, jinsi va boshqa ko'rsatkichlarga bog'liq holda guruhdagi har bir bola uchun tarbiyachining alohida yondashuvi va uning texnologiyasi talab etiladi.

"Pedagogik texnologiya - bu tarbiyachi mahoratiga bog'liq bo'lmagan holda tarbiyachilik muvaffaqiyatini kafolatlay oladigan tarbiyalanuvchi shaxsini shakllantirish jarayoni loyihasidir" [3], "Pedagogik texnologiya - avvaldan rejalashtirilgan natijalarga olib boruvchi va bajarilishi shart bo'lgan tartibli amallar tizimidir" [4], "Pedagogik texnologiya – o'quv jarayoniga texnologik yondashgan holda, oldindan belgilanib olingan maqsad ko'rsatkichlaridan kelib chiqib, o'quv

jarayonini loyihalashdir” [5]. Shuningdek, I.Y.Larner fikricha “Pedagogik texnologiya – tarbiyalanuvchilar harakatlarida aks etgan o‘qitish natijalari orqali ishonchli anglab olinadigan aniqlangan maqsadni ifodalaydi”. Yurtimiz professorlari N.Saydahmedov, A.Ochilovlarning ta’kidlashicha: “Pedagogik texnologiya – bu tarbiyachi (tarbiyachi)ning o‘qitish (tarbiya) vositalari yordamida tarbiyalanuvchilarga muayyan sharoitda ta’sir ko‘rsatishi va bu faoliyat mahsuli sifatida ulardan oldindan belgilangan shaxs sifatlarining intensiv shakllantirish jarayonidir”.

Umuman olganda, ta’lim va tarbiya jarayonida zamonaviy, interfaol, kreativ texnologiyalarni qo‘llash bugungi kun maktabgacha ta’lim tizimining ajralmas qismiga aylangani shubhasiz.

Interfaol ta’lim maktabgacha yoshidagi bolalarni iqtisodiy tarbiyalash samaradorligini oshirishning bugungi kundagi eng maqbul yo‘li sifatida e’tirof etilayotgan ta’lim turi va o‘qitish shakli sanaladi. Muammoli ta’lim ko‘proq bolada fikrlash qobiliyatining rivojlanishini, uning umumiy rivojlanish va e’tiqodining shakllanishini ta’minlaydi **(1-rasm)**.




1-rasm. 5000 so‘m pulni qanday ishlatgan ma’qul. Surat asosida fikr bildirish

“Nima uchun” – sxemasi.

Metodni amalga oshirish tartibi:

Nima uchun sxemasi mavjud muammoni keltirib chiqargan sabablarini aniqlashga yordam beruvchi sxemadir. Sabab-oqibat qonuniga asosan muammoni keltirib chiqaruvchi sabablarni aniqlamay turib muammoni hal etish qiyin. Bolalar ushbu rasimga ko‘ra amalga oshirgan tanlovlarining tub sababiga yetib borgunga qadar “nima uchun” savoliga javob berib, tafakkur etishga safarbar etiladi


(2-rasm).



2-rasm. “Nima uchun?” sxemasi

Mavzu yuzasidan xulosa va g‘oya: kishida pul bo‘lsa u biror narsa sotib olishi mumkin, agar u yig‘ib borilsa, kattaroq narsa sotib olish mumkin bo‘ladi.

“Uy uchun bozorlik” o‘yini (3-rasm).



3-rasm. Uy uchun bozorlik qilishning optimal variantini topish o‘yini

Maqsad: bolalarga uy uchun bozorlik qilishning dastlabki ko‘nikmalari o‘rgatiladi, pulni sarflash, tejash tushunchalari uqtiriladi.

Muammo: “Mavjud puldan qanday qilib samarali foydalanish mumkin?”

Topshiriqni bajarish tartibi: bolalarga pul birliklari chizilgan rasmlar beriladi, tarbiyachida ro‘zg‘or uchun zarur bo‘lgan meva-sabzavot va shu kabilarning rasmi va narxi yozilgan rasmlar bo‘ladi. Bola o‘zida mavjud pul birliklari bilan bozorlik qilishi lozim bo‘ladi. Bunda bolaning puldan samarali foydalanish, teng taqsimlash ko‘nikmalari shakllantiriladi.

“Blits-so‘rov” texnologiyasi.

Maqsad: Bolalarning ostki ong faoliyatini tezkor savollar orqali tezlatish, shakllantirish, shuningdek iqtisodiy bilimlarni oshirib borish.

Topshiriqni bajarish tartibi: Tarbiyalanuvchilarga ular uchun notanish bo‘lgan bir nechta iqtisodiy yo‘nalishga oid, bolalarning yoshi va dunyoqarashiga moslashtirilgan rasmlar tayyorlanadi hamda individual tarzda birma-bir beriladi. Rasmda ifodalangan predmetni bola o‘z dunyoqarashi darajasida tavsiflab beradi, so‘ngra boshqa bolalarning ushbu rasm borasidagi fikri tinglanadi. Yakunda tarbiyachi rasmning to‘liq bayonini keltiradi va shu bilan barcha bolalar yangi bilimga ega bo‘lishadi (4-rasm).



4-rasm. “Blits-so‘rov” - rasmlil savollari

“Pazl” (inglizcha “puzzle” - boshqotirma) jadvali.

Maqsad: Boshqotirma orqali bolalarni chuqur fikrlashga, iqtisodiy tomonlama tahlil olib borishga chorlash.

Topshiriqni bajarish tartibi: Tarbiyachi tomonidan bolalarga bir katagi bo'sh qoldirilgan jadvallar taqdim etiladi. Bo'sh katak muammoning yechimi bo'lishi talab etiladi. Bolalar uchun qiziqarli bo'lishi maqsadida jadval rasmlar vositasida taqdim etilishi tavsiya etiladi (**5-rasm**).

1. Avtobusda uyga yetib olish uchun bizda nima bo'lishi zarur? (pul birligi)		
	?	
2. Uyda chiroq o'chganda, u yonishi uchun nima qilish lozim? (chiroq yonishi uchun to'lov qilish lozim)		
 Chiroq o'chdi	?	 Chiroq yondi
3. Ota o'g'li uchun sovg'a xarid qildi. Sovg'a esa pulga sotib olindi. Pul topish uchun nima qilish lozim? (mehnat qilish lozim, mehnat orqali pul topiladi)		
?		

5-rasm. "Pazl" jadvali

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, o'yinlar davomida bolaning tafakkur doirasi, tasavvur qilish, kattalarga taqlid qilish, empatiya kabi qobiliyatlari shakllanib boradi. Rolli va didaktik o'yinlar iqtisodiyotni teran anglashga yordam beradi. O'yinlarning o'quv, kognitiv imkoniyatlari keng: bolalar iqtisodiyot sohasidagi odamlarning kasblari bilan tanishadilar, ularning ehtiyojlarini yo'naltiradilar, harakatlarni mohirona tanlaydilar, yangi iqtisodiy bilimlarni o'zlashtiradilar, o'ylaydilar, tahlil qiladilar va muammoli vaziyatlarni hal qiladilar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Maktabgaa ta'lim va tarbiyaning Davlat standarti. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 2020 yil 22-dekabrdagi "Maktabgaa ta'lim va tarbiyaning Davlat standartini tasdiqlash to'g'risida"gi 802-son qarori.

2. <https://lex.uz/docs/5841063> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son

3. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.-192 с.

4. Монахова Г.А. Образование как рабочее поле интеграции //Педагогика. -1997. - № 5. -С. 52".

5. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. -М.: Знание, 1989. - 80 с.

WINDOWS OPERATIONS TIZIMI TERMINLARINING O'ZBEK TILIDA BERILISHI

B.Maxammadov (O'zbekiston)

Navoiy davlat pedagogika instituti O'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i o'rinbosari,

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

maxammadovuz@gmail.com

Annotation: Brief analyses regarding the translation and lexicographic description of Uzbek language terminology employed within the Windows operating system are precisely outlined in this article. Furthermore, the utilization and validity of translated terms in the Windows operating system are independently examined.

Key words: windows, windows operation system, Linux operating system, CMD, MS-DOS

Аннотация: В данной статье представлен небольшой анализ перевода и лексикографической интерпретации узбекских терминов, используемых в операционной системе Windows. Кроме того, в данной статье отдельно изучается употребление и обоснованность адаптированных и переведенных терминов, встречающихся в операционной системе Windows.

Ключевые слова: windows, операционная система, Linux операционная система, CMD, MS-DOS

Annotatsiya: Windows operatsion tizimida qo'llanilgan o'zbek tilidagi terminlarining tarjimai va leksikografik talqini bo'yicha keltirilgan kichik tahlillar aynan shu maqolada keltirilgan. Bundan tashqari ushbu maqolada windows operatsion tizimida uchraydigan o'zlashgan va tarjima qilingan terminlarning qo'llanilishi hamda validligi alohida o'rganilgan.

Kalit so'zlar: windows, operatsion tizim, Linux operatsion tizimi, CMD, MS-DOS

Jahonda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida windows operatsion tizimi dasturlari yaratilishi jadal sur'atlarda kechmoqda. Mazkur jarayon windows operatsion tizimi terminologiyasiga oid yangi tushunchalarning dunyo tillariga kirib kelishiga sabab bo'lmoqda. Bu holat, o'z navbatida, tizimda ishlatilgan o'zbek, ingliz tilidagi terminlarning lingvistik xususiyatlarini o'rganish, ya'ni, semantik va strukturaviy jihatdan tahlil qilish hamda leksikografik xususiyatlarini aniqlash, tarjima uslublarini takomillashtirish, uch tilli lug'atlarni yaratish kabi muhim topshiriqlarni kun tartibiga qo'yadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining tashabbusi bilan mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab ko'plab rivojlangan davlatlar bilan teng huquqli ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy aloqalar o'rnatildi. Bugungi kunda ushbu aloqalarning rivojlanishi davom etayotgani asnosida ijtimoiy-iqtisodiy sohalardagi hamkorlik natijasida jamiyat hayotiga Windows operatsion tizimida yaratilgan dasturlar keng moslashtirib borilmoqda va shuning barobarida ayni sohaga taalluqli ko'plab yangi tushuncha hamda terminlar kirib keldi. So'nggi yillarda bunday ilovalarning ko'payib ketayotgani natijasida mazkur sohaning zamonaviy leksikasini tadqiq qilish va terminologik apparatini tartibga solishga yo'naltirilgan muayyan ilmiy izlanishlar amalga oshirilishiga, ayni soha terminlari va tushunchalarining standartlari ishlab chiqilishiga, izohli lug'atlar yaratilishiga ulgurilmay qolmoqda.

Jahon tilshunosligida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari terminlarini tartibga olish ishlari bir til terminlari doirasida ham, bir necha til terminlari doirasida ham amalga oshirilgan, shu bilan bir qatorda, ayni soha terminlari muayyan darajada tartibga solinib, ko'proq shu sohaga e'tibor qaratilgan bo'lsa-da, lekin mobil ilovalarning terminologiyasiga qiziqish bildirilmagan. Bunga esa ingliz leksik-semantikasida terminlarning faqatgina ma'nosi o'zgarishi orqali ilovalarda qo'llanilgani sabab bo'lgan.

Milliy tilshunoslikda ham windows operatsion tizimi terminlarining lingvistik xususiyatlari (leksikografik, semantik va tarjimaviy) haligacha aniqlanmagan va soha terminlarini tartibga solish mezonlari ishlab chiqilmagan. Shunga ko'ra, windows operatsion tizimi terminlarining mavzuviy guruhlarini aniqlash, leksik-semantik xususiyatlarini asoslash, terminlarning strukturaviy

modellarini yoritish, o'zlashma va baynalminal terminlarning milliy tillarda barqarorlashuv jarayonlarini tadqiq qilish, tarjima qilish uslublarini takomillashtirish, terminlardagi sinonimik, antonimik va variantlilik holatlarini tartibga solish hamda maqbullarini qo'llash yuzasidan takliflar berish, leksikografik izohlarini ko'paytirish, tarjima lug'atlarini tuzish kabi masalalarning hal etilishi sifatli mobil ilovalar yaratilishi bilan birga, foydalanuvchilarga muayyan darajada yengillik yaratilishiga olib keladi.

Mazkur maqolada o'zbek tilshunos olimlari R.Sayfullayeva, B.Mengliyev, G.Boqiyeva, M.Qurbonova, Z.Yunusova, M.Abuzalova tomonidan yozilgan "Hozirgi o'zbek adabiy tili" o'quv qo'llanmasi, B.Mengliyev tomonidan yozilgan "Hozirgi o'zbek tili" darslik va til korpuslarini yaratish bo'yicha maqolalari, M.Umarxo'jayevning "Umumiy tilshunoslik" nomli o'quv qo'llanmalari va M.Umarxo'jayev tashabbusi bilan tashkil etilgan lug'atshunoslik va tarjimashunoslik markazi (ALTAIIM) jamoasi tomonidan maktab o'quvchilari uchun turli fanlardan yaratilgan ko'p tilli dasutr lug'atida foydalanilgan terminlar yordamida tahlil qilindi.

Xususan windows operatsion tizimida berilgan terminlar haqida to'xataladigan bo'lsak,

"Google chrome" windows operatsion tizimi dasturidagi bir terminga e'tibor tortildi, "bukmarklar", ingliz tilida bu atama "bookmarks" tarzida, rus tilida esa "закладки" tarzida keltirilgan. Bundan ko'rinib turibdiki, rus tilida bu so'zning muqobili topilgan, lekin o'zbek tilida ushbu so'zning muqobili topilmaganligi sababli to'g'ridan to'g'ri "bukmarklar" atamasi qo'llanilgan. Imloda shu holatda yozilishi mumkin, lekin "bookmarks" ingliz tilidagi talaffuzi butunlay boshqacha holatda beriladi. Shu sababli ham ushbu atamaning bu tarzda berilishi bir qancha chalkashliklarga olib keladi, na talaffuz va na imlo qoidalariga bo'ysunadi. Xuddi terminlarning nomlariga o'xshab ushbu atamaning imlodagi yozilishi ingliz tilida qanday bo'lsa, o'zbek tilida ham shu tarzda qoldirilishi maqsadga muvofiq, faqatgina talaffuzda biroz farq qilishi lozim. Bundan tashqari ushbu atama bo'yicha qidiruv berilganda "Google translate" tizimda "bookmark" so'zining tarjimasi "xatcho'p" tarzida qo'llanilgan. Bu esa ushbu terminning muqobili mavjudligidan dalolatdir. [1]

"Google chrome" windows operatsion tizimi dasturidagi to'g'ridan-to'g'ri o'zlashtirilgan atamalar ko'plab uchraydi. "Yangi *inkognito varag'i*" – uch komponentli birikmada etimologik jihatdan ikkita tildan kirib kelgan so'zlar mavjud, ulardan biri "*inkognito*" (ingliz tili) va "*vara*q" (arab tilidan). Ko'rinib turganidek, "*inkognito*" atamasining ham xuddi "*bukmarks*" atamasiga o'xshab muqobili berilmagan, lekin ingliz-o'zbekcha lug'atlarda ushbu atamaning tarjimasi "**yashirin**", "**boshqa nom bilan**" tarzida berilgan[2]. Demak, o'z-o'zidan bu atama aynan o'zlashgan atamalar qatoridan chiqib ketadi. "*Varaq*" xususida to'xataladigan bo'lsak, "*varag'i*" – aslida "*vara*q" ko'rinishida etimologik lug'atlarda beriladi, {i} egalik qo'shimchasi qo'shilishi natijasida {q} harfi {g'} aylanadi hamda talaffuzda tovush o'zgarishi hodisasi ro'y beradi.

Keyingi termin haqida so'z borganda, ***people nearby*** – "***yaqin-atrofdagi odamlar***" atamasi so'zma-so'z tarjima qilingan bo'lib, "***nearby***" atamasi birikmali tarzda berilgan. Qo'llanilishi jihatdan yaqin-atrof birikmasi yasama so'zli juft so'z hisoblanib, "*near-by*" so'zining lug'atlardagi berilishi "***yonma-yon***" tarzida ham uchraydi[3]. Dasturdagi foydalanilish jarayonidan kelib chiqib ushbu atama so'zma-so'z tarjima qilingan. Bundan tashqari "***atrof***" so'ziga ham mos sinonimlar mavjud bo'lsada, masalan, "***tevarak***", "***har taraf***", "***gird***", "***tegra***", lekin bu holatda ular orasidagi dominant bo'lgan "***atrof***" so'zining qo'llanilishi maqsadga muvofiq.

Windows operatsion tizimida foydalanilgan terminlar orasida to'rt komponentli atamalarni ham uchratishimiz mumkin. Masalan, "***saytni kezishda davom etish***" tarzida berilgan birikma "Google chrome" mobil ilovasida keltirilgan. Ingliz tilida berilishi esa "***continue browsing the site***" va bu holatda o'zbek tilida berilgan "kezish" so'zi mobil ilova uchun mos emas, chunki aslida "***continue browsing the site***" birikmasida berilgan barcha so'zlarning o'zbekcha muqobili va shu muqobillarning o'zbek tilida sinonimlari ham mavjud, lug'atlarda "***browse***" atamasining "***kezish***" emas, balki "***varaqlab chiqmoq***", "***ko'rib chiqmoq***" ma'nolari berilgan. Bu holatda "kezish" atamasi aslida "ko'chalarni kezish", "atrofni kezish" ma'nosida qo'llanilishi lozim. Xuddi, shu ta'rif A.Hojiyev tomonidan ham berilgan izohda "***kezmoq***" so'zi – "***tevarak-atrof***", "***yurib tomosha qilmoq***", "***aylanib ko'rmoq***", "***sayr qilmoq***" ma'nolarida qo'llanilishi ko'rsatilgan.

Windows operatsion tizimida qo'llanilgan inglizcha terminlarning o'zbek tiliga tarjimasini bo'yicha shunday xulosaga kelish mumkinki, berilgan terminlarning barchasi ham operatsion tizimda to'g'ri tarjima qilinmagan va qo'llanilishi jihatdan so'zlashuv uslubiga xos bo'lgan birikmalardan foydalanilgan. O'zbek tilining adabiy tilga xos so'zlaridan foydalanilmagan va shu sababli ham operatsion tizimda qo'llanilgan o'zbek tilidagi tushunarsiz terminlar foydalanuvchilar uchun eslab qolish qiyinligicha qolmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Butayev Sh, Irisqulov M – inglizcha-o'zbekcha, o'zbekcha-inglizcha lug'at 70000 so'z va ibora // Toshkent 2008, B.267
2. Hojiyev A, Nurmonov A., Zaynobiddinov S va boshqa - Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati - Toshkent.: «Sharq», 2001.— B.107
3. Berg T– The directionality of reduplicative plurality, 15(1), Word structure journal, Edinburgh university press PP 1-27.
4. Бурибаева М. А., Тюркизмы в русском языке: от вариантов к норме: монография - 2015.- 315, С. [3]
5. Baron, N. (2008). Always on: Language in an online and mobile world. Oxford University Press.
6. Divjak, D., & Gries, S. Th. (2012). Frequency effects in language learning and processing. Berlin: De Gruyter Mouton.
7. Ergasheva M. Olamning lisoniy manzarasi va semantik maydonlarga bo'linishi. «Молодой учёный». №3.1 (107.1) Filologiya . Fevral, 2016. – B.62.

АССОЦИАТИВ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ: СТИМУЛ СЎЗ ВА ЖАВОБ РЕАКЦИЯСИ ТЕРМИНЛАРИ МОҲИЯТИ

Д.Лутфуллаева (Навоий, Ўзбекистон)
Ўзбекистон халқаро академияси профессори

Аннотация: Жавоб реакциялари баъзан стимул сўзга нисбатан сунъий тарзда ҳосил қилинган бирликлардан ташкил топиши ҳам мумкин. Тил эгалари стимул сўз англатган маънони англай олмаса, у ҳақда тасаввурга эга бўлмаса, жавоб реакциялари аниқ бўлмаслиги, синалувчи томонидан сунъий тарзда тўқилиши ҳам мумкин. Бундай ассоциациялар тил эгалари хотирасида шаклланган ассоциатив гуруҳлар таркибидан ўрин олмайди.

Калит сўзлар: stimulus, «учли таёк», ассоциатив, жавоб реакцияси.

Annotation: response reactions can also sometimes be formed from artificially generated units with respect to the stimulus word. When language owners cannot understand the meaning that a stimulus means a word, have no idea about it, it is also possible that the response reactions will not be clear, they will be artificially woven by the tester. Such associations do not take place from the composition of the associative groups formed in the memory of language owners.

Keywords: stimulus, "triple stick", associative, response reaction.

Аннотация: ответные реакции иногда стимул также может состоять из искусственно сгенерированных единиц по отношению к слову. Когда носители языка не могут понять значение, которое представляет слово-стимул, не имеют представления о нем, реакции реакции могут быть неточными, даже искусственно сплетенными испытуемым. Такие ассоциации не входят в состав ассоциативных групп, сформировавшихся в памяти носителей языка.

Ключевые слова: стимул, «заостренная палочка», ассоциативный, ответная реакция.

Ассоциатив тилшуносликнинг фаол терминларидан бири *стимул сўз* терминидир. Ушбу термин нафақат ассоциатив тилшунослик, балки психология, психолингвистиканинг

ҳам таянч илмий термини саналади. Бу термин лотинча *stimulus* сўзидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржима қилинганда «учли таёқ» маъносини англатади. *Стимул* термини аслида психологик термин бўлиб, фанда илмий термин сифатида қўлланиши XIX аср ўрталари билан боғланади.

Ушбу термин лотин тилидан ўзлаштирилган (лотин. *stimulus* сўзи сўзма-сўз «учли таёқ») ёки поляк ва немис тиллари орқали (қиёсланг: поляк тилида *stymulować*, немис тилида *stimulieren*) кириб келган деган қарашлар мавжуд. Ҳар ҳолда ўтган асрнинг 60-йилларига келиб *стимул* сўзи рус тилининг журналистик-оммабоп фаол луғатига киритилган. Масалан, “Немисча Гейзе луғати намунаси бўйича тузилган рус тили хорижий сўзлари тўлиқ луғати” (СПб., 1861. -Б.483)да қуйидагилар баён қилинган: “Стимул (*stimulare* сўзидан – “хайдамоқ”), лот. рағбат берувчи восита; бирор нарсани амалга оширишга ундайдиган ҳар қандай нарса”.⁷ Англашиладики, *стимул* термини рус тилига лотин тилидан ўзлаштирилган. Бу термин ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган.

Ассоциатив тилшуносликда *стимул* термини эшитилиши билан тил эгалари хотирасида унга ёндош, ўхшаш бўлган бошқа тил бирликларининг тикланишига, ёдга тушишига туртки берувчи сўз, гап, матн кабиларга нисбатан ишлатилади. Манбаларда бу термин *стимул* сўз, *стимул* матн тарзида учрайди. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида стимул сўзга нисбатан *туртки* сўз терминининг қўлланилиши кузатилмоқда.⁸

Лингвистик луғатларда ушбу терминга қуйидагича изоҳлар берилади:

1. “Бирор нарсани бажаришга қизиқиш ҳосил қилувчи сабаб”.⁹

2. “1. Бирор бир нарсанинг тараққиёти учун қулай шароит яратадиган, фаолиятга туртки бера оладиган сабаб. Капиталистик мамлакатларда ишчиларда меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳеч қандай туртки беришлар мавжуд эмас. Даромадларнинг иш кунлари бўйича тақсимланиши – колхозларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши учун муҳим турткидир. 2. Қарши реакция қўзғатувчи (псих.)”.¹⁰

3. Стимул [лот. *stimulus*, сўзма-сўз – ўткир таёқ]. Бирор-бир нарсанинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб, фаолликка ундовчи сабаб.¹¹

4. Стимул [лот. *stimulus* – сўзма-сўз таёқ, ҳайвонларни ҳайдашда ишлатилган] бирор нарсани амалга оширишга қўзғатувчи сабаб; импульс.¹²

Англашиладики, лингвистик ёндашувда ҳам *стимул* сўз термини турлича талқин этилган. Бу терминга муқобил сифатида рус тилида *заинтересованность*, *импульс*, *палка*, *побуждение*, *поощрение*, *причина*, *стрекало*, *толчок* терминлари қўлланиб келинмоқда. Ўзбек тилшунослигида ҳам ушбу терминни қўллашда фарқли жиҳатлар кўзга ташланади.

Ўзбек тилшунослигида *стимул* термини илк бор И.Азимова, Д.Худойберганова, Д.Лутфуллаева, Н.Ҳошимоваларнинг тадқиқот ишларида қўлланди. Жумладан, И.Азимованинг “Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи” мавзуидаги номзодлик диссертациясида *стимул* матн термини учрайди. Тадқиқотчининг қайд этишича, тажриба учун берилган матн стимул матн ёки асл матн деб юритилади. Бунда матннинг психологик таъсир этувчи сифатини кўрсатиш учун “стимул” сўзи қўлланган.¹³

⁷Виноградов В. В. Семнадцатитомный академический словарь современного русского литературного языка и его значение для советского языкознания // Вопросы языкознания. 1966. № 6. – С. 17–18.

⁸Таджибаев Б. Ўзбек тилида миллий-маданий семали бирликлар ассоциатив тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Тошкнт, 2020. – Б. 32.

⁹Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Инс-т лингвистич. исследований (под ред. А. П. Евгеньевой). 4-е изд., стер. – М.: Рус. яз.; Полиграф ресурсы, 1999.

¹⁰Ушаков Д.Н. Толковый словарь русского языка (1935-1940). – М.: Гос. ин-т “Сов. энцикл.”; ОГИЗ, 1935. – 1562 стб.

¹¹Большой словарь иностранных слов. – М.: Издательство “ИДДК”, 2007.

¹²Комлев Н.Г. Словарь иностранных слов. – М., 2006.

¹³Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 153 б.

И.Азимова кўрсатилган тадқиқот ишида стимул матнга қуйидагича изоҳ берган: “Стимул матн реципиентлар учун ҳам шаклий, ҳам мазмуний стимул вазифасини ўтайди. Яъни матннинг мазмуни реципиентнинг шу мавзудаги билимларини фаоллаштиради, матннинг шакли (ундаги сўзлар, гап қурилиши ва матннинг мазмуний структураси) реципиентнинг лисоний билимини (кўникмасини) фаоллаштиради. Лисоний кўникманинг фаоллашиши матннинг мазмуний перцепциясини бошлаб беради. Реципиентнинг матн мавзусидан хабардорлиги унга матнни тушунишда ёрдам беради. Стимул матннинг элементлари матн проекциясида қандай сақланиши ва унга реципиентнинг информацияси қай тарзда қўшилишини таҳлил қилиш орқали матн мавзусидан хабардорликнинг матнни тушунишдаги аҳамиятини ойдинлаштириш мумкин бўлади”.¹⁴

Д.Худойберганова *стимул матн* термини ўрнида *асл матн* терминидан фойдаланган. Унинг фикрича, “Асл матн – психолингвистик тажрибаларда ўқувчи (тингловчи)ларга таъсир этиш мақсадида фойдаланиладиган матн”.¹⁵

Д.Лутфуллаеванинг “Ассоциатив тилшунослик назарияси” номли китобида *стимул сўз* термини қўлланган. Унинг қайд этишича, “Стимул сўз (эшитилиши ёки ўқилиши билан хотирада бошқа бирликларнинг ёдга тушишига туртки берувчи сўз) + жавоб реакцияси (эшитилган ёки ўқилган сўзга жавоб реакцияси сифатида инсон хотирасида гавдаланадиган бирлик, ассоциат) моделидаги ассоциатив структура муайян вазият ифодаси учун хизмат қила олади”.¹⁶

Н.Ҳошимованинг “Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар” мавзuidaги тадқиқотида *сўз-стимул* термини қўлланган.¹⁷ Б.Тожибоев эса “Ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқи” деб номланган диссертациясида *стимул сўз* термини ўрнида *туртки сўз* терминидан фойдаланган. Тадқиқотда бу термин *стимул бирикма*, *стимул гап*, *стимул матнга* нисбатан бирдай қўлланган.¹⁸ Кўринадики, ўзбек тилшунослигида ҳам *стимул сўз* термини турли вариантларда қўлланган.

Бугунги кунда ассоциатив тилшуносликнинг таянч терминларидан бирига айланган *жавоб реакцияси* термини ҳам мавду. Ушбу термин дастлаб фалсафа, психология, кейинчалик психолингвистикада фаол қўлланган. Умуман, инсон устида ўтказиладиган барча турдаги ассоциатив тажрибаларда қайси фан соҳаси ва қандай мақсад кўзда тутилмасин, *жавоб реакцияси* терминидан фойдаланилади.

Фалсафий ёндашувда инсон тафаккурида бири бошқасининг юзага келишига туртки берган ғоя, фикрга нисбатан *жавоб реакцияси* термини ишлатилади. Психологияда инсон руҳиятида юз берган маълум бир ҳиссиёт натижасида унинг турткиси орқали ҳосил бўлган бошқа ҳиссиётга нисбатан *жавоб реакцияси* (ассоциат, ассоциация) термини қўлланади.¹⁹ Психологиядан фарқли тарзда тилшуносликда эшитилган ёки ўқилган сўзга нисбатан тил эгаси хотирасида тикланган ҳар қандай тил бирлигига нисбатан *жавоб реакцияси* термини ишлатилади. Бундай тил бирлиги сўз, шунингдек, сўз бирикмаси, гап, гапдан йирик матнлар, хусусан, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, қўшиқ, топишмоқ кабилар ҳам бўлиши мумкин.

Жавоб реакцияси термини айрим манбаларда *ассоциат* ёки *ассоциация* термини

¹⁴ Азимова И. Кўрсатилган тадқиқот. – Б.107.

¹⁵ Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2015. – Б. 126.

¹⁶ Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017.

¹⁷ Хошимова Н.А. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар: Филол. фан. бўй. фалс. фан. докт. дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – Б.11.

¹⁸ Таджибоев Б. Ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқи: Филол. фан. бўй. фалс. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2020. – 134 б.

¹⁹ Қаранг: *Большая психологическая энциклопедия*: <http://psychology.academic.ru>; Понятие «ассоциация» в психологии. Вербальные ассоциации. Ассоциативный эксперимент // http://studbooks.net/1703067/psihologiya/ponyatie_assotsiatsiya_psihologii_verbalnye_assotsiatsii_assotsiativnyy_eksperiment; Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997.<http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie-associacii-v-associativnom-eksperim-page-5>

билан ҳам қайд этилади.

Жавоб реакцияларининг қандай структурадаги тил бирликларидан ташкил топиши ёки моҳиятан стимул сўз билан қай даражада боғлиқ бўлишига ассоциатив тажрибада қатнашаётган синалувчиларнинг стимул сўз англатган нарсаси, воқеа-ҳодиса, жараён, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат кабилар ҳақидаги билимлари, тасаввурлари, касб-кори, дунёқараши, маданий, диний қарашлари муҳим ўрин тутди. Шунингдек, жавоб реакцияларига синалувчиларнинг ёш хусусияти, жинси кабилар ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, болаларда ўтказилган ассоциатив тажриба асосида рус психологи, нейропсихология асосчиси А.Р.Лурия жавоб реакцияларининг қуйидаги турларини ажратган:

1) стимул сўзга мос бўлмаган жавоб реакциялари, бундай ҳолатда стимул сўз ва жавоб реакциялари ўртасида семантик алоқа кузатилмайди;

2) стимул сўзга мос жавоб реакциялари, бундай вазиятда стимул сўз ва жавоб реакциялари ўртасида семантик алоқа мавжуд бўлади;

3) асл ассоциатив реакциялар, бунда стимул сўз ва у орқали ҳосил бўлган образ ўртасида маъновий алоқа акс этади.²⁰

Англашиладики, болаларда жавоб реакциялари ҳар доим ҳам стимул сўзга мувофиқ бўлавермаслиги мумкин.

А.И.Назаров рус тили эгаларида ШАҲАР стимул сўзи бўйича ўтказилган ассоциатив тажрибалари асосида жавоб реакцияларининг қуйидаги турларини ажратган:

1. Структур таркибига кўра – бевосита мавзуга алоқадор ва шаҳарнинг моҳиятини ҳосил қилувчи ассоциатлар (*высокие дома, центральное водоснабжение, административные районы, вокзал...*)

2. Хусусиятига кўра – бевосита мавзуга алоқадор ва шаҳарнинг асл тавсифини акс эттирувчи ассоциатлар (*густонаселённый, шумный, промышленный...*).

3. Билвосита, аммо мавзуга яқин бўлган ассоциатлар, бунда мавзу ва ассоциат ўртасидаги боғлиқлик бир-икки кўшимча аъзолар ёрдамида осон белгиланади (*театр, консерватория, стадионы, квартира...*).

4. Билвосита, аммо мавзудан узоқ бўлган ассоциатлар, бунда мавзу ва ассоциат ўртасидаги боғлиқлик аниқ эмас, аммо уни қатор оралик аъзолар ёрдамида белгилаш мумкин (*мусор, криминал, реставрация*).

5. Вазифа жиҳатидан боғлиқ ассоциатлар, улар мавзунинг ўзича эмас, балки ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси натижасида эга бўлинган, мавзу мазмунида мавжуд бўлган хусусиятига кўра тавсифлайди (*столица, наукоград, город-герой, транспортный узел, культурный центр*).

6. Релевант бўлмаган (алоқаси йўқ) ассоциатлар, улар мавзу билан ё бутунлай боғланмаган ҳамда ихтиёрсиз ҳосил бўлган ёки шахсий ҳаётда юз берган воқеалар орқали боғланган ассоциатлар (*пробки, суэта, скука, друзья, свадьба...*)дир.²¹

Маълум бўладики, жавоб реакциялари моҳиятан бир-биридан фарқланади. Жавоб реакцияларининг юзага келишида инсон, унинг ташқи олам ҳақидаги билимлари, дунёқараши, руҳияти, ёши, жинси, касб-кори, машғулоти каби қатор ташқи омиллар муҳим ўрин тутди. Бу омиллар жавоб реакцияларининг семантик жиҳатдан ранг-баранг бўлишига олиб келади.

Жавоб реакцияларининг семантик, структур хусусиятлари стимул сўз билан боғлиқ ҳолда ҳам юзага чиқади. Қуйида “Ўзбек тили ассоциатив луғати”да *хонтахта* стимул сўзига берилган жавоб реакцияларини ўрганиш асосида уларнинг семантик ва структур хусусиятларини очиқ берамиз.

Луғатда *хонтахта* стимул сўзига берилган жавоб реакциялари структурасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Уларни бу белгиси асосида қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

²⁰ Лурия А.Р. Речевые реакции ребенка // Речь и интеллект в развитии ребенка. – М., 1927а.

²¹ Назаров А.И. Ассоциации без ассоцианизма // Dubna Psychological Journal. Психологический журнал Международного университета природы, общества и человека «Дубна». № 2, с. 43-77, 2013 www.psyanima.ru

1. Содда сўз шаклидаги жавоб реакциялари: *стол, оила, дастурхон, уй, таом, чой, кўрпача, кўрсатув, ёғоч, нонушта, жиҳоз, мебел, овқат, айвон, давра, ҳовли, ҳунарманд, меҳмон, нон, ош, овқатланиш, суҳбат, тахта, тушилик, анъана, арра ва бошқалар.*

2. Жуфт сўз шаклидаги жавоб реакциялари: *идиш-товоқ, катта-кичик, меҳр-оқибат, стол-стул, чол-кампир.*

3. Қўшма сўз шаклидаги жавоб реакциялари: *ошхона, тўртбурчак, нонсават, нонтахта, нонушта қилиш, тамадди қилиш, устахона.*

4. Сўз бирикмаси шаклидаги жавоб реакциялари: *овқатланадиган жой, оила аъзолари, оила давраси, уй анжомиди, ёғоч тахта, ўзбек хонадониди, аччиқ чой, атлас кўрпача, атрофига кўрпачалар тўшалган хонтахта, баландлиги ўртача 50 см бўлган тахта стол, бахтиёр оиланинг гурунглари, беқасам кўрпача, безатилган дастурхон, бизнинг хонтахта, дарс қилиш учун стол, дурадгорлар меҳнати, духоба кўрпача, эрталабги чой ва бошқалар.*

5. Гап шаклидаги жавоб реакциялари: *“Балконга чиққанимда энг аввал кўзим хонтахтаимизга тушади”, “Кўпчилик хонадон эгалари унинг атрофида ўтириб, овқатланишади”, “Кўз олдига хонтахта атрофида ўтирган оиламиз келди”, “Овқатланиш учун қулай”, “Қадимда “миз” дейишган”, “Қадимда хонтахта тагига чўғ қўйиб, оёқлар иситилган”, “Столга ўхшаб тўрт томони бўлади”, “Хонтахта атрофида ўтириб овқатланиш анча қулай”.*²²

Жавоб реакциялари турли тил эгаларида ҳар хил воқеланиши сабабли семантик жиҳатдан доимо ранг-баранг бўлади. Кўрсатилган луғатда хонтахта стимул сўзига берилган жавоб реакцияларини мавзу жиҳатдан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Хонтахтанинг қандай уй-рўзгор буюми эканлиги, нимага мўлжалланганлиги ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари: *стол, стол тури, мебел, уй анжомиди, дарс қилиш учун стол, жиҳоз, калта оёқли стол, мебел, мебел анжомиди, миллий стол, нон турадиган жой, овқатланадиган уй анжомиди, овқатланиш учун мўлжалланган катта стол, рўзгор анжомиди, уй жиҳози, хона жиҳози, ўтириб чой ичиш учун мўлжалланган стол, ўзбекча стол, ўзбекча стол-стул, ўзбеклар столи, чой ичиладиган стол, шаҳарликлар унутаётган уй жиҳози, чой ичиладиган стол, ўтириб чой ичиш учун мўлжалланган стол.*

2. Хонтахтанинг қурилиш материали ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари: *“Тахтадан ясалади”, ёғоч стол, ёғоч тахта, баландлиги ўртача 50 см бўлган тахта стол, тахта, “Ҳозир ишидан ҳам ясаляпти”.*

3. Хонтахтанинг шакли, тузилиши ва турлари ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари: *тўртбурчак, катта хонтахта, катта-кичик, думалоқ, текис, тўртбурчак стол, усти лакланган тахта, лакланган хонтахта, устига кўрпа ёпиладиган хонтахта, гулли хонтахта, сандал хонтахта, нақили, тўрт оёқли, пастак стол, устига кўрпа ёпилган хонтахта, сартахта, “Столга ўхшаб тўрт томони бўлади”.*

4. Хонтахтадан фойдаланишда зарур бўладиган предметлар ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари: *дастурхон, кўрпача, атлас кўрпача, беқасам кўрпача, духоба кўрпача, қуроқ кўрпа, идишлар, идиш-товоқ.*

5. Хонтахтадан фойдаланишда бажариладиган хатти-ҳаракатлар ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари: *нонушта қилиш, овқатланиш, дастурхон ёзиш, давра қуриш, тамадди қилиш, сандал атрофида ўтириш, чўкка тушиб ўтириш, чўккалаш, таом ейиш, хонтахта атрофида ўтириш, хонтахта атрофида отам-онам билан суҳбат қуриб ўтирганимиз, хонтахта атрофига кўрпача солиш, “Кўпчилик хонадон эгалари унинг атрофида ўтириб, овқатланишади”, кўрпачага ўтириш, чойхўрлик қилиш.*

6. Хонтахта атрофида ўтириб, овқатланишда ишлатиладиган предметлар ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари: *аччиқ чой, таом, таомлар, чой, нон, овқат, ош, иссиқ нон, хонтахтадаги ноз-неъматлар, хонтахтага қўйилган ноз-неъматлар.*

²² Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O'zbek tili assotsiativ lug'ati (milliy-madaniy birliklar). –Toshkent: «NAVOIY UNIVERSITETI» nashriyot-natbaa uyi. 2019. – B.278-280.

7. **Хонтахтадан фойдаланувчилар ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари:** *меҳмон, оила аъзолари, оила давраси, ўзбек хонадони, боболаримиз, болалар, буви, одамлар, оиламиз, қариялар, набиралар.*

8. **Хонтахтани ишлаб чиқарувчилар ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари:** *хунарманд, хунарманд уста, дурадгор, уста, хонтахта ясовчи уста.*

9. **Хонтахтанинг миллий қадрият эканлиги ҳақида маълумот берувчи жавоб реакциялари:** *миллий қадрият, миллий стол, миллий хонтахталар, миллийлик, ўзбекча стол-стул, ўзбеклар столи, ўзбекча одат, ўзбекча стол, ўзбек хонадонининг кўрки.*²³

Хонтахта стимул сўзига берилган жавоб реакцияларининг бу тарздаги мавзувий гуруҳлари нафақат хонтахтанинг қандай уй-рўзгор буюми эканлиги, ундан нима мақсадда фойдаланилиши, турлари ҳақида, шунингдек, тил эгаларининг хонтахта бўйича билимлари, уни қандай тасаввур қилишлари бўйича ҳам муайян хулосалар чиқаришга имкон беради.

Хонтахта стимул сўзига берилган жавоб реакцияларини стимул сўз билан семантик алоқаси асосида қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. **Стимул сўз билан семантик жиҳатдан зич алоқада бўлган жавоб реакциялари:** *дарс қилиш учун стол, диван, дурадгорлар меҳнати, ҳамма йиғиладиган жой, нон турадиган жой, “Ҳозир шишадан ҳам ясаляпти”, овқатланиш жойи, “Овқатланиш учун қулай”, “Қадимда “миз” дейишган”, “Қадимда хонтахта тагига чўғ қўйиб, оёқлар иситилган”, рўзгор анжومي сандал, “Столга ўхшаб тўрт томони бўлади”, стол-стул, стул, супа, сўри, танча, усти лакланган тахта, уй жиҳози, уй тўрида турган хонтахта, уйимиздаги хонтахта, “Хонтахта атрофида ўтириб овқатланиш анча қулай”, хонтахтага дастурхон ёзиш, худойи хонтахтаси, ясатилган хонтахта, ўртада турган хонтахта, шаҳарликлар унутаётган уй жиҳози, чол-кампирлар ўтирадиган жой, станок, устахона, ёғоч ўймакорлиги.*

2. **Стимул сўз билан семантик жиҳатдан зич боғланмаган, аммо мантиқан у билан алоқадор бўлган жавоб реакциялари:** *бахтиёр оиланинг гурунглари, кечки овқат, кечки тамадди, эрталабги чой, овқатланиш пайти, овқатланиш хонаси, Ўзозанинг хонтахта атрофида айланиб юришни ўргангани, “Кўз олдимга хонтахта атрофида ўтирган оиламиз келди”, “Балконга чиққанимда энг аввал кўзим хонтахтамизга тушади”, меҳмондорчилик, чойхўрлик, ёғоч ўймакорлиги, “Зўр” ТВдаги “Хонтахта” кўрсатуви, кўрсатув.*

3. **Стимул сўзга семантик жиҳатдан буткул алоқаси бўлмаган жавоб реакциялари:** *оила, айвон, давра, ҳовли, баланд-паст уйлар, эҳтиром, эскилик, ҳангома, ижара, жамулжамлик, бирлик, кайфият, меҳр-оқибат, “Келинлар кўзгалони”, кулги, орасталик, сочиқ, телевизор, теша, тўй, уйимиз, хушчақчақлик, янги келин, ёшлик, ёстиқлар, шолча, чит кўрпача, чақалоқ, чол-кампир, чордона қуриб ўтириш, чордона қуриш, чорпоячой устида суҳбат.*

Биринчи турдаги жавоб реакциялари стимул сўзнинг луғавий маъносини очишга хизмат қилади. Бу жавоб реакциялари асосида хонтахтанинг қандай уй-рўзгор буюми эканлиги, ундан нима мақсадда фойдаланилиши, турлари ҳақида маълумот берувчи матнни яратиш мумкин. Масалан, *хонтахта* стимул сўз билан семантик жиҳатдан зич боғланган юқоридаги жавоб реакциялари асосида қуйидаги матн юзага келади:

Хонтахта устахонада дурадгорлар меҳнати билан станокда ёғоч ўймакорлиги усулида ясалган рўзгор анжومي бўлиб, сандал, стол-стул, стул, супа, сўри, танча, нон турадиган жой вазифасини ўтайди. Хонтахтанинг столга ўхшаб тўрт томони бўлади, уни “усту лакланган тахта” дейиш ҳам мумкин. Хонтахта уй тўрида ёки ўртада турадиган уй жиҳозидир. Уйимиздаги ясатилган хонтахта атрофида ўтириб овқатланиш анча қулай, хонтахтага дастурхон ёзилади. Худойи хонтахтаси ҳам мавжуд.

Хонтахта дарс қилиш столи, ҳамма йиғиладиган жой, чол-кампирлар ўтирадиган ёки овқатланиш учун қулай бўлган овқатланиш жойи ҳамдир. Ҳозир шишадан ҳам ясаляпти. Қадимда “миз” дейишган”, қадимда хонтахта тагига чўғ қўйиб, оёқлар иситилган. Ҳозирги

²³ Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. Кўрсатилган луғат. –Б.278-280.

кунда хонтахта шаҳарликлар унутаетган уй жиҳозидир.

Демак, стимул сўз билан семантик жиҳатдан зич боғланувчи жавоб реакциялари матннинг таянч бирликлари, уни семантик-структур ва мантикий жиҳатдан яхлитлигини таъминлашга хизмат қилувчи бирликлар саналади.

Иккинчи турдаги жавоб реакциялари стимул сўзнинг луғавий маъносини тўлдиришга хизмат қилади. Улар стимул сўз англатган предмет билан алоқадор бўлган предметлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот беради. Масалан, *хонтахта* стимул сўзига берилган *бахтиёр оиланинг гурунглари, кечки овқат, кечки тамадди, эрталабги чой, овқатланиши пайти, овқатланиши хонаси, Ўзозанинг хонтахта атрофида айланиб юришни ўргангани, “Кўз олдимга хонтахта атрофида ўтирган оиламиз келди”, “Балконга чиққанимда энг аввал кўзим хонтахтамизга тушади”, меҳмондорчилик* кабилар стимул сўзнинг луғавий маъносига алоқадор бўлмаса-да, у англатган предмет билан боғлиқ бўлган нарсалар-предметлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот бера олади.

Учинчи турдаги жавоб реакциялари стимул сўзнинг луғавий маъноси билан боғланмайди. Бундай жавоб реакциялари тил эгаларининг стимул сўз ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган бирликлардир. Масалан, *хонтахта* сўзига берилган *ҳовли, баланд-паст уйлар, уйимиз* жавоб реакциялари ушбу уй-рўзгор буюмининг уй, ҳовлиларда бўлишидан дарак беради. *“Келинлар кўзгалони”* жавоб реакцияси тил эгаси хотирасида спектаклда оила аъзоларининг хонтахта атрофида жамулжам бўлиб ўтиришлари эпизоди тикланганидан далолат беради. *Ўстиқлар, шолча, чит кўрпача* жавоб реакциялари кишилар хонтахта атрофида ўтиришлари учун ерга шолча, кўрпача ёзилиши, суяниб ўтириш учун ўстиқ қўйилиши каби ўзбек миллий одатлари ҳақида маълумот беради ва ҳоказо. Умуман, бундай жавоб реакциялари стимул сўз англатган предмет билан боғлиқ ҳолда тил эгалари хотирасида тикланган ассоциациялардан иборат бўлади.

Жавоб реакциялари баъзан стимул сўзга нисбатан сунъий тарзда ҳосил қилинган бирликлардан ташкил топиши ҳам мумкин. Тил эгалари стимул сўз англатган маънони англай олмаса, у ҳақда тасаввурга эга бўлмаса, жавоб реакциялари аниқ бўлмаслиги, синалувчи томонидан сунъий тарзда тўқилиши ҳам мумкин. Бундай ассоциациялар тил эгалари хотирасида шаклланган ассоциатив гуруҳлар таркибидан ўрин олмайди.

Хуллас, жавоб реакциялари стимул сўз турткиси асосида тил эгалари хотирасида тикланувчи бирликлар бўлиб, инсон тасаввурлари, қарашлари, ташқи оламга бўлган муносабатини тасвирлашга хизмат қилади.

Adabiyotlar.

1. Butayev Sh, Irisqulov M – inglizcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-inglizcha lug‘at 70000 so‘z va ibora // Toshkent 2008, B.267
2. Hojiyev A, Nurmonov A., Zaynobiddinov S va boshqa - Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati - Toshkent.: «Sharq», 2001.— B.107
3. Berg T– The directionality of reduplicative pluratily, 15(1), Word structure journal, Edinburgh university press PP 1-27.

AREAL LINGVISTIKA VA AREALOGIYA

Murodova Nigora Quliyevna,
filologiya fanlari doktori, professor Navoiy davlat pedagogika instituti

murodova59@inbox.ru

Annotatsiya. Areal lingvistika muayyan hududlardagi lingvistik hodisalarning qayerda shakllanganligi, vujudga kelganligi va uning tarqalish arealini o‘rganish uning eng muhim masalalaridan biridir. Areal lingvistikaning maqsadi ham u yoki bu hodisaning tarixiy va hozirgi markazlarini aniqlash hamda tarix, etnografiya, arxeologiya va boshqa fanlarning ma’lumotlariga tayangan holda lingvistik hodisalarning areali to‘g‘risida aniq xulosalar berishdan iborat.

Kalit so‘zlar: Areal lingvistika, areal botanika, areal geologiya, lingvogeografik, lingvoareal

usul, neolingvistik ta'limot.

Dunyo tilshunosligida areal lingvistika atamasi quyidagi ta'limotlar bilan bog'lab o'rganilgan. Italian tilshunoslarining neolingvistik ta'limotlari bilan M.Bartoli, G.Bonfonte, T.Aliyeva, V.M.Jirmuniskiy, B.N.Golovin, shuningdek, lingvistik geografiya bilan Y.Koseriu, D.I.Edelman, V.A.Serebrennikov, N.Z.Gadjiyeva, M.A.Borodina, til ittifoqlari ta'limoti bilan M.Emene, Yu.S.Maslov, I.Balaj, V.Vinter kabi olimlarning ilmiy izlanishlarini alohida o'rni bor. Jahon tilshunosligidagi tadqiqot natijalariga asoslanib, ko'pgina olimlar millat tilini, dialektal materiallarini lingvogeografik va lingvoareal usulda bir butun, yaxlit holda o'rganish yaxshi samara berishini o'z tajribalari orqali isbotladilar. Areal lingvistika hozirgi til hodisalarini qadimgi tarqalish yo'nalishlari bo'yicha o'rganuvchi soha ekanligini D.I.Edelman talqin etadi. Areal lingvistika terminini qo'llashda boshqa qarashlar ham mavjud edi. B.A.Serebrennikov areal lingvistika atamasi o'rniga lingvistik geografiya atamasini qo'llash mumkinligini lozim topadi.

M.A.Borodinaning fikricha, areal lingvistika sohasi dialektologiya va lingvistik geografiyaning o'zaro munosabati, mantiqiy davomi sifatida yuzaga kelgan. Shuningdek, olim lingvistik geografiyani lingvistik atlaslar tuzish amaliyoti sifatida, areal lingvistikani areallar teoriyasi (arealogiya) sifatida qarash to'g'ri deya ta'kidlaydi. Shuni aytish joizki, arealogiya (lot. are – maydon, hudud otdan yasalgan sifatning yunoncha logikos – so'z, tushuncha, ta'lim so'zi bilan birikishidan hosil bo'lgan qo'shma so'z) keng tushunchaga ega bo'lib, ma'lum bir hududda ma'lum bir hodisalarning tarqalish xususiyatlarini o'rganishga oid fan bo'lib, bir necha fanlarda (jumladan, botanika, zoologiya, geologiya, etnografiya, filologiya va boshqalar) arealogik yo'nalish shaklida mavjuddir. Shuning uchun muayyan fanlarda bu tushuncha (areal lingvistika (tilshunoslik), areal botanika, areal geologiya va boshqalar) o'z aksini topgan.

Ma'lumki, dastlab tillar bilan bog'liq hududiy masalalarni o'rganuvchi yo'nalish areal lingvistika emas, lingvistik geografiya yo'nalishida mashhur edi.

Lingvistik geografiya ham dialektlarni hududiy tarqalishini lingvogeografik usulda o'rganadi. Uning eng asosiy xususiyatlaridan biri ma'lum til hodisalarining o'rni va tarqalish chegarasi xaritalar, atlas vositasida aniq belgilab beriladi. Lingvistik geografiya XIX asrning o'rtalarida dialektologik kuzatishlar rivojlangan hamda dialektologlar tomonidan dialektlar va ularning xususiyatlari to'g'risida yetarli faktik materiallar to'plagan joylarda paydo bo'ldi. Ayrim til hodisalarining hududiy bir-biriga mos kelmaslik holatlarining kuzatilishi lingvistik geografiyaning maydonga kelishiga asos bo'ldi. Bu bilan bog'liq dialektal chegaralarning mavjud emasligi haqidagi tasavvur vujudga keldi.

Lingvistik geografiya XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Fransiyada J.Jil'eron va Germaniyada B.Martin, V.Miskalar tomonidan lingvistik atlaslarning yaratilishi bilan rivojlangan.

Lingvistik geografiya, dialektologiya, areal lingvistika tilshunoslik fani ayni bir sohasining turlicha nomlanishi emas, balki tilning turli tomonlarini turli xil usullar bilan o'rganuvchi sohadir

Lingvistik geografiyaning shakllanishi va rivojlanishida ko'plab olimlarning jahon tilshunosligida, turkiyshunoslik va o'zbek tilshunosligida qator ilmiy tadqiqot ishlari amalga oshirildi. Jumladan, R.I.Avanesov, V.M.Jirmuniskiy, B.A.Larin, M.A.Borodina, N.Z.Gadjiyeva, M.M.Sheraliyev, N.V.Burganov, G.B.Bakirova, N.A.Baskakov, L.A.Pokrovskaya, Ye.V.Severyan, V.Reshetov, Sh.Shoabdurahmonov, A.Shermatovlarning lingvistik geografiyaga, lingvistik atlas tuzish muammolariga bag'ishlangan qator asarlari maydonga keldi.

Tilshunoslikda haqiqatan, dialektologiya va tillarning tasnifi jarayonidagi geografik tushunchalar (tillarning tarqalishi va qo'llanish hududlari) bo'yicha katta tadqiqotlar amalga oshirilgan. A.Jo'rayevning ta'kidlashicha, arealogiyaning yangi fan sifatida vujudga kelishi lingvistik makonda faoliyat yurituvchi avval noma'lum bo'lgan qoliplarning kashf etilishini bildiradi. Yangi bilimlarning o'sishi bilan birga bo'lgan hududiy fanlarning rivojlanishi umumlashtirish jarayonlari bilan bog'liq. Shu bilan birga, areal tilshunoslik nazariyasi tarkibida bo'ysunuvchi tizim (dialektologiya – lingvogeografiya-arealogiya) shaklida umumlashtirishning ma'lum bosqichlarini ajratib ko'rsatish tobora kuchayib bormoqda, bunda har bir bosqich (an'anaviy paradigmadan yangi lingvoareal paradigmaga o'tishda) oldingi bosqichning amalga

oshirilgan, to'plangan ilmiy manbalarni o'z ichiga oladi. Yangi bosqichga o'tish esa, umumlashtirishning yangi bosqichiga tilshunoslikning nazariy konsepsiyasiga kiritilgan mavjud tushunchalarni aniqlashtirish va yangi tushunchalarni shakllantirish bilan birga keladi (A.Jo'rayev, 1991; 10-b.).

Turkiy tillarning tasniflari ham juda ko'p hollarda hududiy (arealogik), geografik tarqalish tushunchalari bilan uzviy bog'liqdir. XI asrda turkiy tillarning ilk tasnifini bergan Mahmud Koshg'ariy turkiy xalqlar va shevalar tasnifida ularning tarqalish hududlarini "Rumdan Chingacha" (Kichik Osiyodan Xitoygacha) shaklda geografik (hududiy) chegaralarini ko'rsatadi yoki 1284-yilda Bernat d'Aurtik tomonidan taklif qilingan fransuz lahjalarini toifalarga ajratish, Trevisaning 1387-yilda ingliz lahjalarini tasniflashga bo'lgan harakatlarida ham ma'lum bir tillardagi hududiy farqlanishlar e'tiborga olingan.

XIX–XX asrlarda turkiy tillarning mukammal tasniflarini bergan akademik V.Radlov, V.Abogorodinskiy, N.A.Baskakov tasniflarida ham hududiy-geografik nomlanish qayd etilgan. V.V.Radlov turkiy tillarning sharqiy, g'arbiy, O'rta Osiyo va janubiy kabi guruhlarini, N.A.Baskakov esa g'arbiy xun va sharqiy xun tarmoqlarini, akademik F.E.Korsh shimoliy, g'arbiy, sharqiy, aralash tipli guruhlarini, akademik M.Samoylovich janubi-g'arbiy, janubi-sharqiy, shimoli-g'arbiy, shimoli-sharqiy kabi guruhlarini ajratadi. Ko'rinib turibdiki, lingvistik tadqiq va tasnif jarayonida geografik (hududiy) tushunchalardan foydalanish ancha uzoq tarix hamda an'anaga ega.

Agar lingvistik geografiya o'z mohiyatiga ko'ra faktografik fan bo'lsa, uning M.A.Borodina tomonidan arealogiya deb nomlangan yangi bosqichi kartografik modellar ko'rinishidagi kognitiv tuzilmalar bilan identifikatsiyalangan til makoni tuzilishining bir parchasi sifatida tushuniladigan soha bilan bog'liq. Arealogiyaning yangi fan sifatida vujudga kelishi lingvistik makonda avval noma'lum bo'lgan ma'lumotlarning kashf etilishini bildiradi. Yangi fanlarning rivojlanishi bilan birga hududiy fanlarning rivojlanishi umumlashtirish jarayonlari, bilimlarni ifodalashning tobora umumlashtirilgan shakllari rivojlanishi bilan bog'liq. Hududiy fanlar tizimidagi dialektologiya – lingvistik geografiya – arealogiya shaklida umumlashtirishning ma'lum bosqichlarini ajratib ko'rsatish keng talqin qilinmoqda va har bir bosqich oldingi bosqichdagi ilmiy izlanishlarni o'z ichiga olmoqda. Yangi bosqichga o'tish esa tilshunoslikning nazariy konsepsiyasiga kiritilgan mavjud tushunchalarni aniqlashtirish va yangi tushunchalarni shakllantirish bilan birga amalga oshiriladi.

Dialektologiya, lingvogeografiya va arealogiya sohasidagi har bir yirik taraqqiyot areal lingvistika tadqiqoti metodologiyasini yaratishga qaratilgan harakat edi. Bunga J.Jil'eron, G.Venker, M.Bartoli, N.Trubeskoy, R.Yakobson, Ye.D.Polivanov, V.M.Jirmunskiy, G.Kurat, T.Frings, R.I.Avanesov, B.A.Serebrennikov, N.I.Tolstoy, J.Segi, M.A.Borodina, A.V.Desniskaya, E.A.Makayev, N.Z.Gadjiyeva, G.F.Blagovala, G.A.Sixun, N.A.Baskakov, Y.Cheymsbers, P.Tradgil va boshqa olimlar katta hissa qo'shganlar.

Hozirda lingvoareal tadqiqotlarni amalga oshirishda dialektal-lingvistik hodisaning hududiy ko'lamini aniqlash imkonini beradigan, og'zaki, keyin kartografik tavsiflarda namoyon bo'lgan qiyosiy-areal yondashuv zarurati yuzaga keldi. Lingvoareal tadqiqotning yangi usullari doimiy boyib boradi. Hozirgi bosqichda bu jarayon tilni makonda o'rganishda yangi maqsadlarning paydo bo'lishi bilan ajralib turadi. O'zbek tilida so'zlashuvchi massivni o'rganishda dialekt zonasi haqidagi nazariy g'oyalarning rivojlanishini tadbiq etish lingvoareal metodologiyaning o'zgarish an'alarini ham belgilaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abdullayev F. O'zbek tilining Xorazm shevalari. – Toshkent, 1961. – 346 b.
2. Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент, 1967. – 248 с.
3. Abdullayev F. O'zbek tilining o'g'uz lahjasi. – Toshkent, 1978. – 144 b.
4. Abdurahmonov D. O'zbek shevalari morfologiyasining o'rganilishi // O'zbek xalq shevalari morfologiyasi. – Toshkent, 1984. 248–271 b.
5. Аванесов Р.И. Очерки русской диалектологии. – Москва, 1949. Ч. 1. – 336 с.

6. Аванесов Р.И. Выступление по докладам // Вопросы диалектологии тюркских языков. – Баку, 1958. – С. 139–141.
7. Азнабаев А.М., Псянчин В.Ш. Историческая грамматика башкирского языка. – Уфа, 1983. – 496 с.
8. Айдаров Т. Лингвистикалық география. – Алматы, 1977. – 144 с.

ЯСАУИ «ХИКМЕТТЕРІНІҢ» ТІЛІ ЖӘНЕ ЛИНГВОРУХАНИ КОД МӘСЕЛЕСІ

Сагидолда Гүльгайша, Зұлпыхар Ақнұр

Л.Н.Гумилев атындағы Еуразия ұлттық университеті, (Астана қ., Қазақстан)

Аңдатпа. Мақалада түркі жұртшылығына ғана емес, күллі ислам әлеміне танымал философ-сопы, ақын, ғұлама, данагөй ұстаз Қожа Ахмет Ясауидің «Диуани хикметтері» тілінің концептілік өрісін зерттеудің маңыздылығы өзектеледі. Ясауи «Хикметтері» тілінің когнитивтік құрылымының бір элементі – «Иман» концептісінің ішкі құрылымын ислам қағидаттарын қазақ халқының ұлттық құндылықтарымен байланыстыратын лингворухани код тұрғысынан талдауға талпынзыс жасалады.

Кілт сөздер. Ясауитану, Ясауи мұралары, Ясауи «Хикметтері»тілі, қолжазба мәтін, аударма мәтін, когнитивтік құрылым, концепт, концептілік өріс, лингворухани код

Аннотация. В статье актуализируется важность изучения концептуального поля языка «Дивани хикмат» философа, поэта, ученого, мудреца Ходжи Ахмеда Ясави, известного не только тюркской общественности, но и всему исламскому миру. Делается попытка проанализировать внутреннюю структуру концепта «Иман», одного из элементов когнитивной структуры языка «Хикматов» с точки зрения лингводуховного кода, связывающего принципы ислама с национальными ценностями казахского народа.

Ключевые слова. Ясавитоведение, наследие Ясави, язык «Хикматов» Ясави, рукописный текст, переводной текст, когнитивная структура, концепт, концептосфера, лингводуховный код

Abstract. The article actualizes the importance of studying the conceptual field of the language "Divani Hikmetter" by the Sufi philosopher, poet, scientist, sage Khoja Ahmed Yasawi, known not only to the Turkic public, but also to the entire Islamic world. An attempt is made to analyze the internal structure of the concept "Iman", one of the elements of the cognitive structure of the language "Hikmats" from the point of view of the linguo-spiritual code linking the principles of Islam with the national values of the Kazakh people.

Keywords. Yasavite studies, Yasavi heritage, the language of "Hikmats" Yasavi, handwritten text, translated text, cognitive structure, concept, conceptosphere, linguo-spiritual code

Ясауитану – түркі жұртшылығына ғана емес, күллі ислам әлеміне танымал философ-сопы, ақын, ғұлама, данагөй ұстаз Қожа Ахмет Ясауидің (1167 ж.ө.) өмірі, туып өскен ортасы, ұрпаққа аманаттаған мұрасы, ұлы тұлғаның ислам діні тарихындағы және ислам мәдениетіндегі, сонымен қатар түркі жұртының рухани мәдениетіндегі орны, Ясауи мектебінің өкілдері мен олардың шығармаларындағы сопылық дәстүр сабақтастығының өміршендігі сияқты көптеген келелі мәселелерді арнайы зерттейтін ғылыми сала.

Адамның бойында болуы керек игі қасиеттер мен кемелдену жолындағы күресін толыққанды тұжырымдап, ислам діні негізінде жырлап өткен Ясауи бүкіл мұсылманның, әсіресе ислам дінін ұстанатын түркі халықтарының рухани ұлы ұстазы.

Ясауи – ұлы ақын. Ол сопылық поэзияның негізін салып, оны түркі жұртына насихаттаған тұлға. Қожа Ахметтің асқан ақылды, туғанынан ақын кісі екені туралы Жүсіпбек Аймауытұлы былай дейді: «Жалғыз-ақ ирандық Шәріптідин Язидиеннің кітабында Қожа Ахмет туралы анық мағлұмат бар деседі. Ол кітапта Қожа Ахмет Түркістан қаласынан отыз бес шақырым «Йасы» деген қалада туған. Ишандардың айтуынша, «Йасы» - Түркістандағы, мешіт жанындағы «Күл төбе». Медреседе оқып жүргенде түріктің бір

ғалымы зеректігіне қызығып, Иран жаққа оқуға әкетіпті. Қожа Ахмет көп жыл оқып, молда болып қайтыпты. Жаратылысынан ақылды, ақын адам болса керек. Төңіректегі елге би болып, әділдігіне мұсылман түгілі, христиан дініндегі адамдар іздеп келіп, бітім айтқызған. Кәріп-қасарға көп жәрдемі тиген. Надан жұрт «Әулие» деп қастерлеп әкеткен» [1. 303].

Қожа Ахмет Ясауидің және оның ұстазы Арыстан баб кесенелерінің қазақтың киелі топырағында, өзінің туып-өскен жері Түркістан қаласында орналасуы – қазақ халқы үшін зор мақтаныш. Түркістан қаласының сәнін ашып, сәулесін шашып, нұrlандырып, жарық беріп тұрған Ясауи кесенесіне келушілер саны күннен-күнге артып, толастар емес. «1978 ж. қыркүйекте Қожа Ахмет Ясауидің республикалық мұражайы ашылды. 2003 ж. маусымда Парижде өткен ЮНЕСКО-ның 27-сессиясында Қожа Ахмет Ясауи кесенесі дүниежүзілік мәдени мұралар тізіміне енгізілді» [2, 129]. 2000 жылдық тарихы бар Түркістан топырағын киелі етіп, құдіретін арттырып тұрған да – ұлы Қожа Ахмет Ясауи кесенесі.

«Өзінің «Диуани хикмет» деп аталатын ақындық туындысында Қожа Ахмет исламның басты парыз-қағидалары жайында әңгімелейді, өлең шумақтарында ол тақуалыққа, сабыр мен ұғыныстыққа шақырады. Бірінші кітап шарифатқа, екіншісі – тауарихқа, үшіншісі – хақиқатқа, төртіншісі – тарихатқа, яғни сопылықтың мұрат-мақсатына арналған» [3. 86].

Ясауи ілімі – сопылыққа бастайтын, оның сипаттары мен мақсатын, мазмұнын насихаттайтын, соған негізделген ілім. Ясауи ілімі бойынша, сопылық дүниетанымның басты мұраты – күллі әлемді жаратушы Алланы тану. Ал ғашықтық болса, Ясауидің тілімен айтқанда, Аллаға деген ғашықтық – сопылықтың ұстанымы. Сондықтан да Алланы тану, оған деген риясыз ғашықтық адам жанының жүрек бөлігімен тығыз байланысты. Жан мен тәннің байланысында жүректің атқарар рөлі айрықша. Ясауи ұстанған осындай тағылымды, ұлы ойларды Абай мектебінен де кезіктіреміз. Абайдың «толық адам» концепциясы Ясауи философиясымен өзара ұштасып жатыр. Хакім Абайдың:

«Махаббатпен жаратқан адамзатты,

Сен де сүй, ол Алланы, жаннан тәтті» [4, 244], – деген жолдарындағы ақын айтқысы келген ойдың төркіні де Хақ тағалаға, Аллаға деген ғашықтыққа жетелері сөзсіз.

«Ясауи ілімі мен шығармашылығы түркі халықтары рухани мәдениетінің барлық саласында – әдебиетінде, тарихында, салт-дәстүрінде, дүниетанымында, ойлау жүйесінде өзіндік із қалдырды. Сондықтан ойшыл ақын мұрасын зерттеп-зерделеу – ұлтымыздың төл болмысын, түп негізін тану болып табылады» [5, 331].

Қожа Ахмет Ясауи «Диуани хикметтерінің» тілі көркем әдеби сөздерге, терең ойлы философиялық тұжырымдарға толы. Ұлы ғұлама жиі қолданған Аллаға ғашықтық, иман, адамгершілік, әділдік, ар, ұят, кешірім, қайырымдылық, уәде, ғаріп, және т.б. діни лексиканы қазақ халқының ұлттық ой-өрісінің кемелденуі мен ислами құндылықтарының қалыптасу эволюциясын зерделеуге жетелейтін лингворухани код тұрғысынан қарастырудың маңызы зор.

«Диуани Хикметті» зерттеумен түрік ғалымы М.Ф. Кепрюлю-заде, орыс ғалымдары А.Н. Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.К. Боровков, Г.Ф. Благова, өзбек ғалымдары Э.Р. Рустамов, Н.М. Маллаев, В.И.Захидов т.б. айналысты. Жыр жинағы 1887, 1901 жылдары Қазанда, 1901 жылы Стамбулда, 1902, 1911 жылдары Ташкент қаласында жеке кітап болып басылып шықты [6, 24-33].

«Диуани Хикметті» лингвистикалық тұрғыдан зерттеу мәселесінде, әсіресе орта ғасырлардағы түркі әдеби тілдерінің қалыптасуы мен дамуы проблемасымен айналысқан А.Н. Самойлович, К.Г.Залеман, С.Е.Малов, А.К.Кононов, А.К.Боровков, Э.Н.Наджип, т.б. орыстың түркітанушы ғалымдарының қосқан үлесі ерен деуге болады.

Қазақ зерттеулершілерінің ішінде ең алғашқылар болып Қожа Ахмет Ясауи жайында ой қозғаған Мәшһүр Жүсіп Көпейұлы болды. Мәшһүр Жүсіп Көпейұлы Ясауиге қатысты аңыз әңгімелерді, естіген, көрген-білген материалдарды жинақтап, замандастарымен ой бөлісіп, өз дәуірінде мақалалар жариялап отырды. XX ғасырдың басында көптеген кедергілердің болуына қарамастан қазақ зиялылары Қожа Ахмет Ясауи туралы танымдық

мақалаларын баспа беттерінде жариялап отырды. Мәселен, М.Дулатұлы 1913 жылы «Қазақ» газетінің 16-санында жарияланған «Хазіреті Сұлтан» атты мақаласында Ясы қаласына Қожа Ахмет келгеннен соң, ел-жұртқа даңқы қатты жайылғанын жазады. 1967 жылы жарық көрген «Қазақ әдебиетінің қалыптасу кезеңдері туралы» деп аталатын еңбегінде Х.Сүйіншілиев Ясауидің дүниетанымы мен ғұмырбаянына, шығармаларына терең бойлай отырып, оның поэзиясында халық ауыз әдебиетінің сарындары көптеп кездесетінін жазады. Өлең буындарына, айшықтарына, ерекшеліктеріне, олардың берілу сипаттарына қарап, одан кейінгі қазақ ақын-жырауларының көбі дерлік Ясауи шығармашылығынан сусындап, оған еліктегенін пайымдайды. Ал Ө.Қоңыратбаев «Қазақ эпосы мен түркология» (1987) атты еңбегінде Ясауидің шығармашылығына әдеби талдау жасап, сопылық поэзияның туу және қалыптасу тарихына көз жүгіртеді. Қазақ тіл білімінде Ясауидің тіліне, оның лексикалық сипатына, текстологиясы мен аудармасына қатысты айтылған Ө. Құрышжанов пікірлерінің де маңызы зор [7, 190].

XX ғасырдың соңғы он жылдығынан Қожа Ахмет Ясауи хикметтерін қазақ тіліне аудару ісі ерекше жанданды деуге болады. Мәселен, М.Жармұхамедұлы 1993 жылы ҚР Ұлттық кітапханасының сирек кітаптар мен қолжазба қорында сақталған (№ 2330-38) «Хикмет Хазірет Сұлтан Қожа Ахмет Ясауи» қолжазбасында кездесетін хикметтерді ана тілімізге тәржімалап, жеке жинақ ретінде жариялады. Жинақ араға 11 жыл салып, 2002 жылы «Жалын» баспасынан қайыра жарық көрді. С.Битенұлы 149 хикметті (1990), Х.З.Иманжанов 40 хикметті (1991), Ә.Жәмішұлы 70 хикметті (1995), Е.Дүйсенбайұлы 71 хикметті (1998), Ә.Ибатов, З.Жандарбек, А.Нұрмановалар 149 хикметті (2000), Т. Айнабек 149 хикметті (2001) тәржімалап, көпшілік назарына ұсынды.

Қазақстанда Ясауитану саласы 2000 жылдардан кейін дамудың жаңа сатысына көтеріліп, Ясауи мұрасын зерттеу, аудару және насихаттау ісінде біршама жетістіктерге қол жеткізілді. М.Мырзахметұлы Ясауи ілімін зерттеудің күрделілігіне қатысты мынадай пікір айтады: «Ясауи заманынан бізге жеткен сопылық танымның уақыт жүрісіне қарай әрқилы реңктерге түсіп өзгеріп отырған болмысын танып, ажырата білудің өзі кімге де болса оңайға соқпайды. Сопылық әлем болмысына, ең болмағанда, бүкіл мұсылман елдері жетік білетін қарапайым исламиятқа дарялығы тым мардымсыз, қазіргі қазақ оқырмандары үшін одан да ауыр соқпақ. Бұған қоса суфизмнің ірі өкілдерінің ой танымы, көбінесе сопылық классикалық поэзия тілімен берілуінің үстіне қатқабат астарлы да перделенген символды шартты ұғымдармен пәлсапалық өреде өріліп берілуі де қинаған үстіне қинай түспек» [8, 5].

Р.Ғ.Сыздық «Ясауи «Хикметтерінің» тілі» (Алматы, 2014) деп аталатын бірегей еңбегінде Ясауи хикметтерінің Самарканд (Залеман) қолжазбасы туралы археографиялық мәліметтер береді; қолжазба мәтінінің фонетикалық, лексикалық, морфологиялық, фразеологиялық, көркемдік сипаттарын танытады; Ясауи «Хикметтерінің» тілдік негізін (сүйегін) қыпшақ-оғыздық аспектіде жете зерттеудің қажеттілігін алға тартады; Ясауитанудың лингвистикалық бағытында орын алуға тиісті қазіргі таңдағы ғылыми басымдықтарды жіктеп көрсетеді [9, 5]. Р.Ғ.Сыздық атап көрсеткен Ясауи «Хикметтері» тілін зерттеудің басым бағыттарының бірі – ескерткіш тілінің когнитивтік құрылымына (жүйесі) қатысты тақырыптарды қолға алу.

Когнитивтік құрылымның негізгі элементтердің бірі – концепт. Концепт ұлттың тілімен және рухани-мәдени құндылықтар әлемімен тығыз байланыстағы күрделі құрылым болып саналады. Мәселен, орыс ғалымы В.А.Маслованың пікірінше: «Концепт – это семантическое образование, отмеченное лингвокультурной спецификой и тем или иным образом характеризующие носителей определенной этнокультуры. Концепт, отражая этническое мировоззрение, маркирует этническую языковую картину мира и является кирпичиком для строительства «дома бытия» [10, 36]. Ал А.Ислам лингвомәдени ізденістерде дүниетанымдық концептілердің өзіндік орны бар екенін айта келіп: «концепт дегеніміз, ол біздің пайымдауымызша, адам санасында тұрған орта, дін, мәдениет, жалпы алғанда, дүниетаным негізінде белгілі бір ұрпақтан-ұрпаққа өзгеріссіз беріліп отыратын құндылық. Сөйтіп олар «концептілер аймағын» құрайды» -дейді [11, 5]. Демек, концептіні

этникалық дүниетаным мен ұлттық рухани-мәдени құндылықтардың тіл арқылы ұрпақтан-ұрпаққа жалғастық табуын қамтамасыз ететін семантикалық құрылым деп санасақ, Ясауи «Хикметтері» тілінің концептілік өрісін лингворухани код тұрғысынан қарастыру қажеттігі туындайды.

Ясауи «Хикметтері» тіліндегі Хақ тағалаға деген ғашықтықты, Мухамед (с.а.у.) пайғамбарға деген сүйіспеншілікті, адамдық пен әділдікті, иман мен әдептілікті, ар-ұят пен нәпсіні, ғаріптік пен жетімдікті сипаттайтын тіл бірліктері, нақтырақ айтсақ, рухани-мәдени лексика және олардың қатысуымен жасалған бейнелі тілдік орамдар (фразеологизмдер, перифраздар, сөз-символдар т.б.) мазмұндық ішкі құрылым жағынан алғанда қазақтың ұлттық құндылықтар жүйесінің діни тұғырына жетелейтін лингворухани код қызметін атқарады деуге болады.

Ахмет Ясауи «Хикметтері» арқылы өзін ислам дінінің нағыз насихаттаушысы, тартушысы ретінде танытты. Ғұлама өз «Хикметтерінде» Аллаға шексіз ғашық болуды дәріптей отырып, ислам дінінің ғана емес, Мухамед пайғамбар (с.а.у.) үмбеттерінің кемелденуінің өзегі етілетін иман тұжырымдамасын жасады.

Ясауи «Хикметтері» тілінде иман – Аллаға, Хақ тағалаға деген шексіз ғашықтық, Алланың құлы және елшісі Мухамед пайғамбарға (с.а.у.) деген риясыз сенім, исламды шын жүректен қабылдай алуы. Хикметтер тілінде иман концептілік деңгейде көрініс береді, тіптен өз құрылымына ар, ұят, әдеп, сыйластық, кішіпейілділік, кешірім, адалдық, кемелдену, әділдік сияқты ұғымдарды жинақтайды деуге болады.

Қазақстандық ясауитанушылардың бірі – З. Жандарбек: «Қожа Ахмет Ясауи өзінің басты қызметі Иманды Исламға қайтару деп түсінді және өзінің бар күш-қуатын осыған арнады. Ахмет Ясауи иманды діндегі бар амалдың алдына шығарды. Иман жоқ жерде дін де жоқ. Ол өзінің осы талабын өзінің соңынан ергендерге аманат етіп қалдырды» дейді [12].

«Қазақ тілінің түсіндірме сөздігінде» (2008) иман сөзінің негізгі үш мағынасы көрсетіледі [13, 353-354]: 1. Ислам дінінің бес парызының бірі, діншілдік наным. 2. Адам бойындағы ізгілік, адамгершілік; 3. Белгілі бір әс-әрекетпен байланысты серт, уәде, үміт. Иман сөзі тірек компонент болған фразеологизмдер де қазақ тілінде көптеп кездеседі: иман айтты – құдайға құлшылық етті, дұға оқыды; иман келтірді – шариғат заңы бойынша аят оқыды; иманын үйірді – 1) адам өлер сәтінде Құран аяттарын оқу; 2) қатты қорықты; иман жүзді кісі – кішіпейіл, жүзі жылы адам; иманы бетінде үзіліп тұр – ұян, ибалы, тәрбиелі; иманын ұшырды – үрейін алды, қорқытты; иманын сатты – ар-ұятын саудаға салды; имандай ұйыды – бар ынта-ықыласымен иланды, сенді және т.б.

«Иман дегеніміз не?» -деген сұраққа ғұлама Ясауи «Хикметтерінде» былайша жауап береді [9, 269]:

Құл Хожа қыркқа кірдің нәфсіңні қырк,
мұнда йығлаб ахирәтдә болғыл ғарик.
пост-и иман шари'ат дүр мағзы тарик,
тариқатгә кіргән үлүш алды дустлар.

Фактологиялық материал ретінде талдауымыздың арқауына алынып отырған Самарканд қолжазбасындағы Құл Хожа қыркқа кірдің нәфсіңні қырк деп келетін бірінші жол «Хикметтердің» 2000 жылы жарық көрген аудармасында [14, 49]: «Құл Қожа Ахмет, қырықты жырақ қыл да» деп, ал 2009 - жылғыда [15, 39]: «Құл Қожа Ахмет, қырықты шырақ қыл да» деп беріледі:

Құл Қожа Ахмет, қырықты жырақ /(шырақ) қыл да,
Ақыретте есінді жи, жылап мұнда.
Иман – дін, мәні – дүние мұрат кума,
Үлесін құдай деген алды, достар.

Ясауидің «Хикметтерінде» көрініс тапқан ең негізгі ұстанымдарының бірі – дін жоқ жерде иманның да болмайтынын айқын дәріптеуі. Мәселен, ислам дінін ұстанатын әр адамның тірлігінде жасаған дұғасының бұ дүниеден өтер сәтіндегі иман үйіруіне қатысы Ясауидің «Хикметтерінде» (Самарканд нұсқасы) [9, 199]:

Махшарда хуррам,
қийаматда улығ зәтігә мәхрам,
ду'аға йары берсүн һәр мусулман,
өләр уақтыда елткәй нур-и иман, - деп жырланады.
Бұл жолдар қазақ тіліне былайша аударылып беріледі[14, 191]:

Құдайым ойласын махшарда жақсылық
Қиямет күні қымбат затына.
Дұғаға жәрдем берсе әр мұсылман,
Өлер уақытында күтеді оларды, нұр иман

Иман адамның бойындағы кішпайылдылық, қарапайымдылық, мейірімділік сияқты жақсы қасиеттердің тұғыры болатыны, ал менмендік, тәкепарлық, надандық, т.б. қасиеттер имансыздықты көрсететіні, имансыз адамның оқыған Құраны мен жасаған дұғасының еш қабыл болмайтыны Ясауидің «Хикметтерінде» былайша жырланады [9, 200]:

дин исләми йоқ иманы уайран
қийамат таңы атса йолда қалған
пирі кәмилні көрмәй шайх сан'ан
Худа етмәс қабул оқыса қуран
өзіні шайх етәр.

Бұл жолдардың аудармасына зер салсақ, Ясауи тілінің поэтикалық әлеуетін көрсету мақсатында қолжазбадағы жолдарының орын тәртібінің ауыстырылғанын байқауға болады [14, 192]:

Пір Кәмілді көрмей, шайх санамаймын,
Құдай қабыл қылмас ол оқыған Құранды,
Діні иманы жоқ, исламы ойран,
Қиямет таңы атса, жолда қалған
Өзін шайх дер, іші бос, құр қуыс.

Ясауи тілінде йол – «жол» сөзі арқау болған йолда қал-, йолға кір-, йолға сал-, йол тұт-, игрі йол, йахшы йол, йолдын аз- (жолдан азу), йол адашсаң, йолдын азсаң тәрізді бейнелі фразеологизмдер жиі кездеседі. Ясауи тіліндегі йол – Алланы, Хақ Тағаланы тануға апаратын жол, Құдай жолы, Алланың жолы деген мағыналарда қолданылады.

Р.Сыздық «Диуани Хикметтер» тілінде қолданылатын фразеологизмдер мен тұрақты эпитетті тіркестер – поэзия тілінің көріктеуіш құралдарының екенін, олардың бірқатары бір затты, құбылысты астарлап, өзгеше мағына беріп атаса, енді біреулері семалық ренк үстеп, семантикалық шеңберін кеңейтіп не тарылтып көрсететінін айта келіп: «мәселен, игрі йол, йахшы йол» дегендер тіпті де «көлік, адам жүретін кәдімгі жол» дегенді білдірмейді, ол жалпы ислам дінінде, оның ішінде Ясауи тілінде «мистикалық суфизм дініне ден қою, бас ұру, оны берік ұстану» деген ауыспалы (өзгеше) мағынадағы атауды білдіреді» - дейді [9, 173].

Ясауи «Хикметтерінде» йол таб-, йолға кір- тіркестері Ясауидің өзінің Хақ жолына түсуіне қатысты:

Қырқ йашымда Алла дедім йол тапай деб,
Ерәнләрні ізін алыб һәм өпәй деб,
Хизмәт қылыб һәр сир көрсәм мән йапай деб,
Зәті ұлуғ хожа сығынып келдім сәңә
Қырқ бірімдә талиб болұб йолгә кірдім,
Ихлас бірлә йалғұз Хақгә көңүл қойдым.
Құл Хожа Ахмәд йолгә кіргін хала фурсат,

Алла дегіл 'умрың өтті дәм ғанимат – деп келетін жыр жолдарында кездеседі [9, 300; 370].

Алланың хақ жолына түсудің азап-мехнаты көп екені, жолдан таймау үшін Аллаға көп жалбарыну қажеттігі «Хикметтер» тілінде [9, 298; 302]:

Айа дустлар, бұ йолларны 'ақбасы көп,

Йүрсә болмас пир хизмәтін етмәгүнчә,
Йүз мың афат михнәт хатары көп - деп жырланады.

Қорыта айтқанда Ясауи «Хикметтерінде» көрініс беретін «Иман» тұжырымдамасы Аллаға деген ғашықтық, Алланың құлы және елшісі Мухамед пайғамбарға (с.а.у.) деген махабат, Хақ жолына түсу ұғымдарымен шектелмейді, сонымен қатар адамгершілік, ізгілік, әділдік, ұстамдылық, сабырлылық, қарапайымдылық, кешірімді болу және т.б. асыл қасиеттермен сипатталатын «кемел адам» образына қатысты концептілік жүйені қалыптастыруға негіз болады.

*Мақала «AP14870245 – Ахмет Ясауидің «Диуани хикметіндегі» тілдік-мәдени кодтар» атты гранттық жоба негізінде жазылды.

Пайдаланылған әдебиет:

1. Аймауытов Ж. Әзірет Сұлтан (Қожа Ахмет Иасауи) / Иассауи Қожа Ахмет. Диуани хикмет. Даналық кітабы. – Алматы: Халықаралық Абай клубы, 2009. – 312 б.
2. Қазақ халқының тарихи тұлғалары: Қысқаша анықтамалық / Құрастырған: Ә.Көпіш. – Алматы: «Өнер» баспасы, 2016. 1-кітап. – 312 б.
3. Байниетова С. Қожа Ахмет Иасауи. Тарих, тұлға, уақыт. – Алматы: «Аруна», 2007. – 96 б. – «Шығыстың ұлылары» топтамасы.
4. Шығармаларының екі томдық жинағы / А.Құнанбаев. 1-том: Өлеңдер мен поэмалар. Жалпы редакциясын басқарған М.Әуезов. – Алматы: Қазақтың мемлекеттік көркем әдебиет баспасы, 1957. – 367 б.
5. Қожа Ахмет Иассауи: Ғасырлар шыңынан шашылған нұр (ғылыми басылым). – Алматы: «Қазэтнотизайн», 2007. – 480 б.
6. Құрышжанов Ә. Қожа Ахмет Ясауи шығармаларын зерттеудің кейбір мәселелері//ҚР ҰҒА хабарлары. Тіл, әдебиет сериясы, 1994. № 5. - 24-33 бб.
7. Келімбетов Н. Ежелгі дәуір әдебиеті. - Алматы, 1991.
8. Мырзахметұлы М. Яссауи поэзиясы: ғылымды жүйелеу көріністері жайында бірер сөз. «Жалын» журналы, 2014. – № 9. – 4-7 б.
9. Сыздықова Р. Ясауи «Хикметтерінің» тілі. Көптомдық шығармалар жинағы. – Алматы, 2014. – 667 б.
10. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск: ТетраСист., 2004. – 55 с.
11. Ислам, А. «Өмір» концептісінің тілдегі көрінісіне лингвомәдени сараптама [Мәтін] // А. Ислам. – ҚР. ҰҒА-ның хабарлары. Тіл, әдебиет сериясы. - 2003. - №4.
12. Жандарбек З. Қожа Ахмет Иассауидің түркі тарихындағы орны. [эл.ресурс]: <https://abai.kz/post/9200>
13. Қазақ тілінің түсіндірме сөздігі. –Алматы: Дайк-Пресс, 2008.-968 б.
14. Иассауи Қожа Ахмет. Хикметтер/ Жалпы редакциясын басқарған М.Қ. Әбусейітова; Қазақшалаған: Ә. М.Ибатов, З.Жандарбек, А.Ш.Нұрманова.-Алматы,2000.-208 б.
15. Иассауи Қожа Ахмет. Диуани хикмет.Даналық кітабы./Аударған Есенбай Дүйсенбай-. Алматы,2009.-312 б.

ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Наралиева Шахло Джамаловна, (Қозоғистон),

Жумабек Ташенев номли университет Халқаро ҳамкорлик департаменти
директори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳамроева Ҳулкар Ҳамидуллаевна, (Ўзбекистон)

Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти, филология фанлари доктори (DSc)

Ғаниев Салимжон Абдухалилович, (Қозоғистон)

Жумабек Ташенев номли университет катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ҳамма замонларда ҳам дунё халқлари санъат ва адабиёт орқали бир-бирининг тарихини, турмуш тарзини, маданияти ва қадриятларини мунтазам ўрганиб, бир-бирларини руҳан бойитиб борадилар. Кейинги йилларда адабий – маданий, илмий – маърифий алоқаларнинг мустақамланиши, умуминсоний қадрият сифатида юқори босқичга кўтарилиши халқаро муносабатлар тараққиётида янги саҳифа очди. Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасидаги яқин қўшничилик, дўстлик ва биродарлик муносабатларининг кундан кунга юксалиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, Қозоғистон ўзбекларининг фольклори, миллий рақс санъати ўзига хос хусусиятлари, тарихи ва шаклланиш жараёни билан ажралиб туради. Қадим илдизлари туташ икки қардош мамлакатда ҳамкорликда ўтказилаётган илмий – амалий анжуманлар, адабий учрашувлар, маданий – маърифий тадбирлар ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетади. Мазкур мақолада Қозоғистон ўзбеклари рақсларининг миллий қадриятлар ва маданий анъаналар билан уйғунлиги, лингвомаданий хусусиятлари “Лазги” туркуми мисолида тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: миллий қадрият, маданий анъана, ижодий ҳамкорлик, ”Лазги”, рақс, миллатлараро тотувлик, Буюк ипак йўли, ҳаётсеварлик.

Аннотация. Во все времена народы мира посредством искусства и литературы регулярно изучали историю, образ жизни, культуру и ценности друг друга, духовно обогащали друг друга. В последующие годы укрепление литературно–культурных, научно–образовательных связей, подъем на более высокий уровень как общечеловеческой ценности открыли новую страницу в развитии международных отношений. Ни для кого не секрет, что среди стран Центральной Азии тесные добрососедские отношения, дружба и братские взаимоотношения между республиками Казахстан и Узбекистан укрепляются день ото дня. Ведь фольклор казахских узбеков, искусство национального танца отличаются своими особенностями, историей и процессом становления. Научно-практические конференции, литературные встречи, культурно-просветительские мероприятия, проводимые совместно в двух братских странах, примыкающих к древним корням, станут настоящим фестивалем искусства. В данной статье на примере сериала "Лазги" изучается гармония танцев казахских узбеков с национальными ценностями и культурными традициями, языковыми особенностями.

Ключевые слова: национальная ценность, культурная традиция, творческое сотрудничество, "Лазги", танец, межнациональное согласие, Великий шелковый путь, жизненная сила.

Abstract. In all times, the peoples of the world regularly study each other's history, lifestyle, culture and values through art and literature, enriching each other spiritually. In the following years, the strengthening of literary-cultural, scientific-educational relations, raising them to a higher level as a universal human value opened a new page in the development of international relations. It is not a secret to anyone that the close neighborly, friendly and fraternal relations between the Republics of Kazakhstan and Uzbekistan among the countries of Central Asia are increasing day by day. After all, the folklore of the Uzbeks of Kazakhstan, national dance art is distinguished by its

own characteristics, history and formation process. Scientific-practical conferences, literary meetings, cultural-educational events, held in cooperation in two brotherly countries with ancient roots, will turn into a real art festival. In this article, the harmony of Kazakh Uzbek dances with national values and cultural traditions, linguistic and cultural features are studied on the example of the "Lazgi" group.

Key words: national value, cultural tradition, creative cooperation, "Lazgi", dance, international harmony, the Great Silk Road, vitality.

Глобаллашув жараёнида ҳар қандай миллий маданият қардош халқлар маданияти билан мулоқот қилишга қодир бўлмоғи зарур. Марказий Осиё республикалари орасида Қозоғистон ўзбекларининг миллий рақс санъати ўзига хос хусусиятлари, тарихи ва шаклланиш жараёни билан ажралиб туради. Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари Марат Алмасович Азилханов тўғри таъкидлаганидек, “Қозоқлар ва ўзбеклар тарихан бир-бири билан ёнма-ён яшаб, доимо бир-бирига алоҳида меҳр билан яқиндан назар ташлаб, асрлар мобайнида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Иккала халқнинг ҳам миллий қадриятлари, илмий-адабий алоқалари ўтмиш тажрибаларини ўзлаштириб, айни пайтда, ҳозирги замон маданий кашфиётлари асосида ўзини бойитиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён қилмоқда”²⁴. Миллатлар ўртасида биродарлик ва қон - қардошлик ришталарини мустаҳкамлашнинг энг таъсирчан воситаларидан бири – санъат ва адабиёт ҳисобланади.

Кейинги йилларда адабий-маданий алоқаларнинг умуминсоний қадрият сифатида юқори босқичга кўтарилиши халқаро муносабатлар тараққиётида янги саҳифа очди. Хусусан, Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллиги доирасида бир қатор илмий-амалий анжуманлар, адабий учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Қадим илдизлари туташ икки қардош мамлакатда ҳам бу анжуманлар ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетди. Уларда юксак маҳорат билан ижро этилган жозибали миллий рақс ва кўшиқлар, ялла ва лапарлар, айниқса, Хоразм “Лазги”си ҳаммага эстетик завқ улашиб, дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлади. Санъат ва адабиёт орқали халқлар бир-бирининг турмуш тарзини, маданияти ва қадриятларини мунтазам ўрганиб, бир-бирларини руҳан бойитиб бормоқдалар.

Ҳамма замонларда ҳам миллий рақслар ҳаётсеварликнинг таркибий қисми бўлиб келган. Ўзбек рақсларини Қозоғистонда барча миллатлар бирдек севади, айниқса, “Лазги” ва “Андижон полькаси”га ҳамма эркин, жўшиб ўйнайди. Ўзига хос маданият белгиси сифатида миллий рақслар турли миллатларни янада яқинлаштириб, уларни яхшилик ва эзгуликларга даъват этади.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри билан чегарадош Жанубий Қозоғистон энг кўп рақс ва мусикий дасталар, ансамблларга эга йирик ҳудуд бўлиб, унда ярим миллиондан зиёд ўзбек миллати вакиллари истиқомат қилади. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Қозоғистон республикаси журналистлар уюшмаси ва Қозоғистон халқи Ассамблеяси кенгаши аъзоси, Халқаро Амир Темур жамғармасининг Қозоғистон республикаси раҳбари, “Достық” ордени ва қатор юбилей медаллари совриндори Икром Ҳошимжонов барча маданий-маърифий танловлар ва тадбирларнинг ташаббускори, фаол ташкилотчиларидан бири. У раҳбарлик қилаётган “Дўстлик” ҳамжамиятининг мамлакатимизда нуфузи баланд.

Жанубий Қозоғистонда ўзбек миллий рақс санъатининг ривожини халқ удумлари, урф-одатлари ва маданий анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. “Дўстлик” ҳамжамиятининг бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни, бирдамликни янада мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшаётганлигини “Алла айтар ўзбек аёли” анъанавий республика фестивали мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек маданияти ва адабиётининг фидойилари Бегмат Турдиқулов, Нурхон Дўсметова, Абдурахим Пратов, Соатой Камолова, Победахон Абдазимова, Эркиной Султонова, Озода Мусаева каби марказ фаоллари ёзган сценарийлар асосида фестиваль

²⁴ Азилханов М.О. Миллий маданиятлар интеграцияси – халқаро ҳамкорлик воситаси. ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Бедорлик” эшиттириши. 2022йил, 26 сентябрь.

доирасида композицион рақслар ҳам ижро этилади. Чақалоқни бешикка белаш, сочқи сочиш, исм кўйиш, бўғирсоқ пишириш, уни кўшниларга тарқатиш каби удумлар рақс кўринишида ижро этилади. Ўзини ўзбек миллатининг вакилиман деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон авлод-аждодларимиздан қолган такрорланмас бой маънавий меросдан фахрланади ва ёшларни шу руҳда тарбиялайди.

Икром Ҳошимжоновнинг ташаббуси билан 1995 йилдан бери Чимкент шаҳрининг марказий маданият ва истироҳат боғида байрами ўтказиш анъанага айланган. Унда қозоғистонлик ўзбеклар замонлар оша сайқал топиб, ҳанузгача сақланиб келаётган юрак дардлари ва севги розлари тараннумидан иборат бўлган “Омонёр”, “Хоразм Лазгиси”, “Сумбула”, “Бешқарсақ” каби ашула ва рақсларни беҳад баланд завқу шавқ билан ижро этишади.

Чимкент шаҳридаги Ойбек номли 14-умумтаълим мактабининг “Юлдузча” рақс дастаси (хореограф А. Таласбеков) республикадаги энг машҳур ансамбллардан биридир. Турли республика, халқаро миқёсдаги кўрик-танлов, фестивалларда мунтазам иштирок этиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Ансамблда “Лазги” туркумига кирувчи “Сурнай Лазгиси” ва “Хоразм Лазгиси” рақсларининг якка ҳамда гуруҳ вариантлари катта маҳорат ва ўзига хос ифода усуллари билан саҳналаштирилган. Рақс санъати чегара билмайди. Минг йиллардан бери у ҳаёт ва гўзаллик фалсафаси, юрт тарихи ва миллий қадриятларини, гўзалликка ошuftа кўнгил армону завқларини ифодалайди. Атоқли санъатшунос Ш.Тоҳтасимов тўғри таъкидлаганидек, “Ўзбек рақс санъати тарихига назар солсак, унинг асосларини оддий, меҳнаткаш халқимиз яратганига гувоҳ бўламиз. Илк рақслар халқнинг меҳнат жараёни, ғам-кайғуларидан шаклланган, орзу-умидларини ифода этган”²⁵.



Ўзбек ва қозоқ халқларининг фарзандлари бир ота-онанинг болаларидек аҳил ва тотув эканлиги уларнинг рақсларида ҳам акс этади ҳамда Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканлигидан дарак беради. Даврлар ўтиши билан халқ ижодий намуналарига айланиб борган бу рақслар турли-туман шаклларда жилоланиб, ўзининг миллий жозибаси билан барчани бирдек ром қилади. Маълумки, ўзбек миллий рақс санъатида ҳаракат шунчаки жисмоний маънодаги ҳодиса

эмас, балки сўзда изҳор қилиш мумкин бўлмаган қалб тугёнларининг ёрқин ва жонли ифодасидир. Энг ибтидоий замонлардан бошлаб инсоният фикрини тўғридан-тўғри ифодалашдан кўра уни ҳаракатлар кўринишида ижро этиш анча таъсирчан эканлигини англаган. Қозоғистон ўзбекларининг миллий рақслари гултожи “Лазги” туркуми ҳисобланади. Инсон туйғу ва ҳиссиётлар оламида яшайди, шунинг учун унга фикр ёки ғояни рақс ва кўшиқ шаклида етказиш катта самара беради. Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор Н.Алметов тўғри таъкидлаганидек, “700 мингдан ортиқ ўзбеклар истиқомат қиладиган Жанубий Қозоғистон ўзбекларининг фольклористикада ҳали ўрганилмаган кўплаб илмий муаммолари бор. Шулардан бири – Қозоғистон ўзбекларининг лапарлари. Халқнинг бир неча авлодлари оғзаки ҳолда трансформация қилиб келган



²⁵ Тоҳтасимов Ш. <https://uza.uz/oz/society/>

лапарларнинг фақат баъзи бир парчалари ёзиб қолдирилган, энг асосийси – ханузгача Жанубий Қозоғистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар лапарлари бир тизимга туширилмаган”²⁶. Қозоғистон ўзбекларининг рақслари ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Тарих – миллат ва халқнинг ҳаёт фалсафасидир. Қадим замонлардан буён Буюк ипак йўли устида жойлашган Хоразм Шарқ билан Ғарб, Юнон, Рум, Византия, Хитой, Ҳиндистон ва Эрон халқлари ўртасида савдо ва маданий алоқалар равнақида муҳим аҳамият касб этган. Минг афсуски, ижтимоий зиддиятлар, ўзаро урушлар, турли табиий офатлар натижасида халқ ижодий меҳнати ва заковати билан кўп асрлар давомида яратилган моддий ва маданий бойликлар, илмий кашфиётлар, бебаҳо санъат асарлари туфайли бирда йўқолиб, бирда тикланиб бораверарди. Лекин йўқотишлар кўпроқ бўлган ва булар тамаддуннинг ҳақиқий таназули эди. Уч минг йиллик давлатчилик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи тарихида Хоразм давлатчилиги тарихи алоҳида ўрин тутди. Академик А.Муҳаммаджонов тўғри таъкидлаганидек, “Қадимги Хоразм минтақалари ҳудудларининг ўзига хос табиати, шубҳасиз, фақатгина қадимий аҳолисининг турмуш тарзини белгилабгина қолмай, бу диёрда юзага келган қадимги маданиятларнинг шаклланиши, ривож ва бир-бирига қоришувига ҳам қучли таъсир этган”.²⁷



Азалий ва абадий қадриятлар, тарихий ҳодисалар, ўткинчи воқеалар тўқнашиб турадиган бу дунёда тарих ҳақиқатларини тиклаш ниҳоятда мушкул. Хусусан, Хоразм санъати ва маданияти тўғрисидаги муҳим маълумотлар “Авесто” ҳамда Геродотнинг “Тарих”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, С.П.Толстовнинг “Древний Хорезм”, “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”, Р.Л.Садоқовнинг “Музыкальная культура древнего Хорезма”, “Тысяча осколков золотого саза”, И.Жабборовнинг “Кўҳна харобалар сири”, “Жаҳон халқлари этнографияси”, Т.Қиличевнинг “Хоразм халқ театри”, В.И.Авдеевнинг “Қадимги шарқ

тарихи”, М.Раҳмоновнинг “Ўзбек театр тарихи”, С.П.Сенсеревнинг “Легенда о Хорезме” китоблари орқали етиб келган. Археологик қазилмалар натижасида Тупроққалъа, Жонбосқалъа, Аёзқалъа, Қўнарлиқалъа, Қўйқирилганқалъа, Чилпиққалъа, Хазорасп, Довудқалъа, Қирққизтепа, Калтаминор ёдгорликларидан топилиб, Маъмун академияси архивларида сақланаётган нодир манбалар ўз тадқиқини кутиб турибди.

Бизнинг буюк аجدодларимиз қадимдан юксак салоҳият, маънавий-маърифий хислат соҳиблари бўлишган. Археологик қазилмаларда топилаётган қадимий шаҳар ва қалъаларнинг архитектура ёдгорликлари, саройлар, қасрлар, ибодатхоналар қолдиқлари, деворларга чизилган суратлар, қадимий ҳайкалтарошларнинг ёрқин истеъдодлари намойён бўлган асарлар, кўҳна заминнинг минг йиллик афсонавий тарихи, ўша замон халқлари ҳаёти, санъати ва маданияти буюк эканлигини исботлайди. Бу миллий-маънавий бойликларни ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳали кўп вақт ва катта меҳнатни талаб қилади. Албатта, санъат турлари ичида миллий рақс инсон руҳияти ва онгу шуурига тез таъсир этувчи восита сифатида ажралиб туради. Ёшлар қалбида тарихга қизиқиш ва ҳурмат, қадим қадриятларга муҳаббат туйғусини шакллантиришда, мафкуравий таҳдидлар ва оммавий маданият таъсирига қарши тура



²⁶ Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан... Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди.Шимкент.2019. Б.9.

²⁷ Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси - маънавият кўзгуси. Т.: «Ўзбекистон», 2015, Б.-141.

оладиган комил инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда хориж давлатларида ҳам “Лазги” туркумининг доврўғи баланд. Негаки, қони-жонида рақсининг сеҳрли таровати жўшиб турган халқнинг нафосат ва гўзалликка бўлган меҳру муҳаббати бекиёс. Инсониятни эзгуликка чорлаб, қалбларга жўшқин кайфият, кўтаринкилик инъом этадиган “Лазги” рақсининг ўтмиши, яратилиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ўрганиш орқали ўзбек халқи маданиятига оид муҳим маълумотлар аниқланади. Атоқли санъатшунос Р.Каримова тўғри таъкидлаганидек, “Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган рақс санъати неча-неча асрлар давомида шаклланди, ривож топди. Лекин бу санъат тури ёзма равишда ўз аксини топмаганлиги учун турли даврларда унутилиб кетар, моҳир уста санъаткорлар даврида яна шаклланар эди. Улар шу кўринишда бизнинг давримизгача қисман етиб келган”²⁸. Демокчимизки, бу фикрлар ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтаётган “Лазги” рақслар туркумига ҳам тааллуқли. Уларнинг жанр хусусиятларини, терминлари, атрибутлари ва безакларининг номларини ёзиб олиш, уларнинг мультимедиа тўпламларини тайёрлаш долзарб муаммолардан биридир. Рақс санъати – инсон тафаккурининг меваси сифатида, унинг дунёни англаши ва теварак-атрофидаги миллий-маданий муҳит таъсиридаги ҳис-туйғуларини ўз ҳаракатлари орқали ифодалаш эҳтиёжи натижасида юзага келган. Кейинги юз йилликлар даврида жамиятнинг шиддат билан тараққий этиши миллий рақс санъатига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Инсон боласининг комилликка интилиши, аввало, унинг ўз ватани тарихини, миллий қадриятларини билиши, ундан фахрланиб яшашида намоён бўлади. Маънавий мерос инсонларнинг бир бирига бўлган ўзаро муносабатлари асосида шаклланиб, сайқалланиб боради. Миллатларнинг маърифий - маданий алоқалари қадриятларининг авлодлардан авлодларга ўтиши ва бойиб бориши жараёнида ривожланади, халқаро миқёсга чиқади. Турли халқларни бир-бирига яқинлаштириб, дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи энг бебаҳо маданий бойликлардан бири, шубҳасиз, бетакрор “Лазги” рақсидир. 2019 йилнинг 12 декабрь куни “Лазги” Инсоният номоддий меросининг репрезентатив рўйхатига Ўзбекистон маданий меросининг элементи сифатида киритилди. ЮНЕСКОнинг Номоддий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси “Лазги”нинг Инсоният номоддий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилишини овоз бермасдан, кенг консенсус асосида маъқуллади. “Лазги” рақсида ҳаётсеварлик тамойиллари юксак маҳорат ва завқ билан тараннум этилган. Ҳақиқий санъат ҳамма замонларда ҳам истейдод ва меҳнатни, салоҳият ва изланишни маҳорат билан уйғунлаштирган ижодкорга насиб қилади. Одамлар ўртасидаги дўстона инсоний муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашда санъат ва маданиятнинг, номоддий бойликларнинг аҳамияти бекиёс. “Авесто” да ифодаланган ҳаракатларнинг рақс элементлари билан муштарак эканлиги “Лазги”нинг ниҳоятда қадимий эканлигидан далолат беради. “Лазги”ни ҳаётсеварликни улуғловчи, тарғиб этувчи шараф ва гўзаллик рақси дейиш мумкин. Турли миллатларни бир даврага жам қилувчи, уларни бирлаштирувчи асос ҳаётсеварлик ва муҳаббатдир. “Лазги” ўзининг шундай мўъжизага эгалиги билан ажралиб туради. “Лазги”нинг қадим илдизларида Хоразм рақс мактабига оид энг нозик элементларнинг моҳияти мужассам. “Масҳарабоз Лазгиси”, “Қайроқ Лазгиси”, “Дутор Лазгиси”, “Сурнай Лазгиси”, “Сарой Лазгиси”, “Чангак Лазгиси”, “Хива Лазгиси”, “Гармон Лазгиси”, “Хоразм Лазгиси” каби бир-бирини такрорламайдиган тўққиз мухташам асар ўзбек миллий рақс санъатининг қанчалар серқирра эканлигини англатувчи бебаҳо хазинадир. “Лазги” нафақат ўзбекларнинг, балки дунё халқларининг меҳрини қозонган гўзал рақсина

²⁸ Каримова Р. Ўзбек рақслари. Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2003. Б.-3.

эмас, балки сирли мусика, сеҳрли сўзга вобаста муаззам асар сифатида намоён бўлади. “Лазги”нинг ҳаётбахш, жозибали кучи, инсон кайфияти ва руҳиятини кўтаргувчи сеҳри ҳақиқий мўъжиза эканлигини, дунё саҳналарини, турли тилда сўзлагувчи одамларни бир-бирига яқинлаштиргувчи муҳим восита эканлигини бугун бутун жаҳон эътироф этмоқда. “Лазги”нинг тарихи, унинг “Авесто” билан боғлиқ жиҳатлари, миллий қадриятлар ва анъаналарни жамловчи хусусиятлари, 9 та “Лазги”нинг мифологик илдизлари, бир - бирига яқин ва фарқли томонлари, улар билан боғлиқ афсоналар, ривоятлар, асрлар мобайнида тилдан-тилга ўтиб келадиган айтимлар рақснинг жозибадорлигини янада оширади. Қозоғистон ўзбеклари орасида машҳур “Лазги” туркумининг лингвомаданий, лингводидактик жиҳатларини ўрганиш, уни асраб-авайлаш, замонавий ижро услублари намуналари билан янада такомиллаштириш, унинг ижтимоий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини олимлар ва ижрочи мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, Ўзбекистон халқ артисти Г.Матёкубованинг фикрича, “Лазги” рақси миллий қадриятларга асосланган алоҳида хусусиятлари ва ўзига хос тараққиёт боскичлари билан муҳим аҳамият касб этади. Миллий рақслар улар учун нафақат саҳна томошаси, балки ҳаётсеварликнинг таркибий қисмидир. Рақслар фақат вақтни чоғ ўтказиш, кўнгилни кўтариш воситаси эмас, айнаи чоғда бу ўзига хос маданият белгиси ҳисобланади. Инсонларни яқинлаштиради, уларни яхшилик ва эзгуликларга даъват этади. Бу улугъ эътироф ўзбек халқи номини дунёга танитаётганлар сафида “Лазги” рақси алоҳида нуфузга эга эканлигини билдириш баробарида санъаткорлар,



санъатшунослар ва амалиётчи педагоглар зиммасига улкан масъулият юклайди”²⁹. Дарҳақиқат, жозибали “Лазги” Хоразм воҳасида шаклланиб, бутун Ўзбекистон ҳудудида, шунингдек, Марказий Осиёда яшовчи ўзбек халқлари орасида ҳам кенг тарқалган. Энг муҳими, “Лазги” рақси доимий ва муттасил ҳаракатдаги, ўсиб-ўзгаришдаги, давр ўтгани сайин сайқалланиб, такомиллашиб бораётган тараққиёт жараёнидир. Бу рақс VIII-XX асрнинг бошларигача Хоразмшоҳ –

хонликлар даврида сарой базмларида ҳам ўзига хос равишда ижро этиб келинган, қўшни давлатларда ҳам кенг тарқалган. Қозоғистон ўзбекларининг қадимдан ҳозирги кунга қадар Наврўз, Меҳржон, Ҳосил байрамлари каби халқ сайилларининг, бешик тўй, мучал тўй, никоҳ тўй, кейинчалик суннат тўйларнинг, оддий оилавий тадбирларнинг кўрки ва гултожи ҳам барчани бирдек даврага тортадиган жўшқин “Лазги” ҳисобланади. Шунингдек, у фаровонлик рамзи бўлиб, рақс учун махсус либос, безак ва тақинчоқларнинг зарурати қадим замонлардан бошлаб анъанавий ҳунармандчилик турларининг кенгайиши ва равнакига сабаб бўлди. Бу сеҳрли рақс XX асрнинг 30-40 йилларида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кенг тарқалди. XX асрнинг иккинчи ярмидан Тошкент шаҳри Хоразм “Лазги”сининг нафақат анъанавий-маърифий, балки профессионал-саҳнавий шакллари тарқалишида ўзига хос марказга айланди. Қозоғистоннинг Чимкент, Туркистон, Жамбул, Алмати шаҳарларида ҳам кенг тарқалди. Туркий халқлар учун маданий мерос ва миллий қадриятларни асраш энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир. Зеро, ҳар бир миллат ўз келажагига назар ташлар экан, энг аввало, ўзининг ўтмиши, тафаккур салоҳиятини чамалаб кўриши зарур. Қозоғистон ўзбеклари миллий рақсларининг, хусусан “Лазги” туркумининг тизимли таълими ва кенг миқёсда тарғиб қилиниши дунёга ҳайрат кўзи билан боқадиган ёшларимизнинг тафаккури ва зеҳнини янада чархлаб, икки қардош халқ ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлашда ўзига хос омил вазифасини ўтайди. Санъатшуносларнинг фикрича, “Ҳар бир миллий рақс ўзи мансуб

²⁹ Каримова Р. Ўзбек рақслари. Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2003. Б.-3.

халқнинг миллий хусусиятларини акс эттиради ва халқ мусиқаси ҳамда қўшиқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Миллий рақс – халқ томонидан яратилади ва унинг маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади”³⁰.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тинчлик ва биродарлик маданияти, энг аввало, миллий маданиятлар мулоқоти, ўзаро ишонч ва бағрикенглик фалсафасидир. Санъат ва маданият орқали ёшларимиз бир-бирини ҳурмат қилиш, янада яқинлашиш, умуминсоний фазилатларни биргаликда қадрлаш илмини ўрганадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азилханов М.О. Миллий маданиятлар интеграцияси – халқаро ҳамкорлик воситаси. ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Бедорлик” эшиттириши. 2022йил, 26 сентябрь.
2. Тохтасимов Ш. <https://uza.uz/oz/society/>
3. Ҳошимжонов И., Қирғизбоев Ғ., Турдиқулов Б., Турсунметов С. Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек маданияти марказига 25 йил. Чимкент.: 2019.
4. Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан... Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди.Шимкент.: 2019.
5. Туркистон тарихи. Тўплам. 1-ж. Чимкент.: 2018.
6. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1994.
7. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Биринчи китоб. Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
8. Ўзбек хореографияси санъатида ворислик масалалари. Тўплам. Тошкент, 2015.
9. Володькина Н.А.Урок народно-сценического танца. Санкт-Петербург, изд.”Планета музыки”, 2019.
10. Матёкубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. “Хоразм Лазги рақси”: тарихи ва тавсифи. Тошкент, 2022.
11. Матёкубова Г. “Лазги” рақси: тарихи ва тадқиқи. Монография. Тошкент.: “Фан зиёси” нашриёти, 2023.

LINGVOPOETIKANING TADQIQOT OBYEKTI VA PREDMETI XUSUSIDA

Yusubova Rano Norboyevna(Navoiy,O‘zbekiston)

Navoiy davlat pedagogika instituti

O‘zbek tilshunosligi kafedrası professori, f.f.d. (DSc)

Annotatsiya: Lingvistika sohasiga oid har bir fanning o‘rganish ob’ektida avvalo til va inson munosabati yotadi, mavjud har bir fan ushbu munosabatga o‘zining predmetidan kelib chiqqan holda yondashadi. XX asrda alohida filologik fanni – badiiy adabiyot tili fanini yaratish zarurligi, badiiy asar tilini o‘rganuvchi filologiya sohasi sifatida lingvopoetikaning ob’ekti va predmeti to‘g‘risidagi g‘oyani rivojlantirdi. Ushbu maqolada lingvopoetikaning tadqiqot ob’ekti va predmetiga doir ilmiy mulohazalar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: lingvopoetika, badiiy adabiyot, tadqiqot ob’ekti, tadqiqot predmeti, stilistika, til birliklari, pragmatik intensiya.

Аннотация:В объекте изучения каждой науки, относящейся к области лингвистики, прежде всего лежит язык и отношение человека, каждая существующая наука подходит к этому отношению исходя из своего предмета. В 10 веке возникла необходимость создания отдельной филологической науки – науки о языке художественной литературы, изучающий язык художественной литературы развил представление об объекте и предмете лингвопоэтики как области филологии. В данной статье рассматриваются научные соображения об объекте и предмете исследования лингвопоэтики.

Ключевые слова: лингвопоэтика, художественная литература, объект изучения, предмет исследования, стилистика, единицы языка, прагматический замысел.

³⁰ Володькина Н.А.Урок народно-сценического танца. Санкт-Петербург.: изд.”Планета музыки”, 2019., с.7;

Annotation:In the object of study of each science related to the field of linguistics, first of all lies the language and the attitude of a person, each existing science approaches this attitude based on its subject. In the 10th century, there was a need to create a separate philological science – the science of the language of fiction, the student of the language of fiction developed an idea of the object and subject of linguopoetics as a field of philology. This article discusses scientific considerations about the object and subject of linguopoetics research.

Keywords: linguopoetics, fiction, object of study, subject of research, stylistics, units of language, pragmatic intent.

Rus tilshunosi A.A.Lipgart badiiy matnni lingvopoetik tadqiq etish yo‘nalishi matnning g‘oyaviy-badiiy mazmunini ta‘minlash va estetik effekt yaratishda lingvistik birliklarning qiyosiy ahamiyati va stilistik vazifalarini aniqlashtirishga yo‘naltirilganligini ta‘kidlaydi [1]. Shunday qilib, lingvopoetika filologiyaning lingvistik birliklarning estetik xususiyatlarini badiiy kontekst asosida o‘rganadigan sohasidir. Lingvopoetikaning asosiy tadqiqot **obyekti** muallif badiiy idrokining til birliklari vositasida avtomatlashtirilgan mexanizmi sanaluvchi badiiy matndir. Har qanday badiiy matnda qahramonning kechinmalari va istaklari olami, turli tomondan qaralganda ham, muallifning obyektiv hissiy-ixtiyoriy munosabati, ya‘ni muallifning qarashlari, istaklari bilan halqa kabi o‘rab olingan holda tugatiladi[2]. Lingvopoetik tahlil idiosstil tushunchasi bilan ham chambarchas bog‘liq bo‘lib, ushbu tushuncha muallifning istalgan lingvistik vositani tanlashi asosida badiiy matn ifoda shaklini pragmatik niyatiga mos tarzda shakllantirishidir, idiosstil muallifning til oldidagi imtiyozlaridan foydalana olish darajasini, o‘z tilini yaratish imkoniyatiga egaligini belgilaydi.

Poetik matnda ijodkor badiiy niyatini ifodalash uchun poetik yuk olgan nomni (poetonim), obrazlashtirilgan pafosni yaratadi va bu nom ijodkor she‘riyatining badiiy etaloniga aylanadi. Ushbu ko‘rinishni Usmon Nosir va Abduvali Qutbiddin ijodidagi kuzatishlarimiz asosida ko‘rsatsak. Usmon Nosirning *Nasima*, Abduvali Qutbiddinning *Osima* ramziy poetonimlarini qo‘llashlari ularga xos betakror idiosstilni belgilab beradi. Mas., Usmon Nosirda: *Yo‘q, hali hammasi o‘tganmas, Ko‘p hali hayotdan nasibam. Silligim bezarar, hech gapmas, Borini ko‘raman, Nasimam, Yo‘q, hali hammasi o‘tganmas!* A.Qutbiddinda: *Sendan ko‘rgan kunim, Osima, Sendan neki topgan bo‘lsam, tasalli, Bir qoshiq qonimdan kechgan gulxayri O‘zingsan, jabrimga Sabring masalliq. Yoki Ko‘zimdan o‘pib qo‘y, Osima! Senga olma bergum mag‘z-mag‘zi oltin. Tishlasang, tishlaring hammasi tilla, Lablaring yolqin...*

Lingvopoetikaning predmetini til birliklarining shakl va mazmunining badiiyatga transform qilinishi natijasida badiiy to‘liqlikni ta‘minlashini badiiy matnlar misolida o‘rganish tashkil qiladi.

Soha nomidan ma‘lumki, lingvistika va poetika masalalari mushtaraklikda, bir-biridan uzilmagan tarzda o‘rganiladi, aks holda, til birliklarini qo‘llashdagi individuallik, ijodkorga xos idiosstil, natijaviy maqsad mohiyati ochilmay qoladi. Filologiyaning muhokamasi fanni anglash, avvalo, matnni tushunishga qaratilgan ekan, o‘rganish va talqin qilishning asosiy ob‘ekti bo‘lib xizmat qiluvchi badiiy matn o‘quvchidan tortib tadqiqotchiga qadar idrokiy faollikni talab etadi. Shu sabab ham lingvopoetika filologiyaning badiiy kontekstda lingvistik birliklarning estetik xususiyatlarni o‘rganadigan sohasi sifatida ko‘rsatiladi. Badiiy matnni idrok etishga yo‘l badiiy mazmun va obrazli ifodani bir butun sifatida idrok etish orqali ochiladi. Har bir badiiy matnda o‘quvchi idroki lingvistik tafakkurning bir balandligidan ikkinchi balandligiga tomon yuqorilab boraveradi – yangi bosqichga ko‘tariladi. Tilning turli sath birliklari o‘zgarib, yangilanib, sayqallanib, estetik ifoda imkoniyatlarining yangi eshiklarini ochib beradi. Shunday o‘rinlarda ayrim til birliklari lingvopoetik tahlil mavzusiga aylanadi, o‘rganilayotgan asarda til birliklari muallifning pragmatik maqsadini ifodalash uchun ko‘zlanganligiga duch kelinadi. Boshqacha qilib aytganda, dastlab lingvopoetikaning predmeti badiiy asarda qo‘llaniladigan lingvistik vositalar majmuiga qaratilgan, ular yordamida muallif g‘oyaviy-badiiy g‘oyasini mujassam etilishi, estetik ta‘sirni ta‘minlashi o‘rganilgan. Lingvopoetik tahlilning maqsadi aynan u yoki bu til birligi muallif tomonidan badiiy ijod jarayonida qanday mazmuniy “qiyofa”da aks etishi, so‘zlarning u yoki bu birikmasi ushbu estetik effektini yaratishga olib kelishini aniqlash bo‘lgan.

Ta‘kidlanganidek, stilistika ham badiiy matnning ekspressivligini aniqlash uchun potensial

darajada zarur bo'lgan til birliklarini o'rganadi. Badiiy matnda fonetik, leksik-frazeologik, turli sintaktik birliklarning, affiksial morfemalarning ifoda xususiyatlari, tarixiy istiqboli (eskirgan va yangilik bo'yog'iga ega til birliklari, individual okkazonalizmlar), estetik qimmatiga e'tibor qaratiladi. To'g'ri, stilistika ko'chimlar, stilistik figuralar, sinonimlar, antonimlar, omonimlar kabi an'anaviy vositalarning ekspressivlikni hosil qilish jihatlari o'rganish bilan chegaralanmaydi. Balki badiiy matnda ekspressivlikni yuzaga chiqarish imkoniyati yuqori bo'lgan jami til birliklarining estetik qimmatini o'rganadi. Lingvopoetikaning o'rganish ob'ekti to'laligicha badiiy matn tili ekan, bunda badiiy matn tarkibiy qismi murakkab semantik, funksional-grammatik va pragmatik uyushuvchanlik xarakteriga ega bo'lgan, muallif idiosilini belgilovchi yaxlit kommunikativ-estetik tuzilma sifatida o'rganiladi. Stilistikadan farqli o'laroq, lingvopoetikada til birliklarining estetik imkoniyatlari alohida, muallif intensiyasidan, idiosilidan ajratilmagan holda o'rganiladi. Chunki badiiy matn derivatsiyasi mustahkam sistemali, ierarxik munosabatga ega, natijada tanlangan forma va semantika muallifning yangi va yangi badiiy pragmatik intensiyalari yig'indisini vujudga keltiradi.

Masalan, she'riyat tili tabiiy til mavjudligining eng yuqori shakli bo'libgina qolmay, badiiy tilning ham betakror ko'rinishi, tilda mavjud olam haqidagi yashirin bilimlarni ruhiyat fonida yuzaga chiqaradi. Olamning badiiy manzarasi ijodkor tomonidan yaratilgan badiiy asarda ifoda etilar ekan, ijodkor tafakkur mahsulini kitobxon "o'zlashtira bilishi" asosiysi emas, balki tafakkurida sintezlashi, xulosalay olishi; ijodkor ko'zda tutgan emas, o'zi anglagan lozimdir. Shoir va she'r tushunchalarini badiiy obrazlashtirishda ijodkorlar qarashlari perseptiv planda mushtarak: E.Vohidovning "She'r qalbi" she'rida *Shoir qalbi go'yo anor, She'ri uning sharbati. Bo'lmas ekan she'r ahlining O'z qalbiga shafqati* misralariga Usmon Azimning ushbu mavzuga bag'ishlangan "Tong titraydi kech kuzakning quchog'ida..." deb boshlanuvchi she'rida *Tong titraydi kech kuzakning quchog'ida, Yulduzlarni o'chirmoqda gulgun shafaq. Jonim, qalbm she'riyatning pichog'ida... Zamin - tilsim, osmon - tilsim... she'r - beshafqat!* misralari monanddek. E.Vohidov shoir va she'rni anor va uning sharbatiga qiyos etadi, shoirni o'ziga nisbatan beshafqat deb ataydi; U.Azim uchun she'r beshafqat, she'r – she'riyatning pichog'i. Bu ikkala she'rda mazmun go'yo bir-birini inkor etgan individual metafora, o'xshatish va parafrazalardan tuzilgandek, aslida maqsad bitta: she'riyat – ehtiyoj yaratilmasi.

O'zbek tilshunosligida lingvopoetikani chuqur tadqiq etgan olim M.Yuldashev ham badiiy asar tilini o'rganishda keng tarqalgan ikki asosiy yo'nalishni kuzatish mumkinligini X.Doniyorov va S.Mirzayevlarning «So'z san'ati» deb nomlangan kitoblaridagi quyidagi ta'rif bilan keltiradi: «Tildagi o'sish-o'zgarishlarni o'rganishni o'z oldiga vazifa qilib qo'yadigan aspekt – lingvistik aspekt, yozuvchining umumxalq tiliga bo'lgan munosabati, til boyliklaridan foydalanishi, yozuvchi mahorati, stili haqida xulosa chiqaruvchi aspekt – stilistik aspekt»[3]. Badiiy matnni stilistik aspektda o'rganish tilning vazifalarini ham chegaralab qo'ydi, natijasi o'laroq, tilning kommunikativ va estetik vazifasidan boshqa vazifalari e'tibordan chetda qoldi. Badiiy matn – matn turlari ichida g'oyat murakkab nutqiy tuzilma, til birliklarini qo'llash uchun qat'iy shartlar, qoidalar mavjud emas, badiiy ehtiyoj sabab anomaliya holati ko'p kuzatiladi, biroq badiiy kontekstda ham anormal qo'llanishlarda me'yorga amal qilish talab etiladi.

Adabiyotlar:

1. Липгарт А.А. Лингвопоетическое исследование художественного текста: теория и практика (на материале англ. лит. 16 – 20 вв.): Дисс. ... д-ра филол.наук: [в 2 т.]. – М., 1996.
2. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М.:Искусство, 1986.
3. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik thlili asoslari. -T:Fan, 2007.

TANZİMAT ROMANININ KARAKTERİSTİĞİ VE KÜLTÜREL BOCALAMANIN İKİ AKTÖRÜ: FELÂTUN BEY VE BİHRUZ BEY

Bahtiyar Aslan* (Türkiye)

ÖZET

Tanzimat Dönemi, Osmanlı Devleti'nin yüzünü Batı'ya döndüğü, dolayısıyla yüz yıllardır “öteki” olarak tanımladığı bir dünyaya öykünmeye başladığı dönemin adıdır. Bu öykünmenin doğru anlaşılması, Batılılaşmanın epistemolojik ve ideolojik temellerinin de doğru anlaşılmasına bağlıdır. Bu bağlamda, Batılılaşmayı konu edinen dönem romanlarının da aynı kriterler göz önünde bulundurularak değerlendirilmesi, genelde Türk edebiyatının Batılılaşma serüveninin, özelde de Türk romanının doğuş macerasının doğru anlaşılmasına katkı sağlayacaktır. Ahmet Mithat Efendi'nin Felâtun Bey ile Râkım Efendi romanının kahramanlarından Felâtun Bey ve Recaizade Mahmut Ekrem'in Araba Sevdası romanının kahramanı Bihruz Bey, dönemin psikolojik, ideolojik ve epistemolojik durumunu yansıtan iki kahramandır. Her iki kahraman da öteden beri yanlış Batılılaşmanın temsilcisi olarak ele alınır. Ancak iki kahraman da aynı zamanda yanlış Doğuludurlar. Felâtun Bey ve Bihruz Bey'in en karakteristik özelliği bu iki kültür ve medeniyet dairesinden birine ait olamamalarıdır. Bu gerçeğin arka planında aslında Tanzimat dönemi aydınlarının yaşadığı düallite/ikilem yatmaktadır. Osmanlı kültür ve medeniyet dünyasına doğmak, ötesi bu kültür ve medeniyet dünyasının içinde büyümek ama sonunda kendisinin karşıtı olan bir dünyanın değerlerini benimsemek zorunda kalmak ya da bunu tercih etmek gibi bir durum vardır. Yaptığımız bu çalışmada, söz konusu iki kahramanın yaşadığı kültürel bocalama/düallite dönemin epistemolojik ve psikolojik şartları göz önünde bulundurularak irdelenecektir.

Anahtar Kelimeler: Tanzimat dönemi romanı, Alafranga züppelik, Batılılaşma, Felâtun Bey, Bihruz Bey

Аннотация. В методике обучения языкам одним из основных требований как при обучении родному языку, так и при обучении иностранному языку становятся методы и технологии коммуникативного обучения, которые в последние годы рекомендуются к активному внедрению. Ведь знание родного или иностранного языка требует не только знания грамматического строя, лексического богатства языка, но и правильного и на месте употребления слов и предложений, даже наречий при вступлении в общение. В данной статье представлена информация об истории возникновения, становления и развития коммуникативного обучения, теории коммуникативной компетентности, технологии и методах коммуникативного обучения.

Ключевые слова. язык, методика, коммуникативное образование, коммуникативная

компетентность, метод, преподаватель

Abstract. Communicative education methods and technology, which are recommended to be actively implemented in language teaching methodology in recent years, are becoming one of the main requirements in both mother tongue and foreign language teaching. After all, knowing the mother tongue or a foreign language requires not only knowledge of the grammatical construction and lexical richness of the language, but also the correct and appropriate use of words and sentences, even phrases, when communicating. This article provides information about the history of emergence, formation and development of communicative education, theory of communicative competence, technology and methods of communicative education.

Key words: language, methodology, communicative education, communicative competence, method, teacher

Чет тилларини ўқитишга коммуникатив ёндашувни ривожлантириш тилнинг коммуникатив назариясига асосланади. Тил ўрганиш мақсади Дели Хаймс "коммуникатив компетенция" деб атайдиган малакани эгаллашга айланди [11 : 217–239]. Дели Хаймс ушбу атамани – тилга бўлган коммуникатив нуқтаи назарни Хомскийнинг компетенция назариясига қарама-қарши қўйиш учун киритди [12 : 316–333]. Зеро, Н.Хомскийнинг фикрича, тил назарияси мутлақо бир хил нутқ ҳамжамиятидаги идеал сўзловчи-тингловчи билан шуғулланади [8 : 182—191]. Бундай идеал одам тилни мукаммал билади ва хотиранинг чекланганлиги, диққатни чалғиши, қизиқишнинг фарқли бўлиши ва шу каби бошқа омилларга таъсир қилмайди [9 : 81—86]. Хомский учун тил назариясининг асосий вазифаси сўзловчининг мавҳум қобилиятларини тавсифлашдан иборат бўлиб, унга чет тилида грамматик жиҳатдан тўғри гапларни яратишга имкон беради, Хаймс бу нуқтаи назарни самарасиз деб ҳисоблади; чунки тил назарияси умумийроқ мулоқот ва маданият назариясининг бир қисми сифатида қаралиши керак [12 : 316–333]. Хаймснинг коммуникатив компетенция назарияси маълум бир нутқ жамоасида тушунилиши учун маърузачи нимани билиши кераклиги ҳақидаги таърифга айланди. Хаймсга кўра, коммуникатив компетенцияга эга бўлган шахс қуйидаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда тилни билиш ва ишлатиш қобилиятига эга [10 : 74]:

- сўз ёки ибора расмий нутқда қўлланиладими (ва қай даражада);
- сўз ёки ибора қўлланилаётган ва баҳоланаётган контекстда мақбулми (ва қай даражада);
- сўз ёки ибора борми (ва қай даражада) маъно ифодалашнинг мумкин бўлган воситалари нуқтаи назаридан мос келади.

Коммуникатив ёндашувнинг асосини ташкил этган мулоқотнинг яна бир лингвистик назарияси М.Холлидейнинг тилдан функционал фойдаланишга асосланган қарашидир. “Тилшунослик нутқий ҳаракатлар ёки матнларни тавсифлаш билан шуғулланади, ҳолбуки, тилни ҳаракатда ўрганиш орқалигина унинг барча функциялари ва маъно қирраларини кўриб чиқиш мумкин” [1 : 145; 2]. М.Холлидей она тилини ўрганаётган бола учун тил бажарадиган еттита асосий функцияни аниқлади:

1. Инструментал функция - бирор нарсани олиш учун тилдан фойдаланиш.
2. Тартибга солиш функцияси - бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини бошқариш учун тилдан фойдаланиш.
3. Интерактив функция - бошқа одамлар билан мулоқот қилиш учун тилдан фойдаланиш.
4. Шахсий функция - ўз ҳис-туйғуларини ва фикрларини ифодалаш учун тилдан фойдаланиш.
5. Эвристик функция - дунёни ўрганиш ва билиш учун тилдан фойдаланиш.
6. Тасвирий функция - тил ёрдамида ҳаёлот дунёсини яратиш.
7. Репрезентатив функция - ахборотни етказиш учун тилдан фойдаланиш.

Коммуникатив ёндашув тарафдорлари чет тилини ассимиляция қилиш бир хил тамойилларга мувофиқ - маълум бир функцияни ифодалашнинг лингвистик воситаларини

ассимиляция қилиш билан содир бўлади, деб ишонишган.

Бир неча йил ичида таълимга бундай ёндашув Ғарбий Европа ва Америка методологиясида етакчи мавқега эга бўлди. Ўтган асрнинг 60-йилларида Европа Кенгашининг ишига асосланиб, "коммуникатив инқилоб"нинг биринчи тўлқини тил бирликларини коммуникатив функцияга (америкалик тилшуносларнинг терминологиясида нутқ акти) кўра гуруҳлаш ғоясига асосланган эди, масалан: узр сўраш, илтимос, маслаҳат ва ҳ.к. Тил ва функция ўртасида тўғридан-тўғри муносабатни ўрнатиш кўпинча мумкин эмас эди, чунки бир хил вазифани бир қанча лингвистик воситалар билан бир қаторда тилга оид бўлмаган воситалар билан ҳам ифодалаш мумкин. Бироқ, тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатилиши мумкин бўлган жойларда (масалан, узр сўраш, рухсат сўраш ва бошқалар) бу метод ҳақиқий лингвистик тавсиф учун эмас, фақат таълим учун келишув шакли сифатида кўриб чиқилди. Тилнинг бундай бирликлари "намуналар" деб номланган. Расмий услубдан норасмий услубгача бўлган "худуд"ни қамраб олган "намуналар" тўплами ҳар қандай тил функцияси билан боғланиши мумкин. Талабаларга кўпинча грамматика ҳисобига бундай "намуналар" ўргатилган. Ривожланишнинг ушбу босқичида чет тилини ўргатишнинг ўзига хос усули ҳали таклиф қилинмаган, шунинг учун "тингланг ва такрорланг", "тингланг ва давом этинг" каби машқлар дарсда қўлланила бошланди. Бундай намунавий ибораларнинг нутқда қўлланилиши кўп жиҳатдан тўғри ритм ва интонацияга боғлиқ. Шундай қилиб, ҳар хил турдаги "машқлар" ўрганишнинг асосий воситаси бўлиб қолди.

Коммуникация инқилобининг иккинчи тўлқини 1980-йилларнинг бошларида пайдо бўлиб, асосан Буюк Британиядан тарқалди. Унинг асосий тамойили ўқувчилар нутқининг тўғрилиги ва унинг равлонлиги устида ишлаш бўлди. Нутқ тўғрилигини шакллантиришнинг мақсади тилнинг янги бирликларини (грамматик қолиплар, функционал моделлар, луғат ва ҳ.к.) эслаб қолиш бўлса, нутқ равлонлигини таъминлаш мақсади ўрганилаётган материалдан нутқда фойдаланишга ЭМАС, талабаларни эркин мунозарага жалб қилишга қаратилган. Чет тили ўқитувчилари ушбу икки турдаги ишнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини кўришни ўргатишга ҳаракат қилганда, нутқнинг тўғрилиги устидаги ишлар муқаррар равишда равлонлик устида ишлашга айланади. Нутқнинг тўғри ёки равлонлигига қаратилганлигидан қатъи назар, барча коммуникатив вазифаларнинг асосий тамойили "ахборот бўшлиғи" эди.

«Коммуникатив инқилоб» чуқур асосларга эга эди. "Ахборот бўшлиғи" орқали у нутқнинг тўғрилиги ва унинг равлонлигига ўргатишнинг барча жабҳаларига кириб борди. Ахборот бўшлиғидан фойдаланган ҳолда нутқнинг тўғрилигига ўргатиш вазифасига мисол сифатида талабалар бир-бирларидан кундалик фаолияти ҳақида сўрашганда қўлланиладиган "коммуникатив машқлар"ни эслатиб ўтишимиз мумкин. Нутқнинг тўғрилигига ўргатишда ахборот бўшлиғидан фойдаланишга қаратилган вазифага мисол сифатида талабаларнинг бирон-бир ҳақиқий муаммони муҳокама қилганда киришадиган эркин муҳокама усули эътиборга лойиқдир. Ўқитувчи муҳокамани тўхтатмайди, унга аралашмайди, йўл қўйилган хатоларни кейинроқ кўриб чиқиш учун қайд этади, холос.

70-йилларнинг охирида Стивен Крашени томонидан ишлаб чиқилган чет тилини ўқитиш назарияси тарқалди, унга кўра талабалар "ҳақиқий мулоқот рационига риоя қилсалар" (боланинг она тилини ўрганиши каби) чет тилини ўрганишади, аммо улар фақат тилни ўрганишади, чунки улар машқлар билан тил ўрганишади [4]. Натижада кўпгина чет тили ўқитувчилари онгсиз "ўрганиш" онгли "ўрганиш"дан кўра самаралироқ ва яхшироқ деган фикрга келдилар. Бундай ўқитувчилар синф ўзига хос ҳақиқий мулоқот учун жой бўлиши керак, деб қарор қилишди. Бу муносабат онгли равишда тил ўрганишдан деярли бутунлай воз кечиш эвазига ҳозир ҳам кўплаб аудиторияларда сақланиб қолмоқда. Энтони Ховатт коммуникатив таълимнинг кучли хилма-хиллиги деб атаган бу ўрганиш тури эди [3 : 24].

Ховаттга кўра, коммуникатив таълимнинг иккита тури мавжуд мавжуд:

- кучли коммуникатив таълим;
- заиф коммуникатив таълим.

70-йилларнинг иккинчи ярми - ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида машҳур бўлган "заиф коммуникатив таълим" версияси ўқувчиларни мақсадли тилдан коммуникатив мақсадларда фойдаланишга тайёрлашга қаратилган ва шунинг учун чет тилини ўргатиш жараёнига тегишли фаолиятни киритишга ҳаракат қилади. Коммуникатив таълимнинг "кучли" версиясида тилга мулоқот орқали эришилади, деган ғояни илгари суради, шунинг учун масала нафақат тил бўйича мавжуд пассив билимларни фаоллаштириш, балки тил тизимининг ривожланишини рағбатлантириш ҳақида ҳам кетади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар биринчи вариантни "фойдаланишни ўрганиш" деб қисқача тавсифлаш мумкин бўлса, иккинчисини "ўрганиш учун фойдаланиш" деб аташ мумкин.

Бирок, ўшандан бери коммуникатив таълимнинг бир қанча турли ўрганиш ва идрок этишга асосланган аралаш моделлари пайдо бўлди. Ва мазкур аралаш модел ҳозирги пайтда энг машҳур бўлиб кўринади, чунки ўқувчи доимо иккала жараённи - ўрганиш ва идрок этишни - у ёки бунинг қанчалик фаоллигини эътиборга олган ҳолда ишлайди. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда ўқитувчи ушбу механизмларни ўқувчилари томонидан қандай, қандай кетма-кетликда ва қандай интенсивлик билан қўллашига таъсир қила олмайди, деб ишонилади.

Баъзи тадқиқотчилар учун тилни ўрганишнинг коммуникатив усули грамматика ва функционал ўрганишнинг оддий бирлашувидан кўра кўпроқ нарсани англатади.

Уиллям Литтлвуднинг фикрича, коммуникатив тил таълимининг муҳим хусусиятларидан бири тилнинг ўша жиҳатларидир. Баъзилар бунинг ўқувчиларнинг нутқий фикрлаш вазифаларини ҳал қилиш жараёнида барча тўпланган лингвистик салоҳиятдан фойдаланган ҳолда жуфтлик ёки гуруҳларда ишлайдиган фаолиятдан фойдаланиш деб ҳисоблашади. Масалан, бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитиш миллий дастури, асосий тамойили коммуникатив шарт-шароит тамойили бўлиб, тил шакллари билан белгилайди» [5; 6 : 243-249]. Ушбу ҳужжатнинг кириш қисмида коммуникатив мақсадлари жуда бошқача бўлиши мумкинлиги айтилади:

- контент даражаси (тил алоқа воситаси сифатида);
- лингвистик ва инструментал даража (тил, семиотик тизим ва ўрганиш объекти);
- шахслараро муносабатлар ва ҳулқ-атворнинг ҳиссий даражаси (тил ўзи ва бошқалар ҳақида баҳолаш ва мулоҳазаларни ифодалаш воситаси сифатида);
- индивидуал таълим эҳтиёжлари даражаси (хатоларни таҳлил қилиш асосида тузатувчи таълим);
- умумий таълим даражаси.

Ушбу мақсадлар умумий, ҳар қандай ўқув шароитида қўлланиладиган мақсадлар ўлароқ қабул қилинади. Коммуникатив таълимнинг мақсадларини аниқроқ тавсифлаб бўлмайди, чунки ўқитиш талабаларнинг эҳтиёжларига қаратилган. Ўқиш, ёзиш, тинглаш ёки гапиришга устунлик берилиши мумкин. Ҳар бир аниқ курс бўйича режа ва ўқув мақсадлари талабаларнинг эҳтиёжлари ва уларнинг тайёргарлик даражасига мувофиқ коммуникатив компетенциянинг ўзига хос томонларини акс эттиради.

Коммуникатив таълим мақсадларини аниқлашда камида иккита иштирокчи иштирок этиши муҳимдир, бунда томонлардан бирининг нияти тил ўрганиш бўлса, иккинчи томон ўзаро таъсирда бўлган биринчи иштирокчининг нутқини у ёки бу тарзда ривожлантиради ёки унга муносабат билдиради.

Чет тилини коммуникатив ўқитишда асосий ўринни ўйин вазиятлари, шерик билан ишлаш, хатоларни топиш вазифалари эгаллайди, бу нафақат сўз бойлигини оширишга имкон беради, балки аналитик фикрлашга ўргатади. Коммуникатив техника - бу, биринчи навбатда, чет тилини ўрганишга прагматик ёндашув. Ўқувчини чет тилидан қисқа вақт ичида ҳаётда фойдаланишга тайёрлаш учун маълум даражада билимнинг фундаментал хусусиятини қурбон қилади.

Девид Нунан коммуникатив таълимнинг бешта асосий хусусиятини аниқлайди [7 :34]:

1. Ўрганилаётган тилда реал мулоқот орқали мулоқотга ўргатишга урғу бериш.
2. Ўқув вазиятига аутентик матнларни киритиш.

3. Талабаларга нафақат ўрганилаётган тилга, балки ўқув жараёнига ҳам диққатини қаратиш имкониятини бериш.

4. Ўқув жараёнининг элементларидан бири сифатида тингловчиларнинг шахсий тажрибасини жалб қилиш.

5. Тилни академик ўрганишни унинг ҳақиқий мулоқотда қўлланилиши билан боғлашга уриниш.

Коммуникатив ёндашувнинг машҳур намояндаларидан бири Д.Браун бундай ўрганишга қуйидаги тавсифни беради: “Биз мулоқотнинг грамматик элементларидан ташқари, тилнинг ижтимоий, маданий ва прагматик хусусиятларининг табиатини ҳам ўрганамиз. Биз синфда “ҳақиқий” мулоқотни яратишнинг педагогик воситаларини ўрганамиз. Биз ўқувчиларимизга нафақат тўғри сўзлашни, балки равон сўзлашни ҳам ўргатишга ҳаракат қиламизки, бу масала кўп асрлар давомида чет тили ўқитувчиларини қизиқтириб келган. Биз ўқувчиларимизни синфдан ташқарида тайёрланмаган нутқни яратиш учун воситалар билан таъминлаймиз. Биз ўқувчиларимизни фақат бир лаҳзалик синф топшириқлари билан эмас, балки бутун умри давомида чет тилини ўрганишга ундаш ҳақида қайғурамыз. Биз талабаларни биргаликдаги фаолиятда тенг ҳуқуқли шериклар деб ҳисоблаймиз. Бизнинг синфдаги машқларимиз талабаларни тилни ўзлаштиришда энг яхши натижаларга эришишга илҳомлантирадиган ҳар қандай воситаларни топишга қаратилган.

Коммуникатив таълим бўйича адабиётларда тилнинг коммуникатив жиҳатлари батафсил муҳокама қилинади, бироқ тилни коммуникатив ўрганиш назарияси амалда тасвирланмаган. Унинг айрим элементларини коммуникатив таълим вазифаларида кўриш мумкин. Ушбу элементлардан бирини коммуникативлик тамойили деб аташ мумкин, унга кўра ҳақиқий мулоқотни ўз ичига олган фаолият тил ўрганишга ёрдам беради. Иккинчидан, ўқувчи учун мазмунли бўлган, ўрганишга ҳисса қўшадиган вазифаларни бажариш учун тилдан фойдаланиладиган вазифалар аҳамиятли тамойил сифатида шакллантириш мумкин. Учинчидан, - ўқувчи учун маълум бир аҳамиятга эга бўлган тил ўқув жараёнига ҳисса қўшади. Ўқув топшириқларининг турлари ва уларнинг тартиби талабани тилдан фаол мазмунли фойдаланишга жалб қилиш даражасига қараб танланади.

Бироқ, коммуникатив таълим соҳасидаги сўнгги тадқиқотларда коммуникатив ёндашувга мос келадиган тил ўрганиш назариясини таърифлашга ҳаракат қилинади. Бизнингча, тилни коммуникатив ўрганиш назариясини ўқувчиларнинг лингвистик, ижтимоий, когнитив ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш керак, деган ҳулосага келди.

Бошқа олимлар (масалан, С. Красен) тилни коммуникатив ўргатиш билан мос келадиган тамойилларни ишлаб чиқдилар. Юқорида айтиб ўтилганидек, у ўзлаштиришни тил кўникмаларини ривожлантиришга таъсир қилувчи асосий жараён деб ҳисоблайди ва уни ўрганишдан ажратади. Ўзлаштириш чет тилини реал мулоқотда қўллаш натижасида уни онгсиз равишда ўрганишга асосланади. Ўрганиш – грамматик билимларни ўқитувчи томонидан дастлабки тушунтиришдан кейин онгли равишда ишлатиш. Ўрганиш тилни ўзлаштиришга олиб келмайди. Спонтан нутқ жараёнида биз фақат тилнинг ўзлаштирилган тизимига мурожаат қилишимиз мумкин, ўрганилган тизим эса нутқнинг тўғрилигини фақат “назорат қилувчи” бўлиши мумкин. Красен ва коммуникатив таълимнинг бошқа тарафдорлари тил машқларида эмас, балки фақат нутқ жараёнида олинади, деб ҳисоблашади.

Коммуникатив таълимдаги ўқитувчининг роли анъанавий таълимдаги ўқитувчи ролидан анча фарқ қилади. Бунини қуйидагича таърифлашимиз мумкин:

Ўқитувчининг иккита асосий вазифаси бор:

Биринчиси, синфдаги барча ўқувчилар, турли топшириқлар ва матнлар ўртасидаги мулоқот жараёнини осонлаштириш.

Иккинчиси – мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида мулоқотда иштирок этиш. Бу икки вазифадан бир нечта иккинчи даражали вазифалар келиб чиқади:

- таълим манбаларини танлаш;
- ўқитувчининг ўзининг манбага айланиши;

- топшириқ ва машқларни бажаришда йўл-йўриқ кўрсатиш;
- ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиш.

Бундан ташқари, таҳлилчи, маслаҳатчи ва ўқув жараёнининг ташкилотчиси ролини ҳам бажаради.

Таҳлилчи сифатида ўқитувчи талабанинг когнитив эҳтиёжларини англай олиши ва уларни қондириш учун ҳамма нарсани қилиши керак. Бу норасмий тарзда, ҳар бир ўқувчи билан индивидуал мулоқотда амалга оширилиши мумкин. Бундай суҳбатларда ўқитувчи ўқувчи ўз таълим услуби ва воситаларини, таълим эҳтиёжлари ва мақсадларини қандай бўлиши лозимлигини аниқлаши керак. Расмий сўровномада ўқувчининг тилни ўрганишга бўлган мотивациясини аниқлашга қаратилган саволлар қўлланилади. Масалан, талабадан куйидаги фикрларни беш балли тизимда баҳолаш сўралиши мумкин (қатъий розиман - қатъиян қўшилмайман):

Менни ўрганмоқчиман, чунки:

- Ўйлайманки, қачондир яхши ишга киришимда менга фойдали бўлади.

- менга бу тилда гапирадиган одамларни ва уларнинг турмуш тарзини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

- ҳурмат қозонишимга ёрдам беради.

- менга қизиқарли одамлар билан танишиш ва мулоқот қилиш имконини беради.

- менга иш учун керак.

- менга шу тилда гапирадиган одамлар каби фикрлаш ва ўзимни тутишимга имкон беради.

Бундай сўровлар натижаларини таҳлил қилиш асосида ўқитувчи самарали тил ўқитиш методларини максимал даражада аниқлашга ҳаракат қилиши керак.

Коммуникатив ёндашув ўқув жараёнининг ўқувчига қаратилганлигини назарда тутди. Шунинг учун ўқитувчининг ўқув жараёни ташкилотчиси сифатидаги вазифаси синфда мулоқот ва коммуникатив вазифаларни амалга ошириш учун қулай муҳит яратишдан иборат. Машғулотлар давомида ўқитувчи ўқувчиларни кузатади, қўллаб-қувватлайди, лекин уларнинг луғатидаги бўшлиқларни тўлдирмайди; грамматик ёки коммуникатив янглишларни кейинги муҳокама қилиш ва ўқитиш учун ҳисобга олади; машқлар бажариб бўлингач, ўқитувчи фаолиятни таҳлил қилишга раҳбарлик қилади ва гуруҳга ўз-ўзини назорат қилишига ёрдам беради.

Чет тилини коммуникатив ўқитишда қўлланиладиган ўқув материаллари ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш керак. уларнинг деярли чексиз хилма-хиллиги кузатилади. Коммуникатив ёндашув тарафдорлари ўқув материалларини таълим коммуникацияси сифати ва тилдан фойдаланиш сифатига таъсир қилиш усули сифатида кўриб чиқадилар. Шундай қилиб, ўқув материаллари тилдан коммуникатив фойдаланишни рағбатлантиришда асосий рол ўйнайди.

EXTENDED ABSTRACT

Communicative education methods and technology, which are recommended to be actively implemented in language teaching methodology in recent years, are becoming one of the main requirements in both mother tongue and foreign language teaching. After all, knowing the mother tongue or a foreign language requires not only knowledge of the grammatical construction and lexical richness of the language, but also the correct and appropriate use of words and sentences, even phrases, when communicating. This article provides information about the history of emergence, formation and development of communicative education, theory of communicative competence, technology and methods of communicative education.

Based on the work of the Council of Europe in the 60s of the last century, the first wave of the "communicative revolution" was based on the idea of grouping language units according to the communicative function (speech act in the terminology of American linguists), for example: apology, request, advice, etc. It was often impossible to establish a direct relationship between

language and function, since the same task could be expressed by a number of linguistic as well as non-linguistic means. However, where direct relationships can be established (e.g., apologies, permission requests, etc.), this method has been considered only as a form of educational agreement, not for actual linguistic description. Such units of language are called "patterns". A set of "patterns" covering the "range" from formal style to informal style can be associated with any language function. Students were often taught such "patterns" at the expense of grammar. At this stage of development, a specific method of teaching a foreign language has not yet been proposed, so exercises such as "listen and repeat", "listen and continue" have been used in the lesson.

The second wave of the communications revolution emerged in the early 1980s, spreading mainly from Great Britain. Its main principle was to work on the correctness of students' speech and its fluency. If the goal of forming correctness of speech is to remember new units of language (grammatical patterns, functional models, vocabulary, etc.), the goal of ensuring fluency of speech is NOT to use the studied material in speech, but to engage students in free discussion. When foreign language teachers try to teach how these two types of work are closely related, work on correctness of speech inevitably turns into work on fluency. The basic principle of all communicative tasks, regardless of whether the focus was on correctness or fluency of speech, was the "information gap".

In the late 1970s, the theory of foreign language teaching developed by Stephen Krashen spread, according to which students learn a foreign language if they "follow a real communication diet" (like a child learning his mother tongue), but they only learn the language because they learn the language through exercises. As a result, many foreign language teachers have come to the conclusion that unconscious "learning" is more effective and better than conscious "learning". Such teachers decided that the classroom should be a place for authentic communication. This attitude persists in many audiences even now, at the cost of a conscious almost complete abandonment of language learning.

In the communicative teaching of a foreign language, the main place is occupied by game situations, working with a partner, finding mistakes, which not only allows to increase vocabulary, but also teaches analytical thinking. Communicative technique is, first of all, a pragmatic approach to learning a foreign language. In order to prepare the student to use the foreign language in life in a short period of time, it sacrifices to some extent the fundamental nature of knowledge.

However, recent research in the field of communicative learning attempts to define a theory of language learning that is consistent with a communicative approach. In our opinion, it was concluded that the theory of communicative language learning should be developed taking into account the linguistic, social, cognitive and individual characteristics of students.

Communicative approach assumes that the learning process is focused on the student. Therefore, the task of the teacher as an organizer of the educational process is to create a comfortable environment for the implementation of communication and communicative tasks in the classroom. During the lessons, the teacher observes the students, supports them, but does not fill in the gaps in their vocabulary; notes grammatical or communicative errors for further discussion and teaching; after the exercises are completed, the teacher guides the analysis of the activity and helps the group to self-monitor.

Адабиётлар рўйхати

Halliday M. Explorations in the Functions of Language at Google Books, London: Edward Arnold. 1973.

1. Halliday M. On Grammar, Vol. 1 in The Collected Works of M., 2002.
2. Howatt Anthony P. R. A history of English language teaching. Oxford : Oxford University Press, 2004.
3. Krashen Stephen D. Principles and Practice in Second Language Acquisition (PDF). Oxford: Pergamon, 1982.
4. Littlewood W. Communicative and task-based language teaching in East Asian classrooms.// Language Teaching. 2007. № 40 (3). P. 243-249.

5. Littlewood W. Communicative language teaching: An introduction. -Cambridge: Cambridge University Press, 1981.
6. Nunan D. Language Teaching Methodology: A Textbook for Teachers (Prentice Hall International English Language Teaching). Prentice Hall, 1991.
7. Гурьянова Н. В. Понятие языка, знания языка и овладения этим знанием в концепции языка и мышления Н. Хомского // Учёные записки Ульяновского государственного университета. — (Серия: Образование). — Ульяновск: [УлГУ](#), 1999. — Вып. 2. — С. 182—191.
8. Капишин А. Е. «Генеративная лингвистика» Н. Хомского // [Иностранный язык в школе](#). — 2002. — № 2. — С. 81—86.
9. Хаймс Д. Исследования по истории языкознания: традиции и парадигмы . Блумингтон: Издательство Индианского университета. 1974.
10. Хаймс Д. К лингвистической компетенции/ Социологические жидкости . 1976. № 4. С.217–239.
11. Хаймс Д. Рецензия на Ноама Хомского. //О Ноэме Хомском: критические очерки. Гарден-Сити, Нью-Йорк, 1974. С . 316–333.

TA'LIM SAMARADORLIGIGA ERISHISHDA INTEGRATSIYANING O'RNI VA UNING DARAJALARI

D.A Axatova- p.f.n., dots., NavDPI
X.A Axatova - o'qituvchi, NavDPI

Annotatsiya: Ushbu maqolada ta'lim samaradorligini oshirish va ta'lim mazmunini takomillashtirishda integratsiyaning, fanlararo va mavzulararo aloqadorlikning mohiyati va ahamiyati tahlil etilib, integratsiya darajalariga to'ztab o'tilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim, ta'lim jarayoni, ta'lim mazmuni, integratsiya, fanlariaro aloqadorlik, mavzulararo aloqadorlik, integratiya darajalari.

Аннотация: В данной статье анализируется сущность и значение интеграции, междисциплинарной и межпредметной связи в повышении эффективности образования и совершенствовании содержания образования и распределяются по уровням интеграции.

Ключевые слова: образование, образовательный процесс, содержание образования, интеграция, межпредметная связь, междисциплинарной связь, уровни интеграции

Annotation: This article analyzes the essence and significance of integration, interdisciplinary and interdisciplinary communication in increasing the effectiveness of education and improving the content of education and is distributed according to the levels of integration.

Key words: education, educational process, educational content, integration, interdisciplinary connection, interdisciplinary connection, levels of integration.

XXI asr didaktikada, shu jumladan o'qitish metodikasida chuqur islohotlar davrini boshlab berdi. Umumiy o'rta ta'limning maqsadlari zamon talablari asosida o'zgardi. Undan kelib chiqqan holda yangi ta'lim konsepsiyalari, o'quv rejalari, ta'lim standartlari ishlab chiqildi. Respublikaning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy-ma'naviy hayotida ro'y berayotgan o'zgarishlar, fan, texnika, texnologiya yutuqlari ta'lim mazmunida o'z ifodasini topishi lozim. Shuningdek o'quv-biluv jarayoni to'la ma'noda o'quvchi shaxsiga yo'naltirilishiga imkon beradigan ta'lim mazmunining yangi modellarini taklif etish va mazkur modellarning o'quv dasturlari, darsliklar hamda o'quv qo'llanmalarida aks etishini ta'minlash muhim ahamiyatga ega.

Ta'limning mazmunini takomillashtirishda fanlar integratsiyasining o'rni ham muhimdir. Ta'lim mazmunini bayon qilish ayrim fanlar orqaligina emas, balki yangicha – integratsiyalashgan ta'lim asosida yondashishni ko'zda tutmoqda. Maktab o'quv rejasidagi o'rganiladigan o'quv fanlarining ortishi, ayrim predmetlarni o'rganishga ajratilgan vaqtning qisqarishiga olib keldi. Bu o'z navbatida ilmiy bilimlar tizimini integratsiyalash, uni o'qitishning

tashkiliy shakllari, metodlar va vositalarini yangilash, yechimini topish zarur bo'lgan muammoga aylandi.

O'quv fanlariaro aloqadorlik hamda ayni bir o'quv fanining ichida mavzulararo bog'lanish atamalarini muqoyasa qilish asosida uyg'unlashtirish va shunday ko'nikmalarni o'quvchida ham shakllantirib borish o'qituvchining muhim vazifasidir.

Integrativ yondashuv, o'rganilayotgan obyektни yaxlit tizim shaklida, har tomonlama aloqadorlik nuqtai nazardan o'rganishni talab etadi. Integrativ ta'lim jarayonida o'quvchi, olamning yaxlitligini, koinot, tabiat qonunlarini, tabiat, jamiyat va insonlarning o'zaro munosabatlari haqida har tomonlama bilimlarga ega bo'lib kamol topadi. Tabiat go'zalligini his qila olish, undan zavqlanish, e'zozlash ko'nikmalariga ega bo'ladi.

Ta'limning globallashuvi sharoitida fanlararo uzviylikni kengroq qo'llash ayni zaruriyatdir. Fanlararo uzviylik tamoyili turdosh o'quv predmetlararo munosabatlarning murakkab jihatlarini to'liq o'zlashtirilishini ta'minlab, bilimlarning ichki mohiyatiga kirib borishini ta'minlaydi, natijada turli tizimlar ichki aloqadorlik, integrativ yaxlitlik vujudga keladi.

O'quv jarayonida fanlararo aloqadorlikning amalga oshirilishi ta'lim sifatiga kuchli ta'sir ko'rsatib:

- ta'limni modernizatsiyalash, innovatsion o'qitish imkoniyatlarini kengaytirish imkonini beradi;

- umumiy o'rta va o'rta maxsus ta'limda uzviylik va uzluksizlikning ta'minlashida muhim omil vazifasini bajaradi;

- fanlararo aloqani ta'minlashga qaratilgan masalalarni aynan dastur, darslik hamda o'quv qo'llanmalar mazmuniga singdirish pedagog olimlar va tadqiqotchilar zimmasidagi muhim vazifalardandir;

- ta'lim texnologiyalariga asoslangan fanlararo aloqa modellarini ishlab chiqish bugungi kunning dolzarb masalalaridandir[2.71 b].

Ta'lim jarayonini integrativ dasturlar va darsliklar asosida tashkil etish orqali o'quv-biluv jarayoni natijasida samaradorlikka erishish nazarda tutilar ekan, bunda integratiyaning turli darajalaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Masalan:

1. Mavzularni ketma-ket taqdim etish asosidagi integratsiya: bunda o'quv materiallarini bayon qilishda konsentrizm printsiptiga amal qilinadi, ya'ni oldingi o'quv material keyingisini to'ldiradi. Lekin hech qachon bir-birini takrorlamaydi. Bunday integrativ natijasida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalari hamda ijodiy faoliyatlari muntazam ravishda rivojlanib, boyib boradi.

2. O'quv dasturlarida o'zaro uyg'unlashgan nuqtalarni vujudga keltirishga asoslangan integratsiya: bunda ham takror tarzda beriladigan taftalogiya asosidagi o'quv materiallarining oldini olish uchun dasturlarda mavzulararo uyg'unlikni ta'minlash muhim ahamiyatga ega.

3. Modullashgan integratsiya: bunday integratsiya doirasida turdosh o'quv fanlariga oid bilim va tushunchalar bir tizimga solingan holda, uzviy tarzda o'quvchilarga taqdim etiladi. Chunonchi, aniq fanlar blokida «Matematika», «Algebra», «Geometriya» va «Chizmachilik» ka oid bilim va tushunchalar muayyan bir tizimga solinadi va ayni bir mavzu mazkur tizim doirasida o'quvchiga bir marta, ammo uzviy tarzda taqdim etiladi.

4. Integrativ dasturlar: ushbu tipdagi dasturlar bir necha o'quv predmeti yoki o'quv fanlariga oid mavzularni uyg'unlashtirishgan holda taqdim etishni nazarda tutadi.

5. Mavzulararo integratsiya: bunda ayni bir kurs doirasida beriladigan o'quv materiallari boshqa bir kurs doirasidagi mohiyatan yaqin bo'lgan o'quv materiallari bilan uyg'unlashtiriladi. Masalan, matematik muloqot madaniyatini shakllantirishga oid mashqlarni «Ona tili» darsliklarida iqtisodiy bilim va ko'nikmalarini rivojlantirishga yo'naltirilgan masalalar, mashqlar va matnlarni «Matematika» va «Ona tili», «O'qish» darsliklarida berish mumkin [1.236 b].

Integratsiyaning u yoki bu darajasini ta'lim jarayonida qo'llash natijasida o'quvchining vaqti va kuchi tejiladi, uning bilish imkoniyatlari kengayadi. Mavzulararo integratsiya asosida o'quv-biluv jarayoni natijalarini istiqbollik qilish mexanizmlari yaratiladi; integratsiyalashtirilgan ta'lim jarayonini boshqaradigan o'qituvchilarini tayyorlash va malakasini oshirishni yo'lga qo'yish uchun

huquqiy metodik imkoniyatlar yaratiladi; integral dasturlar asosida o'quv-biluv jarayonining iqtisodiy jihatdan samaradorlik darajasi aniqlanadi; o'quv-biluv jarayonini integral dasturlar asosida tashkil etish sohasidagi xalqaro tajribalardan keng foydalanish uchun qulay imkoniyatlar tug'iladi

Xulosa qilib aytganda, fanlar integratsiyasi quyidagi jarayonlarni faollashtirishga imkon beradi:

- fanning muhim g'oyalarini ochib berishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan o'quv fanlari asosiy jihatlariga o'quvchilar e'tiborini jalb etish;
- o'quv fanlarining turli vositalar bilan, ularning uzviy birligida o'quvchilarda o'rganishga qiziqishni shakllantirish;
- hozirgi zamon dunyoqarashi muammolari va masalalarini fanlar aloqadorligi vositasida, hayot bilan hamohang asosda o'rganish.

Adabiyotlar

1. R. Mavlonova, N.Rahmonqulova. Boshlang'ich ta'limda pedagogika, innovatsiya, integratsiya. T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2013 y, 236
2. Ta'lim taraqqiyoti 7-maxsus son. Sharq. Toshkent, 2009, 46-71-betlar.

ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРНЕТ-ПРОСТРАНСТВА ПРИ ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА

Нажмиддинов Фазлиддин Насриддинович, (Узбекистан)
доцент Навоийского государственного педагогического института,
кандидат филологических наук

Аннотация. В настоящей статье отражены современные возможности изучения русского языка как иностранного в Интернет-пространстве. Рассматриваются электронные учебники, мультимедийные учебные комплексы, сетевые учебники и учебно-методические пособия, а также веб-приложения к печатным изданиям.

Ключевые слова. информационные технологии, информационная культура преподавателя, Интернет-пространство, мультимедийные учебные комплексы.

Annotation. The article shows modern tendencies in teaching Russian as a foreign language on the Internet. The authors characterize electronic manuals, multimedia manuals, online manuals and web-applications to printed media.

Key words. information technologies, information culture of a teacher, Internet, electronic manuals, multimedia manuals.

В настоящее время информационные технологии выступают в качестве одного из резервов оптимизации процесса обучения. Они позволяют использовать новые методы и способы представления, обработки данных, более широкий спектр разработанных учебно-методических материалов и наглядности, разрабатывать и использовать компьютерные обучающие и контролирующие программы, повышать свою квалификацию через дистанционное обучение, использовать для своего профессионального роста и самообразования информационные ресурсы компьютерных сетей [2.125-126].

Информационные технологии обучения как процесс подготовки и передачи информации обучаемому с помощью компьютера представляет собой совокупность электронных средств и способов их функционирования, используемых для реализации обучающей деятельности [1.12-15].

Активное вхождение компьютерных технологий, в частности, Интернета в жизнь человека привело к необходимости создания цифрового формата учебных материалов: электронные учебники, онлайн учебники, веб-сайты, системы управления обучением, мультимедиа-библиотеки, область применения которых прогрессивно распространяется на изучение иностранных языков. Методика преподавания русского языка как иностранного сегодня располагает достаточно большим количеством компьютерных программ и Интернет-

ресурсов.

Интернет-ресурсы. позволяют обеспечить преподавателей и учащихся в режиме реального времени актуальной информацией о событиях в России, об экономике, политике, культуре страны, дают доступ к информационным серверам крупнейших российских образовательных учреждений и библиотек, аутентичными текстами (газетными, художественными, деловыми) в электронной записи для организации процесса обучения. Интернет-ресурсы позволяют установить контакт между различными группами учащихся, проводить совместные проекты, организовывать видеоконференции, специальные уроки-экскурсии[3.48-51].

Среди сетевых учебно-методических пособий по русскому языку как иностранному признание получили: «Русский on-line» - сетевое учебно-методическое пособие, созданное на основе проекта изучения многолетнего опыта преподавания русского языка как иностранного студентам из 35 стран мира[4.18-24].

Таким образом, развитие Интернет-пространства в сфере изучения иностранных языков привело к существованию цифрового формата учебных материалов, пособий, учебников по РКИ, ресурсов справочного характера и тестовых систем. Эти формы активно внедряются в образовательную среду, дополняя традиционные способы подачи информации средствами визуализации языкового и речевого материала, возможностью самостоятельной оценки уровня собственных знаний и их корректировки, а также возможностью дистанционного контакта обучаемого и обучающего.

Литература

1. *Дерябина С.А., Дьякова Т.А., Жеребцова Ж.И.*

Использование информационных технологий как способ интенсификации обучения РКИ в условиях внеязыковой среды // Русский язык за рубежом /специальный выпуск/, №22, 2015, С.12- 15.

2. *Жеребцова Ж.И.* Информационные технологии в филологии. Тамбов, 2014.

3. *Корнилова, М.В.* Информационная культура педагога / М.В. Корнилова, Т.С.Коваль //

4. *Гендина Н.И.* Информационная культура учителя: концепция формирования и региональный опыт / Н.И. Гендина // Образование. Карьера. Общество. – 2003.- №1. – С. 18-24.

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСНИ ЁРИТИШДА ШАРҚ ВА ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЁНДАШУВЛАРИ (Софистика илми мисолида)

Норқобилов М.Х. (Ўзбекистон)

Навоий давлат педагогика институти

Тарих кафедраси доценти в/б.

Маълумки, илмий-маърифий соҳада ижтимоий билимлар ва интеллектни шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда тарихий жараёнда яратилган алломалар меросини ёшлар онгига сингдириш давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифа қилиб белгиланди. Бу борада республикамізда олиб борилаётган ислохотлар «ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида»³² холисона тадқиқ қилишга чорлайди. Зеро, улуғ аждодларимиз қолдирган маданий-маънавий мерос асрлар оша умуминсоний қадриятлар ривожига хизмат қилиш билан бирга ижтимоий-маънавий муҳит камолотига сезиларли даражада таъсир қилади.

Буюк аллома Абу Ҳафс Насафийнинг маънавий мероси дунё илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланганлигини илм аҳли эътироф этади. Унинг «ислом таълимотига бағишланган «Ақоид» асари мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ривожига ўрнини

³² O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2018-yil 16-apreldagi «Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF 5416-son farmoni// <https://lex.uz/docs/3686277>

қайта баҳолашга сабаб бўлмоқда»³³. Саъдуддин Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий» асари Абу Хафс Насафийнинг «Ақоид» асарига нақлий ва ақлий далиллар асосида ёзилган шарҳ бўлиб, ушбу асар турли гуруҳ ва оқимлар тарихи, ислом фалсафаси ва калом илми моҳиятини очиб беришда қимматли манбалардан бири сифатида эътироф этилади. «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий» асари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда Қуръони карим, ҳадис ва бошқа мўътабар манбаларга асосланиб, қолаверса, алломанинг шахсий раъйи, фикри, яъни рационал тафаккуридан ҳам фойдаланилган ҳолда ижтимоий муҳитда содир бўлган ва бўлаётган муаммоларга ечим топишда назарий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Асарда Тафтазонийнинг турли оқимлар эътиқодларида, қарашларида далилланмаган ва нотўғри факторлар мавжуд эканлиги ҳамда уларнинг қарашлари билан илмий дискурс қилишнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Асарда бу каби фалсафий омилларнинг мавжудлиги, унинг маънавий-ахлоқий қийматини ошириш билан бирга ислом ақидасидаги ижтимоий зарурат моҳиятини очиб беришда назарий методологик манба вазифасини бажаради.

Саъдуддин Тафтазоний ҳам ўзининг фалсафий қарашларида табиат ва жамиятдаги ҳодисалар ўртасида сабаб-оқибат муносабатлари мавжудлигига шубҳа билан қарамайди. Тафтазоний яшаган замонда бўлгани каби янги давр фалсафаси вакиллари орасида ҳам табиат ҳодисаларига ва ашёларга нисбатан фалсафий нуқтаи назардан фикр билдирган файласуфлар жуд кўп бўлган. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, объектив реалликнинг мавжудлигига шубҳа билан қаровчи скептицизм асосчиларидан бири Давид Юм (1711-1776) нинг нуқтаи назарича, бутун борлиқдаги ижтимоий воқелик субъектив хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг одатларига боғлиқлиги, сабабият ва зарурият сезгилар тартибидagi кетма-кетлик эканлигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, Давид Юм скептицизмни агностицизмнинг турларидан бири сифатида қараб, моддий дунё қонунларини билишни инкор этади. Бу билан фан тараққиётини чеклашга ҳаракат қилади.

Давид Юм ва Саъдуддин Тафтазонийнинг мазкур мавзудаги фикрларини қиёсий таҳлил қилдик. Мутафаккир Тафтазоний мавжуд реал борлиқ объектларини, воқеа-ҳодисаларни, ашёларни ҳаёлот деб аташ фалсафий ақидани нотўғри талқин қилиш демакдир, -дея таъкидлайди. Шу ўринда аллома ўзининг «Шарҳ ал-ақоид» асарининг дастлабки саҳифаларида мусулмон жамоалари томонидан бузилаётган ақидаларни тузатиш ва ўша даврда мавжуд бўлган барча деструктив эътиқоддаги оқимларга раддия бериш ҳамда соф исломий ақидани ўрнатиш учун асос сифатида ёзилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Тафтазоний асаридаги ашёларнинг ҳақиқати тўғрисидаги мавзуда оламдаги нарсаларнинг ҳодисаларнинг барчаси объектив реалликда мавжудлиги таъкидланган. Асарда ижтимоий борлиқ мавжуд эканлиги, гарчи инсон ўша айтилаётган нарсани билмаса ҳам (наrsa ва ҳодиса тўғрисида тасаввур ҳосил бўлмаса-да), ўша наrsa ва ҳодиса ўз ҳолича мавжуд бўлишлиги таъкидлаб ўтилади. Яна бир тарихий-қиёсий таҳлилни кўриб ўтсак. Тафтазоний томонидан таъкидланган ушбу фикрлар бир неча аср ўтганидан сўнг Европа классик фалсафасида ўз ифодасини топди.

Мавжуд таҳлилларни Иммануил Кантнинг мазкур мавзудаги фикрлари билан қиёсладик. Инсоннинг табиатдаги наrsa-ҳодисалар ҳақидаги эгаллаган билимлари кишига ўша наrsa-ҳодисаларнинг кўриниш ва ҳолатлари, атрибутларининг намоён бўлиши ҳақидагина маълумот бера олади. «Иммануил Кант агностицизмнинг қисқача мазмуни қуйидагича: биз биладиган наrsa (феномен) ва ўз ҳолича мавжуд бўлган наrsa (ноумен) мутлақо ҳар хилдир. Биз ҳодисалар моҳиятини қай даражада теран англамайлик, бизнинг билимимиз барибир ўзича мавжуд бўлган нарсалардан фарқ қилади. Файласуф ушбу тушунчаларни «наrsa ўзида» талқини орқали объектив оламни таърифлайди.

Мавзуга тааллуқли ҳикоятда айтилишича, «суфастойлик йўналиши тарафдорларидан бўлган бир шайх омма олдида туриб, «инсоннинг асли йўқ бўлиб, бу дунёдаги барча наrsa-

³³ Alloqulov A.A. Abu Xafs Nasafiyning «Aqoid» asari va uning sharhlari tahlili. 24.00.01 – Islom tarixi va manbashunosligi. Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiya avtoreferati. T.: 2018. – b.6.

ходисалар оддий туш ёки хаёлотга ўхшаш воқеликдир», -дея тушунтирарди... Шу пайтда суфастойлик вакилининг фикрлари маъқул бўлмаган кишилардан бири шайхнинг юзига шапалоқ тушуриб юборди. Шайх унга ғазаб қилиб: «Бу нима қилик?!», -деди. Шунда ҳалиги шапалоқ тушурган киши: «Эй шайх, оддий тушлардан бири содир бўлди», -деди. Бу жавобдан сўнг, суфастойлик оқимининг шайхи мулзам бўлиб, ҳеч нарса дея олмай қолди»³⁴.

Ҳикоят таҳлили шуки, табиат ва жамиятдаги объектив воқеликни тан олмайдиган гуруҳлар тўғрисидаги ушбу кичик матнда ёзувчи барчани эътиборини воқеа-ҳодиса ва ашёларнинг асл моҳиятига қаратади. Бу билан ашёларда онтологик ва гносеологик моҳият мавжуд эканлигини ўқтиради. Замонавий фалсафа фани эса, «Софистика»га нисбатан мўътадил муносабатни сақлаб қолган. «Маълумки, «софистика» юнонча, «sophism» сўздан олинган бўлиб, атайлаб хато асослар ёрдамида, кўп маъноли сўзларга таяниб, фикр юритиш, билиб туриб хато асослардан ёлғон хулоса чиқаришдир»³⁵, - деб таъкидлайди.

Манбаларда келтирилишича, софистик методда нотик сўз ва ибораларни бир-бирига қарама-қарши йўналтириш орқали мавҳум тушунчани реал ҳақиқатга айлантириш мумкин, деб ҳисоблайди. Аслида эса улар табиий тилдаги сўзларини ноўрин боғлаш, икки маъноли талаффузларни юзага келтириш, фикр ифодалашнинг грамматик шакллари ва бошқа усуллардан фойдаланиб, сохта ҳақиқат ниқоби остида ҳақиқий билимларни ёлғон билан алмаштиришга ҳаракат қиладилар. Арастунинг таъкидлашича, «софистлар – сохта донолик ўқитувчилари»³⁶ дир. Форобий шунинг учун ҳам суфастойликка изоҳ бериб, уни «айёрликка асосланган..., биров томонидан билдириладиган фикрни рад этиш..., чалғитувчи санъат бўлиб, уни «ас-сўфистанийа» (софистика),-деб таъриф беради. Ҳозирги давр аксарият файласуфларининг таъбирича, «Софистлар табиий тилдаги омонимия, амфиболиялардан фойдаланиб, одамлар эътиборини ҳақиқий билимдан чалғитадилар. Ф.Бэкон таъбири билан айтганда, софистлар ҳаддан ташқари маҳмадонадирлар, амалда улардан ҳеч қандай наф йўқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазоний инсоннинг ҳаётини доимий диалектик ҳаракатда, изланишда, ўқиш-ўрганиш ва оламнинг туб моҳиятини англашда, деб билади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихий давр контекстида аجدодларимизнинг бой маънавий мероси, рационал тафаккури натижасида орттирилган онтологик ва гносеологик қарашлари ҳам муҳим омилдир. Ҳозирги вақтда ахлоқсизлик борасидаги қарашларни «маданият» деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, дин сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, хусусан ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва жаҳон жамоатчилиги бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканлигини англаб етмоқда. Ваҳоланки, «дин муайян жамиятда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий таназзулни, айниқса, ахлоқий парокандаликни,...бартараф қилишдек эзгу ниятлар мафқурасининг ифодасидир»³⁷.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2018-yil 16-apreldagi «Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF 5416-son farmoni// <https://lex.uz/docs/3686277>
2. Alloqulov A.A. Abu Xafs Nasafiyning «Aqoid» asari va uning sharhlari tahlili. 24.00.01 – Islom tarixi va manbashunosligi. Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiya avtoreferati.T.:2018.–b.6.
3. To'lepov A. Islom va aqidaparast oqimlar. T.: 2-nashr. «Sharq» NMAK bosh tahririyati.2013, - b.123.
4. Nazarov Q. va b. Falsafa asoslari.T.: O'zbekiston. NMIU 2015. -b.195.
5. O'zbekiston milliy ensklopediyasi. 8-j. T.: O'ZME DIN, 2004, -b.24.
6. Safarova N.O. Terrorizm (Tarixiy-falsafiy tahlil). T.: «Noshir». 2009. -b.172.

³⁴ To'lepov A. Islom va aqidaparast oqimlar. T.: 2-nashr. «Sharq» NMAK bosh tahririyati.2013, -b.123-124.

³⁵ Nazarov Q. va b. Falsafa asoslari.T.: O'zbekiston. NMIU 2015. -b.195.

³⁶ O'zbekiston milliy ensklopediyasi. 8-j. T.: O'ZME DIN, 2004, -b.24.

³⁷ Safarova N.O. Terrorizm (Tarixiy-falsafiy tahlil). T.: «Noshir». 2009. -b.172.

ПРАВСТВЕННОСТЬ В МЕТАФИЗИКЕ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ

Шамсутдинова Нигина Узбекистан.

PhD, и.о. доцент кафедры общественных наук НавГПИ,

Резюме Ибн Сина в своих нравственных рассуждениях исходит из терпимого принципа «удвоения истины», заключающегося в попытке «объединить» или «примирить» два основных начала человеческой природы: разум и веру, философию и религию.

Резюме Insonning asosiy maqsadi o'zga dunyo saodati va baxtiga erishishdir, u eng oliy "ilohiy haqiqat" sifatida tan olingan. Ibn Sino o'zining axloqiy mulohazasida inson tabiatining ikki asosiy tamoyili: aql va e'tiqod, falsafa va dini "birlashtirish" ga urinishdan iborat bo'lgan tolerantlik tamoyilidan kelib chiqadi.

Summary : The main goal of man is to achieve otherworldly bliss and happiness; it is recognized as the highest "divine truth". Ibn Sina in his moral reasoning proceeds from the tolerant principle of "doubling the truth," which consists in an attempt to "unite" or "reconcile" the two basic principles of human nature: reason and faith, philosophy and religion.

Ибн Сина в своих нравственных рассуждениях исходит из терпимого принципа «удвоения истины», заключающегося в попытке «объединить» или «примирить» два основных начала человеческой природы: разум и веру, философию и религию. Сравнительный анализ показал, что нравственные воззрения Ибн Сины восходят к истокам древнеиранских учений, а также к зороастризму. Согласно этому учению, мир основан на борьбе сил добра и зла, света и тьмы. перенося идею борьбы добра и зла на общественно-политический уровень и объясняя общественную жизнь человека, Ибн Сина выражает мысль о единстве и необходимости этих сил в обществе как источнике и движущей силе его развития. .

Как было сказано выше, мистические воззрения Ибн Сины представляют собой наименее разработанную часть его философской системы. Но даже в тех немногочисленных работах, где эти взгляды исследуются, например, в работе «Об экономике», мы видим влияние идей Аристотеля. Важным источником формирования общественно-политических взглядов Ибн Сины является знаменитый труд Аристотеля «Политика». В данной работе положение человека в обществе рассматривается через призму политики и политических отношений, в рамках сложившейся античной демократии. Несомненно, что Ибн Сина опирался на эти идеи при описании социальной сущности человека – социальной и политической жизни общества на различных уровнях организации. В этом контексте он высказал ряд идей, обусловленных социальной классификацией общества, социальным неравенством в обществе, природными особенностями личности и ее способностями.

Влияние политических идей Аристотеля чувствуется в суждениях Ибн Сины о том, что политика есть искусство управления государством, о социальном устройстве государства, о роли правителя в социальной регуляции общества и ряде других мнений. Ибн Сина в части своего суждения о формах правления в основном толкует такую форму правления как монархию под руководством царя, султана, эмира и т. д., в отличие от греческого философа, который наряду с монархией рассматривал другие формы правления: демократия, олигархия, тирания и т.д. По-видимому, это объясняется тем, что ни одна из указанных форм, кроме монархии, не была приспособлена к условиям средневекового мусульманского Востока. Поэтому Ибн Сина не считал нужным останавливаться на своих политических концепциях. Однако он использовал идею Аристотеля об идеальном государстве и на его примере сформировал свою теорию идеального общества.

Доказательство этому можно увидеть, сопоставив представления обоих мыслителей о личности идеального государственного правителя, которого хотелось бы видеть мудрым философом. Описание Ибн Синой социальной структуры общества, разделенного на три основные социальные группы, а также взгляды на роль законов в управлении жизнью

общества и государства (эти вопросы мы освещали в последней, шестой главе работы) берут свое начало из тех же принципов Аристотеля.

Влияние научного труда Аристотеля «Метафизика» на формирование взглядов Ибн Сины на личность невозможно переоценить. Более того, она является идейным источником всех философских учений Ибн Сины. Сам термин «метафизика», введенный в науку библиотекарем Аристотеля Андроником Родосским, имеет несколько значений. В своем первоначальном содержании она определила высшую («первую») тему философии, а в труде Стагирита изложены ее самые основные теоретические понятия и правила. На основе этих концепций сформировалась философская система Аристотеля. Когда Аристотель начал строить всю свою философскую систему, фундаментом послужило онтологическое учение о бытии. Основополагающими элементами существования являются «форма» и «материя» для неорганических существ и душа и тело для органических. Через эти понятия мы входим в мир аристотелевского учения о человеке.

Известный ученый В.Ф. Асмус писал в предисловии к книге Аристотеля «Метафизика», что «На основе этой книги народы Востока и Европы веками изучали философию. Кто изучал эту книгу, тот изучал саму философию, входил в ее глубины, боролся с ее трудностями и противоречия, поднимались на его вершины и избежали его ограничений, будут страдать. Аристотель - истинный учитель человечества»³⁸.

Некоторые исследователи однобоко оценивают отношение Ибн Сины к учению Аристотеля и считают его толкователем и подражателем античного мудреца. Ответ на вопрос, был ли на самом деле Ибн Сина толкователем или противником, эпигоном или рефлексивным последователем философии Аристотеля, дается в его трудах. Их анализ позволяет с уверенностью сказать, что Ибн Сина был и толкователем, и противником, защитником и соперником идей Стагирита и его школы. Однако, чтобы положить конец всякого рода разговорам на этот счет, уместно сослаться на его труд «Философия востоковедов».

Чтобы оценить философское учение Ибн Сины, необходимо упомянуть еще одну науку Аристотеля - логику, ибо она является первым элементом философской системы Ибн Сины. Она проявляется как метод и методология научного познания, и «всякий, избравший трудный путь науки, должен прежде всего знать пути и средства достижения истинного познания, методы и средства различения истины от лжи, методы и средство избежать ошибок и обмана»³⁹.

Таким образом философское учение Ибн Сины питалось такими идеями, как учение Стагирита о четырех причинах, четырех типах действия и его богословское учение. Кроме того, в этой книге Аристотель дает классификацию предметов, которые он творчески использовал и развивал в своем учении. Эта книга Аристотеля оказала большое влияние на дальнейшее развитие философской мысли, особенно восточного перипатетизма.

Литература:

1. Кессиди Ф.Х. Этические сочинения Аристотеля //Аристотель. Соч. в 4-х томах. Т 4. - С. 22.
2. В. Асмус. Метафизика Аристотеля. Аристотель. Соч. в 4-х томах. Т.1. - С.50.
3. Диноршоев М. Натурфилософия Ибн Сины.- С.29-30.

³⁸ В. Асмус. Метафизика Аристотеля. Аристотель. Соч. в 4-х томах. Т.1. - С.50.

³⁹ Диноршоев М. Натурфилософия Ибн Сины.- С.29-30.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARGA DINIY-AXLOQIY TARBIYA BERISHNING AHAMIYATI

Abdurahmonova Kamola Erkin qizi (Navoiy, O'zbekiston)

Navoiy davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

Ilmiy rahbar: Davlatova Ra'no Haydarovna

Navoiy davlat pedagogika instituti f.f.n. DSc

Annotatsiya: Diniy-axloqiy tarbiya mazmuni va shakllari yosh avlodni axloqiy tarbiyalash muammosi uzoq vaqtdan beri yozuvchilar, faylasuflar, olimlar, o'qituvchilar, ota-onalar va amaldorlarni qiziqtirgan. Har bir yangi avlod bilan, yoshlarning axloqiy fazilatlarini pasayib borayotganidan ruhi tushayotgan olim va o'qituvchilar tobora ko'proq yangi tavsiyalar ishlab chiqdilar, ularning maqsadi yangi avlodda odob-axloqni yuksaltirish edi.

Kalit so'zlar: tarix, vatanparvarlik, texnologiya, farovonlik, yoshlik, ong, bilim, tushunish, qadriyat.

Аннотация: Содержание и формы религиозно-нравственного воспитания проблема нравственного воспитания подрастающего поколения издавна интересовала писателей, философов, ученых, педагогов, родителей и чиновников. С каждым новым поколением ученые и педагоги, разочарованные падением нравственных качеств молодежи, разрабатывали все новые и новые рекомендации, целью которых было повышение нравственности в новом поколении.

Ключевые слова: история, патриотизм, технология, процветание, молодежь, сознание, знание, понимание, ценность.

Abstract: The content and forms of religious and moral education the problem of moral education of the younger generation has long been of interest to writers, philosophers, scientists, teachers, parents and officials. With each new generation, scholars and teachers who were becoming discouraged by the declining moral qualities of young people increasingly developed new recommendations, the purpose of which was to elevate decency in the new generation.

Keywords: history, patriotism, technology, prosperity, youth, consciousness, knowledge, understanding, value.

Bola tarbiyasiga eng avvalo ota – onaning shaxsi, hayotiy faoliyatlari turmush tarzi va xokazolar bilan birgalilda oiladagi ma'naviy –axloqiy muhit katta ta'sir ko'rsatadi. O'zbeklarning milliy ma'naviyatini, o'ziga xos sharqona diniy-axloqiy fazilatlarini bola tarbiyasida ham o'z aksini topgan. Hadislarda aytganidek, ota-onalarning farzandlariga qoldiradigan eng katta merosi ularga o'rgatadigan axloqi va odobdir. Prezidentimiz Islom Karimov ⁴⁰ „Eng asosiy mezon–hayot haqiqatini aks ettirish risolasida ma'naviyatimizni yo'qotsak, o'zimizni va o'zligimizni yo'qotamiz. Ma'naviyatni yuksaltirisak, o'z maqsadimizga erishga kuchli madad topamiz.“ deb bayon bergan edilar.

"Diniy-axloqiy tarbiya" nima? Nima uchun uning rivojlanishi va jamiyatda mavjudligi uchun juda muhim? Axloqli shaxs kim va zamonaviy axloqiy tamoyillar nimalardan iborat? Bu savollarning barchasiga javoblarni bilish juda muhim, shuning uchun biz hamma narsani tartibda hal qilishga harakat qilamiz. Diniy-axloqiy tarbiya tug'ilishdan boshlanadi, va kundalik munosabatlar jarayonida hayot davomida davom etadi. Bu atama deganda jamiyat "axloqiy" deb ataydigan axloqiy tamoyillar, sifatlar, shuningdek, xulq-atvorni shakllantirishga qaratilgan shaxsga ta'sirlar tizimini tushunamiz. Diniy-axloq tushunchasi xalq madaniyatiga, dinga va ma'lum bir davrga bog'liq (agar uni ma'lum bir davr ichida ko'rib chiqsak). Diniy-axloqiy tarbiya shaxsni rivojlantirishning asosidir. Axloq nima? U har doim gapirishni yaxshi ko'rardi. Unga o'qituvchilar, psixologlar, din arboblari e'tibor qaratdi. Diniy-axloq normalari sivilizatsiyaning, jamiyatning asosi bo'lgan va bo'ladi. Bu insondagi aqliy va ma'naviyatning birligi, uning jamiyatdagi xatti-harakatlarini, dunyo bilan munosabatlarini ta'minlaydi. Diniy axloqning eng keng tarqalgan sinonimi axloqdir. Bu shaxs uchun nima? Bu uning ongli harakatlarini (holatlarini) u tomonidan

⁴⁰ I.A.Karimov. "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch". T.: "Ma'naviyat" nashriyoti. 2008

qabul qilingan xulq-atvor normalari asosida baholash istagi. Biz uchun axloqimiz o'lchovi vijdondir. Bu bitta yaxshi va yomonning muvozanatini belgilovchi tarozi bo'lib bizning xatti-harakatlarimizda aks etadi. Har birimizning axloqni o'lchaydigan tarozimiz, o'z mezonlarimiz, o'z qoidalarimiz bor. Diniy-axloq oilada, maktabda, diniy ta'limotlarda va atrofdagi jamiyat bilan munosabatlarda tarbiya oladi. Birinchi marta "axloq" tushunchasi 1789 yilda kiritilgan va Rossiya akademiasining lug'atida nashr etilgan. Axloqiy tarbiya - beshikdan to oqargan sochgacha Insonning axloqiy fazilatlari oilada tug'iladi va shakllanadi. Sertifikatlangan o'qituvchilar qanchalik ko'p ko'rinmasin, lekin axloq asoslari har doim ota-onalar tomonidan belgilanadi. Yuzlab yillar oldin shunday bo'lgan, har doim ham shunday bo'ladi. Axloqning birinchi tushunchasini chaqaloqqa uning onasi tabassum va ozgina qattiqqo'llik bilan nima yaxshi va nima yomonligini tushuntiradi. "Opangizning sochidan tortish, qo'pol so'z aytish yoki tilingizni ko'rsatish yomon, lekin mazali taom uchun minnatdorchilik bildirish, kimgadir salomlashish yoki yordam berish yaxshi" - bu misol va ularning yuzlablari bor. Diniy-axloqiy tarbiya elementlarini kundalik hayotning har bir daqiqasida kuzatish mumkin. Bola uchun diniy-axloqiy namuna har doim ota-ona bo'ladi, u nima bo'lishidan qat'i nazar. Shuning uchun mo'rt shaxsga ya'ni bolalarga to'g'ri o'rnak berish juda muhimdir. Shaxsning shakllanishi murakkab, uzoq davom etadigan jarayon bo'lib, ota-onadan, ta'lim muassasalaridan, shuningdek, butun jamiyatdan e'tibor va sabr-toqatni talab qiladi. Diniy-axloqiy fazilatlarni singdirishda shaxsning yoshini, uning axborotni qabul qilish, tushunish va to'g'ri qayta ishlash qobiliyatini (tayyorligini) hisobga olish kerak. Maktabgacha yoshdagi bolalarni axloqiy tarbiyalash - bu bolaga diniy-axloqiy qadriyatlarni o'rgatadigan bir qator ta'lim usullarini o'z ichiga olgan keng tushuncha. Ammo bundan oldin ham bola asta-sekin tarbiya darajasini oshiradi, ma'lum bir ijtimoiy muhitga qo'shiladi, boshqa odamlar bilan muloqot qila boshlaydi va o'z-o'zini tarbiyalashni o'zlashtiradi. Shu sababli, maktabgacha yoshdagi bolalarning axloqiy tarbiyasi ham muhimdir, biz bu haqda ham gaplashamiz, chunki aynan shu davrda shaxsda sezilarli o'zgarishlar ro'y beradi. Qadim zamonlardan faylasuflar, olimlar, ota-onalar, yozuvchilar, o'qituvchilar kelajak avlodni diniy-axloqiy tarbiyalash masalasi bilan qiziqdilar. Yashirmaylik, har bir keksa avlod yoshlarning qulashini nishonlaydi. Muntazam ravishda ko'proq yangi tavsiyalar ishlab chiqilmoqda, ularning maqsadi ma'naviyat darajasini oshirishdir. Bu jarayonga davlatning ta'siri katta bo'lib, u haqiqatda insonning ma'lum bir zaruriy sifatleri majmuini shakllantiradi. Misol uchun, kommunizm davrini ko'rib chiqaylik, o'sha paytda ishchilar eng ko'p sharafiga ega edilar. Har qanday vaqtda yordam berishga tayyor bo'lgan va rahbariyatning buyrug'ini aniq bajargan odamlar ulug'landi. Qaysidir ma'noda, shaxs ezilgan, kollektivistlar esa eng qadrlidi. Kapitalistik munosabatlar birinchi o'ringa chiqqanida nostandart yechimlarni izlay olish, ijodkorlik, tashabbuskorlik, tadbirkorlik kabi insoniy fazilatlar asosiy o'rin tutdi. Tabiiyki, bularning barchasi farzand tarbiyasida o'z aksini topdi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning diniy-axloqiy tarbiyasi qanday? Ko'pgina olimlar bu savolga turlicha javob berishadi, ammo har qanday holatda ham javob noaniq. Ko'pgina tadqiqotchilar hali ham bolada bunday fazilatlarni tarbiyalashning iloji yo'qligiga rozi bo'lishadi, faqat ularni singdirishga harakat qilish mumkin. Har bir bolaning individual idrokini aniq nima aniqlashini aytish juda qiyin. Katta ehtimol bilan bu oiladan keladi. Agar bola tinch, yoqimli muhitda o'sgan bo'lsa, unda bu fazilatlarni "uyg'otish" osonroq bo'ladi. Zo'ravonlik va doimiy stress muhitida yashaydigan bolaning tarbiyachining urinishlariga bo'ysunish ehtimoli kamroq bo'lishi mantiqan to'g'ri. Shuningdek, ko'plab psixologlarning ta'kidlashicha, muammo bolaning uyda va jamoada oladigan tarbiyasi o'rtasidagi nomuvofiqlikda. Bunday qarama-qarshilik oxir-oqibat ichki ziddiyatga olib kelishi mumkin. Ko'pincha bolalar shaxsiyatga yo'naltirilgan nazariyadan foydalanadilar, buning natijasida bola o'z fikrini ochiq ifoda etishni va ziddiyatga kirmasdan o'z pozitsiyasini himoya qilishni o'rganadi. Shunday qilib, o'z-o'zini hurmat qilish va ahamiyatlilik shakllanadi. Biroq, maksimal natijalarga erishish uchun maktabgacha yoshdagi bolalarni diniy-axloqiy tarbiyalash usullarini ataylab va maqsadli tanlash kerak. Yondashuvlar diniy-axloqiy fazilatlarni shakllantirish uchun bir qancha yondashuvlar qo'llaniladi. Ular o'yin, mehnat, ijod, adabiy asarlar (ertaklar), shaxsiy namuna orqali amalga oshiriladi. Shu bilan birga, diniy-axloqiy tarbiyaga har qanday yondashuv uning shakllarining butun majmuasiga ta'sir qiladi. Keling, ularni sanab o'tamiz: vatanparvarlik tuyg'ulari; hokimiyatga munosabat; shaxsiy fazilatlar;

jamoadagi munosabatlar; aytilmagan odob-axloq qoidalari. Agar tarbiyachilar ushbu sohalarining har birida hech bo'lmaganda ozgina ishlasa, ular allaqachon ajoyib bazani yaratadilar. Agar jamoada zarur muhit bo'lmasa, maktabgacha yoshdagi bolalarni axloqiy tarbiyalash vositalari samarasiz bo'ladi. Atrof-muhitning ahamiyatini ortiqcha baholash mumkin emas, chunki zamonaviy olimlar uning katta rol o'ynashini isbotladilar. E'tibor bering, agar inson hech narsaga intilmasa ham, muloqot muhiti o'zgarganda, u sezilarli darajada yaxshi tomonga o'zgaradi, maqsad va istaklarga ega bo'ladi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarni diniy-axloqiy va vatanparvarlik bilan tarbiyalashda mutaxassislar uchta asosiy usulga murojaat qilishadi. Bu hurmat va ishonchga asoslangan o'zaro munosabatlar uchun. Bunday muloqot bilan, hatto manfaatlar to'qnashuvi bilan ham, mojaro emas, balki muammoni muvaffaqiyatli qayta qurish boshlanadi. Ikkinchi usul yumshoq ishonchli ta'sirga tegishli. Bu shuni anglatadiki, tarbiyachi ma'lum bir vakolatga ega bo'lib, bolaning xulosalariga ta'sir qilishi va kerak bo'lganda ularni tuzatishi mumkin. Uchinchi usul - tanlov va musobaqalarga ijobiy munosabatni shakllantirish. Aslida, albatta, raqobatga munosabat tushuniladi. Bolada bu atama haqida to'g'ri tushunchani shakllantirish juda muhimdir. Afsuski, ko'pchilik uchun bu salbiy ma'noga ega va boshqa odamga nisbatan shafqatsizlik, ayyorlik va insofsiz harakatlar bilan bog'liq. Maktabgacha yoshdagi bolalarni diniy-axloqiy tarbiyalash dasturlari o'ziga, atrofdagi odamlarga va tabiatga uyg'un munosabatni rivojlantirishni nazarda tutadi. Shaxsning axloqini ana shu yo'nalishlardan biridagina rivojlantirib bo'lmaydi, aks holda u kuchli ichki qarama-qarshiliklarni boshdan kechiradi, pirovardida ma'lum bir tomonga moyil bo'ladi. Amalga oshirish maktabgacha yoshdagi bolalarda diniy-axloqiy fazilatlarni tarbiyalash ba'zi asosiy tushunchalarga asoslanadi. Ta'lim muassasasida siz bolani bu yerni sevishini bildirishingiz kerak. Pedagog o'z mehrini va nazokatini ko'rsata olishi juda muhim, chunki bunda bolalar ota-onalar va tarbiyachilarning harakatlarini kuzatib, bu ko'rinishlarni barcha xilma-xilligi bilan o'rganadilar. Yomon niyat va tajovuzni qoralash bir xil darajada muhimdir, lekin ayni paytda bolani haqiqiy his-tuyg'ularini bostirishga majburlamaslik kerak. Buning siri unga ijobiy va salbiy his-tuyg'ularni to'g'ri va etarli darajada ifoda etishga o'rgatishdir. Maktabgacha yoshdagi bolalarni diniy-axloqiy tarbiyalashning asoslari muvaffaqiyatli vaziyatlarni yaratish va bolalarni ularga javob berishga o'rgatish zarurligiga asoslanadi. Bolaning maqtov va tanqidni to'g'ri qabul qilishni o'rganishi juda muhimdir. Bu yoshda kattalarga taqlid qilish katta ahamiyatga ega. Diniy-axloqiy tarbiyaning asosiy tushunchalari turli yoshdagi bolalarni va ularning xususiyatlarini o'rganish murakkab, bu uzoq vaqt davomida bitta tarbiyachi tomonidan amalga oshirilishi maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar.

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. – O'zbekiston, 2018. – 76 b.
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" Qonuni // "Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori". – T.; Sharq, 1997 – B.20-29.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi 4947-son Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 6-son. 70-modda.
4. Adizov B.R. Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari. Ped. fan. dokt. ... diss. – T: 2003. – 280 b.
5. Azimova N.E. Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchisini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash texnologiyasi. Monografiya. – T.: 2009. – 156 b.
6. Azizho'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. T.: TDPU, 2003. Sodiqova

TARBIYACHI MAHORATI VA FAZILATI - SHAXSIY NAMUNA OMILIDIR

Xaydarova Shaxlo Narzullayevna (O'zbekiston)

Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti

Annotatsiya: Ushbu maqolada Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida faoliyat yuritayotgan pedagog-tarbiyachining pedagogik mahorati, pedagogik qobiliyatlari, pedagogik texnikasi va nutqi haqida bayon etilgan.

Kalit so'zlar: pedagogik mahorat, pedagogik qobiliyat, kasbiy bilimdonlik, pedagogik texnika, mimika, pantomimika, ovoz tempi.

Аннотация: В данной статье описаны педагогические навыки, педагогические умения, педагогические приемы и речь педагога, работающего в организациях дошкольного образования.

Ключевые слова: педагогическое мастерство, педагогические способности, профессиональные знания, педагогическая техника, мим, пантомима, темп голоса.

Abstract: This article describes the pedagogical skills, pedagogical abilities, pedagogical techniques and speech of a pedagogue working in preschool education organizations.

Key words: pedagogical skill, pedagogical ability, professional knowledge, pedagogical technique, mime, pantomime, voice tempo.

Hozirgi zamon tarbiyachisining asosiy fazilatlari o'z kasbiga sadoqatliligi, g'oyaviy e'tiqodliligi, o'z kasbini sevishi, cheksiz sadoqatidir.

Zamonaviy ta'limning asosiy maqsadi jamiyat va davlat uchun har tomonlama rivojlangan jamiyatga, mehnat faoliyatiga ijtimoiy moslashuvchan, o'z ustida ishlay oladigan shaxsni tayyorlashdan iborat. Bundan kelib chiqadiki, zamonaviy tarbiyachiga har tomonlama rivojlangan shaxsni tarbiyalashda tarbiyachining pedagogik mahorati qo'l keladi.

Tarbiyachi yuksak madaniyatli, milliy qadriyatlarimizning targ'ibotchisi hamdir. Tarbiyachining yana muhim fazilatlaridan biri bolalarni sevis, ularni hayoti bilan qiziqishi, har bir bolani hurmat qilishdan iborat. Bolani sevgan, butun kuch va bilimni uni kelajagi buyuk Vatanga sodiq fuqaro qilib tarbiyalashga safarbar qila oladigan kishigina haqiqiy tarbiyachi bo'la oladi. Shuningdek, bugungi kun tarbiyachisi pedagogik odobga ham ega bo'lishi muhim sanaladi. Pedagogik odob tarbiyachining yuksak kasbiy fazilatidir. U tarbiyachining sabotli bo'lishiga, o'z hissiyotlarini idora qila olishiga, bolalarga pedagogik ta'sir o'tkazish vosita va me'yorlarini belgilash hamda aniqlashda yordam bera oladigan muhim fazilat hisoblanadi. Yuksak pedagogik odobga ega bo'lgan tarbiyachigina tarbiyalanuvchilar orasida psixologik iqlim o'rnatiladi, natijada, bolalar qalbiga tez yo'l topadi. O'z o'rnida tashkilotchilik fazilatiga ega bo'lish tarbiyachining tashabbuskorlikda tetik, g'ayratli, o'z kuchi va imkoniyatlariga ishonishiga yo'l ochadi. Bugungi kundagi tarbiyachi maktabgacha ta'lim-tarbiyani tashkil etish, bolalar psixologiyasi, bolalar anatomiyasi va fiziologiyasi, tasviriy faoliyat va xk. fanlardan xabardor bo'lishi lozim.

Tarbiyachi o'z nutqini iroda eta olishi, adabiy nutq me'yorlariga amal qilishi, ovozining baland – pastligiga ya'ni ovoz tempiga ahamiyat berishi, bolalar o'rtasida tarbiyaviy ishlarni tashkil qilinishida yordam beradi.

Tarbiyachi sharqona tarbiya ta'sirini o'zida mukammal etib, uni tarbiyalanuvchilarga ham singdira olmog'i lozim. Buning uchun milliy qadriyatlarimizga xos bo'lgan ma'lumotlarga ega bo'lishi shart. Tarbiyachining tarbiyalanganlik darajasi uning shaxsiy fazilatlarida namayon bo'ladi. Tarbiyachining so'zi, o'zi, kiyinishi hatto yurish - turishi ham bolani tarbiyalaydi. Shunday ekan, tarbiyachi shaxsiy fazilatlarini shakllanishi uning shaxsiy namunasini ifoda etadi.

Tarbiyachining kasbiy sifatleri pedagogik mahorat sirlarini egallashi bilan bog'liqlikdagi masala hisoblanadi. O'z - o'zini tarbiyalab borishda, o'z ustida tinmay ishlashga harakat qilish, kerakli bilim, malaka va ko'nikmalarni egallash kasbiy sifatlarni shakllantirishga zamin hozirlaydi.

Shu bilan birga tarbiyachi pedagogik mahoratga ega bo'lishi o'z sohasini chuqur puxta va atroflicha bilishi, psixologik - pedagogik va metodik - didaktik tayyorgarligida, yoshlarni o'qitish, tarbiyalash va rivojlantirishning optimal yo'llarini izlab topib, amaliy faoliyatida qo'llashida namoyon bo'ladi.

Tarbiyachi faoliyatida pedagogik mahorat tizimiga alohida e'tibor qaratish kerak. Pedagogik mahorat tarkibi quyidagilarni tashkil etadi:

Pedagog-tarbiyachining insonparvarligi; kasbiy bilimdonligi; pedagogik texnikasi; pedagogik qobiliyat;

Pedagog-tarbiyachining insonparvarligi. Insonparvarlik kishining vijdonliligida o'z aksini topadi. Vijdonli kishigina to'g'ri so'z, halol, mehribon bo'ladi. Uning natijasida bolaga to'g'ri yondasha oladi, bolalar o'rtasida ta'lim - tarbiya ishlarini to'g'ri tashkil eta oladi, muhimi bolaga

mehribon bo'ladi. Bolaga mehribonlik qilish yanada munosabatni yaqinlashtiradi. Demak, tarbiyachi, albatta insonparvar bo'lmog'i lozim.

Pedagog-tarbiyachi kasbiy bilimdonlikni oshirib borish uchun o'z ustida quyidagi tizimda ishlashni amalga oshirishi maqsadga muvofiq:

Badiiy adabiyotlarni mutoala qilish, ilmiy konferensiyalarda o'z maqolalari bilan qatnashish va ularda ma'ruza qilish, mutaxassislikka oid yangiliklardan xabardor bo'lish, fan sohalarini chuqur egallab borish, axborot – kommunikatsion texnologiyalar va pedagogik texnologiyalarni faoliyati davomida qo'llash orqali amalga oshiradi. Kasbiy bilimdonligi bo'lgan kishigina mehnat faoliyatini to'g'ri tashkil qila oladi.

Pedagogik texnika - tarbiyachi faoliyatida boshqaruvchilikda ko'rinadi. Pedagogik texnika tizimida mimika, pantomimika ifodalar mavjud. Mimika va pantomimika ifoda, tarbiyachining imo - ishorasida, ma'noli qarashlarida, rag'batlantiruvchi yoki istehzoli tabassumida namoyon bo'ladi va ular tarbiyachi - pedagogik ta'sir ko'rsatishida, mashg'ulotlarni samarali va mazmunli o'tish uchun puxta zamin tayyorlab beradi.

Pedagogning mimikasi o'z fikrlari, kayfiyati, holati, hissiyotini yuz muskullarining harakati bilan bayon qilish san'ati. Yuz va nigoh ifodasi tarbiyachiga katta ta'sir ko'rsatadi. Mimik harakatlar, ifodalar ma'lumotlarning hissiy ahamiyatini kuchaytirib, ularni chuqur o'zlashtirish imkonini beradi. Bolalar tarbiyachiga qarab uning kayfiyatini, munosabatini ilg'ab oladilar. Yuz ifodasida, mimik belgilarida mashg'ulotlarga o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmasligi kerak.

Tarbiyachi faoliyatida uning pantomimik harakati muhim o'rin tutadi. Bu gavda, qo'l, oyoq harakati. Tarbiyachi ma'lumotlarni bayon qilar ekan, gavda holati orqali ma'lumotlarning obrazini chiza olsa, bola bundan zavqlanadi, ichki his - tuyg'ulari, tashqi hissiyotlari bilan qo'shilib butun borliq materiallar mazmunini o'zlashtirishga qaratiladi. Gavdani rost tutib yura bilish, fikrlarini aniq va to'liq bayon qila turib qo'l, boshni turli harakatlarda ifodalash tarbiyachining o'z bilimiga, kuchiga ishonchini bildiradi.

Tarbiyachida quyidagi pedagogik qobiliyat turlari bo'lishi kerak.

Bilish qobiliyati, tushuntira olish qobiliyati, kuzatuvchanlik qobiliyati, nutq qobiliyati, tashkilotchilik qobiliyati, obro' orttira olish qobiliyati, kommunikativ - to'g'ri muomala qila bilish qobiliyati, kelajakni ko'ra bilish qobiliyati, diqqatni taqsimlay olish qobiliyati.

Tarbiyachi - pedagog qobiliyatini mukammallik darajasiga yetkaza olishi zarur. Bu holat bola bilan ishlash jarayonida o'z samarasini berib boradi. Keltirilgan har bir qobiliyat tarbiyachi uchun instrument hisoblanadi.

Xulosa qilganda baliqchiga ov jarayonida qarmoq qanchalik kerak bo'lsa, tarbiyachi - pedagog ham ta'lim - tarbiya jarayonida pedagogik mahoratga shunchalik muhtoj bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. Mavlonova R va b. Pedagogika. - T.: O'qituvchi, 2001. - 510 b.
2. Sayidahmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. - T.: Moliya, 2003. - 120 b.
3. F.R. Qodirova, SH.Q. Toshpo'latova, N.M.Kayumova, M.N.A'zamova. "Maktabgacha pedagogika". "Tafakkur" -T., 2019
4. Djurayeva.D.R. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarga ta'lim-tarbiya berishning zamonaviy tendensiyalari T.: 2015 y. UzPFITI. Uslubiy qo'llanma.

TEATRLASHTIRILGAN O'YINLAR VOSITASIDA MAKTABGACHA KATTA YOSHDAGI BOLALARDA IJODIY QOBILIYATNI SHAKLLANTIRISH

Xasanova Shaxnoza Toxtasinovna(O'zbekiston)

Nizomiy nomidagi TDPU Maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrası dotsenti, (PhD).

Annotatsiya: Ushbu maqolada teatrlashtirilgan o'yinlar vositasida maktabgacha katta yoshdagi bolalarda ijodiy qobiliyatni shakllantirish haqida ma'lumotlar berilgan.

Tayanch tushunchalar: adabiy asar, ertak axloqiy, do'stlik, mehr-oqibat, halollik, jasorat, ijtimoiy xatti-harakatlar, ko'nikmalarini shakllantirish.

Аннотация: В данной статье представлена информация о формировании творческих способностей у детей дошкольного возраста посредством театральных игр.

Ключевые слова: литературное произведение, мораль сказки, дружба, доброта, честность, смелость, социальное поведение, формирование навыков.

Abstract: This article provides information on the formation of creative abilities in children of preschool age by means of theatrical games.

Key words: literary work, moral of a fairy tale, friendship, kindness, honesty, courage, social behavior, formation of skills.

Teatr faoliyati bolalar ijodiyotining eng keng tarqalgan turidir. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun har bir adabiy asar yoki ertak har doim axloqiy yo‘nalishga ega (do‘stlik, mehr-oqibat, halollik, jasorat va boshqalar), ular tufayli ijtimoiy xatti-harakatlar ko‘nikmalarini shakllantirish tajribasini shakllantiradi. Ertaklar tufayli bola dunyoni nafaqat aqli bilan, balki qalb bilan ham o‘rganadi. Va nafaqat biladi, balki yaxshilikka ham, yomonga ham o‘z munosabatini bildiradi. Sevimli qahramonlar ideallariga aylanishadi. Aynan bolaning qahramonlarga taqlid qilish qobiliyati tarbiyachi-pedagoglarga teatr faoliyati orqali bolalarga ijobiy ta’sir ko‘rsatishga imkon beradi.

Aynan teatr faoliyati bolaga muammolarni personaj orqali bilvosita hal qilishga imkon beradi. Bu uyatchanlikni yengishga, o‘ziga ishonchni ortishiga olib keladi. U o‘yin bilan bog‘liq bo‘lganligi sababli bola shaxsiga yaqin va tushunarli, chunki u bola tabiatida o‘z-o‘zidan aks ettiriladi.

Teatr o‘yinlari qobiliyatlarni rivojlantiradi, umumiy rivojlanishga yordam beradi, qiziquvchanlikni namoyon qiladi, yangi narsalarni o‘rganishga intiladi, ma’lumot va yangi usullarni o‘zlashtirish, fikrlashni rivojlantiradi, qat’iyatlilikni shakllantiradi. Bundan tashqari, ushbu o‘yinlar ijodiy qobiliyatlarni va ma’naviy ehtiyojlarni rivojlantiradi, o‘ziga bo‘lgan hurmatni oshiradi.

Teatr faoliyatining ta’lim imkoniyatlari keng. Unda ishtirok etgan bolalar rasmlar, ranglar, tovushlar, mohirlik bilan berilgan savollar orqali atrofdagi dunyo xilma-xilligi bilan tanishadilar, ularni o‘ylashga, tahlil qilishga, xulosa chiqarishga va umumlashtirishga majbur qiladilar. Aqliy rivojlanish nutq bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, uni yaxshilaydi. Mazkur mashg‘ulotlar bola nutqini personajlarga taqlid etish harakati tufayli yaxshilanib boradi. Amalga oshirilgan rol, aytilgan gaplar bolani aniq, qisqa va lo‘nda o‘z fikrini ifoda etishga o‘rganadi. U o‘zining dialogik nutqini, uning grammatik tuzilishini yaxshilaydi.

Pedagoglarning o‘z ish faoliyatlarida maktabgacha tarbiya yoshidagi bolani tarbiyalash va ta’lim berishda teatrlashtirilgan o‘yinlarning ahamiyatini yaxshi tushunib, undan foydalanishlari lozim. Ijodiy faollik, ijodiy faoliyatni rivojlantirish uchun sharoit yaratish, teatr madaniyati bilan tanishtirish, uni pedagogik jarayonda boshqa faoliyat bilan aloqasini ta’minlash xar bir pedagogning o‘z oldiga qo‘ygan vazifalaridan biri hisoblanadi. Xar bir yosh guruhda, avvalambor, bolalarning teatr qobiliyatlarini rivojlantirish uchun muayyan sharoitlarni yaratish: teatr zonasi, reja, tegishli adabiyotlarni tanlash, turli xil qo‘g‘irchoqlar tayyorlash.

L.S.Vigotskiy ijodiy faoliyatning yetarlicha kuchli asoslarini yaratish uchun bolaning tajribasini kengaytirish kerak deb hisoblagan. Stol va barmoq teatrlari, flanelegraf va dramatisatsiyalashgan o‘yinlar orqali bolalarda san’atkor bo‘lish istagi uyg‘otiladi.

Maktabgacha kichik yoshdagi bolalarda teatrning eng oddiy va qiziqarli turi bu - barmoq teatridir. Barmoqlar bilan o‘ynash – teatr faoliyati bilan tanishishning birinchi qadamidir. Bu atributlarsiz teatr hisoblanib, qahramon va uning hayoti bola uchun muhim bo‘ladi. Ajablanarlisi shundaki, ushbu qiyin vazifani bola osonlikcha tushunadi. Shu bilan bir qatorda, u yaxshi tanish she’rlar va qahramonlarni muvaffaqiyatli solishtiradi. Bolalar bilan mashg‘ulotlar jarayonida ulardagi yuz ifodasi, o‘yin improvizatsiyalaridan foydalanib, o‘zlarining personajlari uchun ekspressiv xususiyatlarni topishga yordam berish lozim.

Maktabgacha katta yoshdagi bolalarda teatr o‘yinlarini tashkil qilishda bolalarning mustaqil fikrlash ko‘nikmalarini, boshqa odamning hissiy holatini tushunishni o‘rgatish va his etishni rivojlantirish kerak. E’tiborni, qo‘rquvni, quvonchni, zavqlanishni va qayg‘uni ifoda etish uchun eskizlar bunga yordam beradi: «Men nima yeyayotganimni biling», «Qayerda ekanimni bilib

oling», «Tulkioy eshitib turibdi» va boshqalar. Dramatizasiyalashgan o'yinlar jarayonida bolalar rollarni ta'sirchan ifoda etishga, mustaqil ravishda tomoshalar ko'rsatishga, rollarni taqsimlashga harakat qiladilar. «G'oz-oqqushlar», «Uch kichkina to'ng'iz», «Qizil shapkacha» kabi ertaklarni kichik guruh tarbiyalanuvchilari va ota-onalarga katta istak bilan namoyish etadilar.

Ota-onalar teatr faoliyatiga katta qiziqish bildirishadi, teatr uchun kostyumlar, qo'g'irchoqlar tayyorlashda yordam berishadi, bolalar bilan hamkorlikda tomoshalarda rol ijro etishadi. Shuningdek, ota-onalar bilan: «Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni teatr san'atiga qiziqishni qanday oshirish?» mavzusida suhbatlar; «Teatr o'yinlari maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirish vositasi», «O'yin va teatr», «Teatr va ota-onalar» mavzusida maslahatlar; «Maktabgacha teatr dunyosi» mavzusida ota-onalar va tarbiyachi-pedagoglar uchrashuvlari; «Teatr uchun eng yaxshi qo'g'irchoq», «Eng yaxshi teatr niqobi» mavzusida tanlovlar o'tkazish bolalarda teatr faoliyatiga yanada kizikish uyg'otadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda teatr o'yinlari o'z samarasini bermoqda: bolalar faollashadilar va so'z va nutq boyligi oshadi, o'zlarini erkin tutish ko'nikmalarini egallaydilar, muloqot qilish va eng muhimi, ular emotsional rivojlanadilar. Bolalar «Teatr» so'zini eshitganlarida ularning ko'zlari quvonchdan chaqnaydi, sevinch uchqunlari porlaydilar, yuzlari tabassumdan yorishadi.

Adabiyotlar:

1. Ye.A.Antipova. Maktabgacha ta'lim muassasasida teatrlashtirilgan faoliyat. –M.: TS «Sfera», 2006.
2. M.D.Maxanyova. Maktabgacha ta'lim muassasasida teatrlashtirilgan faoliyat darslari. – M.: TS «Sfera», 2007.

AXBOROT JAMIYATI VA RAQAMLASHTIRISH DAVRIDA OILADA YOSHLAR MUOMALA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA MA'NAVIY-AXLOQIY IMPERATIVLARNING O'RNI

Egamberdiyeva Nafisa Mustafayevna (O'zbekiston)
f.f.fd.(PhD) "Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi"
kafedra katta o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada hozirgi kundagi raqamli iqtisodiyot shuningdek raqamli iqtisodiyotda axborotlar haqiqiyligini ta'minlash, axborot xavfsizligi va undan himoyalashda oilaviy muhit va ma'naviy –axloqiy imperativlar o'rni to'risida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: Axborot xavfsizligi, Raqamli iqtisodiyot, Oila, ma'naviyat, oilaviy muhit, axloq tamoillari, oilaning vazifalari

Аннотация: В данной статье рассматривается современная цифровая экономика, а также роль семейной среды и морально-этических императивов в обеспечении достоверности информации в условиях цифровой экономики, информационной безопасности и защиты от нее.

Ключевые слова: Информационная безопасность, Цифровая экономика, Семья, духовность, семейная среда, моральные принципы, семейные обязанности.

Annotatsion: This article discusses the current digital economy, as well as the role of the family environment and moral and ethical imperatives in ensuring the authenticity of information in the digital economy, information security and protection from it.

Key words: Information security, Digital economy, Family, spirituality, family environment, moral principles, family duties

Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot hayotimizga juda tez sur'atlar bilan kirib kelmoqda. Shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada tezlashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati tomonidan bir qancha muhim qarorlar qabul qilinmoqda. Avvalo shuni ta'kidlab o'tish kerakki, raqamli iqtisodiyot o'zaro bog'liq bo'lgan ishlab chiqarish va

boshqaruv jarayonlarining zanjiridan iborat bo'lib, uning ajralmas elementi zanjirlararo (insonlararo, mashinalararo, axborot markazlararo) raqamli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladigan ma'lumot almashinishdir.

Jamiyatda axborot almashuvi tezligi yuksaladi, axborotlarni yig'ish, saqlash, qayta ishlash va ulardan foydalanish bo'yicha ilg'or axborot – kommunikatsiyalar texnologiyalarini qo'llash kengayadi. Turli xildagi axborotlar xududiy joylashishidan qat'iy nazar bizning kundalik hayotimizga Internet halqaro kompyuter tarmog'i orqali kirib keldi. Axborotlashgan jamiyat shu kompyuter tarmog'i orqali tezlik bilan shakllanib bormoqda. Axborotlar dunyosiga sayohat qilishda davlat chegaralari degan tushuncha yo'qolib bormoqda. Jahon kompyutertarmog'i davlat boshqaruvini tubdan o'zgartirmoqda, ya'ni davlat axborotlarning tarqalishi mexanizmini boshqara olmay qolmoqda. Shuning uchun xam mavjud axborotlarga noqonuniy kirish, ulardan foydalanish va yo'qotish kabi muammolar dolzarb bo'lib qoldi. Bularning bari shaxs, jamiyat va davlatning axborot xavfsizligi darajasining pasayishiga olib kelmoqda. Davlatning axborot xavfsizligini ta'minlash muammosi milliy xavfsizlikni ta'minlashning asosiy va ajralmas qismi bo'lib, axborot himoyasi esa davlatning birlamchi masalalariga aylanmoqda. Axborotning muhimlik darajasi qadim zamonlardan ma'lum. Shuning uchun ham qadimda axborotni himoyalash uchun turli xil usullar qo'llanilgan. Ulardan biri – sirli yozuvdir. Undagi xabarni xabar yuborilgan manzil egasidan boshqa shaxs o'qiy olmagan. Asrlar davomida bu san'at – sirli yozuv jamiyatning yuqori tabaqalari, davlatning elchixona rezidentsiyalari va razvedka missiyalaridan tashqariga chiqmagan. Faqat bir necha o'n yil oldin hamma narsa tubdan o'zgardi, ya'ni axborot o'z qiymatiga ega bo'ldi va keng tarqaladigan mahsulotga aylandi. Uni endilikda ishlab chiqaradilar, saqlaydilar, uzatishadi, sotadilar va sotib oladilar. Bulardan tashqari uni o'g'irlaydilar, buzib talqin etadilar va soxtalashtiradilar. Shunday qilib, axborotni himoyalash zaruriyati tug'iladi. Maxfiy va qimmatbaho axborotlarga ruxsatsiz kirishdan himoyalash eng muxim vazifalardan biri sanaladi. Kompyuter egalari va foydalanuvchilarning mulki huquqlarini himoyalash - bu ishlab chiqarilayotgan axborotlarni jiddiy iqtisodiy va boshqa moddiy hamda nomoddiy zararlar keltirishi mumkin bo'lgan turli kirishlar va o'g'irlashlardan himoyalashdir.

Axborot xavfsizligi deb, ma'lumotlarni yo'qotish va o'zgartirishga yo'naltirilgan tabiiy yoki sun'iy xossali tasodifiy va qasddan ta'sirlardan harqanday tashuvchilarda axborotning himoyalanganligiga aytiladi. Ilgarigi xavf faqatgina konfidentsial (maxfiy) xabarlar va xujjatlarni o'g'irlash yoki nusxa olishdan iborat bo'lsa, hozirgi paytdagi xavf esa kompyuter ma'lumotlari to'plami, elektron ma'lumotlar, elektron massivlardan ularningegasidan ruxsat so'ramasdan foydalanishdir. Bulardan tashqari, bu xarakatlardan moddiy foyda olishga intilish ham rivojlandi.

Axborotning himoyasi deb, boshqarish va ishlab chiqarish faoliyatining axborot xavfsizligini ta'minlovchi va tashkilot axborot zaxiralarining yaxlitiligi, ishonchliligi, foydalanish osonligi va maxfiyligini ta'minlovchi qat'iy reglamentlangan dinamik texnologik jarayonga aytiladi. Axborotning egasiga, foydalanuvchisiga va boshqa shaxsga zarar yetkazmoqchi bo'lgan nohuquqiy muomaladan xar qanday xujjatlashtirilgan, ya'ni identifikatsiya qilish imkonini beruvchi rekvizitlari qo'yilgan xolda moddiy jismda qayd etilgan axborot ximoyalaniishi kerak.

Inson bolasi dunyoga kelar ekan u mustaqil harakatlanishi, yurish, o'qish, yozishdan boshlab tabiat va jamiyatning barcha murakkab qonunlari bilan yuzma-yuz kelganda nimalar qilish kerakligiga o'rgatiladi, yoki bunga maxsus o'qitiladi. Shaxs sifatida shakllanib, so'ng o'zi yashayotgan davlatining fuqarosi sifatida o'z davlatining iqtisodiyoti, ijtimoiy hayoti taraqqiyotini ta'minlovchi, hal qiluvchi omil bo'lgan yoshlarning ma'naviy-axloqiy kamolotida oilaning o'rni beqiyosdir.

Oilada shaxsni axloqiy shakllantirish bolaning tug'ilishidan boshlanadi. U ko'pgina omillar ta'sirida tarkib topadi. Bu omillar oilaviy munosabatlar xarakteri, ota-onalarning namunasi, ulardagi umumta'lim darajasi, umummadaniy saviyasi hamda ularning pedagogik madaniyati va nihoyat oilaviy hayotning tashkil etilishidan iborat.

Oila boshqa turdagi kichik guruhlardan o'zining bir qator jihatlari **birinchidan**, oila ko'p muddatga, ya'ni bir necha o'n yillar va ko'p yillarga mavjud bo'ladi;

ikkinchidan, oilada shaxslararo munosabatlarning bir necha turlari amalga oshadi, ya'ni milliy mafkuramizga oid ilk tushunchalar, avvalo oila muhitida singadi va bu jarayon bobolar o'giti, ota ibрати, ona mehri orqali amalga oshadi. Bunda oilaviy munosabatlarda tarbiyaviy, psixologik, hissiy, moliyaviy, jinsiy va boshqa vazifalarning amalga oshirilishi kuzatiladi;

uchinchidan, oiladagi barcha munosabatlar zaminida salbiy yoki ijobiy holatlar yuzaga keladi, ya'ni oila a'zolaridan kimningdir kimgadir ta'siri oqibatida shaxs yoki yaxshi shakllanishi va komil inson darajasiga yetishi yoki tarbiyasi og'ir, xulqi buzuvchi odam bo'lib tarbiyalanishi mumkin [1].

O'zbek oilasining yuqoridagi ijtimoiy-psixologik klassifikatsiyasi, ularga xos psixologik xususiyatlar mutaxassis (sotsiolog, psixolog)lar tomonidan ilmiy o'rganilishi va yoshlarning ma'naviy-axloqiy sifatlarini rivojlantirishga xizmat qilishi kerak. Buning uchun hozirgi zamon oilasining asosiy vazifalarini yoshlar ongida to'g'ri shakllantirishga e'tiborni kuchaytirish lozim:

Jumladan:

- Oilaning iqtisodiy vazifasi oilada o'sayotgan bola ham oila iqtisodi, budjeti, daromadini rejali sarflash, mana shu malaka va ko'nikmalarga ega bo'lib borishi zarurligi-ni unutmagan holda bolaga iqtisodiy masalalarni hal etishni o'rgata borish lozim.

- Oilaning reproduktiv vazifasi Oila faqatgina yangi avlodni dunyoga keltiribgina qolmasdan, ularni insoniyat paydo bo'lgan davrdan boshlab yashab kelayotgan ilmiy va madaniy yutuqlari bilan tanishtirish, ularning salomatligini saqlab turishdan ham iboratdir.

- Oilaning tarbiyaviy jarayonidir. Bolalarning aqliy, jismoniy, axloqiy, estetik tarbiyasiga asos soladigan bo'g'inidir.

- Oilaning kommunikativ vazifasi oila a'zolarining o'zaro muloqot va o'zaro tushunishga bo'lgan ehtiyojini qondirishga xizmat qiladi. Psixologik tadqiqotlarda ta'kidlanishicha, turli ijtimoiy yo'nalganlik, ustanovkalar, hissiy madaniyat, odamning axloqiy, ma'naviy va psixologik salomatligi-oiladagi o'zaro, ichki muloqot xarakteri, oiladagi katta a'zolarining muloqotda psixologik ustanovkalarni namoyon qilishlari, oiladagi axloqiy-psixologik iqlimga to'g'ridan to'g'ri bog'liqdir.

- Oilaning felitsitologik vazifasidir (italyancha «felitsite» — baxt). Shaxsiy baxtga erishishga intilish hissini yosh avlodda shakllantirishda oilaviy munosabatlar tizimida ko'p jihatdan hal qiluvchi o'ringa ega [2].

Oilada axloqiy tarbiyaning rolini ko'rsatish, unda ota-bobolarimizdan meros bo'lib qolgan axloqiy fazilatlarni egallashning naqadar ahamiyatli ekanligini ilmiynazariy jihatdan tahlil etish juda muhimdir. Donishmandlar fikricha, mehnat insonni uch balodan: yurak siqilishidan, axloqiy buzilishdan, muhtojlikdan saqlaydi [3].

Oiladagi imperativlar hammaga majburiy bo'lgan rasmiy odob –axloq talabidir. **IMPERATIV** (lot. imperativus — buyu-ruvchi) — talab, buyruq, qonundir. Imperativ shartli va qat'iy Imperativga bo'linadi. SHartli (taxminiy) Imperativ ma'lum shartsharoitlardagina amal qiladi, qat'iy Imperativ — muqarrarlik (bo'lishi keraklik)ni ifoda etadi. U yurishturishda rioya etilishi kerak bo'lgan shakl va qoidani belgilab beradi.

Foytalanilgan adabiyotlar

1. G'. B. Shoumarov. —Oila psixologiyasil. — T.:«SHARQ», 2010.
2. A. Zunnunov. O'rta osiyoda pedagogik fikr taraqqiyotidan lavhalar. — T.: Fan, 1996.
3. G'. B. Shoumarov. —Oila psixologiyasil. — T.:«SHARQ», 2010.

KONFLIKTOLOGIK MADANIYATNING TARKIBIY TUZILISHI TO'G'RSIDA AYRIM MULOHAZALAR

**NavDPI, Maktabgacha ta'lim kafedrası o'qituvchisi
Davlatova Zebo Haydarovna**

Ma'lumki, shaxsning konfliktologik madaniyati mazmuni mas'uliyat, erkinlik, shaxsiy mustaqillik va o'zini o'zi anglashning gumanistik qadriyatlariga asoslangan va eng maqbul tarzda namoyon bo'ladigan fikrlash, his-tuyg'ular, tasavvur, muloqot va xulq-atvor madaniyatini, xatti-harakatlarning nizoli vaziyatga mos uslublarini o'z ichiga olgan integral sifatni anglatadi. Shu bilan birga uning tuzilishi to'g'risida ham turlicha yondashuvlar mavjud. Jumladan, O.I.Shcherbakov konfliktologik madaniyat insonning nizoli holatlarga tayyorgarligining eng yuqori darajasi, deb biladi va konfliktologik tayyorgarlikni quyidagi tarkibiy qismlarga ajratadi:

1) konfliktologik savodxonlik - bu mojarolarni tahlil qilish va ular bilan ishlash mexanizmi va texnologiyalarini bilishda emas, balki ularni intuitiv tushunishda namoyon bo'ladigan eng asosiy daraja bo'lib, u umuman shaxsga nizolarni konstruktiv tarzda hal qilishga imkon beradi.

2) konfliktologik kompetentsiya - konfliktologik tayyorgarlikning ikkinchi darajasi bo'lib, u o'quv jarayonida maxsus shakllantirilgan va ishlab chiqilgan konflikt haqidagi ilmiy va amaliy bilimlar tizimidan iborat.

3) konfliktologik madaniyat - bu shaxsning konfliktlarni boshqarishning eng yuqori darajasi [3].

U bir kompleksga bog'langan va bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lgan turli xil tarkibiy qismlardan ("madaniyatlar") iborat. Ushbu kompleksning elementlari quyidagilardan iborat: fikrlash madaniyati, his-tuyg'ular madaniyati, kommunikativ madaniyat, ma'naviy qadriyatlar madaniyati, konfliktologik xulq-atvor madaniyati.

